



**Jamoatchilik kengashi raisi:**  
Abdulla ORIPOV

**Jamoatchilik kengashi:**  
Akramjon ADIZOV  
Feruz MUHAMMADJONOVA  
Abulqosim MAMARASULOV  
Ahmad OTABOYEV  
Minhojiddin MIRZO  
Shuhrat SIROJIDDINOV  
Ahmad USMONOV

**Bosh muharrir:**  
**Sobir O'NAR**

**Bosh muharrir o'rinbosari:**  
Luqmon BO'RIXON

**Mas'ul kotib:**  
Akbarali MAMASOLIYEV

**Tahrir hay'ati:**  
Bobur ALIMOV  
Iqbol MIRZO  
Abduqayum YO'LDOSHEV  
Abdusaid KO'CHIMOV  
Sirojiddin SAYYID  
Alisher NAZAR  
O'rozboy ABDURAHMONOV

**Sahifalovchi:** Saodat RUSTAMOVA  
**Rassom:** Dadaxon BAHODIROV

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

**Manzilimiz:**  
Toshkent. sh.  
O'zbekiston shohko'chasi, 16-«a» uy.

**E-mail:** yoshlik-xatlar@rambler.ru

**Tel/faks:** (8371) 227-0-227,  
245-5-793, 245-0-552



© "Yoshlik" № 8 (249) 2011 y.

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,  
«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati muassisligidagi  
yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali  
1982 yildan chiqa boshlagan.

## MUNDARIJA

<b>BUYUK VA MUQADDASSAN, MUSTAQIL VATAN!</b>	
Abduhamid MUXTOROV. Erkin vatanda yashamoq baxti. ....	2
<b>MULOQOT</b>	
Xurshid DO'STMUHAMMAD. Ma'naviy tarsaki og'rig'i. ....	5
<b>ADIB XONADONIDA</b>	
Husniddin SHARIPOV. Taqdir. ....	14
<b>NAZM</b>	
G'ulom MIRZO. Shashqator nomalar. ....	11
O'roz HAYDAR. Yulduzlar sochilar misoli marjon. ....	32
<b>NASR</b>	
Jamila ERGASHOVA. Zulfizar. Qissa. ....	20
<b>BIRINCHI UCHRASHUV</b>	
Go'zal JUMANIYOZOVA. Senga yuragimda aytar so'zim bor. ....	49
Nargiza ABDULLAYEVA. Kichik hikoyalar. ....	59
Jamila BONU. Xayol daryosida suzaman sokin. ....	60
<b>JAHON HIKOYACHILIGI</b>	
Robert SHEKLI. Shaki. Fantastik hikoya. ....	50
<b>MUTOLAA</b>	
Bahrom RO'ZIMUHAMMAD. Kerakli bo'lish saodati. ....	56
<b>TADQIQOT</b>	
Shoira DONIYOROVA. Yangi talqinlar. ....	61
<b>YELPUG'UCH</b>	
Abdulla Ahmad. Ismini boshqa qo'ymoqchi. Hajviya. ....	63

Bosishga 23. 08. 2011 yilda ruxsat berildi. Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 8,7. Indeks 822. ISSN 0207-9137. Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan № 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan. Jurnalndan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi» deb izohlanishi shart. «O'qituvchi» NMIU bosmaxonasida chop etildi. Buyurtma № 135/11. Adadi 3475 dona. Toshkent shahri, Yunusobod tumani, «Yangishahar» ko'chasi, 1-uy.



Абдуҳамид МУХТОРОВ

## ЭРКИН ВАТАНДА ЯШАМОҚ БАХТИ

...Фурсат дарёси шиддат билан оқиб ўтаяпти. Уни на-да оний сонияга тўхтатмоқ, на-да суръатини сусайтирмоқ наинки бир инсон ёинки гуруҳ, балки бутун бани башар ихтиёрида эмас. Фурсат дарёси тиним билмай, абадул-абад оқаверади, оқаверади. Бизгача ҳам шундай бўлиб келган, биздан сўнг ҳам шундай бўлиб қолажак. Балки шу сабабдандир вақтни “Олий ҳакам” дейдилар.

Дарҳақиқат, шундай. Илло, фақат Вақтгина адолат мезони сифатида олис-яқин кечмишга, кеча ва бугунги воқеа-ҳодисотларга ўзининг холис баҳосини беради.

Гўё ҳаммаси тушунарли, гўё ҳаммаси аён. Ҳаёт ўз темир қонуниятлари ила, тамаддун босқичларини бирма-бир ўтиб илгарилаб бораяпти. Аммо айни дамда Тириклик аталмиш Мўъжизанинг воқелиқда намён бўлишининг инсон ақлини шошириб қўядиган, юракларда ҳайрат ва ҳаяжон, эҳтиром пўртаналарини уйғотадиган яна бир ўзига хослиги бор. Бу вақтнинг нисбийлигидир.

Кимё фанида оддий қонуният бор. Яъни шаклан бир хил бўлган углерод унсурларининг у ёки бу тартибда жойлашишига қараб гоҳ оддий графит ёинки кўмир пайдо бўлади, гоҳида эса ярақлаган олмос.

Ҳамма гап – моҳиятда. Айнан шу сабабли ҳам инсон умри тақвим йиллари саноклари билан эмас, мазмун-маъзи билан ўлчанади. Айнан шу сабабли ҳам мозий воқелиқлари баҳоланганида асрлар сони миқдорини эмас, ўша воқелиқларнинг Инсониятга, муайян эл-юрт, миллатга нима бера олганлигини мезон сифатида оладилар.

Она Ватанимиз Ўзбекистон Истиқлолга эришганига эндигина йигирма йил бўлаяпти. Оқсоч тарих учун йигирма йил нима деган гап – киприк қоққунчалик фурсат, холос. Аммо бу йиллар ичида эришилган олам-

шумул ютуқларни, муваффақиятларни бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а! Маънавиятимиздаги бемисл ижобий ўзгаришлар-чи!

Бармоқ букиб Мустақиллик даврида қўлга киритилган ютуқларнинг фақат айримларини санаб ўтишнинг ўзиёқ Ўзбекистон қисқа давр ичида юз, эҳтимолки юз эллик йиллик тараққиётга эришганидан шоҳидлик бериб турибди.

Мана шу эмасми Вақтнинг нисбийлиги. Биз учун оддий кўринган фурсат моҳиятида қанчалар ижодкорлик, имконият ва том маънода мўъжизалар яшириниб ётганлигига Ватанимизнинг бор-йўғи йигирма йиллик Мустақиллиги даври ҳосилаларини кўриб-билиб туриб яна бир бор иқрор бўлаемиз.

Албатта, эришилган улкан муваффақиятларнинг ҳаммаси кўқдан чалпақдек ёғилмади ёки уларни бировлар четдан келиб, бизга тайёр луқма шаклида ҳозирлаб беришмади. Асло! Бу ютуқларнинг ҳаммаси Юртбошимиз раҳнамолигида она халқимиз томонидан, демак, сизу биз томондан, ҳалол меҳнат, изланувчанлик, пешона тери эвазига амалга оширилди. Биз мана шу улуғ яратувчанлик жараёнига гувоҳ бўлганимиздан, унда бевосита иштирок этганимиздан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди. Не тонгки, биз моҳиятан маъзи тўқ шиддаткор даврда яшамоқдамиз. Шунинг ўзи ҳам Инсонга ато этилган энг улуғ саодатлардан бири эканлигига шубҳамиз йўқ.

Ортиқча манманликдан Яратганнинг ўзи асра-син, лекин ўзбек халқидек меҳнаткаш, мўмин, закий, салоҳиятли халқ бу дунёда бошқа топилмаса керак. Юртбошимиз ҳам бу ҳақда фахр билан шундай деган эди: “Агар мендан, дунёдаги энг содда, энг оққўнғил миллат ким, деб сўраса, ўзбек миллати, ўзбек халқи деб айтган бўлар эдим”.

Ўзбек халқи кейинги юз йилликлар мобайнида не-не кулфатларни бошидан ўтказмади, не-не истилоларга учрамади, не-не тазйиқларга дучор бўлмади. Аммо бу халқ сира бошини эгмади, кишанларни парчалаб ташлади.

Инсоният тарихи урушлар тарихидир, дейишади. Бу гапда жон бор албатта. Аммо айни пайтда инсоният тарихи махфий урушларга тайёргарликлар, фитналар тарихи ҳамдир.

Маълумки, Мовароуннаҳр ўрта асрларда ички низолар, зиддиятлар гирдобиди эди. Буюк соҳибқирон Амир Темур вафотидан кейин улкан салтанат парчаланиб кетди, майда ва тарқоқ давлатчалар пайдо бўлди. Натижада бир-бирига доимий адоватда бўлган Қўқон ва Хива хонлиги, Бухоро амирлиги юзага келди. Бу давлатлар етакчилари халқни, унинг фаровонлигини ўйлашдан кўра, кўпроқ ўз ҳудудларини кенгайтириш ҳақида бош қотира бошладилар. Миллий низо, уруғчилик, тала-тала авж олди. Бир миллат вакили ўзининг миллатдошига қарши болта ва ёй кўтариб борди. Натижада ҳар уччала давлат ҳам кучсизланди. Шундай бир шароитда подшоларнинг, амалдорларнинг айш-ишратга, бойликка муккасидан кетиши, йўқсилларнинг янада кафангадо бўлиши халқнинг сабр-косасини тўлдирди.

Россия империяси тўғридан-тўғри кучсизланган, тарқоқ Ўрта Осиё давлатларини босиб олиш ҳаракатига тушиб қолди. Бунинг учун эса уларни бир-бирларига қарши гиж-гижлашга, орага нифоқ уруғини сочишга тушди...

Мозийни нима учун эсга олмоқдамиз? Ўзбек халқи деярли бир ярим аср мобайнида мустамлакачилар зулми остида бўлди. Аввалига чоризм, кейин большевиклар.

1917 йилги Октябр тўнтаришидан кейин ҳокимият тепасига чиққан большевиклар маккорликда чоризм пешволарини ҳам доғда қолдириб кетишди. Улар яхлит ва кучли салтанат бўлган Мовароуннаҳр ҳудудида бир йўла бешта республика ташкил этдилар. “Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил!” сиёсати бу гал янада аниқроқ ва шафқатсизроқ тарзда намоён бўлди.

Бу ўринда собиқ Шўро давлати олиб борган қатағон сиёсати, бунинг натижасида миллатимиз фахри бўлган минг-минглаб, юз минглаб зиёлилар, адиблар, олимлар, дин пешволари жисмонан йўқ этилгани хусусида батафсил тўхталиб ўтирмоқчи эмасмиз. Аммо бу манфур сиёсатнинг бир жиҳати алоҳида эътибор қаратиш лозим. Яъни шўролар халқнинг иродасини синдириш, руҳиятини ўлдириш учун унинг энг катта маънавий бойлиги бўлган – имон-этиқодига, динига ҳужум қилдилар. Динсизлик мисли кўрилмаган даражада тарғиб қилинди. Диндорлар худди шу даражада таъқиб этилди. Инқилоб манфаатлари учун рус черковларининг тиллаларини қўпориб олишдан уялмаган Ленин худди шу манфаатлар йўлида иблис билан оғиз-бурун ўпишишга тайёр эканлигини билдирган. Натижада рус аэропланлари, бомбалари остида қадимий бебаҳо осори-атиқалари, бинолари вайрон бўлишидан чўчиб таслим бўлган Бухоронинг вагон-вагон олтинлари ҳам четга ташиб кетилган. Исломи динининг энг илғор марказларидан бирига айланган Мовароуннаҳрда масжидлар таланди, улар ташландиқ

ҳолга келтирилди. Масжидлардан омборлар сифатида фойдалана бошланди.

Ваҳоланки, эътиқод халқ руҳиятини, маънавиятини суяб турғувчи тиргақдир. Бундай тиргақдан жудо бўлган миллат таназзулга юз тутиши мумкин.

Юртбошимиз Исломи Каримов бу ҳақиқатни жуда теран англаган ҳолда, қуйидаги қимматли мулоҳазаларини билдириб ўтади: *“Барчамизга яхши маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустақамлаб келаётган гоё ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир.*

*Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз”.*

Албатта, халқимиз сабр-тоқатли, аммо ҳар нарсанинг ҳам чегараси бор. Шўро даврида ҳам миллатни оммавий равишда манқуртлаштиришга олиб келишга уриниш ўзининг самарасини бермади. Айнан ўтган асрнинг саксонинчи йилларига келиб халқимиз онг-шуурида, тафаккурида, руҳониятида улкан ижобий ўзгаришлар юз кўрсата бошлади. “Биз кимнинг авлодимиз? Ота-боболаримиз ким бўлишган? Биз аждодларга муносиб авлод бўла олдикми?” сингари изтиробли саволлар нафақат зиёлиларни, балки деярли барча фуқароларнинг қалбини безовта қила бошлади.

Ахир биз кимнинг авлодимиз? Жаҳон фани, тиббиёти, санъати, исломи тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Закариё ар-Розий, Мирзо Улуғбек Муҳаммад Тарағай, Али Қушчи, Имом Исмоил ал-Бухорий, Термизий, Аҳмад Яссавий, Абдуллоҳиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Югнакий, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний каби юзлаб, минглаб даҳолар-ку бизнинг аждодларимиз.

Зеро, ўтмиши буюк халқнинг нафақат келажаги, балки бугуни ҳам буюк бўлиши керак эмасми? Мисол учун, ҳажга бориб келиш учун Масковдан рухсат сўрасанг, рухсат олиш ўзи машаққатли иш бўлса; ён қўшнинг бўлган Арабистонга Масков орқали учсанг? Бу кичкина мисол, холос. Аммо томчида қуёш акс этганидай, мана шу мисолнинг ўзидаёқ ўша йиллардаги туриш-турмушимиз, воқелигимиз, бир сўз билан айтганда борлигимиз намоён бўлади.

Бунинг устига кулларча эзилиб меҳнат қилаётган, пахта яккаҳокимлигидан жабр кўраётган, оғзи-бурни кимёвий дориларга тўлган халқни “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши” деган баҳоналар билан оммавий равишда порахўрликда айблашса. Жаннатмонанд тупроқда яшаётган, ўзининг нефти, олтини, газни, турли қимматбаҳо қазилмаларига эга юрт халқини “Сен боқимандасан!” деб ҳақорат қилишса! Москвалик “десантчи терговчи”лар келиб каттадан кичик маҳаллий

рахбарларни қамоққа тикаверса! Маҳаллий рахбар кадрлар ўрнини Москвадан келган на тилни, на урф-одатларни биладиган мутахассислар эгалласа. Армиямиздан йигитларимиз жасади солинган тобутлар кетма-кет келаверса. Чорасизликда қолган аёллар исён рамзи ўлароқ ўзларига ўт қўйса... Табиатнинг энг улуғ неъматини бўлган она сутида оғу топилса... Ижтимоий адолатсизликлар, камбағаллик ортидан юзага келган низога энг юксак минбарлардан “бир коса қулупнай” сабабчи қилиб кўрсатилса. Икки қондош-жондош миллат орасига нифоқ солинса. Марказий матбуот ва телевидение халқнинг бошига тинмай мағзава ағдариб турса... Бу жараёнда, бу талотўпда Чингиз Айтматовдай улуғ адибнинг ўзбек халқини кўкларга кўтарган «Ўзбек халқининг тарихи жуда кўҳна ва бой. Қадим ўзбек маданиятининг Марказий Осиёга кўрсатган таъсирини кўҳна Византиянинг қадим Римга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин», деган ҳаққоний эътирофи эшитилмай қолса... Энг қадимий қадриятларимиздан бири бўлган Наврўзни нишонлаш ман этилса...

Ҳа, сабр-тоқат косаси тўлган эди. Унга сўнгги томчи етишмай турган эди, холос.

Ниҳоят халқимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган улуғ кун етиб келди. 1991 йилнинг 31 августида мухтарам Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов Ватанимиз мустақиллигини эълон қилди!

Кўпчиликнинг ёдида бордир, ўшанда ҳатто ноибларимиз ҳам бир лаҳза иккиланиб қолишганди. Аммо бу иккиланиш шу заҳоти йўқ бўлди ва нафақат зални, балки бутун Ўзбекистонни гулдурос қарсақлар тутиб кетди.

Ўзбекистон тарихида янги давр бошланди.

Таниқли адиблардан бирининг эл янги асрга оёғидаги лойи билан кириб келади, деган гапи бор. Биз мустақиллик даврига, мустақиллик ибтидосига ўтмишнинг оғир асоратлари билан кириб келдик. Улкан шўро салтанатида издан чиққан иқтисод, пул кадрсизланиши... Энг ёмони, одамларда нафақат эртанги кунга, балки яшаб турган бугунги кунига ҳам ишонч йўқ эди. Ишонч йўқ жамиятда эса поракандалик юз беради.

Шўро матбуоти “Қайта қуриш сиёсати” баҳонасида одамларда яшаб турган заминига, ватанига нисбатан бефарқлик, лоқайдликни шакллантириб улгурган эди. Кўпчилик онгида “Фақат хориждагилар яхши яшайпти, биз эса шунчаки кун кўряпмиз,” деган тушунча пайдо бўлганди.

Буларнинг барини ўзгартириш, жамиятимизга, ҳаётимизга янги ҳаво олиб кириш учун жуда катта

ислохотларни амалга ошириш, инсонлар тафаккурини ўзгартириш талаб қилинарди. Бу эса жуда қисқа муддатда амалга ошадиган иш эмасди. Аксинча, кунмакун, соатма-соат, дақиқама-дақиқа машаққатли изланиш олиб боришни, астойдил тер тўкиб ишлашни тақозо этарди.

Истиқлолга эришилган дастлабки кунлардан мамлакатимизда мана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар бошланиб кетди. Қайта қуриш йилларида расм бўлган митингбозлик, популизм ўрнини ҳақиқий иш ва ижодкорлик эгаллай бошлади. Энг муҳими, халқда ҳукумат олиб бораётган сиёсатга нисбатан ишонч уйғонди. Мана шунинг ўзи истиқлолнинг дастлабки йилларида эришилган энг катта ютуқлардан бири эди. Зеро, ўзаро ишонч бўлган жойдагина муваффақиятларга эришилади.

Ўзбекистон ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлади. Бугунги кунга келиб ривожланишнинг «ўзбек модели» бутун дунёда эътироф этилган воқелиқдир.

Имоним комил, Истиқлолнинг дастлабки йилларида “Яқин фурсат ичида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзосига айланган Ўзбекистонда автомобиллар ишлаб чиқарила бошланади”, дейилса, бу гапга ишонадиган одамлар камчиликни ташкил этарди. Бугун эса ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз, бу борада эришилган муваффақиятлар ҳаттоки энг дадил башоратларга нисбатан ҳам улканроқ, маҳобатлироқ, кўламлироқ ва кўпроқ бўлмоқда. Асака ва Самарқандда ишлаб чиқарилган автомобиллар дунё бозорига чиққанига анча бўлди. Ёки бўлмаса, Мустақилликка эришган йилларимизда яна бирон башоратгўй киши баобрў халқаро Ислон конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда Ислон маданияти пойтахти деб эълон қилинади, деб қолса, биз бунга ҳам шубҳа билан қараган бўлардик. Ҳолбуки, биз ушбу шарафли воқеликнинг ҳам жонли гувоҳига, бевосита иштирокчисига айландик, бошимиз кўкка етгулик қадар фахрландик, ғурурландик, шундай юртда яшаётганимиздан масрур бўлдик.

Шу юртнинг бугунига, келажагига ўзини ҳам имкон даражасида масъул санашга журъат этиб юрган фуқаро учун бундан ортиқ бахт бўлиши мумкинми, ахир.

Юртбошимиз сўзлари билан айтганда: “*Шу азиз Ватан – барчамизники. Унинг бахту саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса, жонини фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир*”.

Ҳа, шак-шубҳасиз шундай.





# МАЪНАВИЙ ТАРСАКИ ОФРИҒИ



## Ёзувчи Хуршид ДЎСТМУҲАММАД билан суҳбат

– Бош муҳарриримиз: “Хуршид ака билан анъанавий суҳбатларга ўхшамайдиган, иложи бўлса баҳс уюштириб берсангиз”, деб қолди. Рози бўлдим. Шу сабабли, рухсатингиз билан гурунгни узундан-узоқ кириш сўзларисиз, ғарб журналистикасига хос бўлган “тўнтарилган пирамида” усулида, яъни асосий мавзудан бошласак.

Хуршид ака, Сиз асарларга баҳо бераётганингизда муаллифларни “ҳаваскорлар” ва “профессионаллар”га ажратасиз. Назаримда, бу ўзига хос “двойной стандарт”да адабиётнинг қанотини қайирадиган унсур бордек. Келинг, фикримни изоҳлашга уриниб кўрай.

Яхши биласиз, бундан деярли бир аср муқаддам, аниқроғи 1929 йили Абдулла Қаҳҳор бўш асарларни чоп этган бир тахририят ижодкорларига қарата: “Инсоф қилинг, ахир “қишлоқ мухбиримиздан келди” деб айнан босиб бўладими?” дея хитоб қилганди. Фикримча, бугунги кунга келиб мазкур жумла озгина ислоҳ билан яна жаранглапти, яъни “қишлоқ мухбири” ўрнига “ҳаваскор ёзувчи”ни қўйсақ кифоя. Зеро, бу талқин айрим ҳолларда қанақадир имтиёзлар берувчи индульгенция вазифасида ҳам қўлланилаётгандай (Бу ҳақда ҳали тўхталамиз).

Лев Толстой “Санъатнинг моҳияти тўғрисида” номли асарида ибратли бир ҳолатга алоҳида тўхталиб ўтади: “Бутун Европа алқаб келувчи Золя, Бурже, Гюисманс, Киплингларнинг машҳур роман ҳамда қиссаларини кунт ва ҳафсала билан ўқиб чиқдим. Айни вақтда, мутлақ нотаниш бир ёзувчининг болалар журналида босилган бир камбағал бева хонадониди пасхага тайёргарликнинг бориши тасвирланган ҳикояси ҳам қўлимга тушиб қолди. (Гап Ф. Ф. Тишенконинг “Ржаной хлебушко – калачу дедушка” ҳикояси хусусида кетмоқда. – А.Й.) Золя. Бурже, Гюисманс, Киплинг ва бошқаларнинг

роман ҳамда қиссаларини ўқиб, мен бирор сония таъсирланганим йўқ... Номалум муаллифнинг болалар ва жўжалар ҳақидаги ҳикоясини эса бошимни кўтармасдан ўқидим, чунки муаллифнинг тасвирланганлари – эҳтимолки бошидан кечирганлари, ҳис этганлари менга дарҳол юқди-қўйди...”

Ҳар қалай, Толстой ўзини ларзага солган асарга умумадабиёт талабларидан келиб чиқиб ёндошган, “сен ҳаваскорсан” деб муаллифнинг елкасига қоқиб қўймаган деб ўйлайман.

...Уч-тўрт йил бўлиб қолди, жиззахлик қаламкаш Сирожиддин Алиқуловнинг бир мунгли ҳикоясини ўқиб қолдим. Гарчанд бу “жонли лавҳадан рангсиз кўчирма” (Пушкин) бўлса-да, сизга ҳикоя сюжетини айтиб беришга уриниб кўраман. Чекка қишлоқ. Отанаси ўлиб кетган, ичкиликбоз акаси ва бир бурда нонни бошига бир муштлаб берадиган золим янгаси уйда яшайдиган шўрлик чўпон қиз. (Достоевскийнинг Мариси эсингизга тушаяптими?) Шу бечорани ифлос бир ҳамқишлоқ йигит зўрлайди. Тез орада тўй бўлади. Тўй тугагач, ёмғир ва шамолли тунда келинчак чимилдиққа кирмайди, ўзини абгор аҳволга солган йигитнинг олдида келади ва уни бир амаллаб ўша машъум воқеа содир бўлган жар ёнига олиб келади. Кейин йигитни маҳкам ушлаб олиб, ўзини жарга отади... Эртаси куни одамлар “Шўрлик келинчакни анави аблаҳ олиб қочиб кетибди, жардан олиб ўтаётган маҳал қулаб тушишибди”, деган хулосага келишади. Бир эмас, икки жон ҳалок бўлди. Бу даҳшат. Аммо... аммо қиз ўзининг пок номини, шаънини сақлаб қолди-ку... Анча кунгача шу ҳикоя таъсиридан чиқолмай, ўзим умримда кўрмаган билмаган муаллиф билан ғойибона баҳслашиб юрдим. Бундай яхши маънода “даҳшатли” ҳикоя битиб қўйган қаламкашни “ҳаваскор”лар сафига қўшиб бўладими?

– Аввало, “Ёшлик” журналининг эътиборидан мамунлигимни айтиб қўяй. Озмунча қаламкашни тарбияламади, йўлга солмади журнал! Бу борада журнал шахсан ўзим учун ҳам ниҳоятда қадрли.

Баҳсга келсак. Одатда оддий суҳбатдан кўра баҳсмунозара қизиқроқ ўқилади, чунки баҳслашувчи томонлар ўз нуқтаи назарларини ўртага ташлаш асносида ва табиий, баҳсда бўш келмаслик мақсадида, баъзан қизишиб, қарашларини кескинроқ тарзда баён этишга ҳаракат қилишади. Бироқ мен ҳеч ким билан баҳслашиш ниятим йўқ. Хусусан, адабиёт, бадиий ижод, бадиий тафаккур мавзусидаги тортишувлар жараёнида бирор ҳақиқатга ойдинлик киритиладими-йўқми, бир нарса дейиш қийин, лекин ҳуда-беҳуда гап кўпайиши муқаррар (мисолни узоқдан изламайлик, Сиз мени баҳсга чорлаш ниятида берган мана шу саволингиздаги Абдулла Қаҳҳор, Лев Толстой ва Сирождиддин Алиқуловдан келтирган мисолларингиз менга унчалар ўринли туюлмади, улар гапни кўпайтирмақда, холос). “Шу гапингизнинг ўзи баҳсли-ку”, дейишингиз мумкин. Шунинг учун ҳам мулоҳазамга изоҳ беришга тўғри келяпти.

Бадиий тафаккур, бадиий ижод ва умуман санъат асарига берилган ҳар қандай ҳолис баҳо замирида ҳам субъективлик бўлмай иложи йўқ. Қизиғи, бадиий ижод, биринчи навбатда бадиий дид, бадиий савия демакдир. Бунга кўшимча ўлароқ, ихтиёрийлик деган гапни ҳам унутмайлик. Тушунчасидан, дидидан қатъи назар ҳеч ким ҳеч кимни ижод қилиш ихтиёридан маҳрум этолмайди. Мен эса ҳатто баҳсли, баҳсга киришган ҳолатларда ҳам мен билан мулоқотдаги кишининг қарашларига зуғум ўтказиб қўймасликка ҳаракат қиламан. Мен мутлақ ҳақман, деган нуқтаи назар адабиётда кетмайди. Бу шахсий фикрсизликка олиб келмаслиги керак албатта, шахсий қарашлар айтилмоғи керак, лекин гап мутлақлик ҳақида бормоқда. Айтмоқчиманки, ҳар кимнинг ўз ўлчови, мезонлари, тошу тарозуси бор. Мен ўз қарашларимни байроқ қилиб кўтаришдан кўра, бошқалардаги мавжуд фикр-мулоҳазаларни авайлаш муҳимроқ деб ўйлайман. Шу сабабдан менинг мулоҳазаларимни қабул қилиш-қилмасликларидан унчалик оғринмайман.

Асарларга баҳо бераётганда муаллифларни “ҳаваскорлар” ва “профессионаллар”га ажратишга келсак. Тўғри, у ёки бу чиқишларимда мавзуга ушбу мезонлардан келиб чиқиб ёндашган бўлсам бордир. Лекин бунда адабиётнинг қанотини қайирадиган (?) “двойной стандарт” (?) топганингизни тушунмадим. Умуман, ҳар қандай соҳада, такрор бўлса, узр, айниқса бадиий ижодда профессионаллик ва ҳаваскорлик тушунчаси ниҳоятда муҳим, ғоятда нозик ва қатъий чегара-белгиларини аниқ-тиниқ белгилаш қийин бўлган масалалардан ҳисобланади. Бадиий асарнинг юқори профессионал даражада яратилганини кўрсатувчи муҳим кўрсаткичлар бир талай: ғоя, мақсад, сюжет, тил, фабула, оҳанг, ҳажм, диалог, тасвир йўсини, кульминация, яхлитлик, меъёр, мувозанат, муаллиф нуқтаи назари ва иштироки, ниҳоя... Эҳтимол, бу ҳаммаси эмасдир, лекин уларнинг бари бири-биридан аҳамиятли, бири-биридан муҳим ва ҳатто шарт бўлган (!) талаблардир. Бадиий асарнинг бадиийлигидан, бадиий тафаккурнинг юксаклигидан, бадиий маҳоратнинг ўзига хослигидан далолат берувчи унсурлардир. Таъкидлаб қўяй, бу сингари мезонларни кимдир ўйлаб топган ва жорий этган

эмас, балки Арасту ва Навоий замонларидан ҳозирга қадар бадиий-эстетик маҳорат мезонлари сифатида эътироф этилган – БАДИИЙ ИЖОД ТАБИАТИДАН келиб чиққан тушунчалар. Афсуски, гоҳида профессионаллар даврасида ҳам ҳаваскорлик даражасида фикрлашдан узоқлаша олмасликни кўриб ранжийсан киши.

Лев Толстой қайсидир номаълум муаллифнинг, Сиз С.Алиқуловнинг ўзингиз тасвирлаган ҳикоясидан таъсирланган бўлишингиз мумкин. Таъсирланиш мутлақо ихтиёрий ҳодиса, бинобарин, Толстой бобо ҳам, Сиз ҳам бу ўринда тўла ҳақлисизлар, лекин ҳар иккала мисолда келтирилган ҳикоя ҳам профессионал савияда яратилган эмас (ўзим ўқиб кўрмаган икки асар ҳақида бундай кескин хулоса чиқариш ноқулай, албатта.) Таъсирланиш бошқа, профессионаллик бошқа. Сезяпман, Сиз асар профессионал даражада ёзилган бўлса-ю, ўқувчига таъсир кўрсатмаса ундай профессионалликнинг нима кераги бор дерсиз. Ундан кўра, келтирилган икки мисолдагидек таъсирли асар ёзиш керак-да, деган ақидани тўғри деб ҳисобларсиз. Шу ақидангиздан келиб чиқиб С.Алиқуловнинг ҳикоясидаги келинчак образи (ҳай-ҳай, Достоевскийнинг Марисига яқин келтириш қийин-ов!) унутилмас бадиий маҳорат тимсоли деб қарарсиз. Бордию, шундай ўйласангиз, шундай ҳисобласангиз, янглишасиз.

Фикримга янада ойдинлик киритиш учун салгина четга чиқиб бўлса-да, шахматдан мисол келтирай. Бир партиядо рақиблар ўртача ўттизтадан йўл юришди дейлик. Жаҳон миқёсидаги шахмат усталарининг деярли барча йўллари ўзларига хос мақомдаги профессионал даражадаги йўл сифатида баҳоланади, адоқсиз муҳокамаларга мавзу беради. Битта-иккита учрайдиган фавқулодда хато йўллари эса ҳаваскорлик даражасидаги янглишмовчилик ҳисобланади. Ҳаваскор шахматчилар учрашувидеги ҳар икки рақибнинг ўттизтадан қилган юришларининг қарийб барчаси эса ўзларининг даражаларидан юқори кўтарилмайди. Фақат айрим ҳолатларда ғоятда ўхшатиб топилган юришгина профессионал даражадаги йўл сифатида олқишларга сазовор бўлади, холос.

Бундан қандай хулоса чиқади: профессионал шахматчи хатосига қарамай профессионаллигича, ҳаваскор эса “даҳшатли” йўл топганига қарамай ҳаваскорлигича қолаверади. Ким қайси шахматчининг ўйинларидан завқшавқ олади, таъсирланади – буларнинг бари яна дид, яна савия, яна... алланималарга бориб тақалаверади...

– **Хуршид ака, ўйлашимча, аввалига “Ўн саҳифасини кўрайлик-чи, ёқмаса, ўқимаймиз-қўямиз” дея “Бечора одамлар” романини қўлга олган, сўнг қўлёзмани тун бўйи зўр ҳаяжон билан ўқиб чиққан, тонг сахарда извошда бутун Петербургда изғиб, муаллифни қидирган муҳаррир Некрасов билан шоир Григорович бахтли инсонлар. Чунки улар Белинскийдан “Янги Гогол туғилди!” деб суюнчи сўраб турганлари ҳолда, аслида улуғ Достоевский даҳосини кашф этгандилар.**

**Шукр, юртимизда истеъдодли ижодкорлар кўп. Аммо, шоир айтганидай, элга даҳолар керак.**

**Ёдингизда бордир, “Хуррият” газетасида сўров ўтказганингизда, XX аср ўзбек адабиётининг энг яхши асари сифатида “Ўткан кунлар” тилга олинганди. Бу нимадан далолат беради? Наҳотки кейинги етмиш йил ичида Абдулла Қодирий даҳосига тенг ижодкор**

дунёга келмади? Ё ўзбек адабиёти “Ўткан кунлар” даражасидан юқорига кўтарилмади олмадимиз?

Кейинги йигирма йилнинг ўзида юздан ортиқ(!) роман ёзилибди. Аммо бу “ҳосил”нинг анчагина қисми адабий макулатура эканлиги Сизга яхши равшан бўлса керак.

Гап бу жанр ҳақида кетаркан, Эркин Аъзамнинг бир салмоқли фикрини эслаб ўтмоқчийдим: “...роман деганлариде янги бир воқелик, янги рух, мураккаб характерлар, уларнинг чигал тақдири, шулардан туғиладиган салмоқли бир фалсафа, фикрлар бўлмоғи лозим. Китобхонни у илгари нотаниш янги бир дунё, янги воқеликка бошлаб кирмоғи даркор”. Мана шу жиҳатдан қараганда, каминага ёзувчи Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар”, Эркин Аъзамнинг “Шовқин” романлари адабиётимиздаги воқеа бўлиб кўринади. Бу асарлар жаҳон адабиётининг сара намуналари билан беллаша олади деб ўйлайман. Бундан уч-тўрт йил бурун яратилган “Жазирадаги одамлар” (Луқмон Бўрихон) романи ҳам шундай эътирофга муносибдек.

Кичик жанрларга келсак, Назар Эшонқулнинг “Қултой”, Улуғбек Ҳамдамнинг “Бир пиёла сув”, “Кўзини очиб юмган одам”, Исажон Султоннинг “Сувдаги коса”, Муяссар Тиловованинг “Олмазор”, Дилрабо Мингбоеваннинг “Талант” ҳикоялари, менинг фикримча, биз шартли равишда “жаҳон адабиёти” деб атайдиган баланд “планка”дан бемалол ошиб ўта олади. Мен оддий ўқувчи сифатида шундай деб ўйлайман. Сиз ўзимизнинг ёзувчиларнинг бирон асарини ўқиётганингизда Некрасов билан Григорович аҳволига яқин аҳволга тушганмисиз?

– Абдуқаюм, дўстим. Мен матбуот сўзи маданияти, одоби муаммолари мавзусида озми-кўпми кузатишлар, тадқиқотлар олиб борганимдан хабардорсиз. Сиз билан кеча ё бугун танишганимиз йўқ, ҳар қалай, кўпгина қарашларимиз бир-бирига бегона ҳам эмас деб ўйлайман. Шулардан келиб чиқиб, саволингизнинг охириги қисми кўнгилга пича оғирроқ ботганини ҳам сездириб қўяй.

Адабий воқеа бўларли асар ўқиб Некрасов билан Григоровичнинг аҳволига тушиш... бундай ҳолатларда “аҳвол” сўзи қўлланилмайди, ёхуд шартли равишда қўлланилади, оғайни, чунки одам ёмон, оғир ёки аянчли аҳволга тушиши мумкин, Сиз айтган инсонлар қувончларини босолмаган, хурсандчиликдан ўзларини қўярга жой тополмаган ҲОЛАТДА ёш Достоевскийнинг уйини излашга тушишган. Ўзини адабиётга, ижодга дахлдор соғлом фикрли киши учун бунинг ҳеч бир ажабланарли ери йўқ (қолаверса, айни ўша даҳолар Достоевскийни кейинги асари учун матбуоту йиғинларда “оббориб-опкелишгани”дан ҳам хабардорсиз). Бундай ҳайратланишу эътирофнинг бетакрор намунаси нуроний Лутфийнинг навқирон Навоийнинг машҳур мисраси муносабати билан бўлиб ўтгани ҳам ёдингизда, албатта.

“Ўткан кунлар” ҳақиқатда улкан ва ноёб асар. Яна йигирма йилдан кейин сўровнома ташкил этилса ва бу роман яна замонавий ўзбек насрининг шоҳ намунаси сифатида тилга олинса ажабмас. Лекин бундай сўровномаларга бериладиган жавоблару эътирофларни ҳам тўғри тушунмоқ керак. Айрим ҳисобларга кўра, миллий адабиётимизда ҳозирга қадар 500 дан ортиқ роман эълон этилган бўлса, Сиз айтмоқчи, кей-

инги йигирма йил бадалида 100 та роман яратилган бўлса (бу жуда оз!), уларнинг бирортаси “Ўткан кунлар”га тенглашолмади ёки ундан заиф деган хулоса чиқармаслик керак. Умуман, масаланинг бу тарзда қўйилиши унчалик тўғри эмас. “Уруш ва тинчлик” яхшими ёки “Жиноят ва жазо”ми?.. “Жараён” маъқулми ёки “Бузрукнинг кузи”ми?.. “Ўткан кунлар”ми ёки “Улуғбек хазинаси”ми?.. Қулоққа ғалати эшитилмаяптими, бу тарздаги чоғиштиришлар?..

Масала бошқа томонда. Масала роман тафаккурининг ўзгарувчанлигида, бу ўзгариш тўхтовсиз давом этаётганида! “Роман” тушунчасининг идрок этиб бўлмас даражадаги сарҳад билмаслигида. Бирор-бир романи (жаҳон адабиёти дурдоналарини қўшиб айтганда) ҳар жиҳатдан бекаму кўст, яъни идеал асар дейиш жуда жуда қийинлигида! Роман шу қадар мураккаб ВОҚЕАки, тирик мавжудодки, ундан истаганча фазилат ҳам, истаганча қусур ҳам топиш мумкин. Барча унсурларига кўра мукамал роман бўлмаса керак...

Иброҳим Ғафуров, Шукур Холмирозев, Эркин Аъзам, Мурод Муҳаммад Дўст, Хайриддин Султон, Аҳмад Аъзам сингари адибларимизнинг сўзни ҳис этишдаги, ҳар қандай ҳолат тасвирини ифодалашдаги тиниқлик ва топқирлик олдида ўзимни ҳамisha талабадек ҳис қиламан. Сиз номларини келтирган Назар Эшонқул, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон, Исажон Султон, Улуғбек Ҳамдам, Саломат Вафо қаламига мансуб асарларда учрайдиган топилмаларга ҳавасим келади. Аниқ мисоллар сифатида бир қатор ҳикояларни санаб ўтишим мумкин, аммо-лекин “Этақдаги кулба” таъсирида Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон, “Тун қаъридаги шуъла” таъсирида Луқмон Бўрихон, “Қисмат” таъсирида Исажон Султон, “Аёл” ва “Кўланка” ҳикоялари таъсирида Зулфия Қуролбой қизи, “Учинчи башорат” таъсирида Рисолат Ҳайдарова, “Қор элаган кун” таъсирида Ҳабибулло Ҳайдар, “Сиртлон” таъсирида Шомирза Турдимов, “Шикор” таъсирида Дурбек Қўлдошев сингари адиб ва адибларимиз тураржойларини кўлимда гулдасталар тутиб излаб боришга тайёр ҳолатга тушганимдан ва бугунги кун адабиётимизда мана шундай бадиий кашфиётлар юз бераётганидан самимий қувонганларимни ҳеч қаерда яширмайман.

– Хуршид ака, қайдадир ўқигандим, Жорж Сименон яратган 214 романида етти мингта сўз бирлигидан фойдаланган экан. Пушкинда бу миқдор йигирма мингга яқинни ташкил этган, Навоийда эса олти миш мингдан ошган экан. Бироқ кейинги йилларда пайдар-пай яратилаётган кўплаб асарлар муаллифлари бу борада Сименонни ҳам ортда қолдириб кетишаётгандай. Ҳолбуки, адабиёт энг аввало сўз санъати.

Тасаввур қиласизми, кейинги пайтларда кўшни маҳалладан тушган келинни ҳам бемалол “келгинди” деб аташмоқда. Ваҳоланки, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар”ини ўқиган одам бу сўзнинг нақадар қаттиқ ҳақорат эканлигини жуда яхши биллади. Шунга қарамай, энг оммавий санъат бўлган кинода “Келгинди куёв”, “Келгинди келин”, “Келгинди қайнона” деган фильмлар яратилди ва улар “ойнаи жаҳон”да тинмай айлангирилиб турилибди. Яқинда эса янги бир фильмнинг номи орқали бахт ёки муҳаббат эмас, ҳаёт ҳам кечикиши мумкинлигига иқрор бўлдик.

Келинг, Сўзни ҳис қилиб, тежаб-тергаб, севиб-авайлаб ишлатиш борасида биттагина мисол келтириб ўтай: “Ёз охирлаб бормоқда эди, теварак-атроф сездирмасдан таназзул фаслига тайёргарлик кўрар, ялпизнинг сарғая бошлаган банди, сувнинг эндиликда тўқ зангор тусга кириши, жийда бар-гларининг бирма-бир тўкилиши ва ниҳоят, ҳаддан ташқари тиниқ, зангори осмондан кузнинг сокин на-фаси уфуриб турарди. Болакай бир зумга чумолидан нигоҳини узиб, ялпизнинг ҳам жуда қарилгини кўрди, шўрликнинг танаси йўғонлашиб-семириб, кўпдан-кўп бачки шохчалар чиқариб юборган ва иси ҳам аввалги сингари нозик-нафис эмас, қуюқ ҳамда аққимтироқ эди. Ҳатто салом-алиқ ўтининг уруғи-да ўсимликнинг қариганини, шунинг учун ҳам уруғини ерга сочиб юборганини таъкидлаб турарди. Чумоли тинмай чиранаверди ва пировардида, туйқусдан сип-силлиқ орқаси ёрилди, ёриқларидан оқиш-сарғиш суюқлик отилиб чиқа бошлади, ҳавони чумоли захрининг ўткир иси тутиб кетди. Шунда ҳам уруғни тортиб олмоққа тиришар эди...” Бу тиниқ тасвир табиат куйчилари бўлмиш К. Паустовский, В. Астафьев ёки ўзимизнинг Шукур акадан эмас, суҳбатимизда исми кўп тилга олинаётган И. Султоннинг бундан йигирма йил бурун чоп этилган “Муно-жот” қиссасидан. Бўладиган бола бошидан маълум деганлари шу бўлса керак-да.

Сизнинг ҳам олим, ҳам ёзувчи сифатида бугун яратилаётган асарлардаги тил масаласига муноса-батингиз қандай эканлиги бизни қизиқтиради.

– “Келгинди” сўзини ўзингизга оғир олманг, жўра. “Ўтмишдан эртақлар”даги бу туйғу тасвири ҳам жуда майда (ўзи майда-ю, асорати оламни бузади бу касо-фатнинг!) тасаввурлардан келиб чиққан. Ахир тирик жон борки, ёруғ дунё учун ҳамма-ҳаммаси – келгинди-ку!.. Салгина йирикроқ бўлайлик.

Бадий асарда тил маҳорати масаласи алоҳида муаммо. Тил маҳоратининг илдиз томирлари тафаккур тарзидан, дунёқарашдан, ижодкорлик концепциясидан бошланади. Ижодкорнинг ўйлагани нима, нияти нима, уларни қай йўсинда ифода этмоқчи, асар учун қай оҳанг ва меъёрни танламоқчи, жанр йўналишини қай тарзда белгиламоқда?.. Буларнинг барчаси пиравордида тил-да ўз ифодасини топади, барчасининг “тақдири”ни тил ҳал қилади. Бор қиладиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам тил.

Сўзни ҳис қилишнинг ўзи улкан санъат, истеъдод, маҳорат. Бу борада ҳар ким тинимсиз ишлаши, изла-ниши, мактаб ўқувчиси мисол ўрганиши зарур. Афсус-ки, мен бу борада мураббийлик даъвоим йўқ. Бундан олдинги савол жавобида бир қатор адибларимизнинг номлари келтирилди. Тил сабоғига қодир ижодкорлар-ни адабиётимиз майдонига сафарбар этиш унутилиб қолаётгани яхши эмас.

– Абдулла Қаҳҳорнинг “Ёзувчи адабиётга икки хил киради: биринчи асари билан тутаб, биринчи асари билан яшнаб киради... Тутаб кирган ёзувчи узоқ тутайди, кўнглидан чиқариб эмас, қорнидан чиқариб асар ёзади...” деган ҳикматли гапини кўп эслайман.

Яқинда бир қаламкашнинг семизгина асарини ка-минага тақризга бериб қолишди. “Қориндан чиқариб” ёзилган асар “танқиддан тубан” бўлиб кўринди кўзимга. Аммо мени бошқа нарса ўйлантириб қўйди.

Шу “асар”га муҳаррир машҳур фалончи ака, сўзбоши муаллифи янада машҳур пистончи ака... Мен уларга ачиндим: ахир осон бўлмагандир “қора”ни “оқ” деб ёзиш. Шу туйғу баробарида кўнгилда бир иштибоҳ, ҳам уйғондики, нима бало, бундай “ёзғувчи”ларнинг истак-хоҳишларини адо этишга тайёр муҳаррирлар, тақризчилар, “оқ йўл” тиловчилар, ноширлар қатлами пайдо бўлгани ё бу воқеа аллақачон содир бўлиб улгурганми?..

Хуршид ака, Сиз кино соҳасини яхши тушунасиз. Биласизки, йилига ўн-ўн иккита фильм давлат бу-юртмасига кўра, давлат маблағига суратга олинади. Тахминан бундан тўрт баробар кўп картина эса ху-сусий студияларда. Рекламанинг зўри ўша картина-ларда. Ваҳимали тарзда тарғиб-ташвиқ қилинган ак-сар фильмларни бориб кўрсангиз, ҳафсалангиз пир бўлади, улар Тўйтепадан нарига ўтолмаслигининг сабаби ҳам шу бўлса керак.

Энди гурунгимиз аввалидаги мавзуга қайтсак. Кинодагига ўхшаш ҳолат адабиётда ҳам юз бер-маяптими? Яъни “ҳаваскор” мақомига муносиб кўрилгани боис талаб унчалик қаттиқ қўйилмаган айрим “ёзғувчи” графоманлар чоп этаётган катта ададли жилд-жилд китоблар ўқувчи қўлига етиб бормоқда, кутубхоналарни эгалламоқда. Томоша-бин учун кинонинг қайси студия ишлаб чиқаргани аҳамиятга эга бўлмаганидай, ўқувчи учун ўқилган асар муҳим, муаллифнинг “ҳаваскор” ёки “про-фессинал”лиги эмас. Энди бу “ёзғувчи” китоб-ларини қўлтиқлаб уюшмага келади, “мени аъзо қилиб олинглар, ахир шунча китобим чиқди-ку”, деб иддао қилади.

Албатта, бошидан ўтган табиб. Шундай “клас-сик ёзғувчи”лардан бири суҳбатларидан бирида тўғридан-тўғри “Ўзбек детектив адабиётини мен билан Тоҳир Малик яратдик”, деб қолди. Яна бошқа биттаси “шедевр” асарини пул тўлаб рус тилига таржима қилдирган экан. “Шу ижодкорнинг сазаси ўлмасин”, деб уни интернет орқали Россиядаги нашриётлардан бирига юбордик. Афсуски, у ёқдан келган кескин салбий баҳо (“Разве это художествен-ное произведение?”) боис анча пайтгача хижолат чекиб юришимга тўғри келди ва минбаъд бундай ишларга қўл урмасликка қарор қилдим: маънавий шапалоқнинг изи узоқроқ сақланиб тураркан. Мен ана шунда нима учун айрим ғарб давлатларида “бестселлер” яратувчи қаламкашлар ёзувчилари-нинг пен-клубларига аъзо қилинмаслигини англаб етгандай бўлдим...

Албатта, асарларнинг сарагини саракка, пу-чагини пучакка ажратишда танқидчиларга, таъбир жоиз бўлса синчиларга кўз тикамиз. Ахир, Умарали Норматов ёзганидек, “танқид сараламоқдир”. “Ёзғувчи”лар асарларига холис муносабат Йўл-дош Солижонов, Абдулла Улуғов ва Санжар Со-диқларнинг айрим чиқишларида кўринапти.

Сўрамоқчи бўлганим, Хуршид ака, Сиз адабий бағрикенглик ва объективлик тушунчаларини ёнма-ён кўя оласизми?

– “Маънавий шапалоқ” деган таърифингиз ёқди! Ёндафтаримга ёзиб ҳам қўйдим... “Маънавий тарса-ки” деса ҳам бўлади... Бундай шапалоқ ва тарсакига лойиқ ижодкорлар бадий ижоднинг қайси соҳасида



йўқ дейсиз?! Биронтасини истисно қила оламизми? Йўқ. Демак, бу субъектив реаллик эмас, яъни кимнингдир хоҳиш-иродаси маҳсули эмас, балки объектив реаллик, яъни сизу бизнинг имконимиздан, истакларимиздан хорижда кечаётган жараён. Фақат бизнинг воқелигимиз учун нисбатан янгилик бўлгани сабабли унга бўлган муносабатларни аниқлаштириб олишга пича қийналаётгандекмиз.

Аслида-чи? Аслида ҳар қандай адабий жараён бамисоли тўлдириб таом пиширилаётган дошқозон. Фақат қозондан фарқли ўлароқ адабий жараённинг бағри ниҳоятда кенг, кенг дунёдан-да кенг! Унинг эгаси ҳам, посбони ҳам, тош-тарозиси ҳам битта – вақт! Ҳеч кимга қўлига таёқ кўтариб бировни қувиб солиш ҳуқуқи берилмаган. Бадиий ҳақиқат эгаллаган мақомнинг манзили, “тураржойи” шу қадар юксакликдаки, унинг учун ижодкорнинг истеъдодлиси-ю истеъдодсизи бамисоли тароқнинг тишидек тенг. Бу мақом соҳиби, яъни бадиийлик илоҳаси кимнинг нималарга қодирлигини, ким нимада илғор-у, кимнинг заифликлари нимада – ҳаммасини кўриб-билиб туради. Фақат сукут сақлайди, сақлай-сақлай ҳукм ҳуқуқини вақт ихтиёрига беради.

Бу билан мен адабиёт майдонини қаровсиз ташлаб қўйиш керак деган фикрдан мутлақо йироқман. Биринчи навбатда, кенг омма ўртасида мутолаа маданиятини тарбиялаш ва шакллантириш зарур. Сиз айтаётган графоман маҳсулотлар, фильмлар, кўшиқлар, мусиқалар бир кунлик лолақизғалдоқдек урчиб кетаётганига ким бош сабабчи? Омма! Бизда оммага тил теккизмаслик одати шаклланган. Бу билан ўзимизнинг инсонпарварлигимизни кўз-кўз қилгандек бўламиз. Ваҳоланки, ҳақиқатда инсонпарварлик даъвоимиз чин бўлса, ўша омманинг тили, тил маданияти, саводи хусусида қайғурайлик. Ўзини улуғлаган бўлиб, тилини оёқости қилиб қўймайлик. “Оммавий маданият” тушунчасига қарши курашни ҳам, “оломон маданияти” тушунчасига қарши курашни ҳам мана шу ҳақиқатни тан олган ҳолда бошламоқ керак. Бошқа иложи йўқ. Тасаввур қилинг, агар бу борада бир ҳисса олдинга ҳаракат бошланса, Сиз қайғуриб айтаётган “асар”ларнинг камайиши ўн ва юз ҳисса тезлашади. Кенг китобхонлар (санъатсеварлар) оммасининг қудратли кучи нималарга қодирлиги ана ўшанда кўринади: ижодкорнинг савияси (профессионалиги!) кўтарилади, нафақат адабиётнинг, унга қўшилиб, умуммиллий бадиий дид шаклланади.

– Шубҳасиз, ижод жуда мураккаб жараён. Яна Абдулла Қаҳҳордан иқтибос олдиган бўлсак: “Адабиёт кўнгил иши, илҳом самараси. Туйғусиз, илҳомсиз ёзилган асар чангланмаган гулга ўхшайди – мева тугмайди. Кўнгил рози бўлган асаргина китобхоннинг кўнглига

йўл топади, китобхоннинг кўнглида мева тугади”. Инчунун, асарга муносабат билдириш ҳам маълум кўникма, илм ва истеъдод талаб қилиши муқаррар. Хуршид ака, бирон асарга аввалига ўзингизнинг баҳойингизни берганингиз ҳолда, кейин фикрингизни ўзгартирганмисиз?

– Бир суҳбат асносида бир ижодкорга тўрт-беш марталаб мурожаат этиш (ҳатто Абдулла Қаҳҳор бўлса ҳам!) жудаям таҳсинга сазовор ҳисобланмайди. Начо-ра, саволга тутувчи – Сиз, биз – жавоб берувчи, холос. Асарга муносабат – жиддий масала. Муаммо! Герменевтика дейилади фанда. Асарни талқин этиш илми. Шу мавзуда ўзбек мутахассислари ҳам бош қотиришмоқда. Домла Абдуғафур Расулов, тадқиқотчи олим Автондил Эркинов ва ҳоказо. Лекин ҳали бу борада қилинадиган ишлар ниҳоятда кўп, қалашиб ётибди. Жаҳон адабиётининг бетакрор дурдоналарини дурустроқ ҳазм қилишга тишимиз ўтмайди-да (мабодо ўқишга тоқатимиз етса, албатта), “Пуф, сассиқ!” деб ўзимизнинг оёғимиз остида ўралашганимиз-ўралашган. Дарвоқе, “Ёшлик” журнали мана шундай вазифаларни зиммасига олиши керак эмасми? Журналнинг ҳар сониди “Талқин”, “Асарни тушуниш илми” сингари рукнлар остида чиқишлар уюштирилса, ёш китобхонларга ҳам, ёш ижодкорларга ҳам амалий, ҳам назарий таҳсил мактаби, тўғараги пайдо бўларди...

Бир воқеани мухтасаргина қилиб айтай. Кўп йиллар бўлди, қайсидир вилоятдан поездда Тошкентга қайтиб келяпман. Ёз чилласи, жазирама. Вагон тўла, жой йўқ. Амаллаб купенинг учинчи қаватига жойлашдим (аслида у ерга жомадонлар жойланади). Қарийб яланғоч ҳолда лоҳас бўлгудай чалқанча ётибман. Шифтга урилиб қайтаётган нафасимнинг “тафти”га чидаб бўлмайди.



Бу етмагандай, вагон радиоси “хр-хр-р”лаб, вайсашдан тинмайди. Кўзим илинибди. Бир маҳал қулоғимга куй-қўшиқ чалинди. Беихтиёр тинглай бошладим. Қулоғимни янаям динг қилдим, диққатимни жамладим. Қаердандир майин ва саррин насим эсгандек, у менинг бетларимни авайлабгина сийпалаётгандай, эркалаётгандай, аллалаётгандай... Ҳамон елиб бораётган вагон энди қўшиқ оҳангига маст бўлиб силкинаётгандек. Қани энди поезд юришдан тўхтамаса, шу маромда силкина-силкина кетаверса-кетаверса, қўшиқ ҳам узилмаса, майли, радио китирлайверса ҳам розиман, қўшиқ тўхтамаса бас... Афсус, қўшиқ жуда тез тугади ва “Сиз фалончи шоирнинг шеърлари асосида яратилган қўшиқлардан баҳраманд бўлдингиз” деган сўзлар билан дастур ниҳоясига етди. Бояги ҳолатда ётибману, аъзои баданимга муз югурди денг! Худди фавқуллодда оғир гуноҳ ишга қўл урдиму, бутун бир майдон тўла издиҳом олдида шарманда бўлаётгандек!.. Нега, дейми?.. Қўшиқ сўзларининг муаллифи ўзим мутлақо ўқимайдиган, кечирасизу, ёзганлари ўқишга арзимайди, деб ҳисоблайдиган шоир акалардан бириники экан! Тушуняпсизми, Абдуқаюм, ўша пайтгача ўша шоирга бўлган муносабатим – беписандлигим учун бировларнинг олдида эмас, ўзимнинг олдимда шарманда бўлдим. Маънавий тарсаки ёмон мулзам қилди ўшанда!..

Айтмоқчиманки, бадиий асар ҳолатга, кайфиятга қараб таъсир ўтказиши. Бир ўқишда маъқул кўринган фазилати, эртасига буткул зид таассурот уйғотади. Тўғри, ҳар қандай ҳолатда ҳам бирдек таъсир қиладиган асарлар ҳам оз эмас.

Мен ҳар қандай одамни аввало қўлига қалам тутгани учун – умуман сеҳру жозибалар макони бўлмиш ижод дунёсига киришга ҳаракат қилгани учун ҳурмат қиламан. Ана шу интилиш-истакни олқишлашга асос бўларли фазилат излайман, насрий асаридан битта жумла ёки тасвир топсам ҳам кўз-кўз қилиб мақтайман, ижодни давом эттириши учун рағбат бераман. Ва кейинги асарларини кузатаман: яхши томонга ўзгара бошлаганлигига, ижод машаққатини зиммасига олган-олмаганлигига эътибор қаратаман, у ёғи... кўпқари олишувида ҳеч ким ҳеч кимнинг қўлидан етаклаб юрмайди, яъни у ёғига, валлоҳи олам, ижодкор вақт синовлари измига ўтади...

– Мен бир мухлис сифатида кўп йиллар мобайнида Сизнинг мақолаларингизни йиғиб юраман. (Балки ёдингизда бордир, дастлабки танишувимиз ҳам сизнинг публицистик чиқишларингизни мақтаб, “Нигоҳ” номли қиссангизни танқид қилиб йўллаган мактубимдан кейин кечганди). Мени анчадан бери бир савол ўйлантириб келади. 1987 йилнинг 11 июнида “Ёш ленинчи” газетасида эълон қилинган мақолангизда шундай сатрлар бор: “...Сомерсет Моэмнинг машҳур қаҳрамони Стрикленд “Ишқ-муҳаббатга зор эмас-

ман. Ундай ишларга сарфлайдиган фурсатим йўқ”, деб бутун вужуди билан дунёни англашга шўнғиб кетади”. Назаримда, шунга яқин нуқтаи назар “Куза” қиссангиздан ҳам мўралаб тургандек. Биз Достоевскийга эргшиб “Дунёни гўзаллик қутқаради”, деб такрорлаймиз. Гўзалликни эса муҳаббат яратади. Шундай экан, ишқ-муҳаббатсиз ҳам дунёни англаб бўладими? Бу оламни, одамни адабиётсиз, санъатсиз ҳам англаб бўлади дегани эмасми?

– Чорак аср бўлди чоғи, “Ёшлик” журналида “Нигоҳ” номли қиссам эълон қилинганида менга хат йўллаган эдингиз. Уни “Хира нигоҳ” деб номлагансиз. Жуда ҳурсанд бўлганман. Ҳафсала ва эътибор билан, самимий куюнчаклик билан муносабатда бўлганингиздан бошим осмонга етган. Бу ҳақда Сизга кўп марта айтганман, фақат қиссанинг туб моҳиятини тушунмаганингиз ҳақида индамагандим. Чунки, аввало у кезлар бирмунча ёш эдингиз, қолаверса, ўқиш-ўқиш, бу юқорида айтганимиз – герменевтика. Бировнинг бошига нуқиб асарни ўқдириш қийин, қолаверса, ниятимни, ўзим кўзда тутган моҳиятни ўқувчи ўқадиган қилиб ёзолмаган эканман, айб ўзимда. Афсус, феълим-табиатимга илғаш мушкулроқ йўсинда ёзиш йўсини раво кўрилган экан, биласиз, уни (услугни) ўзгартириш учун қайта туғилмоқдан ўзга чора йўқ...

Гўзалликнинг, ишқ-муҳаббатнинг сеҳрига ета олиш, уни тугал тасвирлай билиш бандасига ҳеч қачон насиб этмайди. Сомерсет Моэмнинг машҳур қаҳрамони қай муносабат билан ва қай ҳолатда у гапни айтгани ёдимда йўқ, лекин инсонни жамики мавжудотлардан ажратиб турувчи туйғу ҳам – муҳаббат. Ҳар бир кишининг инсонийлиги унинг бажараётган ишига муҳаббат билан ёндашувидан келиб чиқиб белгиланади. Дунёни англаш ҳам муҳаббатдан, ҳайратдан, ҳавасдан куч олади. Адабиёт ва санъатнинг илоҳий куч-қудрати ҳам шунда!

– “Ёшлик” журнали учун вақт ажратиб, самимий суҳбат қурганингиз учун Сизга ташаккур. Мен Сизнинг фикрларингизни ҳурмат қиламан. Сиздай куйинчак ижодкорларнинг холис муносабати адабиётимизнинг ҳам бугуни, ҳам эртанги куни учун хизмат қилади деган умиддаман.

– Мен ҳам, Абдуқаюм, Сизнинг тиниб-тинчимай ижод қилишингизга, киришган ишингизни ниҳоясига етказмагунча ҳаловатни унутишингизга ва албатта бу уринишларингиз самарасиз кетмаслигига ҳавасим келади. Суҳбатимиз вақт синовларига дош бериб, адабиётимизнинг бугуни ва эртаси учун хизмат қилишга яраса, бунинг учун ҳам мана шундай тўкилиб мулоҳазалар билдириш имконини берган “Ёшлик” журнали тахририятига ва Сизга ташаккур!

*Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди*



Ғулом МИРЗО

# Шашқатпор номалар

Туркум



Дунёни рақамлар бошқармайди.

Гёте

**\* халоват**

Ҳар тонг  
ўн икки соатни  
ўн икки сўм каби  
ҳамёнимга солиб жўнайман  
кечқурунга беш-олти соатлик  
ҳаловатли уйқу олиб қайтгани.

**\* кексалик эшигидаги ёзув**

Ёшликнинг  
хатолари билан  
кирмоқ эрур манъ.  
Бунда ҳам  
нуқсон кўп  
сенга аталган...

\*

Аслида  
аслият ҳам – таржима.  
Қалб,  
Тафаккур,  
Рух  
таржимаси.

\*

Бир оёқли  
симёғоч  
уч оёқда туриб

уни хўрлаётган  
дайди итга  
боқди ачиниб...

**\* очун**

Техника  
одамнинг ўрнини  
эгалламоқда  
одамийлик ўрни эса  
бўш қолмоқда  
кўпинча...

**\* истиқбол**

Биологик тарздан  
электрон шаклга  
ўтар бўлса башар ҳаёти –  
шеър битарми, қизиқ,  
электромагнит қалбли  
бирон авлодим?..

\*

Гугуртчўндай  
бошимда  
балолар бўлдики жам,  
жаҳонимни ўт олгай  
дунёга  
тегиб кетсам.

**\* ҳикмат**

Дунё дўконидан  
кераксиз молни  
олавердим урҳо-ур.  
Энди мағрур бисотимни ҳам  
сотиб юбормоққа  
мен мажбур...

**\* етакчилик юки**

Турналар олисга учган чоғ  
юртлардан юртларга кўчган чоғ  
солишади кўкда аргимчоқ –  
куч-қувватин тежарлар шундоқ.  
Аммо, энг кўп қанот қоқармиш  
Парвоз пайти тўдабоши қуш.

\*

Бугун  
одам –  
одам эмас,  
одам – атом  
(бўлинмас ва  
бўлишмас ўзгаларга).

**\* тилак**

сўзга чиққанинда – забон  
овга чиққанинда – камон  
йўлга чиққанинда – карвон  
элга чиққанинда – имон



панд бермасин  
ҳеч қачон!

\*

Ёр.  
Ёт.  
Ёв.  
Биргина товуш билан  
яқин ёки  
йироқмиз дарров.

**\* тақдир**

Бошида айланган  
қанча-қанча  
тегирмон тошлари  
ун бўлиб кетганига  
ҳали-ҳамон ҳайрон  
шу увоқ бир дон.

**\* маникен**

Муҳташам дўкондаги  
зарҳал ойна ортидан  
ўшайган бу нўримга  
эсон ҳам ато этилса –  
“томошақовоқ” лигидан  
бўларди-да хўб изза.

**\* арз**

Вужуд билан олишдим қирқ  
йил:  
Ичса хароб қиладиганни  
ичирдим,  
Еса азоб берадиганни едирдим.  
Бу ёгига тан чиқди эпчил:  
Ичиши мумкин бўлмаганни  
ичиргай,  
Ейиши мумкин бўлмаганни  
едиргай.

**\* туюк**

Кўнгилга  
айрилиқ доғи  
доғ солар доғи ва доғи  
қачон  
висол аввали-ю  
бу ҳажрнинг адоғи?

**\* баҳсинг давоми**

Баҳсимиздан  
туғилган  
ҳақиқатнинг  
отаси  
сенми  
ё мен?..

\*

Рафиқам  
тахлайди сандиққа  
устма-уст  
ёзги кийимлару  
иссиқ кунлар  
ҳаловатини.

**\* Маҳмуд Кошғарий**

Номусинг камзулига  
тил билан қадалган  
туҳмат тугмачасин  
тишлаб  
ечолмайсан,  
узолмайсан ҳам...

**\* жаҳолат**

“БИЗ – ТЎҒРИМИЗ!”, деб  
Том баравар шиор ёздилар  
лекин  
муаллифлардан бири  
“Т” ҳарфини  
ўмариб кетди секин.

**\* риёкорлик**

Қайчи  
огушини  
қанча  
кенг очар –  
демак кесмоқлиги  
шунча муқаррар.

**\* лукмаи ҳалол**

Йўлакдаги ҳакка  
чўчимади-учмади,  
аксинча, таънали тикилди  
тикка.

Унинг чала чақилган  
ёнгоқларин  
шу йўлакдан олгандим териб  
йигирма йилча бурун...

**\* шафоат**

Бир кун саҳарда  
соҳилга келиб  
ҳасад, гина, аразларни  
оқизиб юбордим  
шафоат қайиғига солиб  
ва ортимга қайтдим бахтиёр,  
голиб.

**\* эшик кўнғироғи**

Бу чолғуда  
ҳамма  
фақат  
битта куйни  
чалгани –  
чалган.

**\* нафосат**

Гўё сув сатҳига  
оёқ қўйгандек  
бир оҳиста қадам босар ул.  
Назаримда ҳозир, шу лаҳза –  
туфлисин учидан  
ҳалқа-ҳалқа ёйилади йўл.

\*

Ёмғир тугар  
Ёғду ҳам тарк этар фалакни  
табиат  
рангларга бўлаклаб, тугар  
ва асраб қўяр камалакни  
кейинги галга.

**\* таъсир**

Манзилингени сўрар эдим  
илкимда қўлтелефон –  
ўртамизга тушиди қулаб  
манзилидан чалгиган  
ари шўрлик  
ногаҳон.



\*

Самодаги  
Юлдузларнинг  
олис ҳароратидан эмас,  
сунъий йўлдошларнинг  
яқин назоратидан  
баъзан қисади нафас...

\*

Рақамлар асрида  
рақамли техника  
сеҳридан сармаст  
“рақам”лашавериб  
сўзлашишни  
унутмасак бас...

**\* фахр**

Самарқанд. Юлдузли оқшом.  
Самода янги (эски) ой.  
Навоий, Улугбек ё Темур бобом  
қачондир шу ойга боққан  
ҳойнаҳой  
мен турган манзилдан  
мендек маҳлиё.

\*

Умр борҳо кам қолиптур.  
Умр – чиндан ҳам қолиптур.  
Ўзни сиздирмоқ-чун қолипга  
Бошдан бошладик, охир –  
Қолиптур оёқлар сизмай,  
Бош ҳам қолиптур!..

**\* соғинч**

Ҳали  
қили ҳам  
бошланмай туриб  
кўргим келди яна баҳорни  
уч ойга патталар  
олдим олдиндан.

**\* ИМКОНСИЗЛИК**

Ҳар бир дақиқа –  
олтмишита миҳ қоқилган  
эшик.  
Қайта очай десанг  
қанча эшикларинг  
яна берк...

**\* таъриф**

Палакка очилган  
сув билан  
сероб  
семизўтдек  
орсиз, текинхўр  
жаноб...

\*

Қуядори ҳиди...  
ғижимлик...  
униқиш...  
эски пальтомга ҳам  
малол келди  
қили.

\*

Қанча давом этар  
билмам  
севги деган  
янги туш  
рангли туш  
оҳангли туш!..

**\* шубҳа**

Хотира  
наинки одамда,  
компьютерда ҳам бор.  
Лекин қалбни  
микрочипга кўчириш –  
эх-ҳей, душвор иш...

\*

Истайман  
истакларимни.  
Лек  
истаклар  
истаса –  
нетай...

**\* тарбия**

Бандадан  
нажот кутар  
дилбанди.  
Афсуски  
банда – банд  
банда – банди.

**\* газетада хато кетган  
рақамлар**

Сиз – ошкора пинҳоним  
ва қийналган виждоним  
очиқ қолган товоним  
гумониму пушмоним  
ёмонлардан ёмоним  
душманам...

\*

Хотира диктофони –  
энг даҳшатли қурол.  
неча кунки  
хато кетган сўзларимни  
такрорлаб  
пушаймондан ўлдирди мени.

\*

Паришон  
қуш мисол  
ҳар нафасимни  
қалбни  
совутмоққа  
сарфлайман (увол)...





Хусниддин ШАРИПОВ

*Очиғи, севимли журналимизнинг таширифи мени бироз шошилтириб қўйди. Ўзим ҳақда гапиришга анча қийналдим. Лекин кўнглимда ўқувчиларга айтар гапим кўп. Фурсатдан фойдаланиб ҳаётимда, ижодимда катта аҳамият касб этган баъзи бир ибратли воқеаларни эслаб ўтишни устадим.*

Муаллиф

## ТАҚДИР

Доно инсоннинг бир оғиз сўзи ўша сўзга муҳтож бўлиб турган, лекин бундан ўзи ҳам беҳабар бошқа бир кишининг тақдирини янги бир кенглик сари буриб юбориши мумкин экан. Бунни кўриш менга ҳам насиб қилган.

1960 йилнинг январида «Ўзбекистон маданияти» газетасига адабий котиб сифатида ишга жойлашганимдан кейин орттирган дўстим, адабиёт бўлимининг мудирини, кейинчалик фарзандларимга ҳам университетда устозлик қилган қадрдоним, яхши олим ва журналист Шариф Юсупов сўнгги пайтларда беш-ўн кишилик давра ичига кириб қолсак, давримизнинг улкан ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор 1952 йил декабрида мени мақтаб, бир оғиз сўзи билан адабиётда қадрдоним тиклаб қўйганини бир-икки марта шавқланиб эсга олди. Бу ҳақда ўзимнинг муносабатим қандайлигини ҳам сўради. Муносабатим аъло даражада-ку, аммо бу ҳақда эл аро гап очсам, ўзимни ўзим мақтагандай бўлиб қолишдан чўчиб, индаёлмай юравердим. Чунки ўтган асрнинг эллигинчи йилларида – фақат ёшлар эмас, китоб чиқарган, ҳатто ёши бир жойга бориб қолган қаламкашлар ҳам, камтарлик деворини бузиб, ўзларини шоир деб айюҳаннос солишдан ийманар эдилар.

Шариф ака менинг қитиғимни уйғотиш қийин эканига ақли етдимми, «Адибнинг жасоратли бир сўзи» мақоласи («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2007 йил, 16 март)да бу вазифани ўзи адо этишга киришибди. Мана у мақоладан бир лавҳа. «Ўшанда Абдулла ака ўз нутқини ҳозирги ёшларга ҳавасим келади, улар бизнинг авлод ёшлик чоғида қилолмаган катта ишларни қилмоқдалар, деб бошлаган ва ўша кунлари шеърият майдонига эндигина кириб келаётган Хусниддин Шариповнинг «Сахрога ҳужум» (аслида

«Ирода») шеърини ибрат намунаси сифатида келтириб, атрофлича таҳлил этгандан сўнг, ҳозирда Хусниддиндан кўра беш-ўнта кўйлакни кўпроқ йиртган қаламкашлар ундан дарс олишларини истардим, деганди».

Шундан сўнг, Шариф Юсупов ёзганидек, Абдулла Қаҳҳор ўзбек насри ва шеъриятидаги умумий аҳволга тўхтаб, баъзи адиб ва шоирларнинг ижод соҳасидаги, шахсий ҳаётидаги нуқсонларни ўйиб-ўйиб оладиган сўзлар билан бутун зал тасавурида яққол гавдалантириб берганди.

Ана шундай сўзлардан кейин ҳам мен оғзимга талқон солиб ўлтираверишим, бошқалар тугул, ўзимга ҳам ғалати туюлаётгандай бўла бошлади. Фақат бир андиша бор: ҳозирги эсловчилар кўпинча эсланувчиларнинг номларини яшириб, «бир ёзувчи», «таниқли шоир» сингари иборалар билан атаб ўтадилар. Менимча, шеърда ҳам, хотираномада ҳам қаҳрамонни таниб бўладиган портретини чизишнинг зарари ёки оғринтирадиган жойи йўқ. Ахир бу кимнингдир орқасидан тош отиш учун эмас, балки ўша давр об-ҳавосини, лексикасини, ифода имкониятларини кўрсатиб бериш учун хизмат қилиши мумкин.

Ҳозир ҳам кўлимда Ўзбекистон ёш ёзувчилари IV Республика кенгаш-конференциясининг 1952 йил 24-26 декабрь кунларидаги мажлисларининг стенографик ёзуви бор. Мен ўтганларнинг руҳидан кечирим сўраб, энди стенограмманинг у ер-бу еридан қисқа-қисқа лавҳалар келтираман, умидим борки, бу Абдулла Қаҳҳорнинг ўз портретига ўзи қўшган бўёқ бўлиб қолади.

Авалло Мирмуҳсиннинг «Абдулла Набиев» достони ҳақида. Қаҳҳор домла шундай дейди: «Бу маҳсулотнинг учта яхши бўлмаган томони бор. Биринчидан, Абдулла Набиев ўртоқлари, таниш-билишлари қаторида маълум

бир образ эди. Мен уни кўрганман, эшитганман – унинг алоқаси бўлган кишилардан эшитганман. Поэмада шу ёрқин образ латта кўғирчоққа айланган. Иккинчидан, поэма душман тўғрисида ўқувчида нотўғри тасаввур туғдиради. У бундай эмас, душман бундай бўлмайди. Душманнинг чет эл билан бўлган алоқаси бундай эмас эди. Учунчидан, ҳақиқатан бой, бадий пухта ишланган мисраларни эътиборга олмасак, поэма ўқувчини шоирдан (эҳтимол шеърдан) маълум даражада бездиради»

Конференцияни ўз маърузаси билан бошлаб берган 31 ёшли Мирмуҳсин ака 45 ёшли устознинг бу танбеҳи устида ўйлаб, орадан бир кун ўтгач, ўзининг якунловчи маърузасида Абдулла Қаҳҳор дostonни диққат билан ўқигани учун миннатдор эканини билдирди, асар устида ишни давом эттираётганини ва бу жараёнда Қаҳҳор фикрларини ҳам ҳисобга олажагини айтди. Мен бу ўйлашнинг натижасини билмоқ учун Мирмуҳсин аканинг кейинги китоблари ва таржимаи ҳолларини варақлаб кўрдим, лекин ўша дostonнинг на ўзини, на номини топдим. Меҳнати увол бўлишини муаллифнинг ўзи ҳам сезган бўлса керак-да.

Бадий асарлар хом туғилаётганини, Абдулла Қаҳҳор нутқини давом эттириб, ижодий кенгашлар фаолиятининг паст савиясига боғлайди. Шеърят кенгаши (у пайтлар поэзия секцияси деб аталарди) раисини тилга олиб, «Мамарасул Бобоев, маълум бўлишича, сен менга тегма, мен сенга тегмайман, иккаламиз ҳам олам кенг, яшайверайлик, деб иш тутаркан. Бунақа камтарлик кимга керак?» дейди устоз ва сўзини давом эттириб, Асқад Мухторнинг бирор асарга баҳо беришда унинг сифатидан кўра, муаллиф мавқеига кўпроқ эътибор қилаётганини эслаб ўтади.

Бундай ҳолат наср кенгаши (яъни проза секцияси) да ҳам ҳукм сураётгани ҳақида сўзлаб, Абдулла Қаҳҳор бирин-кетин Сами Абдуқаҳҳор, Иброҳим Раҳим, Аббос Муҳиддин, Саид Назарнинг қисса, ҳикоя ва романларини таҳлил қилади, улардаги мантиқсизлик, ҳаётдан йироқлик, тил ғариблигини чертиб-чертиб, зални кулдира-кулдира, намойиш этади. Буни Ёзувчилар уюшмаси раҳбарларидан бирининг адабий ҳаёт бўйича навбатдаги наштарли нутқи дейишдан кўра, умри ижод билан ўтган улкан тажрибали ёзувчининг республикамиз ёш каламкашлари учун ўтказган маҳорат дарси, унутилмас сабоғи деб аташ тўғрироқ бўлади, менимча.

Устознинг маърузаси ниҳоясига етиб қолди шеклли, оҳиста умумлашмалар туғила бошлади. «Ижод-

корларнинг кўпчилиги адабиётга қалам билан кираётибди, ёшлар адабиётга зўр мақсад билан келаётибди, – дейди Абдулла Қаҳҳор ва давом этади. – Биз учун ёзувчиларнинг оз ёки кўплиги эмас, балки буюк мақсад йўлидаги бир ривожланиш воситаси бўлиши қизиқарли. Кимдир ўз олдига қандайдир ёзувчи бўлишни мўлжал қилиб қўйган бўлса, на чора, ундан ҳар қачон ҳам ёзувчи чиқавермайди. Ёзувчини буюк мақсад туғдиради. Ҳатто бугунча тажрибаси етарли бўлмаган ёш қаламлар остидан чиққан асарларда ҳам ўша руҳ барқ уриб турса, мана шу руҳдан туғилган илҳом баракали бўлади».

Мажлис катнашчилари бу дадил ва теран нутқ учун миннатдорчилик билан қарсақ бошлаганларида устоз минбарни тарк эта қолмадилар, балки юқорида айтган фикрларини яна бир бора тасдиқ этиш учун бўлса керак, шундай давом этдилар: «Қайси куни «Қизил Ўзбекистон» газетасида адабий саҳифа чиқди. Унда ёш шоирлардан Ҳусниддин Шариповнинг «Ирода» деган шеъри босилиб чиқди. (Шу он менинг юрагим «шув» этиб кетди. Лекин, хайрият, устоз боягидай қаттиққўллик билан эмас, ўзгача бир оҳангда давом этдилар). Афсуски, шеър ўқишни билмайман, билсам ўқиб берардим. Майли, ўзингиз ўқиб оларсиз. Шеърда қум бўрони тасвир этилади. Кимдир бунақа ҳодисани ҳалокат деб ҳисоблар. Аммо шоирнинг ўзидек ёш бир геолог ўзи бу ерларга бугун-эрта бошлаб келадиган ҳаётни ўйлаб, ҳалокатли бўрон остидан жилмаяди. Чунки орқасида бутун мамлакат борлигини, халқ борлигини билади. Шунинг учун ғалаба қилишига амин.

Мен гапимни нима билан бошлаган бўлсам, ўша билан тамомлайман: биз адабиётга йўл ахтарганда, бундай шеър ёза олмас эдик, бундай ёзишни тасаввур қилиш ҳам қийин эди. (Узоқ ва давомли қарсақлар)».

Шундан сўнг танаффус эълон қилинди. Таниш ва нотанишлар, ҳали зал эшигидан чиқмай турибоқ, мени табрик эта бошлашди. Газета ва журналларнинг ходимлари босилмаган шеърларимни сўраб олишга киришдилар. «Шеърларим тугади» десам, қай бир мавзунга айтиб, буюртма берганлар ҳам бўлди. Расмий мажлислар орасида бўлиб ўтган ижодий муҳокамаларда шеърят кенгаши раиси Мамарасул Бобоев менга ҳам тез-тез сўз бериб турди. Ана шу жараёнда ақлим сал ёришиб, Абдулла Қаҳҳор деб аталган улғу инсоннинг сўзи нақадар қудратга эга эканини тушуна бордим. Устоз мени анча-мунча юқорига қафтларида кўтариб қўйган эканлар, эндиги вазифа – ўша ердан «гурс этиб» қуламаслик, домламиз сўзини беқадр қилмаслик, ўша йўл, ўша трамплиндан янада олға интилиш эди.

«Ирода» тўрт йилдан сўнг «Ниҳол» деб аталган биринчи китобимда асли ўзим қўйган ном билан босилди. У китобни топиш ҳозирги кунларда амри маҳол бўлгани сабабли, ёш шеърхонлар ва бошқа қизиққанларга кўчирма ҳавола этмоқчиман:

### САҲРОДА

*Бирдан қумтепалар, чўчиган тойдай,  
Сесканиб кўзғолди, бўрон бошланди.  
Нурдан ҳозиргина кўз толган жойда  
Қоронғулик чўкиб, сурон бошланди.*

*Қуёш чанг қоплаган баркаш сингари  
Тўзон орасидан кўринар хира.*





*Машина юролмас энди илгари,  
Йўлни кўрмоқ учун илож йўқ сира.*

*Кўзойнақдан ўтиб кўзга кирар қум,  
Тишининг орасида қум ғижирлайди.  
Бўронга боқаркан, геолог Турсун  
Қумни туфлаб ташлаб, бирдан жилмайди:*

*Майли увуллаб ол, саҳро, сўнги бор,  
Тезда ювош бўлиб қоласан қўйдек.  
Бу ерлар бўлади кўм-кўк пахтазор,  
Чунки кенг кўксингга биз қадам қўйдик.*

*Шамол ҳуштак чалар, тинчимас бир дам,  
Дарғазаб, ёқага солади чангал.  
Турсун палаткада, қўлида карта,  
Жилмаяр «Бог бўлар манов ерларда,  
Бу ердан ўтади ҳаётбахш канал».*

Ҳозирги куннинг баъзи бир жимжимахўр шеърхони юқоридаги сатрлар билан танишгач, ҳайрон бўлиши мумкин: Нега бу қадар олқиш, қани юракни ғижимлаб ташловчи оҳанглар, қайда қолди самовий теранлик ва ярқ этиб кўзни тиндирувчи зулматлар, деб. Жавоб сифатида айтишим мумкинки, ўша давр адабий об-ҳавосидан нафас олган Наим Каримов, Уммат Тўйчи сингари ёш шоир дўстларим (ҳа, жуда оз қоляпмиз) ҳануз эсласалар керак. Уруш йиллари жангчиларни олға чорлаган, мамлакат ичкарасида меҳнат қилаётган фидойиларни эса белларидаги тасмани янада қаттиқроқ тортишга ундаган сатрлар садоси эллигинчи йилларнинг бошларида ҳам янграб турарди шеърятда. Дабдаба ва мадҳиябозлик одатий нарса эди. Константин Симонов ва Микола Бажаннинг чет элдаги дўстларимиз ва душманларимиз ҳақидаги тигдор шеърый китобларига эргашиб, газеталарда ўқиган мақолаларимиз таъсирида ўзимиз ҳам «Ана – улар» сингари туркумлар ёзиб, «Ёшлик дафтари»да чиқариб юбораверардик. Адабиёт тарозусининг яна бир палласини эса мумтоз шеърятга тақлидан яратилган насиҳатгўйлик ёки ишқий сўла-кайномалар эгаллаганди. Адабиётнинг эртасини ўйлаган, шира босмаган, аммо ширадор шеърларни соғинган ижодкорлар юқорида айтилган каби ғарибликларни даволаш йўлини ҳаётнинг ўзидан, ўша куннинг қаҳрамонларидан, илҳомга омухта воқеабанд шеърятдан қидиришарди. Бу – биринчи масала.

Иккинчидан, ўтган аср қирқинчи йилларининг охири, эллигинчи йилларнинг бошида адабиётга уруш кўрган бир гуруҳ ёш каламқашлар дадил кириб келди. Улар ижоди сабабли адабиётда «фронт ҳақиқати» деган ибора ҳам пайдо бўлди ҳатто. Шимолий шаҳарларда Коган, Кульчицкий, Корнилов, Казин, Суворов ва уларнинг кечагина солдат жомаларини ечган тенгдошларининг сатрларида умр кадри, ватанга фидойилик, уруш заҳматлари ўз табиий бўёғида, ҳеч қандай бежамасиз ифодасини топар эди. Лекин ҳаётнинг бўёқлари ҳам ранго-ранг.

Марказий газета-журналларнинг баъзилари ижод оламининг янги авлодини мамнуният билан қўлаб қарши оларди. Бундай овозлар кўтарилиб бораётган бир паллада бошқа бир обрўли марказий газета, ўн-ўн беш кун ўтказиб, «адабиёт – умумхалқ иши, жуда масъулиятли, мураккаб нарса, унинг тақдирини эндигина қалам тутишни ўрганаётган, граждонлик руҳияти паришон

ўспиринларнинг қўлига топшириб қўйиш ақлдан бўлмас» деб чиқарди. Агар нашриётлар аввалроқ ёшларнинг асарларини сўраб олаётган бўлса, энди эҳтиёткор муҳаррирлар уларни дарҳол ўз йиллик режаларидан чиқариб ташлашга киришардилар. Тез-тез такрорланиб турадиган бундай «иккиланиш тўлқинлари» ўша газета-журналлар билан бирга биз тарафларга ҳам мунтазам этиб келар, натижада «ижодимиз қайиғи» чайқалгани-чайқалган эди.

Адабиётнинг келажоғи учун ўз масъулиятини яққол ҳис этиб яшаган устоз Абдулла Қаҳҳор, назаримда, ўша кунги нутқи билан, аввало, шеърятимизнинг халқ турмушидан туғилган йўналишини қўллаб-қувватлашига ўзи ишора қилган, қолаверса, ижодкор киши сермаҳсул ва мўътадил ҳаёт кечириши учун ҳар қанақа бегона шамолларнинг тебратаверишидан ҳимоя қилинмоғи зарур эканини таъкидлаган, деб ўйлайман. Бу фақат ўша кунги кайфият эмасди. Устоз, менимча, ўзи кўтарилган уфққа янги, ҳалол шогирдлар ҳам тирмашиб, у олаётган завққа шерик бўлишларини ўйлаган, лекин бу унинг учун бир-икки мавсумли иш бўлмагани сабабли, узлуксиз ўйлаган. Сўзимнинг исботи сифатида қуйироқда яна устознинг ўз сўзларини келтираман.

Мана, орадан ўн-ўн беш йил ўтиб, адабиётга ёш ижодкорларнинг яна бир янги авлоди кириб келди. Андрей Вознесенский, Евгений Евтушенко, Роберт Рождественский ва ҳамқурларининг овози жаҳон бўйлаб тарала бошлади. Бизнинг адабиёт ҳам янги, янғроқ, ёрқин руҳ касб этдики, буни Қаҳҳорнинг 1965 йил 7 августдаги «Литературная газета»да босилиб, «Ўзбекистон маданияти» ҳам чоп этган «Талант – халқ мулки» сарлавҳали мақоласида айниқса яққол кўриш мумкин.

«Эркин Воҳидовнинг «Нидо» поэмасини олайлик, – дейди устоз қувонч билан. – Поэманинг лирик қаҳрамони – уруш жафосини тортган, фашизмга қарши буюк жангда ҳалок бўлган одам. Унинг қалб садоси миллион-миллион кишиларнинг нидоси урушга нафрати, урушда ҳалок бўлганларнинг ҳаққоний хотирасидир.

Абдулла Орипов «Темир одам» деган шеърисида мураккаб техника сиридан воқиф бўлган, лекин инсоннинг қувончи, ғам-ғуссасига келганда қулоғи қар, тили лол бўлган, йиғлаган гўдакнинг бошини силлолмайдиган, онага таскин-тасалли беролмайдиган одамларга таъна тошини отади.

Ҳусниддин Шарипов шеърларида инсонни, унинг ақлини, меҳнатини, эзгулик ва адолатни куйлайди, улуғлайди.

Ўлмас Умарбеков «Севгим, севгилим» повестида одам боласига ишонч, одамлар қалбининг софлиги тўғрисида завқ-шавқ билан ҳикоя қилади».

Бу эътирофлар албатта фақат ёшлар эмас, ҳатто тажрибали қаламқашга ҳам қанот бахш этмоғи мумкин. Лекин гап фақат қанотнинг ўзидагина эмас, балки ундан катта мақсадлар учун фойдаланишда, парвозни юксакларда мустақил давом эттира билишда. Ана шунинг учун бўлса керак, Абдулла ака шогирдларни сергаклантириб, йигирма сатрлардан кейин фикрни бундоқ давом эттирадилар:

«Ҳозир, омади гапни айтганда, Эркин Воҳидов билан Ҳусниддин Шарипов ўзларидаги бор куч-қувватни тўла ишга солишаётгани йўқ. Юқорида шеъри мақтов билан тилга олинган Абдулла Ориповда ўз талантига масъулиятсиз қараш ҳоллари сезилаётибди. Ўлмас



Умарбековнинг биринчи йирик асари кўшиқдай қалбидан отилиб чиққан эди, ўзи яхши билмаган геологлар ҳаётдан олиб ёзган асари эса зўрма-зўраки, тасодифий чиқиб қолди. Шукур Холмирзаев биринчи асарида ҳаётнинг бир парчасини ғоят чиройли бир табассум билан чизиб берган эди, кейинги бир асарида воқеа қидириб қолгани сезилиб турибди. Учкун Назаров кейинги ҳикояларида биринчи ҳикояси даражасига яқин ҳам болмаётибди».

Абдулла Қаҳҳор бундан илгарироқ ўзининг «Маҳалла» деган ҳикоясига эпиграф қилмоқ учун ва, эҳтимолки, ёш ижодкорга қора қаламини қайраб боқаётган танқидчиларнинг нафси ва нафасини қайтариб қўймоқ учун Эркин Воҳидовга бир тўртлик буюриб ёздирганини ҳозирги китобхонлар билишавермас керак. Мана ўша тўрт сатр:

*Инсон билан тирикдир инсон,  
Муҳаббатдан ҳаётнинг боши.  
Одамзодга бахш этади жон  
Одамларнинг меҳр қуёши.*

Кейинроқ худди шундай таклиф билан устоз ўз шогирди бўлиб қолган Абдулла Ориповга ҳам мурожаат этиб, бу тўртлик билан «Нурли чўққилар» ҳикоясини беади. Мана ўша узукнинг кўзи:

*Гоҳо ер меҳрини ўйларкан,  
Эсга тушар дорнинг сиёғи;  
Ажаб ҳикмат: одам ўларкан  
Узилганда ердан оёғи.*

Абдулла аканинг соясига интилишимиз ёшлик билан ўтиб кетадиган хислатлардан бири эмас экан. Орадан анчагина вақт ўтиб, ҳассос ва файласуф шоир Асқад Мухтор раҳбарлигидаги «Шарқ юлдузи» журналининг шеърят бўлимини бошқараётган, журнал атрофига анчагина ёш ва, муҳими, истеъдодли шоирларни жалб этиб, Абдулла Қаҳҳордан олган ижодий қарзларимни ўшаларга қайтариб бераётган паллам эди. «Шарқ юлдузи»нинг тоғдай обрўсига суяниб, ҳали ўзини ҳимоя қилишга ожиз ёшларга ёки қалами бўшроқ акаларга катта-катта талаблар қўйиш қийин эмасди. Лекин менинг ўзимга ким талаб қўяди? Ҳа, мен ҳам «билган киши»нинг сўзига зор эдим.

1965 йил. Ёшлар йиғиладиган одатий вақт ва кун. Ёзувчилар уюшмаси раиси кабинетининг ортидаги шинамгина хонага таклиф этишди. Абдулла Қаҳҳорни шу ерда кутиб олдик. Катта-кичик йигирматача эканмиз, устоз бир-бир қараб, ўзлари сўз айтишдан илгари бизни тингламоқчи эканларини билдирдилар. Дарров шеърхонлик бошланди. Шеър ёзмайдиганлар, одатдагидек, уларни танқид қилиб чиқа бошлашди. Мен кейинги пайтларда негадир оқ шеър машқ қилаётган эдим. Билардимки, урушдан илгари адабиётимизда анча-мунча сарбаст-сочма шеърлар яратилган, аммо бу усул негадир ҳаётга сингиб кетмаганди. Шунинг учун мен ўзимнинг «қофия-либос»сиз ёзганларимдан бир оз хавотирда эдим. Навбат етганда, туриб, «Денгиз сокин эди» деган янги шеъримни ўқиб бердим. Абдулла ака энгил бош силкиб «маъқул» дедилар-у, кейинги нотикдан сўз кутаётган эдилар, мен улоқни бергим келмади

– Домла, ўқиганим одатий шеър эмас, қофиясиз, оқ шеър, фикрингизни билмоқчи эдим.

– Шунақами, мен қофияси бор-йўқлигини мутлақо пайқабман, дуруст, – деб кўнглимни тинчитдилар. Бу сўз бирор янги йўл излаганимда ҳали ҳам менга тутқа бўлиб келади.

Ёшларни ўз ҳимоясига, ўз қаноти остига олишдан устознинг мақсади – ўша давр адабиётини тушуниш савиясини кўтариброқ, бадииятнинг моҳиятини ёрқинлаштириброқ беришга кучи етадиган янги оқимга йўл очиш бўлса керак, менимча. Негаки, юқорида эслаб ўтилган «Талант – халқ мулки» мақоласида таъкидланганидек, «илгарилари ёшлиқда ёшлигига, қариганида қариб қолганига риоя талаб қилиб ўтган кишилар оз эмас эди». Бу масала ижодий турмушимизнинг энг оғриқли бўғимларидан бири бўлиб, ҳали ҳозиргача ушбу соҳада «оммавий тушунчамиз»нинг зеҳни на етарли даражада ўткирлашди, на кўзи дурустроқ равшанлашди. Таҳлилчиларнинг бадиий тимсолни фаҳмлай олиш савияси пастлигидан энг кўп жабр кўрганларнинг бири Абдулла Қаҳҳор бўлса керак.

Тақдир деймиз. Ёзувчининг тақдирини ижодий меҳнат ва унинг қалами учидан туғилган жонли инсонлар яратади. Мен Абдулла Қаҳҳор ҳақида ўйлаганимда кўз олдидан негадир Михаил Шолохов ва унинг қаҳрамонлари ўтаверади. Тасаввур қилинг, икки оқим бирини шартли равишда «оқ кучлар» десак, иккинчисини «қизиллар» деб аташимиз мумкин. Ҳар иккала куч ҳам замон ва маконни бошқарув мурватини ўз кўлида сақлаб қолиш учун беаёв курашга киришган. Гоҳ ўнг тўлқин босиб кетади бу ҳарбда, гоҳ сўл тўлқин. Буни муҳит дейдилар. Дунёга умид билан келиб, бахтини меҳнатдан, ўз қора тупроғидан излаганлар-чи? Уларнинг кўксига муҳаббат деб аталган илоҳий неъмат-чи? Аниқроқ қилиб айтсак, Григорий ва Аксинялар-чи? Бу бераҳм, инсоннинг зорини эшитиш қобилиятидан, севиш-севилиш завқини англаш бахтидан маҳрум муҳитда икки севишган қалб, қайси тўлқиннинг кифтида қалқиб-энтикиб борса-да, фақат оёқ ости бўлади.

Ҳатто бу аянчли тақдир бозоридан бош олиб кетаётганларида ҳам орзулари хазонга айланади.

Кўпгина эсдаликларда, «Сароб» романи узоқ вақт дўппосланиб, орадан ўн саккиз-йигирма йил ўтгач, ўз ижобий баҳосини олган, дейилади. Лекин ёзувчининг орзуси фақат ижобий баҳомиди? Қани, романни бир varaқлаб кўрайлик-чи.

Унинг асосий қаҳрамонлари – Мунисхон ва Саидийни тақдир бир эшикнинг икки бетига учраштиради. Бу асно аста-секин ҳаётни остин-устун қилиб юбораётган тарихий воқеалар гирдобига бориб туташади. Гирдоб аёв нима эканини билмайдиган нарса. Уни айлантираётган кучларнинг бири мақсад йўлида қурбон бўлишдан ҳам қочмайдиган кўрс жон эгаларидан ташкил топган бўлса, иккинчиси – ўз жонини асраб қолиш учун ҳатто ёлғиз опа ё синглисини қурбон қилишдан тоймайдиганлар. Уларнинг ўртасидаги «ур-теп»лардан дами чиқаётган коптокка ўхшаб синиққан Саидий «замона бўрони бутун мамлакатни тарақлатаётпти-ку. Қўй, мен оламга том тузатгани келганим йўқ» деб, китобхон билан хайрлашади. Мунисхон эса турмушнинг сасиб ётган разолат ботқоғидан оёғини тортиб ололмагач, «Олам тўла бахт, фақат мен бахтсиз эдим» деб, авваламбор ўз чаккасини ўққа нишон қилган эди, тўппонча эса акасиники.

Тақдирдошликни кўринг, «Тинч Дон» ва «Сароб»ни ҳар иккала ёзувчи ҳам айни йигирма уч ёшида ёзишга киришган эди. Улар мавзунини ёритиш ёки қаҳрамонлар

киёфасини яратишда бир-бирларидан «гула кўтаришган» деб айтиш мумкин эмас. Чунки Шолоховнинг асари 1928 йили ёзила бошлаб, қирқинчи йилда ниҳоясига етган бўлса, Абдулла Қаҳҳор ўз романини 1930-1934 йиллар орасида яратган. Шундай экан, айтишимиз мумкинки, Шолохов ҳам, Қаҳҳор ҳам бир-бирларидан анчагина олисда, ўз тупроқларида ҳалол яшай туриб, давр оқимини, замон об-ҳавосини, ўша шароитда нафас олаётган беғубор кишиларнинг, ўзлари билган кишиларнинг сезги, севги вадардларидаги ҳамоҳангликни, баъзиларга ўхшаб қулоқ ё бурунлари билан эмас, балки сезгир юраклари билан ҳис эта олганлар ва, энг муҳими, мустақил ифода этишга муваффақ бўлганлар.

Мен олимлик даъво қилмоқчи эмасман. Фақат, юқоридаги кузатувлардан келиб чиқиб, кўнглимда туғилиб қолган бир фикрни ўртоқлашиш ниятида айтманки, ижодкор қандай усул ё услубда, қачон ва қаерда қалам тебратмасин, бундай меҳнат кишиларини бирлаштириб турадиган нарса – истеъдод, ИСТЕЪДОД ўзи эса жуда қисқа қилиб айтганда ТАСАВВУР ВА УНИ ИФОДАЛАШ ҚОБИЛИЯТИДИР.

Ана шу улкан қобилият маҳсули бўлмиш ҳар икки асарнинг кўз очиб кўрганлари ашаддий танқид бўлди. Шолохов мунаққидлар томонидан янги даврни тезгина ҳазм қилиб кета олмаган бебошвоқ «казак (Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда «ўрис қозоқ»)



ларнинг куйчиси» деб «ўққа тутилса», Қаҳҳорнинг бошидан миллатчилик масаласини баҳона қилиб совуқ сув куйилди. Қирқинчи йилларнинг охирида ҳаддан ортиқ саваланиб, кейинчалик «Кўшчинор чироқлари» сифатида янгидан яратилган «Кўшчинор» романи ҳақида ҳозир гапириб ўтирмайман – аввал солиштириб ўқиб керак, чамамда. Чунки мен «Кўшчинор»ни ва унинг тўғрисидаги танқидларни ғўр ўспиринлик чоғимда ўқигандим ва, оғзимни очганимча, унисига ҳам, бунисига ҳамаланг-жаланглаб қолавергандим. Лекин хотирамнинг бир четида ҳануз бир чўғ милт-милт этиб туради майли, мавзу масаласини ҳозирча оғизга олгани эринсак, хўп, бу икки «Кўшчинор»нинг бадиияти, айниқса, тил бойлиги устида ишлайдиган бирор мард адабиётшунос топилса, бугун ҳам бемалол фан докторлигига арзийдиган гўзал илмий асар туғилиши мумкин.

Истеъдод қисматини фақат ўзи ҳал қилиш мақсадида ҳар қандай муаммони, ҳатто юксак бадиият масалаларини сиёсат эғови билан текислашга уринувчи ҳакам ва хунармандлар илгари ҳам бўлган, бундан кейин ҳам бўлаверади. Лекин адабиётда юз берган ва бераётган ҳамма ташвишли ҳоллар учун айбни уларга ағдараверишдан фойда унча кўп бўлмаса керак. Чунки асарни истеъдод, истеъдод эгаси шоир, ёзувчи, драматург яратади.

Мана, йигирманчи аср янги асримиз билан туташган паллаларда, яъни қайта қуришнинг олатасир кунларида, кейинроқ – жамият турмуши ўзгаришга юз тутиб, халқ турмушини бошқарувчи янги кучлар қарор топган даврда ҳамма ижодкорларимизнинг кўзи очик, ақли жойида, қалами кўлида эди. Аммо уларнинг орасидан бирор йигирма уч ёшли янги Абдулла Қаҳҳор чиқиб, ўзининг «Сароб» даражасидаги фикрга толдирувчи янги китобини элга тақдим этолдимми? Бундай асар ярата олмаган бўлса, сабаби нима? Истеъдод етишмадимми? Ҳаётни тушунишга тишлари ўтмадимми ёки адабиётнинг янги тарозибонларидан чўчишдимми, жон ширинимди?

Ана шуларни ўйлаганда, Абдулла Қаҳҳор нақадар жони қаттиқ, чидамли, файласуф инсон экани кўз ўнгимизда гавдаланади. Унинг «Шоҳи сўзана» («Янгиер») пьесаси Москва театрида сахна юзини кўрганидан кейин ижодкорига Давлат мукофоти берилди. «Синчак» қиссаси Константин Симонов томонидан таржима қилиниб, Москва журналида босилиб чиққанидан кейин ўзимиздагиларнинг унга муносабати равшанлашди. Фақат улкан инсон эмас, ҳатто оддий киши ҳам ана шундай асноларда кимлар билан яшаётганини ўйлаб, ичи зил кетиши мумкин. Ахир ёзувчи ёки шоир ҳам одам, у фақат дилидагини эмас, тилидагини ҳам ўз замондошлари тушуниб олишларини истайди, ҳа, меҳнатининг натижасини ўз кўзи билан кўргиси келади. Фақат келажак умиди билан яшаш оғир, ахир.

Эҳтимол кимдир устозни тили аччиқликда айблар, юзингда кўзинг борми деб ўлтирмай, ўз ҳақиқатини дастурхон қилаверишини кимдир ёқтирмас, шунинг учун ҳар бир қаҳҳорона «тарс»га «қарс» этиб бошмабош жавоб берувчиларнинг уруғи кўп эди, дер кимдир. Менимча, гап бунда эмас. Яна ўша муҳитга назар ташлаб кўрайлик. Йигирманчи асрнинг биринчи чораги ўтиб, янги жамият қарор топибдики, давлат бошқарувига оддий одамлар кўплаб жалб этилгани сабабли, унинг асосий шиорларидан бири «танқид ва ўз-ўзини танқид» бўлди. Раҳбарми, содда ваъзхонми, минбарга чиққанидан



кейин маърузасининг бешдан тўрт қисмини турмушда, ишлаб чиқаришда, оилада ва ўз фаолиятида рўй бераётган камчиликларга бағишлар, шундан сўнггина қандайдир мўлжалларини, бу мўлжаллар беражак ижобий натижаларни, ўша натижалар қўлга киритилиши учун нималар қилиш кераклигини тилга оларди. Бунга ҳамма кўникиб қолган эди ҳам.

Ҳаёт саҳнасидаги ушбу ҳолат 1966 йилга келиб, давлат раҳбариятида янги арбоблар пайдо бўлганидан кейин кескин ўзгарди. Энди қўлига микрофон тушиб қолган нотиқ ўз нутқининг бешдан тўрт қисмини қўлга киритилган муваффақиятларга, қолган қисминигина ишдаги ва турмушдаги етишмовчиликларга ҳамда яхши ниятларга бағишлашга ўрганди. Кадрларнинг ишонч қозониши, юқори лавозимларга кўтарилиши ҳам улар ана шу санъатни нақадар пухта ўзлаштиришлари билан

боғлиқ бўлиб қолди. Сабаби тирикчилик деганларидек, уларнинг орасида фақат мансабпарастларгина бўлиб қолмай, Абдулла Қаҳҳорнинг шоғирдиман деб юрган олим ёки қаламкашлар ҳам учраб турарди. Карвон бехатар бўлмайди-да!

Абдулла ака декорация ўзгарса ҳам пинагини бузмай, ҳатто жонининг оғриғини бошининг оғриғига айлантирмоқчи бўлганлар тобора кўпайса-да, қаҳҳорона яшашни давом эттирди. У ўзи ишонган, ҳалол, истеъдодли ҳаммаслақларига суяниб дардини енгарди. Бутун умиди эса ёшлар қўли ва истеъдоди билан яратилгучи келажакка боғлиқ эди. Агар бир мўъжиза рўй берса-ю, мен бехосдан рассомга айланиб қолсам, аввало устознинг кўзидаги ана шу яширин умидни тасвирга туширган бўлардим ва расмининг номини «Тақдир» деб қўйган бўлардим.

## АДИБ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

*Ҳусниддин Шарипов 1933 йилда Наманган туманида туғилган.*

*2000 йилда “Меҳнат” шўхрати” ордени билан тақдирланган. Умумий меҳнат стажи 54 йил. 1993 йилдан буён нафақада, ижодий иш билан машғул.*

*Ҳусниддин Шарипов таниқли ўзбек шоири, драматурги ва таржимонидир. Унинг “Навой” деб номланган дастлабки шеъри 1948 йилда Наманган вилоят газетасида эълон қилинган эди. Шундан сўнг ўтган ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида шоирнинг “Кўнгил буюргани”, “Қуёшга ошиқман”, “Тупроққа қасида”, “Ернинг қалби”, “Мен сизга айтсам”, “Лирика”, “Ҳаяжонли дақиқалар”, “Оҳ, гўзал”, “Хирмон”, “Яна висол” каби жами ўттизга яқин шеърий тўпламлари дунё юзини кўрди.*

*Ҳусниддин Шарипов жами йигирмага яқин достонлар муаллифи. Улар орасида, айниқса, “Сотиболдидан салом”, “Қуёшга ошиқман”, “Инсоф диёри”, “Тановар” достонлари ўзининг ўйноқчилиги, халқоналиги, ширадор тили ва бошқа фазилатлари билан ўзбек достончилиги тарихида алоҳида ўрин тутади. Шоирнинг “Бир савол” шеърий романи ўзбек адабиётида шеърий романнинг энг сара намуналаридан биридир.*

*Ҳусниддин Шарипов моҳир драматург ҳамдир. Унинг “Сени севаман”, “Ота ўғил”, “Афсона”, “Чоллар ва кампирлар” драмалари мамлакатимиз театрларида муваффақият билан саҳналаштирилган. У моҳир таржимон сифатида И.Тургенов, У.Уитмен, Р.Рождественский каби ёзувчиларнинг шеърлари ва драмаларини ўзбек тилига ўғирган. Айни чоғда Ҳусниддин Шарипов асарлари рус, урду, тожик, турк ва бошқа жаҳон тилларига таржима қилинган.*

*Ҳусниддин Шарипов айниқса Ўзбекистон давлат мустақиллиги йилларида фаол ижод қилмоқда. Бу йилларда шоирнинг “Ёр истаб” (1992 й.), “Минг иккинчи кеча” (1992 й.), “Қалтис юриш” (1999 й.), “Қайнарбулоқ” (2002 й.), “Асирингман” (2003 й.) каби жами йигирмадан кўпроқ шеърий китоблари, достонлари, драматик асарлари ва Ежи Юрандотнинг “Тўққизинчи покиза” (1999 й.), Пабло Неруданинг шеърлари (2000 й.), Жан Лафонтеннинг шеърлари (2001 й.), Бертольд Брехтнинг шеърлари (2002 й.), В.Маяковскийнинг шеърлари (2003 й.) таржималари ўзбек тилида дунё юзини кўрди. Улар адабий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди.*

*Икки ўғил, икки қизнинг отаси, кўплаб неvara ва чевараларнинг бобосидир.*






Жамила ЭРГАШЕВА

# ЗУЛФИЗАР

Қисса



Акбарали Мамасолиев чизган расм.



Ҳаво ниҳоятда дим эди. Осмон юзига кир чойшаб ёпилгандек оқ булут қоплаган, қуёш хира фонус каби зўрға кўзга ташланади. Куз. Сунгги япроқларини тўкаётган дарахт шохлари совқотган каби алланечук дийдираб туради.

Зулфизарнинг юраги сиқилиб кетди. Машинадан тушгач, чуқур-чуқур нафас олди, аммо юрагини сиқаётган беҳаловатликдан халос бўла олмади, ўпкасининг қайсидир бурчакларига тоза ҳаво етиб бормаётгандек эди. У тезроқ уйга етиб боришни истади. Келаётганини қизига айтмай яхши қилган экан. Ҳозир уйга кирадию, ётади. Чарчоғи ёзилгач, овқат қилади, Феруз мактабдан қайтгач, Фарангизни боғчадан олиб келади. Қизига кечга яқин қўнғироқ қилади: “Мен келдим, невараларим билан ўтирибмиз”.

Калит одатдагидан қийинроқ буралди. Темир эшик “ширқ” этиб очилди.

“Ие, булар уйда, дейман?” ҳайрон бўлиб ўйлади у, бўсағадаги бесаришта пойабзалларга кўз ташларкан. Қизи ҳам, куёви ҳам бу пайтда ишда бўлишлари керак эди. “Тинчликмикин?!”

Қизи касал бўлиб қолганда ҳам бир кун ишдан қолмас эди, фақат болаларининг тоби қочгандагина ноилож қоларди.

Ётоқхонадан ғудурлаган овоз эшитилди. У шошиб эшикни очди:

– Сора!

Ағдар-тўнтар бўлиб ётган тўшақда кўзлари олакула бўлганча шошиб-суриниб кийинишга ҳаракат қилаётган ярим яланғоч куёви билан Соранинг энг яқин дугонасини сочлари тўзиб ётган ҳолда кўрди-ю, турган жойида тошдек қотиб қолди. Етмиш икки томирини куйдирган аланга келиб томоғига тиқилгандай бўлди, оғзи қуриб, тили танглайига ёпишиб қолди. Секингина ортига бурилиб, бемадор кўллари билан деворга суяна-суяна, ошхонага йўл олди: Сув! Бир қултумгина сув...

Челак турадиган курси ёнига зўрға етиб борди. Столдан пиёлани олиб, сувга энгашган маҳал ўнг елкасида симиллаган оғриқ турди. Оғриқ лаҳза сайин зўрайиб борарди. У амаллаб бир ҳўплам сув ичди-да, секин ортида турган ўриндиққа ўтирди. Оғриқ ёйилиб, кўкрак томонга ўтди ва юракнинг қайсидир бурчагига жойлашиб олди. Кўп ўтмай юракда даҳшатли оғриқ бошланди. Бу шундай кучли оғриқ эдики, нафас ҳам ололмай қолди ва гурсиллаб полга йиқилди...

Нашатир спирти ва камфора ҳиди анқиб ётган хонада ўзига келди. Тошдек оғир қовоқларини зўрға кўтариб, боши устида унга қараб, алланималар ҳақида баҳслашаётган оқ халатли одамларни кўрди. Кўксидаги оғриқ нафас олишига ҳам йўл бермас эди.

– Ўҳ, ўлиб қоламан ҳозир!..

– Оғрияптими? Тезроқ оғриқни қолдириш керак, морфий!

Оғриқ аста-секин тарқай бошлади. Пешонасини муздек тер қоплади. Ҳорғин вужудини уйку элитди. Атрофида ғимир-ғимир қилиб юрганларнинг овозлари олислардан келаётгандек, элас-элас эшитила бошлади. Сўнг кимдир келиб, уни ташқарига олиб чиқди. У турган жой ям-яшил адирлик экан. Адир тепасида оппоқ либосдаги бир кампир гоҳ кўлларини кукка чўзиб, гоҳ пешонасини ерга уриб, Оллоҳга илтижо қилиб ётган эмиш. Зулфизар бир амаллаб ўша тепаликка чиқиб борди. Ёвшанларнинг шитирлашиданми, хаёли бўлинган кампир бурилиб, унга қаради. Унинг ёшланиб

турган кўзлари меҳрга тўла эди. Кампир унинг ёнига келиб, аста юзларини силади:

– Ай, болам-а! Овора бўлган болам-а!

Бу унинг момоси – Улкан кампир эди. Унинг қўллари худди тириклик пайтларидагидек лой ва тупроқдан тарс-тарс ёрилиб кетган, дағал, аммо иссиққина эди.

Улкан кампир узоқ вақт чўнтақларини титкилади, сўнг узр сўрагандай, унга юзланди:

– Сенга берай десам, ҳеч нарсам йўқ экан, болам. Йўқчилик курсин... Абдурасулим жонталаш бўлиб ётганда эшон “Жонга жон, садақа радди бало. Бир жонлиқ айтин”, деди. Айтадиган ҳеч вақоимиз йўқ эди. Иложсиз турган пайтимда кўзимга сен кўриниб кетдинг. Ўшанда қўлбошдайгина чақалоқ эдинг. Бир сенга, бир ярадор шердай инграб ётган аканга қарадим. Невараларимнинг тўнғичи, уни отангдан ҳам кўпроқ яхши кўрардим. Ётиб қолган кунидан буён “Шугинанинг дардини менга бер” деб, Оллоҳдан сўраб ўтиргандим. Оллоҳ мен шўрни олмади, пешонангдаги ёзуғларни охиригача кўр, дедими... Эшоннинг гапидан кейин тишимни тишимга қўйиб, ўрнимдан турдим-у, йўргак пўрагининг билан даст кўтариб, акангнинг устидан айлангирдим:

– Ё, меҳрибон Оллоҳим, шу қизнинг жони акасига садақа бўлсин. Садақамизни қабул қилгин, – дедим.

Улкан кампир чуқур “уф” тортди. Қалбидаги андуҳдан юзлари қоп-қора бўлиб кетди.

– Аммо Оллоҳ садақамни рад қилди. Сени эмас, Абдурасулимни олиб кетди. Ўшанда сени олиб кетганда шунчалар овора бўлмасдинг...

Унинг томоқлари қақраб кетди.

Улкан кампир бўйнига кумуш қўнғироқчалар осилган чиройли кўзачада сув узатди:

– Ол, ич, болам!..

Сув муздек эди, у ютоқиб ичди, аммо ҳеч чанқоғи босилмади. Кампир эса индамай нари кетди.

– Сен энди дам ол, – деди кетаётиб.

У ростдан ҳам жуда чарчаган эди, оёқларини олдинга узатиб юборди, зилдек бошини юмшоқ майсалар устига қўйди. Димоғига ўт-ўланларнинг ажабтовур ёқимли ҳиди урилди. Булутлар ортидаги баҳор куёши оҳистагина қиздираётган юзларини майин шабада силаб ўтди. У шу аллозда узоқ ётди, юз йилми, минг йилми...

\* \* \*

Бундан кўп йиллар аввал қишлоққа муаллим бўлиб қайтган қизидан ғурурланган Ойсултон Улкан кампирга таъна қилган эди:

– Мана, моможониси, сиз бир замонлар садақа қилган қизингиз бинойидек муаллим бўлиб келибди.

Улкан кампир маҳзунгина жилмайди:

– Ҳа-а, йўқчилик-да, болам. Кўз олдимда жондан азиз неварам шамдек сўниб борарди. Эшон бобо жонига жон беринг, деганларидан сўнг ўзимни йўқотиб қўйдим. Хаёлимда жонлиқ сўраб, минг эшикка кириб чиқдим. Уйда ўзимизнинг дардисар жонимиздан бўлак ҳеч нарсамиз йўқ эди. Эшон бўлса “ўзингизга азиз бирон нарсани айтин”, деб турибди. Бир пайт кўзим шу гўдакка тушди: уч ўғилдан кейин тилаб олган қизимиз... Шартта ўрнимдан турдим-у...

Ойсултон ҳам ўтган кунлар ёдига тушиб, бир сўлиш олди:

– Йўғ-е, хола, сиздан сира хафа бўлганим йўқ. Шунда топқирлигингизга қойил қолганман. Кейин...

Шу чақалоқ Абдурасулимнинг ўрнига қолгандай қанча пайт эмизгим келмай юрди. Ҳа-а, нима дейсиз, ҳар ким ўз кунига гаров экан-да...

Бу суҳбат Зулфизарни ҳам ранжитмади:

– Жуда чиройлимиди Абдурасул акам?

– Ҳа, ҳар елкасига бир ўтов тиккудек жуда абжир чобоғон эди. Қишлоқнинг бор қизи унга ошиқ эди. Қоши-кўзлари сеникидек ловуллаб турарди.

– Лекин сендан минг марта эсли эди, – Улкан кампир бу маҳзун суҳбатнинг осойишта маромини бузди.

– Мен нима қилдим?– норози оҳангда тўрсайиб олди Зулфизар.

– Уқиб, муаллим бўпсан, хўп қибсан. Аммо эркакка ўхшаб хўб сочларингни кесиб ташлаганинг нимаси? Қишлоққа яланг оёқларингни ширдайтиб, тўрт қарич кўйлак билан қандай кириб келганингни ҳеч ақлимга сиғдира олмаяман, эртага мактабга ҳам шу уст-бошда бормоқчидирсан ҳали?

– Нима бўпти, момо, ахир мен муаллимаман!

– Муаллим элдан чиқиб кетиши керакми, – баттар қаҳрланди момо. – Ўқимишли одам сувдан баланд, ажриқдан паст, ҳокисор, нима бўлса, кўп билан, эл билан бўлиши керак. Буёғи уруш, қорахат олмаган уй қолмади. Илгари бир уйдан ўлик чиқса, ўн уй “Уруғим, томирим” деб кўк кияр эди. Ҳозир бутун қишлоқ азадор, азадор қишлоқни оралаб шу кийимда юришингга сира рози эмасман.

Ёлғизгина ўғли билан девдай-девдай икки неварасини урушга жўнатиб, на яхши, на ёмон хабар ололмай ўтирган кампирга эътироз билдирмоққа ҳеч ким журъат қила олмади. Хонага нохуш жимлик чўқди. Бир пас ўтиб, Зулфизар ҳовлига чиқди. Томида ўт-ўланлар қовжираб ётган уйлари ниҳоятда ғарибона, мискин эди, момоси билан онасига ўхшаб... Агар отаси билан акалари уйда бўлганда... Тезроқ тугай қолсайди шу лаънати уруш!

Зулфизар момосидан қанча норози бўлса ҳам, эртаси куни мактабга ўзбекча кўйлак-позиму рўмолида кетди.

Мактаб колхоз идораси ёнида жойлашган тўрт хонадан иборат кўримсизгина бино бўлиб, унинг муаллими ҳам, раҳбари ҳам ўтган йили урушдан оқсоқ бўлиб қайтган Жўра деган йигит эди. Зулфизарни кўриб суюниб кетди:

– Яхши бўпти. Анчадан буён бир муаллим юборинглар, деб юрган эдим. Қимирлаган жон борки, далада. Аммо халқнинг боласига ҳеч бўлмаса бошланғич таълимни беришимиз керак-ку. Бугунги вазият, уруш вақтинчалик, эртага тугайди. Урушда йўқотган йигитларимиз ўрнига қолган болаларни саводсиз қилиб улғайтиришга сира ҳаққимиз йўқ.

– Рост.

– Муаллимнинг қўлларини мушт қилиб куюнчалик билан гапириши унга ёқди. Унинг ранглари униқиб кетган кителидан ғалати ҳид келиб турарди, қон ва тер хидига ўхшаш ачимсиқ бир ҳид.

– Ҳамма ёшдаги болаларни бир синфга йиғиб, ўқитиб ётган эдим. Энди уларни бўлиб ўқитамиз.

– Хўп.

Унга энг кичик ёшдаги болаларни берди. Анчадан бери оҳакланмаган синфхона зах ва қоронғу, тинимсиз дарс қолдирадиган болаларнинг кўпчилиги касалманд, нимжон, синфда дарс бўйи йўтал овози тинмас эди. Бутун синф биттагина китобдан фойдаланар, кўпчилик болаларда дафтар-қалам ҳам йўқ эди.

Момосига ҳасрат қилган эди:

– Кўктош-да унинг давоси. Тўртта кўктош топиб, яхшилаб куйдирсанглар, қанча оҳак бўлади, – деди Улкан кампир.

Болалар бир дунё кўктош йиғиб келишди. Ўтин топиб, тош куйдирган ҳам ўзлари бўлишди. Биргалашиб, бутун мактабнинг ичи-сиртини оҳаклаб ташлашди.

Жўра муаллим уни мактаб кўйди:

– Сен қизда ажойиб ташкилотчилик қобилияти бор экан-ку.

Кўп ўтмай уни колхоз идорасига чақиришди:

– Сизни партиёга қабул қилмоқчимиз. Маҳаллий хотин-қизлар орасида ҳам партиёга садоқатли кадрларни кўпайтиришимиз керак.

Отасидан қорахат келганига бир ой ҳам бўлгани йўқ эди, мактабга колхоз партиё ташкилоти котиби бориб, эртага райкомга боришини айтди.

– Сағал ўзингга қараб чиқ. Райкомдагилар, бизга кимни тавсия қиляпсизлар, дейишмасин яна, – кета туриб кўшимча қилди котиб.

Эртаси куни Зулфизар уйдан одмигина кийиниб чиққан бўлса-да, мактабга келиб, қайта кийиниб олди. Уст-бошини алмаштираётиб, хаёлан момосининг олдида ўзини оқлаган бўлди: “Иш, иш-да, момо. Талаб қилишгандан кейин илож йўқ. Зиёли одам ўзининг ташқи қиёфасини кўркам, замонавий тутиб юриши зарурат. Ҳа-а, сиз буни қаердан ҳам тушунардингиз...”

Аммо райкомдагилар уни шундай хайрихоҳлик билан кутиб олишдики, қайтишаётганда қорахат келгандан буён тишларини тиззасидан олмай, жим ўтирадиган бўлиб қолган момоси ёдидан ҳам чиқиб кетди. Эрталаб уйдан кийиб чиққан кийимлари мактабда қолган эди, мактабга бурилиб ўтирмади. Бу пайтда у ерда ҳеч ким бўлмаслиги аниқ эди.

Эшикни очган заҳоти қандай хатога йўл қўйганини тушунди. Улкан кампир унга бир қаради-ю, юзини четга бурди. Унинг бир лаҳзалик нигоҳида қаҳрдан ҳам кўра жирканиш аломатлари босимроқ эди.

Зулфизар уст-бошини алмаштириб, Улкан кампирнинг ёнига чўқди. Қоқ суяк елкаларидан кучиб, сўлғин терилари осилиб ётган юзларидан ўпди:

– Момо, мени кечиринг. Мен бугун райкомга бордим. Мени партиёга қабул қилишди. У ерга лозим, рўмолларда бориб бўлмайди. Идорадан янгича кийиниб чиқинг, дейишди. Шунинг учун, мажбурият туфайли...

Момо индамади.

Зулфизар ҳазил билан момосининг аразини ёзмоқчи бўлди:

– Абдурасулнинг ўрнига сен ўлиб кетсанг, яхши бўларди, денг.

Момо яна индамади. Унинг фақат юраги эмас, суяклари ҳам ўт бўлиб ёнарди. Абдурасул жон талашиб ётганда бадавлат бўлган экан, ёнида нордай ўғли, бирин-кетин бўй етиб келаётган неча невараси бор эди. Мана, ўғлидан қорахат келди. Мамарасул билан Мамараймдан на хат бор, на хабар. Хувуллаган уйда уч муштипар қолди. Ўшанда юраги бутун экан, шартта ўрнидан туриб, йўрғақдаги гўдакни бемор боласининг бошидан айлантира олди. Энди-чи? Энди осмон олис, ўғли ва неваралари жон олиб, жон бераётган жойлар ундан-да олис.

Камига манави қиз ҳам думи юлинган товукқа ўхшаб...

– Момо... – Зулфизар ялинчоқ оҳангда эмраниб, момосини қаттиқроқ кучди.



Улкан кампир бир силтаниб уни ўзидан итариб ташлади:

– Нарироқ тур, дардим сен эмас!

Онаси пастки лабини тишлаб, бош чайқади: “Кўй, керак эмас”.

Кечки қуёшнинг майин нурлари хонани зўр-ба-зўр ёритиб турарди. Зулфизар Улкан кампирнинг оёқларини қучоқлаганча ғужанак бўлиб пойига ётиб олди:

– Момо, уч ой аввал Манзуранинг отасидан ҳам қора хат келган эди. Энди билишса, мина портлаган жойда қолиб кетган экан. Командирлари уни ўлдига чиқариб, уйларига қора хат жўнатишган. У эмаклаб-эмаклаб, ўз қисмига етиб олибди. Ҳозир госпиталда экан, хат ёзибди, яқинда уйга қайтаман, дебди. Момо, бу уруш, урушда ҳар нарса бўлиши мумкин. Мен отамнинг ўлганига сираям ишонмаяпман, кўнглим айтиб турибди, эрта-индин ўзи кириб келади.

Улкан кампир унинг сочларини, юзини силади.

Зулфизар бурилиб, момонинг кўзларига қаради. Кампирнинг хавотир тўла кўзларида умид учқунлари пайдо бўлганди.

– Бугун райкомда айтишди, лаънати Гитлернинг армияси орқасига қарамай қочаётган эмиш, тез орада уруш ҳам тугар экан. Ғалаба билан қайтган ватандошларимизни ёруғ юз билан кутиб олишимиз керак, энди шунинг тайёргарлигини кўришимиз лозим, дейишди. Ҳали замон отам билан акаларим кириб келишади. Ана ўшанда бизни қийнаб, шундай ўтирганларингиз учун афсус қиласиз. Кейин акаларим бу уйни бузиб ташлаб, катта уй қуришади. Албатта, икковимизга алоҳида хона бўлади, мен дарсимни қиламан, сиз менга қараб ўтирасиз. Сигир оламиз, уни ўзим соғиб, сизга сут пишириб бераман, қатиқ увитаман, эрталаблари қаймоқ еймиз. Акаларим тоқларимизни кўтаради, ёз бўйи дастурхонимизда узум бўлади. Мен майиз қилиш йўлларини ўргандим, қиш учун майиз қиламиз.

Унинг юзларини силаётган муздек кафтларга аста-секин ҳарорат иниб борарди.

\*\*\*

Палатани аллақандай дорилар ва хлорнинг ўткир ҳиди тутиб кетган эди. Зулфизарнинг нафаси қайтди, бу ҳолат унга ҳали тирик эканлигини англатар эди. У кўрпа остидан секин қўлларини чиқариб, бармоқларини бўйин томирига қўйди, юраги ҳеч нарса бўлмагандай бир текис уриб турарди. Оёқларини қимирлатиб кўрди, аммо танасининг оғирлигини умуман сезмади. У дорилар таъсиридан вазнсизлик ҳолатига тушиб қолган эди.

Шу чоқ эшик очилиб, қўлида чойнак кўтариб олган қизи кўринди. Эшиқдан хонага турли хил овқатларнинг ёқимсиз ҳиди ёпирилиб кирди. Унинг кўнгли айниди. Зулфизарнинг тўшагидаги ҳаракатни илғаб қолган қиз югуриб бошига келди:

– Она, онажон!..

– Деразани оч... – бурнини жийириб ўтинди у.

Қизи шошиб деразани очди.

Деразадан ёпирилиб кирган мусаффо ҳаво хонадаги ёқимсиз ҳидларни сиқиб чиқарди. Палатанин доғ-дуғ бўлиб кетган деворлари, сим каровотлар, илвираб кетган юраклар бир зум ёддан чиқди. Она ва қиз тоза ҳаводан тўйиб симирди.

– Онажон, тузукмисиз? Ҳамманин юрагини ёрдингиз-ку, – у юмшоққина кафтларини онасининг пешонасига қўйди.

– Менга нима бўлди?

– Буни сиз биласиз-да, Офтобойим... – ўпканди Сора. – Шунчалик ҳам бўладими, одам? Бораяпман деб, бир оғиз қўнғироқ қилиб қўйсангиз бўлмасмиди? Кўчада шундай бўлиб қолганингизда нима бўларди?

– Шундай бўлишни билибманми? – Гуноҳкорона ўтинди.

– Ҳеч ҳолингизга боқмадингиз-да, она. Икки марта инфаркт ўтказган одам бўлсангиз... Сиз йўлда эмас, уйда ўтирганингизда ҳам ҳамиша эҳтиёт бўлишингиз лозим. Сиз бўлса... куёвингиз телефон қилса, юрагим ёрилиб кетишига бир баҳя қолди. Уям шошиб қолганидан “Тез ёрдам” қаерга олиб борса, шу ёққа эргашиб кетаверибди. Ўзимизнинг докторимиз бор, шунга олиб боринглар, дейишни ҳам эпламаган. Энди кўзғатмай турайлик, деяпмиз. Сал ўзингизга келсангиз, кейин ўзимизнинг клиникага олиб ўтамиз.

Палатага пешонасидаги сочлари буткул тўкилиб кетган ўрта ёшлардаги доктор билан ҳамшира кирди.

– Сора Анатольевна, беморни чарчатаяпсиз!

– Кулимсираб танбеҳ берди доктор. – Ўзи зўрға жаҳаннамнинг остонасидан қайтариб келдик. Аммо бамайлихотир бўлишга ҳали эрта.

Сора индамади.

Доктор Зулфизарнинг ёнига келиб, қўлларидан тутди:

– Хўш, опагон, аҳволларингиз яхшими?

– Шукур...

– Юрагингиз ўзини эслатиб яна эркалик қилмаяптими?

– Сағал... Аммо кечагидай эмас.

– Яхши. Ҳозир яна укол қилиб қўйишади, бу укол ухлатади. Ухлаб, дам олинг. Айни пайтда сизга ҳеч кимнинг ҳамдардлиги, ачиниши ёрдам бермайди. Кўзларингизни юмиб, қимирламасдан ётинг, фақат яхши нарсаларни ўйланг, ҳеч ким билан гаплашманг.

У Зулфизарнинг қўлларини оҳистагина тўшак устига қўйиб, Сорага юзланди:

– Сора Анатольевна, илтимос, бу киши онангиз эканликларини бир муддат ёддан чиқаринг. Бу киши бемор, сиз шифокор, муносабатлар ҳам шу тушунча доирасида бўлиши керак. Ташқарида ўн-ўн беш одам турибди, бири қўйиб, бири ичкарига киришни сўрайди. Илтимос, шуларга жавоб бериб юборинг. Сиз билан бизга халақит беришмасин.

– Хўп, доктор!

Зулфизар гуручи сув кўтармайдиган қизининг ўзи тенги бир шифокор, эҳтимол илмий даражаси ундан ҳам пастроқдир, бераётган танбеҳ ва кўрсатмаларни индамайгина қабул қилишидан билди-ки, аҳволи жуда жиддий.

\*\*\*

Шу кун тонгни Зулфизар уйғотди. Кеч ётган бўлишига қарамай, жуда эрта уйғонди. Тўшақдан аста сирғалиб туриб, ҳовлига чиқди. Боботоғ ортидан секин тонг ёришиб келарди. Янги тонг қўнғир туман орасида аста тарқалиб борарди. Осмон этагида ёлғиз милтиллаб турган юлдузга қараб, отаси ва акаларини ўйлади. Уни ҳам шу юлдуз каби ёлғиз ташлаб кетишди... Қулоғига қаердандир йўқлов эшитилди. Йўқловга диққат билан қулоқ солиб, бу овоз юрагидан чиқаётганини англади. Даҳшатга тушди.

Ажаб бу йўқлов унинг қалбида ҳозир увиллаб бошладимикин ёки азалдан бормиди? Қачон, қачон унинг

қалби ўзига аза оча бошладийкин, қачон? Ё балки энг бошиданок, хув ўша дамларданок бу юраги унга нималардир деб тавалло этгандир? Ахир доим ақлига қулоқ тутиб иш қилди, бошқалардан бир калла бўлса ҳам баланд, бир қадам бўлсада илгари юрди. Ўша пайтлар унинг мана ҳозир ич-ичидан элас-элас сас каби йўқлаётган, уними ё ўзиними кўмаётган қалбига қулоқ солгудай эдими? Энди нега бунча бўзлади бу юрак? Оғриқдан... бари оғриқдан бўлиши керак... Лекин барибир нега келиб-келиб шу бугунга келиб-биринма бирин, худдики уни маҳв этмоққа қасд этган лак-лак бешафқат кўшин каби умрининг ҳар бир лаҳзаси, ҳар они дабдурустдан, шовуллаб, шувиллаб кўз ўнгидан ўта бошлади? Тушига кирган момоси-чи? Гўдак эмас-ку, она қолиб, ота қолиб моможонга талпингудек... Ўзи момо бўлса, неваралари, қизи, ўғли... Уффф... бу яна ким бўлди? Ие, котибми?

Ҳа, ўша кун... Ўша куни ҳам котиб келиб, эртага райкомга боришларини айтиб кетди:

– Номзодликдан ҳақиқий аъзоликка ўтасан. Идорада бўламан, эртароқ кел. Соат тўққизда бюро, пиёдага анча йўл, – кетаётиб олдингидек қўшимча қилди: – Уст-бошинга ҳам қара.

Бу гапдан директорнинг ғаши келди:

– Одамнинг баҳосини кийим-бошига қараб бермайдилар-ку.

– Тўғри, Жўра муаллим, сиз кўп нарсани биласиз. Аммо, яна бир нарсани билиб қўйсангиз, зиён қилмайди. Яъни зиёли коммунист ташқи қиёфаси билан ҳам оддий чўпондан фарқ қилиб туриши керак.

Директор котибнинг гапларини охиригача эшитиб ҳам ўтирмади. Қўл силтаб хонадан чиқиб кетди. Унга Зулфизарни партиёга ўтказаяпмиз, деб, йиғилишмайиғилиш судрайверишлари сира ёқмасди. Буни у яшириб ҳам ўтирмайди.

Ҳатто Зулфизарнинг ўзига ҳам айтган:

– Сен жуда яхши муаллимасан. Бировнинг боласини шунча яхши кўриб, қалбининг кўрини бериб, сабоқ ўтиш ҳаммининг ҳам кўлидан келавермайди. Яхши муаллим бўлиш учун эса коммунист бўлиш умуман шарт эмас.

Янги ўқув йилидан учинчи муаллим бўлиб, уларга қўшилган Хадича ҳам Жўра муаллимнинг фикрини маъқуллади:

– Ростдан ҳам яхши муаллим бўлиш учун партиёга кириш шарт эмас. Менимча, кўпроқ мансабга интилган одамлар партиёга ўтишади.

Ўзига ҳамфикр топилгани ҳам директорни тинчитади:

– Ўқувчиларни яхши бир муаллимдан айиришаётганликларига кўзим етиб турибди.

Бу гаплар Зулфизарнинг ҳам кайфиятини бузди.

Партия аъзоси бўлиш ҳар қанча олиймақом бўлмасин, ёнидаги ҳамкасблари шундай деб тургач, одамга хурсандчилик татирмиди?

Зулфизар бу гапни котибга айтган эди, у жиғибийрон бўлиб кетди:

– Бўлмаса, партиёга кимни ўтказиш керак? Партия сафлари сендек жонкуяр, ўз ишининг устаси, фидойи кадрлар билан мустаҳкамланмаса, у қандай қилиб қудратли бўлади? Қандай қилиб ғояларимизни оддий инсонлар қалбига, онгига сингдираимиз. Бу ғояларни бир рус аёли келиб, бизнинг қишлоқ хотин-қизларига тушунтирса, у ҳар қанча билимдон бўлмасин, қабул

қилдириш жуда қийин кечади. Аммо ўша гапларни ўз ҳамқишлоғи айтса, осонгина қабул қилади. Шу оддийгина ҳақиқатни тушуниш шунчалар қийинми? Фрондан қон кечиб қайтган дейман, бўлмаса, ўзим билардим уни нима қилишни!

...Тонг ёришгач, Зулфизар даҳлизда ўтириб, котиб берган китобларни бир-бир варақлади. Кийинди, ўқишдан қайтгандан буён анча ўсиб қолган сочларини силлиққина қилиб тараб, орқасига бир ўрим қилиб ўриб қўйди, билақдек зулф нозик белида қулф урди.

Худого шукрки, унга осон-осон саволлар беришди. У гапирётганда бюро аъзоларининг унга ҳавас ва меҳр билан қараб туришлари уни янада бийрон қилиб юборди. Айниқса рус тилини ўрганиб, болаларга рус тилидан ҳам дарс бераётганини улар жуда маъқуллашди.

– Сиз энди қиз бола эканлигингизни унутинг. Сиз энди партиёнинг аскарисиз. Партия лозим кўрган жабҳада ишлашга доимо тайёр бўлинг, – деди бюрдан сўнг суҳбатга чақирган бир киши. – Баъзан ишингиздан ташқари топшириқлар берилса, виждонан бажаринг. Бу сизнинг коммунистик бурчингиз.

– У жуда катта одам, – деб тушунтирди котиб ташқарига чиқишгач, – Кадрлар бўйича ҳамма масалаларни шу одам ҳал қилади. Ана, сен ҳам назарга тушдинг.

Тонг саҳардан туриб, қишлоқдан туман марказигача, у ёқдан қишлоққача пойи-пиёда келиб, кун бўйи оёқда тик турган бўлса ҳам учиб келаётган Зулфизар қишлоққа киргач, ғалати бўлиб кетди. Аввал олдиларидан почтачи Салим чўлоқ чиқди. Худди кўрмагандай саломига ҳам алиқ олмасдан юзини тескари буриб ўтди. Сўнг... Қаердандир увиллаган йўқлов овози эшитилди. Кунига неча уй азахонага айланиб, қишлоқнинг ҳар бурчида йўқлов айтилиб ётган бўлса-да, негадир унинг юраги “шув” этиб кетди. Шошиб уйлари томон югурди.

– Вой, болам, кўзимнинг нури, болам, Белимнинг қуввати, қалбимнинг кўри, болам.

Энди нима қиламан...

Бошимни қай тошларга ураин,  
Мозорингни қаерлардан излайин,  
Отинг ўчсин, уруш, отгинанг ўчсин!..

Муштдеккина бошини қаттиқ ерга уриб фарёд чекаётган бахтсиз аёл унинг онаси эди. Ранглари мурданикидай оқариб кетган момоси ҳамон қоқсуяк оёқларини маҳкам қучоқлаганча тиззасини тишлаб ўтирарди. Унинг нурсиз кўзларидан ёшлар шашқатор бўлиб қуйилар, аммо у шу қадар бемажол ёки безътибор эдими, бу ёшларни артиб ҳам қўймасди.

Ўқдек учиб кирган Зулфизар титраб-қақшаб онасини қучоқлаб олди:

– Энажон, ким? Нима?! Нега бундай ўтирибсизлар?

– Ўзи ҳам уларга қўшилиб, йиғлай бошлади.

– Аканг, қизим, акажонинг! Мамарасулдан ажралиб қолдик. Энди нима қиламиз, болам!

Орадан ҳафта ўтиб, Улкан кампир ҳам омонатини топширди. Ювиб, кафанлагани кирганлар момога кўп ачинишди:

– Икки тиззаси ҳам момоталоқ бўлиб кетган экан, ювиб бўлганимиздан кейин ҳам кўзларидан оқан ёшни кўрдик. Шўрлик, чин дунёга йиғлаб кетди.

Уйнинг ним қоронғу бурчагида бир оғиз ҳам гапирмасдан ўтирса ҳам шу мусибатли кунларда Улкан кам-



пир оила учун улкан қоя бўлгани ўтирган ўрни бўшаб қолгандан кейин билинди.

Момоси бор эди, умрларида кўрмаган аллақайси юртларда юрган бўлсалар ҳам, отаси, акалари бор эди. Бирин-кетин келган уч жудолик юракларига беадоғ оғриқ ва кўрқув солди. Ҳовлида бир хазон шитирласа ҳам Зулфизарнинг юраги қинидан чиқиб кетгудай бўларди.

Шу оғир кунларда Хадича унинг ёнидан кетмади. Тушгача мактабга бориб келар, сўнг намозшом тушгунча уларникида ўтирарди.

Бир куни ёринчоқда маккажўхори майдалатиб қайтаётганда Жўра муаллимдан гап очди:

– Жўра ака жуда яхши одам, ҳар куни сени сўрайди. Эркак-да, ёнингга келолмас... Лекин ўзини кўярга жой топа олмай юрибди.

Зулфизар индамади.

– У сени яхши кўради, – бир пасдан кейин қўшимча қилди Хадича.

Буни Зулфизар яхши биларди, аммо минг яхши одам бўлса ҳам йил ўн икки ой ранги ўчиб кетган ҳарбий кийимда бир оёғини судраб юрадиган Жўра муаллимни ҳеч қачон ўзига муносиб кўрмасди. Эрта-индин уруш тугайди. Отаси, акалари қайтиб келади. Тўкин-сочин, яхши кунлар бошланади. Улар шаҳарга кўчиб кетишади. Зулфизар бахтини ўша ёқлардан топади.

– Ҳой, эшитяпсанми? – Хадича уни уйғотмоқчи бўлгандай туртди.

– Ҳа.

– У сени яхши кўради, – такрорлади Хадича.

– Нима бўпти?

– Унга турмушга чиқишингни истаяпти. Агар рози бўлса, совчи қўяман, деди. Мана шу оғир кунларда отанг ва акаларинг келгунча бошларингда бир эркак киши бўлгани яхши-да. А, нима дейсан?

– Қўйсанг-чи!

– Ундай дема, Зулфизар! – ялинишга тушди Хадича. – Унга жудаям раҳмим келади. Соғлиғи йўқ, онаси ҳам ўтиб кетди, бир уйда бир ўзи яшайди.

– Раҳминг келаётган бўлса, ўзинг те! У менинг тенгим эмас, – ижирғанди Зулфизар.

– Жон деб тегар эдим, у бебаҳо инсон, лекин у мени эмас, сени сўраяпти.

– Қўй шуни!..

Жўра муаллим барибир одам қўйди. Совчилари қуруқ қайтгач, ўзи кўнгил ёрди:

– Урушдан қуруқ суратим қайтган эди. Ҳали ҳаётида бирон қизнинг қўлини ҳам ушлаб кўрмаган, қалби орзуларга тўла не бир йигитларнинг парча-парча бўлиб, юзлаб бўлақларга бўлиниб кетганини кўрдим. Бу бўлақларни йиғиб, дафн қилишнинг ҳам иложи йўқ эди. Бунга ҳеч кимнинг вақти ҳам йўқ эди. Мени ортга қайтаришди, аммо мен ўша қирғинбаротлар ҳамон давом этаётганини яхши биламан. Ўқларнинг визиллаб учган овозлари, бомба портлашлари, аскар йигитларнинг инграшлари қулоқларимнинг остидан сира кетмайди. Шу ҳолда одамзод нимагадир қизиқиши мумкинми? Йўқ, албатта. Аммо, ишонсанг, сен мени ўша тубсиз чоҳдан юқорига олиб чиқдинг, мени ҳаётга қайтардинг. Сени яхши кўриб қолдим. Агар йўқ десанг... Йўқ, мен бунга кўтара олмайман. Хўп, дегин. Ишон, бир умр бошимда кўтариб юраман.

Қаршисида яланғоч новдадек қалтираб турган йигитга нисбатан кўнглида заррача рағбат туймади. Унинг дийдаси қаттиқ эди.

– Мени кечиринг, Жўра ака. Мен ҳали ўқимоқчиман.

– Бирга ўқиймиз.

– Йўқ, бунинг иложи йўқ, – у шартта ўрнидан туриб, хонадан чиқиб кетди. Аччиғи келди. “Ҳар ким ўз тенгини билса экан! Энди Зулфизар келиб-келиб, шу чўлоққа... Ё, тавба-ей!”

Шундан кейин ҳам Хадича кўп қистади:

– Бунча тошбағир бўлмасанг? Юришини қара, адоий тамом бўлди, шўрлик.

Аммо ўзи Зулфизарни бошқа безовта қилмади.

Уруш тугаб, мактабга янги муаллимлар келгач, у туман марказидаги мактабларнинг бирига оддий ўқитувчи бўлиб ўтиб кетди.

Зулфизар елкасидан юк тушгандай енгил нафас олди.

Хадича хафа бўлди:

– Мен уни яхши кўрардим, – деди бир куни кутилмаганда.

Зулфизар ҳайрон бўлди:

– Мени унга кўндирмоқчи бўлиб, шунча асабимни бузганларинг тил учида экан-да...

– Мен уни ҳаминиша яхши кўрганман. Унга тег, унга раҳм қил, деб сенга ялиниб юрган пайтларимда ҳам яхши кўрганман. Ўша тер ва қон ҳиди сингиб кетган кителени жойнамоз қилишга тайёрман ҳаминиша. Уни яхши кўрганимдан, унга раҳмим келганидан, унинг бахтли бўлишини жуда-жуда истаганимдан ялинганман сенга. Ким билан бўлса ҳам майли, бахтли бўлсин шу йигит, дедим.

– Энди-чи?

– Энди... Билмадим, бу ёғи нима бўлади? Юрагидаги яралар битгач, учрашиб қолсак, агар унгача биров-ярим чаққонийлар илиб кетмаса, ҳаммасини ўзим айтаман.

– Оббо сен-ей! Кўнглинг кетган ошни мақтаб бировларга тавсия қилиб юришининг маънисини нима? Худди ўзинг энди ўн етти ёшга кирган пари-пайкарсан. Ҳали сенинг қўлингни сўраб, Бойчибор минган неча Алпомишлар келади. Лекин сен пайсалга солиб, кечикиб қолма, ўзингни ҳам ўйла.

\* \* \*

Зулфизар ярим тунда уйғониб кетди. Вақтни билиш учун аввал атрофга, сўнг ойнанинг заифгина нурлари сизиб кираётган деразага қаради. Қаршидаги каравотда қизи ухларди. У бир муддат қизига тикилиб қолди. Бегона тўшак ноқулайлигиданми, у бир пасда бир неча бор ағдарилиб олди. Зулфизар уни ростдан ҳам жуда эрка ўстирган, ҳаётида бирон ноқулайлик бўлмаслигига ҳаракат қилган. Энди!.. Э-э, худо, авлоддан авлодга бойлик мерос бўлиб ўтишини, хасталик ўтишини биларди, аммо бахтсиз қисмат ҳам мерос бўлишини билмаган экан. Агар шундай бўлмаганда Зулфизарнинг тақдири қизидан такрорланиши шартмиди? Бир замонлар ўзи тақдирнинг талхўр насибасини татиб кўрганда бунчалар эзилмаган эди, аммо қизининг ағдар-тўнтар бўлиб ётган тўшаги унинг ҳаётини издан чиқариб юборди, худди поезд рельсдан чиқиб кетгандай... Эрини ярим тунда ўйнашига қўшиб ҳайдаганда ўзига ўзи тасалли бера олган эди: “Бир кам дунё, деганлари рост. Менинг камим шу эр бўла қолсин, энг муҳими, жоним соғ, болаларим бағримда. Тирик ва саломат бўлсанг, бахт, омад, бойлик ўзи сени излаб топаверади”.

Гарчи кейинчалик ҳаёти бекаму-кўст бахтга тўлиб ўтмаган бўлсада, эрсиз қолганига сира афсусланмади.

Эрталаб Сора уни уйғоқ ҳолда кўриб, суюниб кетди. Нам сочиқ билан юз-қўлларини артиб, овқатлантиргач, хонага бир қизни бошлаб келди:

– Онажон, бу қиз менинг шогирдим, илмий иш қиялпти. Жуда билимли, зийрак қиз. Мени бир зарур масала бўйича клиникага чақиришяпти. Шундай бораман-у, қайтаман. Бу қиз мен келгунча сизга қараб туради, – сўнг қизга тайинлади. – Доктор билан ҳамширалардан ташқари ҳеч ким кирмасин.

– Бу қизни ташвишга қўймагин, болам. Аҳволим яхши, ўзим ётавераман, – хижолат бўлди Зулфизар. – Келгунингча шу ернинг докторлари қараб туришар...

– Йўқ, она, сизни шундай ташлаб, хотиржам кета олмайман. Ёнингизда ўзим бўлмасам ҳам, ўзимнинг ишонган одамим туриши керак.

Ҳамшира укол қилиб кетгач, энди кўзи илинаётган эди, эшик “ғийқ” этиб очилгани эшитилди. Зулфизар негадир хавотирланиб эшикка қаради. Остонада узоқ хасталиқдан турган бемордек ранглари сўлғин, қарашлари ҳадик-хавотирга тўла Ғанишер турарди.

– Ассалому алайкум.

Шогирд қиз ўрнидан туриб, бир Ғанишерга, бир беморга қараб қолди. Ғанишер унинг нигоҳларидаги иккиланишни сезиб, изоҳ берди:

– Сиз бир айланиб келинг, бу кишига ўзим қараб тураман.

Қиз бир дақиқа ҳаяллаб турди-да, сўнг индамай чиқиб кетди. Нима ҳам десин, куёв бўлса.

Ғанишер унинг қаршисидаги курсига ўтирди:

– Мени кечиринг.

Бошқа пайт бўлганда юзига бир шапалоқ туширарди. Ҳозир бунинг иложи йўқ. У индамай юзини девор томонга ўгириб олди.

– Тўғри, ичингизда қарғаётгандирсиз, турқинг кўрсин сен итнинг, деётгандирсиз? Лекин бу сиз ўйлаганчалик итлик эмас. Билсангиз, аҳволингизни кўриб, ўзимнинг ҳам бўларим бўлди. Сизга бир гап бўлганда, ўзимни кечиролмасдим...

– Уша “бир гап” бўла қомапти-да, – шартта унинг гапини кесди Зулфизар, аммо ўз овозининг хасталигига қарамай бундай кескир чиққанидан ўзи ҳам ҳайрон қолди.

Куёвига нафрати шунчалик кучайган эканки, бор алами куч бўлиб бўғзидан отилди гўё.

– Аслида бу шунчаки тасодиф эмас. Мен дуч келган хотинга ёпишиб юрадиганларданам, уйимга, тўшагимга ҳар кимни судраб келадиганлардан ҳам эмасман. Лекин барибир бир нарсани тан олишим керак. Анчадан буён кетмоқчи бўлиб юрган эдим. Ҳеч жазм қила олмаётгандим. Охири кетсам, аввалроқ кетишим керак экан, сизни инфаркт олдирмай...

– ...

– Нега кетмоқчи эдинг, демайсизми?

Унинг миқ этмаганидан нимагадир баттар қизишди индамас куёви, сўнг қирқ қайта қайтариб, ёд олгандек деди:

– Қизингиз мени ҳеч қачон яхши кўрмаган!

Зулфизар икки чаккасидаги томирлари гуп-гуп лўқиллай бошлаганини сезди: гапини қаранг бунинг? Шу ёшида “севди-севмади” эсига тушибди-да, орада икки бола туғилиб, бўйи бўйинг билан тенг бўлиб қолганда-я?

Жирканиб, юзини терс ўгирди. Аммо ичидан ни-

мадир барибир куёвига нисбатан бу қадар бешафқат бўлмасликка ундаб турарди. Ҳар не бўлганда ҳам ўғлидан-да меҳрибони шу эди, боласининг ортидан боласидек... Унинг ичидан кечаётган хавфли хаёлларни сезгандек Ғанишер ҳам дадиллик билан гапида давом этди:

– Менимча, у пул, мол-дунё, шон-шухратдан бошқа ҳеч нарсани яхши кўра олмас керак. Уйланган кунимдан буён кўпроқ пул топай, тезроқ илмий ишимни ёқлай, номзод бўлай, доктор бўлай, деган ташвишлар билан яшаб келаяпти. Болаларнинг олдида ҳам ўрним йўқ. Қўшничикига чиқиш учун ҳам онасидан рухсат сўрайди. Шу пайт ёнгинасида ўтирган ота эса улар учун бир жонли ҳайкалдан бошқа нарса эмас. Албатта-да, уй онаники, машинани она олган, она ҳайдайди, она оғзиларидан чиққан ҳар бир истакни муҳайё қилади. Бу ёқдан сиз, у ёқдан боболари тўлиб-тошиб келади. Менинг ота-онамда дуо билан меҳрдан бўлак ҳеч нарса йўқ. Ўзим шунча йилдан бери илмий ишимни ёқлай олмай сарсонман. Маошим тушлигим билан йўл кирамни зўрға қоплайди. Бу уйда доимо кераксиз буюмдек ҳис қиламан ўзимни.

У анча пайт жим қолди. Бу орада Зулфизар ўйларди: индамайгина шунча гапни ичига ютиб юрган экан-да, ғалча. У бир умр шу ғалча эркакларни ёмон кўрди. Илк бор турмушга чиққанида шу сабоқ бўлмаганмиди? Айнан мана шундай мулойим супурги эрлар бир кун келиб албатта тузлигингга тупурмай қўймадилар. Яна кетар чоғи ҳамма айбни ўзингга юклаб, қорага чаплаб ташлайди. Ўзлари эса пахтадек оқ. Ахир қилгани ҳам, энг яхши кўргани ҳам шу кизи бўлди. Чунки қизнинг ўзи шунга арзийди. Унга ўхшаб адашмади, ўзи севди, ўзи тегди ва... энди фақат ўзи куйиши керакми? У она бўлиб индамай бир четда қараб тураверсинми? Қизини сўрагучилар кўп бўлди. Ўзи бир қиз, ҳусни ўн қиз эди-да Соранинг. Ҳозир ҳам кўрган кўзни куйдиргудек. Аммо негадир бироз эркакчасигами-ей фикрлайди. Эри-хотин ажралиб кетишса ҳам, Сора бир зум ота эътиборидан четда қолмади, эрка, дангалроқ бўлиб ўсди. Шу лапашанг эрига ҳам оёқ тираб туриб олгани учун ҳам узатишганди. Бунинг нимасини севиб қолган экан: шу ақли, шу ҳусни билан?! Бу шўртумшуғам шўр-шўрлаб туриб олди-да. Ўшанда ота-онасининг камбағаллигини ўйлаганмиди? Шу қиз менга лойиқми ўзи деганмиди? Ораларидаги фарқни, тафовутни энди билибдиларда? Олтин балиқчаси жонига тегибди-да? Зулфизар ўзини бу ўйлардан ҳар қанча тийишга ҳаракат қилмасин, яраланган она шер каби фарзандининг куйига ана шундай аламли ўйлар фарёди бўлиб бўғзини кўрғаб, саннаб ташлашдан тийиб турарди. Умуман, нима деб қарғасин? Ўта маданиятли бўлишнинг шуни си ёмон-да, ғазабинг бостириб келганда ҳам тилингни тишлаб тураверасан, анча пайт жим бўлиб қолган куёв яна хижолатли томоқ қирди. Энг муҳим гапни айтиш учун тараддулланаётган эди чамаси. Ниҳоят ёрилди:

– Мени кечиринг, назаримда мен ўз муҳаббатини топгандайман. У ҳаётини менсиз тасаввур қила олмайди. У худди онамга ўхшайди, мени тушунади, мени аяйди. Мен унга уйланишга қарор қилдим. Сиздан ягона илтимосим, Сорага ҳеч нарса деманг. Даволаниб чиққанингиздан сўнг ўзим айтаман.

Ҳар нима бўлганда ҳам Зулфизар хиёнаткор куёвдан бундай айблов ва кескин қарорни кутмаган эди. Агар Ғанишер у ўйлагандай қаловланиб ўзини оқлаганда эҳтимол ҳали бери жаҳлидан тушмаган

бўларди. Ўзича бу оғриқли тишни қизининг ҳаётидан қандай қилиб оғриқсиз ҳолда олиб ташлаш режасини топа олмай ётганди. Аммо куёвнинг кутилмаган қарори уни шошириб қўйди. Назарида қизи, неваралари катта шаҳарда ёлғиз, беқаров қолгандай кўриқиб кетди. У қошларини чимириб, ижирғангандай киноя билан Ғанишерга қаради:

– Ўзингизнинг нафсингиз, ҳою ҳавасларингиз учун болаларингизнинг кўнглини яримта қилиб кетмоқчимисиз?

– Болаларнинг кўнглида мендек отага умуман эҳтиёж йўқ.

– Сиз шундай деб ўйлайсиз, яъни сиз қандай ўйласангиз, шундай кўрасиз. Эҳтимол ҳозир уларнинг сиз билан умуман ишлари бўлмаётгандир. Улар ҳали бола-ку. Улар учун ўз ташвишлари, ўз дунёларидан бўлак ҳеч нарсанинг қизиғи йўқ. Аммо ташлаб кетсангиз, аниқ, бўшаб қолган ўрнингизга қараб “дод” деб юборишади. Ана шунда, уларга жуда кераклигингизни билган дақиқаларда ортингизга қайта оласизми? Балки унғача бу оилада ҳам “ота” деб этагингизга ёпишгучи бегуноҳ фарзандлар дунёга келар. Ана шунда нима қиласиз?

Зулфизар табиатан жуда яхши нотик эди. Истаса, гўдакдек бегуноҳ одамни ҳам, шайтонга дарс бергучи товламачини ҳам ўз йўриғига сола олар, шу истеъдоди билан ишлаб юрган пайтлари неча юзлаб рўзгорларни сақлаб қолган эди. Осмондан келаётган куёв унинг гапларидан кейин жим бўлиб қолди.

Эшиқдан кириб келган доктор ўртадаги ёқимсиз суҳбатга нуқта қўйди:

– Ие, Сора Анатольевна қаерда? Сиз кимсиз, сизни палатага ким киргизди? – чинакамига уришиб кетди у.

– Мен куёвлариман. Қараб тургандим...

– Сора Анатольевна шифокор бўлгани учун беморнинг ёнида бўлишига рухсат берганмиз, бўлмаса, ўзимизда ҳам қаровчилар етарли. Боя ҳамшира укол қилган эди, сиз туфайли бемор ухлаёлмай карахт бўлиб ётибди. Қани, тез чиқинг палатадан.

Ғанишер палатага қандай мардоновар кириб келган, шундай учиб чиқиб кетди. Ўзини беобрў қилиб ҳайдаб чиқарган доктордан миннатдор бўлди. Агар шу доктор кириб келмаганида, ким билади, бу қайнонаси...

\*\*\*

Ниҳоят йиғлаб-юпаниб ғалаба кунларига ҳам етиб келишди. Ҳамманинг тинка-мадорини қуритган уруш тугади. Ҳаётларида бирон ўзгариш юз бермаган бўлсада, ҳамманинг кайфи чоғ, худди шахсан ўзи Рейхстагга ғалаба байроғини қадаб қайтгандек мамнун эди.

Бундан беш йил аввал машиналарни тўлдириб-тўлдириб, урушга кетган йигитлар энди бирин-бирин, бугун биров, эрта яна кимдир, индин ҳеч ким, кутаётган одамлар зиқ бўла бошлаганда елкасига юк халта осиб олган, ҳорғин кўзлари соғинчга тўла яна кимдир қишлоққа кириб келарди.

Қишлоқ четидан ўтган кичкинагина ариқ кўпригидан туман марказига элтвучи узун яйдоқ йўл томон кескин бурилиш бўлиб, шу туфайли кўприқдан ўтиб қаралмаса, бу узун йўлдан қишлоққа келаётган одамни кўриб бўлмасди. Қишлоқ қариялари кўприк ортидаги толлар соясидан ўзларига жой қилиб олишди. Ким бир парча шолча, ким жанда кўрпача, ким эски бир жабдуқ олиб чиқиб, эрта тонгдан қора кечгача шу ерда ўтиришни одат қилди. Қишлоққа қайтган

аскарларнинг биринчи суҳбати ана шу қарияларга на-сиб қилар, биров-ярим келиб қолса, уларнинг атрофида тупроқ чангитиб юрган болакайлар дарҳол чўп отларини миниб, аскарнинг уйдан суюнчи олгани чопишар эди. Соғинчга айланган умидвор қишлоқ қийқириб келаётган болаларни кўрганда қувончдан бир қалқиб кетгандай бўларди. Ҳамма кутарди. Урушнинг биринчи кунлариданоқ қора хат олиб, беш йилдан бери азалик кийимини ечмаганлар ҳам, неча вақтлардан буён на яхши, на ёмон хабар олмаганлар ҳам, урушга бергудек ҳеч кими бўлмай, урушга ҳеч кимини бермаганлар ҳам-ҳамма бутун вужуди билан йўлга қарарди.

Мамараим ғалабадан роса бир йил ўтгач, уйга қайтди. У қайтгунча Зулфизар қишлоқнинг катта одамига айланган, уни мактаб директори қилиб тайинланган эди. Ойсултон хола ўғлини бағрига босиб туриб, хушини йўқотди. Йўқотишлар, йўқчиликлар, зориқиб йўл қарашлар уни бутунлай ҳолдан тойдирган эди. Ҳалиям кўнглидаги “милт” этган умид унга матонат бағишлаб, ўғлига рўбарў келгунча оёғида тура олишига сабаб бўлди.

Уй бир пасда кўни-кўшни, қариндош-уруғ билан тўлиб кетди. Хотин-халаж қий-чув қилиб, Ойсултон холанинг юзига сув сепа-сепа ўзига келтириб олишди.

Оқшом чўкиб, келди-кетди узилгач, уйда она-болалар ёлғиз қолишди. Зулфизар елиб-югуриб ҳамма жойни тартибга келтирди. Ҳовлига шолча тўшаб, шолчанинг гирдини айлантириб кўрпачалар солди. Қишлоқ оқшоми жуда гўзал эди. Айниқса, азиз одамларнинг ёнингда бўлса, бу гўзаллик янада тўлақонли ва завқли бўлади.

Зулфизар қанча ўқтам қиз бўлса ҳам акасидан тортиниб турар, кўнглининг қайсидир бурчида “ростдан ҳам шу одам менинг акаммикин?” деган хавотир сира кетмасди. Сабаби, акаси урушга кетаётганда жуда ёш, устки лабларини эндигина майин тук қоплаган ўспирин эди. Бугун кўрпачага оёқларини узатганча, ёнбошлаб олган кишининг овозлари ҳам, қарашлари ҳам улар кузатган ўша ўспиринга заррача ўхшамас эди. Фақат у ёдга солаётган хотиралар, соғинч ва меҳр тўла нигоҳлар “Мен сенинг акангман” деб турарди. Унинг олдида Зулфизар яна ўзини ёш қизалоқдек ҳис қиларди:

– Агар кўчада қаршимдан чиқиб қолсангиз, мен сизни умуман танимас эдим, – ниҳоят кўнглидагини айтиб кўя қолди у.

– Сен ҳам анча улғайибсан. Бекор юрмай, ўқиб олибсан, баракалла, – сўнг кулиб кўшимча қилди: – Директор бўлибсан.

– Номига директорман-да. Ўзи тўрт киши ишлаймиз. Мен ҳам ҳамма қатори дарс бераман, фақат жавобгарлиги зиёда.

– Шуям катта гап-да.

– Мени вилоятдан ўқишга юборишмоқчи эди, онам ёлғиз деб, кета олмадим. Мана, энди сиз борсиз, ўқишга бораверсам ҳам бўлаверарди.

– Бўлади, синглим, – мамнун бош ирғади ака. – Шунча пайт онамга қараб, рўзгорни эплаб ўтирдинг, раҳмат сенга, буёғига ўзимга ташла ҳаммасини.

Болаларига термилиб, жимгина ётган Ойсултон хола ака-синглининг меҳрибонлигидан, ўғлининг жўмардлигидан хурсанд кулимсиради:

– Сен буни кўп талтайтирма. Тоғанлар “акаси келсин” деб юришганди. Энди қирқ минг қалин, қирқ кўй оламиз-да, узатиб юборамиз.

– Бекоргинани айтибсиз, мен сизга молмидимки, сотсангиз.

– Удум-да, мени ҳам сотишган, энди сени сотамиз, акангга ҳам бировни сотиб олиб берамиз, – баттар жигига тегарди онаси.

– Она, бундай хунук гапни ҳазил қилиб ҳам айтманг, илтимос. Одамни сотишмайди-ку ахир, ҳеч қачон сотишмаган ҳам. Беш-тўрт сўм қалин пули беришса, шуниям қизининг рўзғорига нимадир қилиб жўнатган. Сотади, дейилса, одам ғалати бўлиб кетади.

Она кулди:

– Сени сотмаймиз, кимни севсанг, шуни сотиб олиб берамиз.

– Қўйинглар. Менга бунча ёпишдиларинг!..

– Бўпти, бўпти. Бу масалани ёпамиз... – Гапни бошқа ёққа бурди Мамараим.

Улар ярим тунгача шу зайл гаплашиб ўтиришди. Онаси билан акаси ётган жойларида ухлаб қолишгач, Зулфизар кўрпа олиб чиқиб, уларнинг устига ташлаб қўйди. Ўзи ичкарига кириб ётди.

Бу оила уруш тугаганини, ҳали унинг яралари битмаган бўлса-да, шу осуда тунда илк бор ҳис этишди. Болалиқдан саҳармардонда туришга одатланган Зулфизар ташқарига чиққанда гимнастёркасини елкасига ташлаб олган Мамараим бир томони нураб кетган эски тандирнинг бошида турарди. Гарчи саратон чилласи бўлсада, тонг салқингина эди. Зулфизар шошиб юзқўлини ювди-да, акасининг ёнига бориб, салом берди. Назарида кечадан бери шунчалик кўп вақт ўтган эдики, юраги соғинчдан ёрилай деб турарди.. Қиз бола бўлмаганда акасини қучоқлаб олишга тайёр эди.

– Яхши дам олдингизми, акажон?

– Ҳа, раҳмат. Хўроз қичқирғидан уйғониб кетдим. Ҳали тўлиқ уйғонмаган эдим, бир пайт от кишнашини эшитдим. Тушиммикин, хушиммикин деб, ёнбошимга қарасам, муштдайгина бўлиб онам ётибди. Урушда баъзан қишлоқларга яқин бориб қолсак, қўйқўзиларнинг маъраши, хўрозларнинг қичқирешларини эшитсам, юрагим кенгайиб кетгандай бўлар эди. Кўз олдимга қўй-қўзилар ўтлаб юрган ям-яшил адирларимиз келарди. Одамзод қизиқ бўлар экан, ажал нақд, оёқларимиз ости тўла мина, қулоқларимиз остида ўқлар визиллаб учиб ётибди, аммо бирон кун, бирон дақиқа уйга қайтиш, тинч, осуда ҳовлингда чалқанча ётиб, юлдузларга термилиш, адирларда яланг оёқ югуриш орзуси кўнгилдан кетгани йўқ. Командирларимиз “Она Ватан учун олға!” деб жангга солишганда ҳамиша кўз олдимда мана шу кадрдон қишлоқ, ерга қапишиб мунғайибгина турган мана шу уйимиз пайдо бўлар эди, – Мамарайим тандирга қаради. – Бу ўша биз қўйиб кетган тандирми? Қара-я, ҳеч нарса қилмапти.

– Ҳа, энди... Уйда тандир-тандир нон ейдиган одам бўлмаса... онам иккалаамиз ўчоққа бир нон пишириб олсак, тўрт кун еймиз. Шу тандирни олиб ташлай деб қанча уриндим, онам қўймади, – Зулфизар ерга қаради.

– Нега олиб ташламоқчи эдинг?

– Энам, қачон қарасам, тандирни қучоқлаб йиғлайди. Сенинг ҳам ичинг қуйик, менинг ҳам ичим қуйик, Тандир она Худодан болаларимни сўраб бер, деб, йиғлайверарди. Охири бир кун кетмонни олиб, тандирнинг бошига келдим, яна бир марта шу ерга келиб йиғласангиз, шу тандирни чопиб ташлайман, дедим.

– Бечора энагинам!... – чуқур хўрсинди Мамараим. – Биз иккалаамиз отамнинг, акаларимнинг ўрнини бил-

дирмай, онамни авайлаб, юрагидаги яраларга малҳам бўлишимиз керак.

– Ҳа-а...

Райкомдагиларга Зулфизарнинг ўқиш ҳақидаги режаси маъқул тушди:

– Фақат Тошкентга эмас, вилоят партия кўмитаси Москвадаги олий партия мактабига маҳаллий хотин-қизлардан бирон номзод суриштираётган эди. Бора-сиз, ўқийсиз, турар жой билан таъминлашади. Маошингиз берилади. Хуллас, бу жуда катта имконият!

Зулфизар райкомдан чиққанда айни туш маҳали эди. Терак учига қадалиб қолган саратон куёши еру осмонни аёвсиз қиздирар, дов-дарахтлар, йўллар, одамлар ҳансираб нафас олар, ана шу оташгоҳ ичра Зулфизардан бахтли одам гўё дунёда йўқ эди. Бир томони бепоён адирлар билан туташ яйдоқ йўлда кетиб борар экан, дамба-дам рақсга тушаётгандек айланар, назарида у эмас, унинг атрофида, унга ҳавас қилиб дунё айланаётгандек эди.

Мамарайим ҳовлининг бир четида сувоқ учун лой тайёрлаётган экан, ҳамон ўғлининг дийдорига тўймаган Ойсултон хола ҳам унинг ёнида гап бериб ўтирарди. Зулфизар уларни кўриб, дарров суюнчилади

– Эна, ака! Мени Москвага, олий партия мактабига жўнатишаяпти.

Ойсултон холанинг қовоғи солинди:

– Ўқиб, яна ким бўлмоқчисан? Шаҳар олиб берасанми? Бир дипломинг бор, ишляапсан, яна нима керак сенга? Бировингни Худодан сўрай-сўрай, шу томонлардан зўрға олиб келдим. Энди сенинг дардингда қуйишим қолганмиди? Ҳеч қаерга бормайсан.

Акаси эса хурсанд бўлди:

– Ундай деманг,эна. Қизингиз урушга кетаётгани йўқ-ку, ўқишга кетаяпти. Москвада ўқиб келса, камида бир туманни сўрайдиган арбоб бўлади. Нодирабегимлар ҳам сизнинг қизингиздай бировнинг эрка қизи бўлган. Қаранг, ҳам арбоб, ҳам шоира бўлиб, тарихда номи қолди.

Ойсултон хола қатъий бош чайқади:

– Қўй, болам. Менга шунинг арбоблиги умуман керак эмас. Жойи чиқса, узатсам, тиниб-тинчиб, ўзи билан ўзи бўлиб кетганини кўрсам бўлди. Ўзи икковгиналаринг бўлсанглар, биринг Ироқда, биринг йироқда... Йўқ, мен бунга чидай олмайман.

– Узатишга улгурасиз, эна. Ҳали ёш, индаманг, ўқиб келсин. Тўй қилишга шошаётган бўлсангиз, мана, мен уйланаман, – у қулиб Зулфизарга кўз қисиб қўйди. – Кейин, келин-неваралар уйингизни тўлдириб юборади. Хўп денг, энажон, ўқиб келсин шу қизингиз!

Зулфизар ўқишга кетгунча акаси уйнинг у ёқ бу ёғини шуваб, қўшни тоғанинг қизини қозон-товоғига эга қилди.

...Ва шу тариқа Москва таҳсили ҳам бошланиб кетди. Биринчидарсда уруш ва унинг қахрамонлари, ғалаба ва уни таъминлаган буюк куч ҳақда ёқимсиз мунозара бўлди. Муаллим – сийрак сочлари сап-сарик, уккиникидек кўзларида қандайдир ёвуз туйғу кўриниб турган ранги совуқ киши “Урушда қатнашган ҳар бир аскар шак-шубҳасиз қахрамон, лекин буюк ғалабани буюк рус халқи таъминлади”, деб айтди. Зулфизар рус тилини яхши тушунса-да, ҳали эркин мунозара қила олмас эди. “Нега? Менинг отам билан акам ким учун, нима учун жон берди?” деган саволи бўғзида қолиб кетди. Лекин биринчи қаторда ўтирган узун бўйли туркман йигит ўрнидан туриб кетаверди: “Бу гапингиз Ўрта Осиёдан келиб, қон дарё бўлиб оққан жанггоҳларда жон

олиб, жон берган йигитларга нисбатан беҳурматлик эмасми?” деди.

– Мени кечиринг, муҳтарам зот, – муаллим мазаҳ қилгандай қўлларини кўксига қўйиб, бошини эгди. – Исми шарифингиз?

– Оғамурод Сапарович!

– Ҳа, Оғамурод Сапарович! Мен жуда афсусдаман, аммо бу айни ҳақиқатнинг ўзи. Масалан, бир умр пахта даласидан чиқмаган, кетмондан бошқа қуролни ушлаб кўрмаган ёки бир умр молнинг изидан юрган чўпонда ҳарбий стратегия, тактика, манёвр каби малакаларни шакллантириш учун қанча вақт керак, биласизми? Бир аср! Остонада турган душман сизни бир аср кутиб турармиди? Асло! Тўғри, сизнинг қондошларингиз ҳам бу урушга ташланди, аммо улар Улуғ Ватан ҳимояси учун қаердадир жонли девор, қаердадир душманнинг кўзига катта армия бўлиб кўриниш вазифасини бажарди, холос. Шубҳасиз, уруш қурбонсиз бўлмайди, қурбонлар кўп бўлди. Сизлардан ҳам, бизлардан ҳам, душман томондан ҳам кўп қурбонликлар берилди. Мен юқорида таъкидлаган фикримни яна бир карра таъкидлашни истайман, яъни ғалабани буюк рус халқи берган қурбонлар таъминлади.

Шу билан мунозара мавзуси тўғридан тўғри Ўрта Осиёга кўчиб кетди. Муаллим 30-йилларда Ўзбекистонга келган экан...

– Далада ишлайдиган аёлларнинг бошида 30-40 сантиметрлик цилиндрга ўхшаш бош кийими. Бу цилиндрни неча хил рангли рўмонли ўраб-ўраб ясашар экан. Қанча вақт далама-дала юриб, бу бош кийими ишлаганда халақит беришини уларга тушунтира олмадик. Шунини кийиб ишлаганларга иш ҳақи берилмайди, дедик охири. Энди бизнинг қорамиз кўринса, ҳалиги цилиндрларни бошларидан ечиб, шох-шаббаларнинг тагига яшириб қўйишарди. Кетишимиз билан яна ўша лайлак уяларини бошларига кўндириб олишарди. “Вой, жонининг фойдасини билмаган халқ-ей!” деб роса жиғи-бийроним чиқарди. Гап йўқ, ажойиб халқ экан бу ўзбек деганлари, – у кўзларини артиб-артиб роса мириқиб кулди, унга қўшилиб, бутун аудитория кулди. Аудитория тинчигач, у кўзларини ишқалаб-ишқалаб, узр сўради: – Орангизда, шубҳасиз, ўзбек ўртоқларимиз ҳам бор, узр. Аммо шу нарсани айтишим керакки, меҳнатларимиз зое кетмади, ҳозир уйда ўтирган кампирлардан бўлак ҳеч ким цилиндр киймайди. Ўзбек қизлари Москвада таълим олмоқда. Мана, сизга жонли мисол, – у ҳамманинг диққатини Зулфизарга қаратди. – Исмингиз нима?

– Зулфизар...

– Зулписар? Ўзингиз жуда гўзал қиз экансиз. Аммо тўғриси айтганда, бу исм сизга унчалик ярашмаяпти. Келинг, сизга янги чиройли исм қўямиз. Масалан, Зинаида! Зина! Зиночка! Айтиш ҳам осон. Отангизнинг исмлари?

– Абдиқодир...

– Зинаида Абдуқодировна! Йўқ, бунчалик мураккаблаштиришнинг нима кераги бор? Абдиевна бўлақолсин, Зинаида Абдиевна! Қаранг, қандай жарангдор ва улуғвор! Ўтиринг, Зиночка! – Муаллимнинг совуқ юзига мамнуният ифодаси қалқди.

Танаффусга чиқишгач, Зулфизарнинг атрофини талабалар қуршаб олди:

– Зина, Зиночка! Сизларда ростдан ҳам цилиндр кийиб юришадими?

– Унинг усти ростдан ҳам лайлак уяга ўхшаш очик бўладими? Нега?

Бу қизиқувчанлик бир томондан унинг нафсониятини оғритса, иккинчи томондан изза қиларди. Аслида аёлларнинг салла ўраб юришларини унинг ўзи ҳам жуда ёмон кўрарди, лекин шу саллани деб бу тахлит изза бўлиш!.. Унинг ўқтамлиги тутиб кетди. Ҳаммани гап билан қайириб-қайириб ташлади:

– Керак бўлса, гўзал Афродита билан Клеопатранинг бошида ҳам цилиндрга ўхшаш қалпоқ кўрганман. Бу шаклдаги кийим аёл кишининг юзини чўзинчоқ қилиб кўрсатади. Бунинг устига бошингизда узунчоқ юк турса, унинг тушиб кетмаслиги учун ҳаммиша гавдангизни тик тутиб юришингиз керак. Шунинг учун бизнинг аёлларимизнинг қоматлари гўзал, юришлари чиройли бўлади. Қолаверса, Ўзбекистон жуда иссиқ юрт. Бошни иссиқдан сақлаш учун ҳам шундай бош кийим кийилган.

Унинг гапларини кимдир жўяли топди, кимдир масхара қилди. Хуллас, Зулфизар момоларининг “лайлак уяси” учун бир марта яхшигина қизарди. Шу-шу ўзи ҳам кийим-бошига янаям кўпроқ эътибор берадиган бўлди. Белларида қулф уриб турган сочларини тубидан қирқиб ташлади. Бироз қорамғизлигини ҳисобга олмаса, у талабалар ичида энг гўзал қиз эди. “Зулписар” бўлиш ҳам жонига теғди. Паспорт бериладиган маҳкамага бориб, исми-шарифини ҳам “Зинаида Абдиевна” деб ўзгартириб келди.

Уни уч-тўрт “осиёлик” дўстларидан ташқари ҳамма яхши кўрарди. “Зина, Зиночка” деб ҳамма атрофида парвона бўлса ҳам ўзининг “осиёлик”лари бир четда тўрсайиб туришар, зарур бўлиб қолганда ҳам янги исми билан атамасди.

– Шуларга яхши кўриниш учун ота-онангиз қўйган исмдан воз кечдингизми? Бу хиёнат, гўзалим! – деди Оғамурод очикдан-очик. – Тўғри, бизда ҳозирча Россиядаги саноат тараққиёти йўқдир, аммо урф-одатларимиз, кийинишимизнинг бу тараққиётга қандай алоқаси бор? Бизга саноатни олиб киришса, устимиздан кулмасдан, саноатга кўшиб бизга бегона бўлган урф-одатларини ҳам тиқиштирмасдан олиб киришсин.

Зулфизар ҳам гапини бериб қўйишни истамасди:

– Биринчидан, мен ҳеч кимга хиёнат қилганим йўқ. Балоғат ёшига етган ҳар қандай фуқаро ўзига исм танлаш ҳуқуқига эга. Иккинчидан, рус халқи улуғ халқ. Бу халқдан фақат саноат тараққиётини эмас, қандай яшашни ҳам ўргансак, зиён қилмайди...

Бундай тортишувлар баъзан ярим тунгача давом этар, Оғамурод қизишгандан қизишар, тортишаётган рақиб қиз бола эканлигини ҳам инobatга олмас, бир сафар ҳатто “Ҳай, исми-шарифингизни шуларга мослаштириб олдингиз, энди миллатингизни ҳам ўзгартиринг”, деди.

Зулфизар ҳам гапдан қолмади:

– Америка фуқароларининг паспортида “миллати” деган жойга “Америка фуқароси” деб ёзилар экан. Ажаб эмаски, яқин вақтлар ичида бизларнинг паспортимизда ҳам “Совет Иттифоқи фуқароси” деган ёзув пайдо бўлса! Ана ўшанда бу ўзбек, бу туркман, бу рус деган улуғлашлар ҳам, камситишлар ҳам бўлмас эди.

– Мен бундай сиёсатга бутунлай қаршиман. Бу сизга ўхшаган лаганбардорлар ўйлаб топган посангидан бошқа нарса эмас – у қўл силтаб даврандан чиқиб кетди.

Улар тортишганда сира бир-бирини аяб ўтиришмасди, аммо барибир бир жойнинг одамлари эмасми, шунча қарама-қарши фикрлашига қарамай Зулфизарнинг қалби шу йигитни кўрганда беихтиёр унга

қараб талпинишини ҳис этарди. Тўғри, йигитнинг қарашлари, ҳаддан зиёд тўпори ва чўрткесарлиги унга ёқмас, жинними бу, олий партия мактабининг ўқувчиси эмиш, деб қош чимирса-да, ич-ичидан аслида унинг ҳеч ким ва ҳеч нарсадан тап тортмай ўз фикрини айтишининг ўзиданоқ жаҳлдан ҳам кўра ҳаяжондан қизариб, бўзариблар кетарди. Аммо кўзлари ва қарашлари кишининг жонини шартта суғуриб олгудек ёвқур қарашли Оғамурод кесатиқ билан уни гўзалим деса-да, барибир унинг хаёли Зулфизардан-да баланд, осмонда эди. Фақат ҳар икковининг ҳам шу битта осмонга борар йўллари негадир айро, шундай кафтдаги чизиқлардек, битта кафтда, аммо барибир айро эди. Зулфизар, барибир қиз бола экан-да, юраги ториққанда, уйини, онаси, момосини соғинганда негадир ўкраб-ўкраб йиғлагиси келар ва ҳар йиғлагиси келганда негадир айнан Оғамуроднинг елкасига ўзини ташлаб, отасига хархаша қилган қизалоқдек ичидагиларни айтиб-айтиб, хўнг-хўнг қилишга тийиқсиз майл ҳис этар, ҳатто бир гал йигитнинг хонасига кўзлари йиғидан қизариб борганди ҳам. Аммо... бу ташрифидан биринчи галда ўзи ниҳоятда хижолат бўлиб кетди. Оғамурод шўрлик-ку, тилига ўткир бўлгани билан қиз болага қандай муомала қилишни билмайди, чоғи, батамом лом-мим деёлмай қолди. Ахийри иккаласи ҳам вазиятдан чиқиш йўлини топишди. Зулфизар дудуқланиб, кеча унинг семинарда айтган фикрига қарши эканлигини билдирди. Оғамурод ҳам “Тупурдим ўша семинарга” демади, жон жаҳди билан фикрини ҳимоя эта бошлади. Ахийри улар Маркснинг “Капитал” асари ҳақида баҳслашишдан нарига ўтмай, ажрашишди. Бўлди, қарор қилди Зулфизар, энди бундай аҳмоқона хаёлларга бормайман. Уят бу, уят! Яхшиям Оғамурод ичимдаги гапни пайқамади, яхшиям... Аммо кейин ўша, бир боргина берилган имкониятда у йигитга салгина ишора билан бўлса ҳам унинг ўзига ёқишини бу мусофир юртларда унга фақат Оға мадад бўлиб юрганини айтмаганига, айтолмаганига кўп пушаймон бўлди, кўп...

Бир куни аудиторияда ўқитувчи билан қаттиқ тортишиб қолди. Уша ранги мурданикидек совуқ ўқитувчи эди. У Совет Иттифоқи ва ундаги суверен давлатлар, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида гапираётган эди.

Бирдан Оғамурод кўл кўтариб ўрнидан турди. Зулфизарнинг юраги “шув” этиб кетди: “Ҳозир бу яна бир нарсани бошлайди”.

– Кечирасиз, қандай суверенлик ва иттифоқ ҳақида гапиряпсиз? Мен, масалан ўзимни суверен давлатнинг эмас, бир мустамлака давлатнинг фарзанди деб ҳисоблайман. Бизни олдин чор Россияга босиб олган эди, Россияда социалистик революция ғалаба қозонгач, биз социалистик Россиянинг мустамлакасига айландик. На байроғи, на туғроси, на Давлат мақомига эга бўлган она тили бўлмаган, ота-бобоси ўқиган алифбосидан ҳам воз кечишга мажбур бўлган мамлакатни озод мамлакат дейиш мумкинми?

Ўқитувчи бошчилигида бутун аудитория унга қарши турди.

– Чиқ дарсимдан! – Охирида ўшқариб юборди ўқитувчи. – Нонкўр! Бундан кейин қорангни ҳам кўрмайин.

Бутун аудитория сув қуйгандай жимиб қолди:

Яхшими-ёмонми, йил бошидан бери ёнларидан юрган бир тенгдошларининг тақдири ҳал бўлаётган эди. Аммо Оғамуроднинг ён бериш нияти йўқ эди. Китоб-дафтарларини жилдига солиб, эшикка йўналди.

Остонага етгач, ортига бурилиб, ўзи ҳайдалган аудиторияга, сўнг ўқитувчига қаради:

– Кечирасиз, мана кўраёпсизми, миллатингиз шаънига айтилган бир оғиз гап сизга қанчалар оғир ботди. Шуни унутмангки, ҳар бир миллатнинг ўз ғурури, иззат-нафси бор.

Уни бошқа ҳеч ким кўрмади. Хонадаги шахсий буюмлари шундайлигича турганлигига қараганда, у уйига кетмаган эди.

– Уни қамаб юборишган, – шивирлабгина бир-бирларига ўз гумонларини айтишар эди курсдошлар.

– Ажаб бўпти! Тилини тийиб юрмагандан кейин шундай бўлади.

Орадан олти ойлар ўтгач, онаси билан акаси келиб, раҳбариятга учрашишди, бирон бир маълумот олишолмагач, дод-фарёд билан ўғилларининг нарсаларини йиғиб, жўнаб кетишди. Оғамурод ҳаммадан кўп Зулфизар билан тортишар эди. Ҳаттоки бир гал:

– Мен сизни ёмон кўраман, – деган эди юзига қараб очикдан очик, – сизга раҳмим келади.

Оғамуроднинг бу гаплари қанчалик дилига ботмасин, ўзининг унга нисбатан туйғулари туйғули қанчалик ич-ичидан номус этмасин, аммо барибир шу йигит йўқолиб қолгандан сўнг, Зулфизар анча вақтгача гарангсиз юрди. Аста-секин ўзига кела бошлагач эса кўнглида атрофидагиларга, муаллимларига нисбатан бир ҳадик пайдо бўлди. Аммо бу ўткинчи туйғу эди. Кўп ўтмай у яна гуруҳнинг энг пешқадам, энг сеvimли аъзосига айланди. Болалигидан шундай, қаерда, қандай шароитда бўлмасин, у биринчи бўлишга интилар, бунга эришмагунча тиниб-тинчимас эди. Биринчи бўлиш унга жуда ёқар эди.

Диплом ҳимоясидан олдин, уни деканатга чақиришди:

Деканнинг ёнида гуруҳ раҳбари ҳам ўтирарди.

– Зинаида Абдиевна! – деди бир кўлини фронтда қолдириб келган декан. – Таҳсил давомида сиз тиришқоқлигингиз, одобингиз, ташкилотчилигингиз билан ҳаммамизнинг меҳримизни қозондингиз. Сизни узоқ бир вилоятга юборишга кўзимиз қиймайди. Кураторингиз ҳам шу ерда ишда қолишингизнинг тарафдори.

Зулфизар юраги гупирлаб уриб кетди: “Наҳотки? Иттифоқнинг юраги – Москвада яшаб, ишлаш!”

– ...аммо, – гапида давом этди декан – биз Иттифоқнинг ҳар бир бурчида ўз одамимиз, кўз-қулоғимиз бўлишини истаймиз. Сизни вилоят партия кўмитасига юборамиз. Буни сиз “ўқиб, уйимга қайтдим” деб эмас, “мени вилоятда ишларни яхшилаш учун юборишди” деб тушунингизни истаймиз.

Бу ҳам унга билдирилган катта баҳо, ишонч эди.

Юраги бўғзига тикилиб қолгандай, нафас олиши қийинлашди. Қалби ғурур ва қувонч ҳиссига тўлиб кетди. Бу туйғу вилоят партия кўмитасига борганда ўз ўзидан мамнуният ҳиссига айланди.

Ёз. Нам ҳаво иссиқ ва дим эди. У нарсаларини йиғиштириб, йўлга отлангунча толиқиб бўлган эди. Аммо самолётдан тушгач, уйга эмас, тўғри вилоят партия кўмитасига борди. Биринчи котиб йўқ экан. Ташкилий кадрлар бўлими бошлиғи Николай Владимирович уни “Иккинчи”нинг ҳузурига олиб кирди. “Иккинчи” – қалин қошлари қовоқлари устига осилиб тушган ўрта ёшлардаги рангпар киши ўзини Александр Иванович деб таништиради.

– Ажойиб ўхшашлик, – деди у Зулфизарнинг кўллари сикиб кўришар экан. – Мени кўрганлар доим

нега исми-шарифингиз русча, ўзингиз осиеликларга ўхшайсиз, дейишади. Сиз эса Осие гўзали, аммо исмингиз Зинаида! Жуда яхши, Зиночка, энди сизга берадиганларимиз билан таништирай: лавозим, уй, хизмат машинаси, ҳайдовчи, яхши маош. Сиздан сўрайдиганимиз – садоқат ва иш. Бўладими?

Зулфизар хушнуд жилмайди.

– Албатта, Александр Иванович!

“Иккинчи” унга бироз синовчан тикилиб турди-да, бироз истиҳола билан кўшимча қилди:

– Яна бир гап. Албатта, бу ўта шахсий масала, аммо сиз билан биз коммунистик партиянинг аскарларимиз, бизнинг ўзимиз ҳам, шахсий туйғуларимиз ҳам партияники. Коммунистик этика деган гап бор. Унга асосан раҳбарлик лавозимида ишлайдиганларнинг анкетаси тоза ва ибратли бўлмоғи лозим, яъни судланмаган, оилали!.. Шу боисдан зудлик билан турмушга чиқишингиз керак. Агар кўнглингизда бирон одам бўлса, уни айтинг. Аммо сизга уйланадиган одам сизнинг иш вақтингиз чегараланмаганлигини, сиз замонавий раҳбар эканлигингизни, рашк қилиб ишингизга халал бермаслигини...

Николай Владимирович кўшимча қилди:

– Сиз фақат анкета бўйича уники, аслида жисмингиз ҳам, қалбингиз ҳам партияники эканлигини яхши билиши лозим. Шундай номзодингиз бўлса, айтинг.

Бояги такаллуфлар туфайли Зулфизарнинг юзларига ёйилган табассум жойида қотиб қолган, бирдан кайфияти тушиб кетган эди: “Бундай эрни қаердан топади?”

– Аммо, сиз хавотирланманг. Агар бирон аниқ режангиз бўлмаса, бизга қўйиб беринг.

...Уни ўша куни кечки пайт қишлоққа ярқираган оппоқ “Волга” олиб келиб қўйди. Бу унинг хизмат машинаси эди.

Улар топган номзод – ёши ўттизларга етган, пешонасидан сочлари сийраклашиб чўзинчоқ юзларига улуғлик бағишлаб турган бир камсуқумгина йигит эди. Тўй-тантана ҳам қилиб ўтиришмади. Расмий идорада никоҳларини қайд қилдиришгач, шаҳардаги янги уйларида уч-тўрт киши бўлиб ўтиришди. “Биринчи”, “Иккинчи”, “Кадр”, вилоятдаги қандайдир ташкилотда раҳбар бўлиб ишлайдиган қайнотаси, куёв ва ўзи, онаси билан қайнонаси бўлак хонада ўтиришди. Кампирларнинг қистови билан меҳмонлар кетгач, мулла чақириб, шаръий никоҳ ўқитилди. Никоҳдан кейин қайнона Зулфизарни бағрига босиб, бироз кўз ёш қилди:

– Айланиб кетай сиздан, болам сизга омонат. Ўзи яхши йигит, илмга жуда берилганиданми, ҳеч бировга юқуми йўқ, пича бўшроқ. Бир кун ёнида ўтирсангиз ҳам ундан бир оғиз гап ололмаслигингиз мумкин. Лекин кўнгли тоза, ғубори йўқ.

Зулфизар кулди:

– Холажон, менга айнан шундай одам керак-да ўзи. Ишимиз оғир, баъзан кечроқ қайтишим бор, баъзан айтмасдан узоқ қишлоқларга кетиб қолишим бор. Шундай пайтда ҳориб-толиб келган ҳолимга бу кишиям жаҳл қилиб, тергаб бошласа, кейин менга жуда қийин бўлади.

Ойсултон хола қизининг бу қадар эркинлигидан янги куда олдида хижолат тортди:

– Нима, тергамайди деб ўйлаяпсанми? Албатта тергайди, эрман-ҳар нарса дерман, дейишган.

– Йўқ, йўқ, менинг боламнинг қўлидан бировни тергаш келмайди. Ўзига тўғри бўлса, бўлди-да. Аёл зоти энг аввал ўзи учун шаънини асрайди.

Зулфизар иложсиз ҳолда раҳбарларининг топширигини бажараётган бўлса-да, шу тахлит, томдан тараша тушгандек бировнинг хасмига айланаётганидан кўнгли жуда хижил эди. На бир изҳори дил, на бир мардона шарт айтмай, индамай уйига, ҳаётига кириб келган одам унга ҳеч ёқмади. Аммо, чидаш керак. Кўнглига яқин бирон инсон бўлмагач, ким билан яшашининг нима аҳамияти бор? Қайнонасининг гапларини эшитиб, бироз кўнгли ёришди: меҳрибон, ақлли аёл экан. Кетишга чоғланаётган қайнонаси билан қайнотасини ётиб қолишига ундади:

– Кеч бўлиб қолди, ётиб қолинглар, хона кўп, холам онам билан гурунглашиб ётадилар.

Нодир ҳам ёмон йигит эмас эди, ичмайди, чекмайди, ёмон гапи йўқ. Ярим тунгача ёзув-чизуви билан банд. Қорни очса, индамай ўзи чой қўйиб ичаверади. Барибир бу ҳолат Зулфизарнинг кўнглини илита олмасди: “Эркакка ўхшамайди, латта!” Аммо эрига нима ҳам дейди: “Билганини қилсин!”

Ўғли туғилгач, эри бирдан ўзгарди. Хотинининг эмицикли болани онасига ташлаб, ўзи ярим тунгача ишда юришларига ҳеч кўника олмай қолди. Ўша куни олис тоғли қишлоқларга боришганди. Ярим тунда қайтди. Ҳайдовчи у томонга ўтиб, эшигини очаётган эди, дарвоза олдида эри кўринди. Зулфизар зим-зиё тунда ҳам эрининг юзи қаҳрли эканини билди. Ҳайдовчининг олдида вазиятни юмшатиш учун эрига ўзича такаллуф қилган бўлди:

– Ҳа, дадаси, хавотирландингизми?

Эри эса... юзига тарсаки тортиб юборди.

– Нега, нима учун?! – Зулфизар жойида қотиб қолди.

– Мен... остонада ҳам бегона эркакка биллагини ушлатадиган аёл билан ортиқ яшай олмайман.

– Қандай бегона эркак?! У ҳайдовчим-ку! – чинқирди Зулфизар.

– Ҳайдовчинг эркак эмасми?

– Майли, эркак ҳам дейлик, аммо қандай савияси паст одамсиз? Наҳотки мен ўзимни шу ўқимаган ҳайдовчига тенг кўрсам? Жуда чарчаган эдим, машина баланд бўлгани учун “ушлашиб юборинг” дедим.

– У эса ҳузур қилиб билакларингиздан ушлади!..

– Сиз сиёсий кўр феодалсиз!

Ўша тун тўшаклар бўлинди.

Эрталаб Нодир узр сўради.

– Зулфизар, мени кечиринг. Мен сизни росткамига яхши кўриб қолганга ўхшайман. Энди кетмасам бўлмайди. Хавотирланманг, никоҳимиз тураверади. Анкеталарга ҳам бемалол “Оилалиман” деб ёзаверасиз. Сўраганларга “Эримни Тошкентга ишга чақирингиз, илмий иш қиляпти”, дейсиз. Мен Тошкентга кетаман. Фақат илтимос, Ботиржонни эҳтиёт қилинг, унга сизнинг меҳрингиз, эътиборингиз керак.

“Кетманг!..” дейишга ғурур йўл бермади. Аммо юрагидан нимадир узилиб кетгандай бўлди. Индамади, ҳатто кузатгани ҳам чиқмади. Неча кун юрар йўлидан адашган девонадай ҳаловатини йўқотди. Ўзига келган кун англадики, ўша “Феодал” йигит ҳаётининг бир бўлагига айланиб бўлган, унга ўрганиб қолган эди. Ҳамиша атрофингизда ўралашиб юрадиган жонзотга ўрганиб қолгандай...

Муҳаббатсиз бошланган турмуш муҳаббатга ўхшаш илиққина муносабатлар пайдо бўлгач, шу тариқа бузилиб кетди.

Давоми 34 бетда



Ўроз ҲАЙДАР

## Юлдузлар сочилар мисоли маржон

\* \* \*

Ҳаёт, ниқтамагин чўбин отингни,  
Унда қанот йўқдир, учгувчи, бироқ.  
Қора кунларингга ёқмайди чироқ,  
Сўраб ҳам ўтирмас насаб-зотингни.

Бесабр қалб билан талпиндим ҳар чоқ,  
Даъваткор исёндан ўқиб тин, мунгни.  
Бунда шон қулларин уйқуси уйгоқ,  
Умидсиз шовқинда билмас сўл-ўнгни.



Нафосатнинг олис отаи жаранги,  
Ишқ сувида поклар гамгин оҳангни.  
Мунис чехраларда ёниқ ҳаловат

Ва қайноқ орзулар қанотланур бот.  
Маҳрум эт севгидан, асрама шафқат,  
Мен сени севаман, барибир, Ҳаёт!

\* \* \*

### Баҳром Рўзимуҳаммадга

Жунунда таъма йўқ, маъшуқда ибо,  
Мулкига ўт қўйинг, қарагай кулиб.  
Гўё ўзга молин томоша қилиб,  
Завқдан туйилгандай ютинар ҳаво.

Ҳавони узумдай узиб ер, аммо  
Минг бора тирилиб, минг бора ўлиб.



Қайноқ сувдан куйган гул каби сўлиб,  
Унга тупроқ болиши, ҳасратдир маъво.

Ботаётган офтобдек йўл қарайди у,  
Юлдузлар бошида сайрайди, ёху.  
Эзилган чечакдай сингранар беун,

Қуриган сой каби қақшайди гоҳо.  
Унинг юрагига ботирар муҳрин  
Тошларнинг тилидан тўкилган наво.

\* \* \*

Исмингни айтмакни этишиди таъқиқ,  
Сени севмогим-чун лозиммиш фармон.  
Шивирлай дейману, тополмам дармон,  
Йиғлайман-у, аммо кўзимда ёш йўқ.

Ҳавони чайнайман – гижирлайди Кўк,  
Юлдузлар сочилар мисоли маржон.  
Оғзим қон, кўксим қон, сирқирайди жон,  
Ичимни куйдирар унсиз ўқирик.

Исмингни айтгил деб ёлворар кўзим,  
Қон ютган зулукдай қон қусар Сўзим.  
О, севмакдан маҳрум этилган ҳар не,

Илдизсиз дарахтдай қақшайди беҳад.  
Кимники, нафратдан очилса кўзи,  
Муҳаббатдан кўзи юмилар, албат.



\* \* \*

Қазо хукми, уни қуйди тупроққа...  
Олисда бир аёл йиғлар, кўзда ёш.  
На унга қариндош, на унга сирдош,  
Ҳаққи йўқ, кўк кийиб аза тутмоққа.

Ҳар лаҳза жовдираб қарар ҳар ёққа,  
Кўкнинг шарпасидан юраги отаи.  
Қўрқувидан умид сўнади ёввои,  
Борлиги қоядай нурайди чоҳга.

Оёғи остида ер ҳам йўқолур,  
Эртага қабрига на гул қўёлур.  
Лаънатлар ёзигин, тул муҳаббатин,

Дунё сарватидан ўгириб юзин.  
Ҳақорат санайди қуёш шафқатин,  
Мозорин гулиман деб атар ўзин.

\* \* \*

Эй, кўҳна Коинот – гумбази даҳр,  
Кўксинг тўла тош-ку, сендан не нажот.  
Токай Ииқни овлар кўринмас сайёд –  
Дилнинг ноласидан тугилган қаҳр.

Қаҳр эмган қўшиқ беқанот қушидир,  
Парвози туш унинг, нагмаси – иснод.  
Долғалар фалаждир, тўлқинлар ношод,  
Фалак шовқинидан олам беҳушидир,

Қайғу оҳангини харж этгай Ҳумо,  
Ииққа зорлар ҳар дам қолур бенаво.  
О, буюк Коинот, кўксинг тўла тош,

Тангрига хусумат – бу тийнат недан?  
Зулм санги Эрк уйин ноҳақ этса лош,  
Осмон қулаб тушгай Ер кулгусидан.

\* \* \*

Кўй, йиғлама, гулим, сен учун энди  
Майли, тўйиб-тўйиб йиғласин Осмон.  
Ииқсизларга мудом яшамак осон,  
Айтгил, муҳаббатсиз ўтган кун кунми?

Йўл бошида турган йўловчи мисли  
Йўл кутасан беун йўл қараб ҳар он.  
Кўкда ой шуъласин сочур паришон,  
Бошинг узра сокин, ёритиб тунни.



Кўй йиғлама, гулим, дарёдай тўлиб,  
Фақат тингла мени қуёшдай кулиб.  
Улуғ қалб Каъбаси – азал бодаси

Ҳатто сийратингга баҳи этсин ҳусн.  
Шунда куйдиргайдир ҳуснинг сояси  
Соҳир Ииқ узугин ўтли жодусин.

\* \* \*

Айтинг, у гўзал ким? Кутмакда кимни  
Олис саркаш денгиз соҳилида жим.  
Қўлларидан нечун рўмоли гиғжим,  
Эшитмайди асло менинг оҳимни.

Ҳинд малаги, фаранг паривашими,  
Ё армани – ўйнар зулфида нуҷум.  
Икки кўзи мордай қиладир ҳужум,  
Ииқ бобида ойни қилур ўсал у.

Ким экан у? Кезар соҳилда танҳо,  
Оппоқ тўлқинлардан тинглайди наво.  
Ҳурми, сув париси эканмикин ё,

Нечун ўз ёрини денгиздан излар.  
Айрилиқда ёниб ҳар соҳилда, о,  
Пайдо бўлар... яна... чорлар ва бўзлар.

## ҚЎШИҚ

Юлдузлар чақчаяр сўқир кўз каби,  
Мотамсаро Ойнинг сочлари сўзон.  
Нақадар ёлғизман, тун ҳам ичган онт,  
Тўрт тараф жарликдир, халос эт, Раббим!

Кел дедим, келмади Сукут малаги,  
Сас сузди ҳавода: – Бўлма топагон.  
Ўзинг чопагонсан, отинг чопагон,  
Сенсиз айланмагай кўк чархпалаги.

Ай, менинг кўзимни чўқиган қузгун,  
Осмоним қонталош, ерим-чи, бузгун,  
Қорнинг овозидан титрайди ҳаво,

Ёлгон латифалар тўқир бунда Ииқ.  
Ҳар кимдан тиланиб жон сўрар наво,  
Оёқлар остида қолганда қўшиқ.

\* \* \*

Ботиб бораётган қуёшнинг бир чети кўриниб турарди. Касалхона ҳовлиси айланишга чиққан беморлару, йўқловчилар билан гавжум. Укол таъсиридан зўрға кўзини очган Зулфизар ёнида жовдираб ўтирган кизини кўриб, эзилди. Бемадор кўлларини узатиб, аста кўлидан тутди:

– Сора, сен бахтли бўлишинг керак.

– Онажон, у нима деганингиз?

– Мен учун ҳам, аканг учун ҳам!..

– Қўйинг, ўша бангини гапирманг. Ҳамма нарса ни сотиб, сизни кафангадо қилган шу. Энди ҳовлини сотасиз-да, кўшним уйини сотаяпти, шу ерга кўчиб келасиз. Билганини қилсин. Ўзингизга дори олмай, пенсиянгизни ҳам шу аҳмоқнинг наркотигига бериб юганингизни биламан, она! Ўшани деб шу кўйга тушдингиз. Энди бўлди, ҳаммасига нуқта қўяман.

– Сен болам, ўзингни, ўзингнинг бахтингни ўйла. Акангнинг тақдирини учун мен жавобгарман. Кеча-кундуз иш деб чоғиб юрмасдан шу болага озгина эътибор, вақт ажратганимда шу кўргуликлар бўлмасди. Бизнинг давримизда ота-онанинг бир кучи болаларининг устини бутлаб, қорнини тўйғазишга кетар эди. Шундай ҳамфтада бир марта ёвғон ича олмасдик. Устимиздаги кийим ювилса, қуригунча кўрпага кириб турардик. Мен боламга энг сара кийимларни кийдирдим, танлаб-танлаб едирдим. Пул шундайгина тоқчада турарди, ҳисобини сўрамас эдим. Сўраш, тергаш керак экан, уни ёмон болалар йўлдан урди. Момонгни ҳам, мени ҳам доғда қолдирди.

– Йўқ, она, ўша шароит менда ҳам бор эди. Нега мен гиёҳванд бўлмадим. Нега?! Билсангиз, ҳамма нарса одамнинг ўзига боғлиқ.

– Сен ахир қиз боласан. Наҳотки, қиз бола бўп туриб...

– Она, менинг рус мактабда ўқиганимни унутманг. Бизнинг қизларимиз ўзбек мактабларидаги ўғил болалардан баттар эди. Чекиш, ичиш, йигитлар билан юриш улар учун одатдаги эрмак эди. Мактабнинг орқасидаги овлоқ ҳовлиларнинг ҳожатхонасига бориб, нечтаси кайф билан ухлаб қоларди. “Акам учун кўйиб югани етади, хавотирланмасин” деб мен буларни сира сизга айтмас эдим.

Зулфизар унинг бармоқларини қисиб кўйди: “Раҳмат”. Анча жим ётиб, яна ўзини айблади:

– Отасининг олдида ҳам юзим шувут бўлди. Кейинроқ бўлса ҳам отасига хабар қилганимда келиб, олиб кетарди. Даволатиб, тўғри йўлга солиб юборармиди? – Хаёлига келган фикрдан кўзлари “ярқ” этиб очилди. – Ҳалиям айтсаммикин? Мен унинг иш жойини биламан. Бориб, ёнимга айтиб кел, болам. Ўлиб-нетиб кетсам, аканг шўрлик... Хотини ҳам ҳайдаб юборган, кўчада итдай ўлиб кетмасин.

Сора индамади. У акасини жуда ёмон кўрарди. Шу ака учун қайси бир жойга бориб, кимларнидир айтиб келгандан кўра... Аммо онаси айтганини қилмай кўймайди.

– Майлими, қизим? – эмранди она.

– Хўп, – у тўрсайиб олди.

Зулфизар ҳорғин қовоқларини юмди. Ҳозир бошида ўша, бир тарсаки уриб, муҳаббат изҳор қилган, аммо муҳаббатини ҳимоя қилишдан қўрқиб қочиб кетган лапашанг Нодир пайдо бўлганда ҳам унинг кўзларига қарамаслик учун шундай кўзларини юмиб олар эди.

Аммо кўзларини юмиб бўлса-да, ҳозир ўша одам билан гаплашиши шарт. Ўшанда, у кетиб қолган дамлар бироз бўшашиб сиқилганини айтмаса, тез кунда ишга шўнғиб, уни кўнглидан бутунлай чиқариб юборган эди. Ҳатто боғча опалар “Ўғлингизнинг дадаси келиб, кўриб кетди”, деганда ҳам қалби бир энтикмади. Шу одамга балки биз керакдирмиз-а, деб ўйламади. Унинг қаердан келиб, қаерга кетгани, нималар билан шуғулланаётгани билан умуман қизиқмади. Баъзан кимдир хушомад қилибми, “Эрингиз Тошкентдаги фалон илмий текшириш институтида ишлаётган эмиш”, “Ҳалиям уйланмаган эмиш”, “Ниҳоят уйланибди бечора” каби маълумотларни етказишганда ҳам узоқ бир қариндошлар ҳақидаги гапдек “ҳа”, дея кўл силтаб кўя қоларди. Ҳақиқатан ҳам ўша пайтлар унинг иши жуда кўп эди. У ер-бу ерда ўз жонига қасд қилган ҳар бир факт учун Марказком олдида тик туриб жавоб беришарди. Айни пайтда барча туман ва қишлоқларда шундай ҳолатларнинг олдини олиш масаласида тинмай йиғилишлар ўтказар эди. Унинг йиғилишларидаги сўровларда эркак раҳбарлар ҳам дағ-дағ титраб туришар эди. Ҳурмат-иззат, такаллуф ва тавозелар ҳам шунга яраша эди. Шундай бир пайтда бир замонлар юзига тортиб юборган тарсакидан хижолат бўлиб, “мен сизни яхши кўриб қолибман, шекилли”, дея кетиб қолган эркак учун ғусса чекиб юрармиди?

Энди эса... Ҳаммаси ортда қолди. У минбарни муштлаган дам юзлаб эркак йиғилган мажлис илкис қалқиб кетган даврлар, бир оғиз такаллуфини мукофот деб билган одамлар-бир эртақ эди. Энди, гиёҳванд ўғил, беҳол, бемадор вужуд ва бор шарбати сиқиб олинган анордек пўкиллаб қолган юракдан бошқа ҳеч нарса ийўқ. Энди ўша, бир замонлар “Ўғлимизни эҳтиёт қилинг”, дея ўтини кетган бўшанг одамнинг ёрдамига муҳтож бўлиб ётибди. “Топширсам эди”, муаммоларнинг ечимини шу ниятда кўрди. Лекин у жуда мулоийм, меҳрибон одам, ўғлини яхши гап билан йўлга солади. Ботир ҳам гиёҳвандликдан буткул чарчади. “Бошқа чекмайман” деб юз марта қасам ичади, аммо кайф хуруж қилган дам ўзини идора қила олмай қолади. Унга ҳозир қатъиятли, меҳрибон бир суянчиқ керак. Ана шунда шунча йилдан бери азоб берган офатдан балки бутунлай қутилиб кетади.

\* \* \*

Зулфизар энди тушликка чиқай деб турганда, ички телефон жиринглаб қолди. Уйга кетаётган пайт яна бирон муаммо чиқибдими, деган хавотирда гўшақни кўтарган эди, “Кадр”нинг овози эшитилди:

– Зинаида Абдиевна! Тушликка чиқаяпсизми? Бизнинг хонага бир кириб ўтсангиз, дегандим.

Ҳар қандай вазиятда ҳам бу одамга йўқ, дейишнинг иложи йўқ. Вилоятда унинг мавқеи шу даражада баланд эдики, ҳатто “Биринчи” ҳам бирон муҳимроқ қарор қабул қилишдан олдин, албатта унинг фикрини сўрарди. Зулфизарга бирон марта ҳам терс гапирмаган бўлса-да, бу одам Зулфизарнинг кўзига жуда хавфли бўлиб кўринар эди.

Хонада “Кадр”дан ташқари оқ-сарикдан келган узун бўйли, тепакал бир киши ўтирарди. Зулфизар уни бир қарашдаёқ уни танидию, бирдан дув қизариб кетди. Аммо тезда ўзини қўлга олиб, юзига жиддий, ҳукмронона, шу билан бирга илтифотли тус берди. Ичида эса бир нарса тикиллаб бошлади. Бу одам? У

бу ерда нима қилиб ўтирибди? Тоғ тоғ билан учрашмайди, дегани шу экан-да?

“Кадр” ўрнидан туриб, мулозимат кўрсатди.

– О! Идеология маликаси, хуш кўрдик. Ўзим чақирмасам, кирай ҳам демайсиз? Сизнинг атирларингизни бир ҳидлаш учун йўлақларда тентираб юришга мажбур бўлаяпмиз. Бу нима деган гап ахир?

– Қўйсангиз-чи, Николай Владимирович, – хижолат бўлди Зулфизар, – очилмаган духиларим бор. Истасангиз, биттасини совға қиламан.

– Йўқ, азизам, менга сизнинг табиий ифорингиз билан омухта бўлган духи керак. Борди-ю, духи билан сизни хонамга кўчириб келсам, вилоятда идеология ишларини барбод қилган бўламан. Бу эса асло мумкин эмас. – У ним табассум билан уларнинг суҳбатини тинглаб ўтирган меҳмонига юзланди. – Сенга айтган Осие гўзали шу киши, аммо кўриб турганингдек, айтганимдан ҳам гўзал, оқила ва талабчан, – сўнг Зулфизарга ўгирилди. – Танишинг, менинг энг яқин дўстим Анатолий Абрамович! Фазилятлари жуда кўп: меҳрибон дўст, қўли гул хирург, энг муҳими доно тадбиркор, уни бир чўпнинг устига хўрозқанддай қилиб ўтиргизиб қўйсангиз ҳам, тадбир ишлатиб, сиз билан мендан кўпроқ пул топади. Нуқсонлари ҳам бор, қизларни, айниқса маҳаллий қизларни жуда яхши кўради.

Ажаб, меҳмон ҳам худди Зулфизар каби аёлни биринчи кўриб тургандек тутди ўзини. Лом-мим дейишга ожиз одамдек хижолатомиз қўлларини ёзди:

– Шарқ қизлари гўзал бўлишса, бунда менинг айбим нима? Ахир гўзалликнинг қошида худолар ҳам тиз чўкишган.

Зулфизар ялт этиб Анатолийга қарадию, дарров кўзини яширди. Ажаб! Уни бунчалик абжир, сўзга уста деб ўйламаган экан. Индамагандан кўрқ, деб шуни айтишса керак-да? Ваҳоланки бундан бир йил бурун Зулфизар тўсатдан кўричак бўлиб қолган, табиийки уни вилоятдаги энг нуфузли шифохонага зудликда етказишган ва шахсан Анатолий Абрамовичнинг ўзи уни операция қилган эди. Гарчи шифохонада уч кунгина ётган бўлса-да, у ҳар қандай бемор каби табибига боғланиб қолишига улгурган, индамас, лекин кўзлари кулиб турувчи, ақллилиги қарашларидан аён, озода, бакувват қўлларини гоҳ унинг пешонасига қўйиб кўриб, гоҳ беморининг томирини ушлаб, унинг неча йиллардан буён эркак қўли тегмаган вужудини бироз сескантирган, бироз титратган, энг қизиғи, Зулфизар, кап-катта раҳбар, шу биргина шифокорнинг қаршисида ожиз, беҳимоя қушчадек жавдираб, ундан кўз узолмай қолган, шифокор атрофида гиргиттон бўлиб турган ҳамшираю навбатчи дўхтирларга кўрсатма бераётган чоғдагина унинг бироз бўғиқ ва босиқ гапиришини билиб олган, бу овоз унинг қулоқларига ҳам хуш ёққан эди. Аммо оёққа туриши билан шифохонадан ёв қувгандек, ҳатто халоскори билан хайрлашмай чиқиб кетганди. Иш! Иш кутиб турмайди! Мавсум! Режа пасайиб кетибди, э Худо, унинг ялпайиб ётиши-чи? Топган вақтини-чи бу кўричакнинг? Шу тариқа Зулфизар бу сирли шифокорни кейин бир ё икки бор ғалат энтикиш билан эслади. Эсладию, дарҳол унинг суратини хотирдан ўчирди. Бемаънилик! Касаллик, арзимаган дард бўлса ҳам, барибир одамни ожиз қилиб кўяркан, деди. Ишга шўнғиди ва уни буткул ёдидан чиқарди-қўйди, тамом.

– Илтимос, Толик, ўз айбингни оқлаш учун худоларни гуноҳкор қилма, – ҳамон вайсарди “Кадр”, – ун-

дан кўра бўйдоқман, уйлантириб қўй, кейин ҳеч кимга қарамайман, де. Биз айбингни ўчирайлик, – у кула-кула Зулфизарга юзланди. – Маълумот учун яна бир нарса: у бўйдоқ. Лекин бун нуқсонлари рўйхатига ҳам, фазилятлар рўйхатига ҳам киргиза олмаёпман. Сиз нима дейсиз?

Икки эркакнинг бу тарздаги тағдор гаплари Зулфизарнинг нафсониятига тега бошлади. Аммо ўзини қўлга олиб, ним табассум билан жимгина тураверди: бошқа нима ҳам қила олар эди?

– Дарвоқе, бизнинг маликамизнинг ҳам бошлари очиқ. Агар фаришталар омин, деб, сизлар турмуш курсаларингиз, социалистик жамиятда ажойиб ибрат намунаси бўларди.

“Буниси энди ошиб кетди! Ишда камчиликка йўл қўйган бўлса, уришсин, сўксин, аммо шахсий ҳаётига бу хилда аралашув!..”

– Кечирасиз, Николай Владимирович, онамининг тоблари йўқ эди. Дори олиб бормоқчи эдим, – у қовоғини уюб олди.

Гапи бўлингани “Кадр”га ёқмади:

– Шундайми? Биз сиз билан тушлик қилмоқчи эдик-ку. Ҳа, майли, боринг. Аммо бир шарт билан, эртага ўзингиз бизни тушликка олиб борасиз.

Зулфизар индамади.

Эшик олдига етгач, секингина бош эгиб “Яхши қолинглар” деди-ю, хонадан чиқиб кетди.

Москвадан қайтгандан буён бирон гапи икки бўлмаган, қаерга борса, ҳадик ва ҳурмат билан кутиб олинган Зулфизар “Кадр”нинг бугунги муомаласидан ўзини йўқотиб қўйди. Бир нарса дейин деса, бутун обкам, жумладан Зулфизарнинг тақдири ҳам унинг қўлида. Демаса, очикдан очик, бу хил “хукмронлик”! Аммо бундан ҳам баттари анов ярамас дўхтирнинг индамай, уни “Кадр”нинг илмоқли гапларига ўлжа қилиб ташлаб қўйиши бўлди. Ўзини ким деб ўйлаётми у? Хўп майли, гап нишаби бу тариқа кечмаганда, Зулфизар ўлибдими, фурсатдан фойдаланиб, унга миннатдорчилигини билдирарди. Агар ёдидан чиққан бўлса, улар таниш эканлигини “Кадр”нинг олдига айттарди. Аммо эркак бўлиб Зулфизарни танишини яширибдими, демак, шундай бўлиши керак экан-да. “Кадр”нинг олдига шахсий муносабатларни билдириш хавфли, ҳа, жуда хавфли, бун Зулфизар яхши билади. Шунинг учун ҳам дўхтирнинг ўзини бу тарзда тутгани ҳам... уни... Зулфизарни ўйлаб қилган ҳаракатидир?

Шунга қарамай, барибир тушлиқдан кейин ҳам юрагининг сиқилиши тарқамади. Кечга яқин Хадича келди. Қизлигида бир тутам чучмомадеккина бўлиб юрадиган Хадича турмушга чиққач, тўлишиб, очилиб кетган эди. Унинг чақнаб турган кўзларига қараб, Зулфизарнинг бироз кайфияти кўтарилди:

– Жўра акам сени нима билан боқаяпти, кундан кунга семириб бораяпсан? – ҳазил қилди у дугонасини бағрига босаркан.

– Шу аканг ўзини боқсаям... топгани мактабидан бери келмайди. Ҳали у ерини ямайди, ҳали бу ерини. Эскини ямайман деб, эрим бечоранинг эси кетди.

– Ниманинг ҳисобига бунча семираяпсан, бўлмаса?

– Ўзим-чи? Икки ставка дарсим бор. Керак бўлса, ойлигим директорниқидан икки баравар кўп.

– Унда яхши, хурсандман. Кеч бўлганда ойлигим кўп деб, мени ресторанга таклиф қилиб келмагандирсан, ҳойнаҳой?

– Э-э, кўйсанг-чи, сенинг кўнглингни топишга йўл бўлсин. Акангнинг дарди билан юрибман. Ёнимизда янги мактаб қурилаяпти, шу ёққа директор қилиб ўтказиб бер. Бўлмаса, бечора эрим шу эски мактабни сонга соламан деб ажалидан беш кун бурун ўлиб кетади. Ўзи мазаси йўқ. Урушнинг асоратлари аста-секин юзага чиқаяпти.

– Яхшилаб қара, даволансин.

– Ўн беш кун бир жойга бориб дам олиб келсанг, руҳингда қандай ўзгаришлар бўлади. Бу киши тўрт йил қон кечиб, жон олиб, жон бериб юрган. Ҳалиям қулоқларим остида снарядларнинг портлашлари, жон бераётган аскарларнинг инграшлари эшитилиб туради, дейди. Минг эҳтиётлаб қараганим билан...

– Ҳа-а... – дугонасининг гапларидан оғир бир сўлиш олди.

Уларнинг суҳбатини телефон кўнғироғи бузди.

– Эшитаман, – Зулфизарнинг хаёли ўзида эмас эди, “Кадр”нинг овозини эшитиб, бирдан хушёр тортди. – Лаббай, Николай Владимирович!

– Зинаида Абдиевна, ишлаётганмидингиз?

– Ҳа, Николай Владимирович!

– Бугунги таклифим ҳақда ўйлаб кўрдингизми?

Зулфизарнинг юраги “шув” этиб кетди:

– Қайси таклифингиз? – билиб турган бўлса-да, билмаганга олди.

– Анатолий Абрамович ҳақида айтаяпман. Аммо лекин сиз Толикка жуда ёқиб қолибсиз. Тушлиқдан бери ўн марта телефон қилди, қачон учрашамиз, деб.

– Кўйсангиз-чи, биз бошқа-бошқа дунё одамларимиз. Бундай гап бўлиши мумкин эмас.

– Ие, бу гапни сиз айтаяпсизми? Айтаётганларингиз ўзингиз тарғиб қилаётган “миллати, ирқи, мансуб бўлган динидан қатъий назар...” деган идеологиянгизга қарши эмасми?

– Николай Владимирович, илтимос қиламан, мени қийнаманг. Мен у кишининг миллати, ирқи ҳақида бир нарса деяётганим йўқ. Агар кўнгил кўйсам, хабашга ҳам тегишим мумкин. Аммо тушгача танишган одамга кечкурун турмушга чиқа олмайман-ку.

– Зинаида Абдиевна, сал ошириб юбормаяпсизми?

– Ҳа, балки ошириб юбораётгандирман, мени кечиринг, аммо...

– Бу сиёсат учун керак, муҳтарама Зинаида Абдиевна. Сиз билан биз партиянинг аскарларимиз, ҳар дақиқада ўзимизни унга қурбон қилишга тайёр туришимиз шарт. Менимча, шу билан бу масала ҳал. Бундан Марказкомнинг ҳам хабари бор. Улар сиз билан бизни олқишламоқда.

Зулфизарнинг устидан бир челақ қайноқ сув куйилиб кетгандай бўлди. Унинг ранги қумдай оқариб кетган эди. Нима бўлганда ҳам!.. У кўғирчоқмидики, истаган одамларига совға қилиб юборишаверса? Унга қараб, Хадича ҳам кўрқиб кетди.

– Ким, Зулфизар? Сени кимга беришмоқчи?

– Анатолий Абрамович деган жарроҳга! – ўзига ўзи гапирётгандай кўзларини номаълум нуқтага тикиб жавоб қилди у.

– Анатолий Абрамович? Вилоят шифохонасидаги жарроҳлик бўлими бошлиғими? – Хадичанинг кўзлари катта-катта бўлиб кетди. – Ахир у жухуд-ку. Жухудга теккан одамнинг етти пушти куйиб кетади. Сен шунга рози бўласанми?

– Бошқа иложим йўқ.

– Нега, нега?! Бу сенинг ҳаётинг, ахир. Унга ҳўжайинлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Зулфизар дугонасининг ғазабга тўлиб кетган кўзларига маюсланиб қаради:

– Акс ҳолда ишдан кетишим керак.

– Кет, кетавер. Нимага керак шу иш сенга? Оддий муаллим бўлсанг ҳам, онанг билан бир ўғлингни боқа олсан.

– Одамлар-чи? Ишини эплай олмагани учун ҳайдашди, деб қулишмайдими?

– Жухудга тегсанг-чи, бундан баттар қулмайди-ларми?

Зулфизар индамади.

– Тўғри, юзингга қараб кула олмасликлари мумкин, аммо ортингдан “қаҳ-қаҳ” отиб қулишади, нафратланишади. Мусулмонлик номига доғ туширди, дейишади.

– Ноиложман, Хадича! Қолаверса, ўзга миллат билан тақдирини боғлаган бир менми? Хонлар етти иқлимдан гўзал қизларни олиб келиб, уйланишган. Мен унинг миллати бошқа эканлигини айтмаяпман. Уни умуман билмайман, ҳатто дурустроқ гаплашиб ҳам кўрмаганман.

– Билсанг... унга тегишинг ҳам мумкинми?

– Нима бўпти? Дугонажон, мен даҳрийман, аммо сен сиғинадиган Худонинг олдида ҳам ҳамма бир хил мақомга эга банд. Мусо яҳудийларнинг пайғамбари, Исо христианларники, агар Оллоҳ бу миллатларнинг бандаларини ёмон кўрганда, уларга пайғамбарлик мақомини бермаган бўларди. Тўғри, мен бу масалаларни унчалик чуқур билмайман, аммо Худо одамларни ўзбек, ўрис, яҳудий деб ажратмайди, уларнинг мўмин ва мунофиқлигига қараб ажратар экан, шуни биламан.

– Онанг билан аканга нима дейсан?

– Уларга тушунтиришни сенга юклайман.

– Йўқ.

– Бу ҳамма замонларда бўлган, азизам. Партия мендан мана шу арзимас қурбонликни сўраётган экан, мен бунга тайёрман. Ўша эркакни севиб, ардоқлаб, одамларга ажойиб оила намунасини намойиш қиламан.

Аслида Зулфизар бу гапларни Хадичага эмас, ўзига айтаётган, бўғзига тиқилиб, исён кўтараётган ўзлигини ишонтирмоқчи бўлаётган эди. Аммо ҳар қанча ўктамлик қилиб, дадил-дадил гапирмасин, ич-ичидан нимадир узилиб, силласи қуриб бораётганини ҳис этиб турарди. Гарчи бир томондан қаршисида очилишга шай турган бахт ва ишқ эшиги қаршисида юраги гупирлаб уриб ётган бўлса-да, аммо ич-ичида нимадир бешафқат тарзда бу ёқимли титроқларни “бу мумкин эмас, асло!” деб шарт-шурт сидириб ташлаётгандек бўлар, шу билан бирга у ўзини ўзи “мен нима ҳам қила олардим, талаб шундай” деб чалғитишга уринар, бироқ у кўзлар, у нигоҳлар, у мулоийм, ҳа, кучли, бақувват, аммо ипақдек майин, вужудингга тегса жон ато этгандек бир ёқимли туйғу уйғотувчи у қўллар измига ўзини бутунлай, бир умр ташлаш истаги хиёнаткор иблисдек, уни мазахлаган каби туйғуларини номаълум, кишининг эсида қолмайдиган, аммо нима бўлса ҳам эшитгинг келаверадиган куйни чалган каби туйғуларининг торини “тинг-тинг”, “жинг-жинг” чалиб қўяр ва Зулфизар шу торлар титроғининг ўзиданоқ барчасини қандай бўлса шундайлигича, шароит оқимига

ташлаб қўйишни истар, аммо негадир дугонасига ич-ни ёролмас, куёвликка номзод бу жуҳуд дўхтирга ўзи ҳам безътибор эмаслигини тан олиш гўёки ўзини ўзи сазойи этишдек туюлиб, баттар айбдорлик ҳиссини туйрди.

Икки дугона ўртасидаги узоқ давом этган нохуш жимликни Зулфизарнинг ўйчан овози бузди:

– Қишлоқни соғинибман. Сизларнинг супаларинг-да ётиб, юлдузларни томоша қилишларни... Бор бой-лигимиз эгнимиздаги биттагина чит қўйлак бўлса ҳам биздан бахтли одам йўқ эди ўша кунларда. Мактаб-чи? Кўктош кўйдириб оқлатганларимдан кейин қандай чиройли бўлиб кетган эди. Қанийди, бир умр ўша мактаб-да қолиб кетганимизда...

– Ҳа...

– Энди эса, ўша сочлари қирқ ўрим Зулфизар йўқ. Мен Зинаида Абдиевнаман! Сен эҳтимол, билмассан, мансаб, шон-шухрат жуда ёмон нарса. Пастликдан туриб, чўққига қарасанг, чўққи жуда чиройли кўринади, кўнглингда ҳавас пайдо бўлади. Аммо чўққида туриб, пастга қарасанг, юрагингни ваҳима босади, тушиб кетишдан кўрқасан. Менда ҳам ҳозир шундай ҳолат. Пастга тушишдан, одамларга масхара бўлишдан кўрқаман. Бунинг устига, русларнинг бизнинг қизларимизга паст назар билан қарашларига чидай олмайман. Бу ерда ўзбек қизларининг нималарга қодир эканлигини кўрсатиб қўйиш учун ҳам ўтиришим керак.

– Яхудийга тегибми?

– Қўйсанг-чи бу гапни. Уям Худонинг бандаси, сен билан мен каби тенг ҳуқуқли фуқаро. Кел, яхшиси бирон кун кишлоққа борайлик, сизларникига, бизникига, мактабга!.. Ҳеч кимга айтмай, секингина... Қайтадан бола бўлиб... Агар ўша супаларинг турган бўлса, бир кеча ётиб ҳам қоламиз.

Хадича унга ғамгин тикилди:

– Супанинг эгаси ўтиб кетди-ку, супа қолармиди? Онам шўрлик ҳар йили сомоншувоқ қилиб, ялтилла-тиб кўярди. Акаларим бузиб, жойига ёғочдан қароват қилишди.

– Майли, ўша қароватда ётамиз. Осмон, юлдузлар турибдими, ахир?

– Майли. Сен вақт топсанг агар...

– Менга қара, Хадича, энамга сен айт, тушунтир. Ўқувчиларингга тушунтиргандай, ҳижжалаб, ишонарли қилиб!..

– Иложим йўқ, – кўзларини юмганча бош чайқади Хадича, – буни мендан сўрама.

У бу гапни шундайин қатъият билан айтдики, Зулфизар бошқа ҳар қандай ўтинч ножоиз эканлигини тушуниб етди. Қаҳри келди. “Тумшуғидан нарини кўрмайди. Бутун дунё бир-бири билан қуда-анда бўлиб ётибди. Бу эса бир эрдан чиққан дугонаси учун фожиа ясайди. Шу курсида ўтириб турсам, энг аввало шуларнинг обрўи эмасми?”

– Хўп, айтмасанг, ўзинг биласан. Фақат жуҳуд эканлигини ҳам айтма. Рус деб ўйлай қолишсин.

– Бир кун кимдир ҳақиқатни айтади-ку, барибир.

– Айтишганда куёвларига кўникиб бўлган бўлади.

...Эртаси куни Анатолий Абрамовичнинг ўзи кўнгирак қилди:

– Алло!..

– Эшитаман... – Зулфизарнинг овози титраб кетди. Гарчи улар деярли гаплашишмаган бўлса-да, бу одамнинг овозини бир оғиз сўзидан таниган эди.

– Ассалому алайкум, Зинаида Абдиевна! Соғ-саломатмисиз? Мен Анатолий Абрамовичман.

– Танидим.

– Биз бир учрашишимиз керак, Зинаида Абдиевна!

– Нега?

– Сизга айтадиган муҳим гапларим бор.

– Ҳамма гапни сиз учун айтиб бўлишган, – гарчи суҳбатдошининг таклифи унга жуда ёқаётган бўлса-да, Николай Владимировичнинг такаббурлиги жуда нафсониятига текканидан мавриди келганда чақиб-чақиб олгиси келаётганди.

– Қўйинг, бу гапларни. Менинг айтмоқчи бўлаётганларим бутунлай бошқа нарса. Илтимос, йўқ де-манг.

– ...

Кечки пайт шаҳар четидаги кичкинагина ҳовлига боришди. Уларни ёши ўтинқираган бир киши кутиб олди. Ҳовли шинам ва ораста эди. Ҳовли ўртасига қўйилган айлана столга оппоқ дастурхон ёзилиб, унга гул, ҳўл мевалар ва иккита шам қўйилган эди. Улар ичкарига киришгач, кутиб олган киши узр сўраб, “зарур ишларим бор эди” деб, ҳовлидан чиқиб кетди. Анатолий Абрамович чаққонлик билан илтифот кўрсатиб, уни столга ўтиргизди, ўзи ҳам ҳам костюмини ечиб, ўриндиқнинг елкасига кийгизиб қўйди-да, ошхонадан таом сузиб келди.

– Зираворлар солиб димланган балиқ!..

– Балиқ?! Бу таомни яхши кўришимни қаердан билдингиз? – ҳайрон бўлган Зулфизар хурсандчили-гини яшира олмади. Йўқ, сеvimли таоми дастурхон-га тортилганиданмас, кимдир унинг кўнглини топиш учун шунчалик ўлиб-тирилаётгани учун хурсанд эди. – Ҳарқалай, дўстингиз бу таомни яхши кўришимни билмас эди.

– Ҳа, у билмас экан. Аммо шуни унутмангки, раз-ведкачилик қобилияти бўлмаган одам жарроҳ бўла олмайди. Сиз жуда катта одамсиз, сиз билан ресто-ранларга бориб бўлмаса... Шундай бўлгач, шу уйга олиб келишга тўғри келди, бу тоғамнинг уйи, у ёлғиз яшайди, озгина бўлса ҳам кайфиятингизни кўтарар деб, суруштирув ишларини ҳам олиб бордим... – У бироз энгашиб, қўлини Зулфизарнинг қўллари устига қўйди. – Мени кечиринг, Зинаида Абдиевна... – Зулфизар шошиб қўлларини тортиб олди. – Мен сизга бу тарзда эришишни сира ҳам истаман эди. Менга мажбурият билан эмас, севиб-севилиб турмушга чиқшингизни истайман. Сабаби... Мен сизни яхши кўраман.

Зулфизарнинг потирлаб кетаётган юраклари кўксига сиғмай, буғзига тикилди. Қаршида титраб-қақшаб ўтирган одам гарчанд ўзга миллат одами, ўзга бир тилда изҳори дил айтаётган бўлса-да, бутун вужудини ёқимли титроқ эгаллаб олган, назарида у бу дақиқаларни, бу одамни бир умр кутган-у, эндигина етишгандек эди. У индамай ерга қаради, нима десин, нима ҳам дея олар эди?

– Агар юрагингизда менга нисбатан ҳеч қандай рағбат бўлмаса, Коляга ўзим айтаман, сизга ортиқча тихирлик қилмайди. Аммо мен жудаям истайманки, менга бир имконият берсангиз, сизни бахтиёр қилиш имкониятини... Ахир сиз жуда гўзалсиз, сиз умрингизни, ўзингизни бу хилда ишга фидо қилишингиз асло мумкин эмас, сиз севишингиз, севилишингиз керак. Одам ахир робот эмас, жонли мавжудот...

Улар узоқ гаплашиб ўтиришди. Тўғрироғи, Анатолий Абрамович гапирди, у тинглади.

Ойсултон хола янги куёвни кўрганда Зулфизар илк бор қишлоққа яланғоч оёқларини ширдайтириб, тиззасидан баланд кўйлак кийиб борганида Улкан кампир тушган ҳолатга тушди.

– Бу яна нимаси, қизим? – дея олди зўрға.

– Мен уни яхши кўриб қолдим, эна.

– Энди ўрисга тегасанми, болам, элга кулгу бўлиб?..

– Эна, Оллоҳнинг олдида ўрис-ўзбек деган гап йўқ, ҳаммамиз Худонинг олдида бирдек бандамиз.

Ойсултон хола индамади. Нима ҳам десин? Ёш бола бўлса экан, қўлидаги ўйинчоғини олиб кўйса ёки ичкари хонага қамаб кўйса?

Шу билан неча кун гапирмади, бир кўнгли қишлоққа кетиб қолай, деди, шу қизнинг ҳам, тепакал куёв бўлмишнинг ҳам юзини кўрмайин, деб. Аммо неварасини кўзи қиймади. Зулфизар саҳардан ярим тунгача ишда, бола овора бўлади.

Орадан бир ҳафта ўтиб, эшиги оҳиста тақиллаб, куёв бўлмиш кириб келди:

– Онажон, ассалому алайкум, – деди у ўзбек тилида дудуқлана-дудуқлана.

Ойсултон кампир жуда қайсар аёл эди. Юзини тескари бурди.

Куёв бўлмиш момонинг ўзига ўхшаш соддагина исёнидан кулди:

– Мен сизни чойга таклиф қилгани келдим, – яна бўғинлаб-бўғинлаб ўзбекча гапирди.

Унинг изидан кирган Зулфизар ҳам кулди:

– Энажон, куёвингизнинг қўлида ўттизта ўзбек ишлайди. Ўзбекистонга кўчиб келганига ўн саккиз йил бўлган. Бу одам шу пайтгача бир оғиз ҳам ўзбекча гапирмаган. Мана, сиз учун қийналиб бўлса ҳам ўзбекча гапиряпти. Юринг энди, бирга чой ичайлик.

– Ичаверинглар!

– Турмасангиз, иккаламиз икки қўлтиғингиздан даст кўтарамиз-да, дастурхоннинг бошига олиб борамиз. Кейин...

Ростдан ҳам устига бостириб келаётган қизи билан куёв бўлмишни кўриб, момо сапчиб ўрнидан турди. “Энди шунга қўлини ушлатиб!..”

У яна ён босди. Нима қилсин, боласи-да.

\* \* \*

Ярим тун. Палатанинг қия очиқ деразасидан кираётган муздек шабада дарпардаларни оҳистагина ҳилпиратиб ўйнайди. Қизи тўшақда ғужанак бўлиб ухлаб ётарди. Кўнгли нотинч, асаблари таранг кишилар ғужанак бўлиб ётади, деб эшитган эди. Бунинг кўнгли нимадан нотинч?

Унинг ётиб қолганиданми? Ахир бу биринчи марта ётиб қолиши эмас-ку? Ёки эрининг хиёнатларини сезиб юрганмикан?

Зулфизар қизини ҳеч қачон ожиз, иложсиз, нотавон ҳис қилмаган. Сора онасига ўхшаш ўктам, ғайратли қиз бўлиб ўсди. Отасидан тадбиркорликни олган. Ёш бўлса ҳам “Йўқ, ҳеч вақом қолмади” деган жойда бир йил ўйнаб-кулиб яшашга етгулик жамғармаси бўлади ҳаммиша унинг. Эри бўлса аксинча, жуда кўнгличан, бўшанг. Топган беш-тўрт сўм маошини икки кунда сарфлаб қўйиб, кейин бўм-бўш чўнтак билан бўшашиб юраверади. Шундай вазиятда болалар ундан пул сўраса,

бу пул ундан эмас, хотинидан чиқса ёки кейинги сафар болалар ундан эмас, оналаридан пул сўраганда, ўзича эзилади, асаби бузилади. Айбни ўзининг бўшанглигидан эмас, хотинидан ахтаради. Бордир албатта, Сорадан ҳам айб ўтгандир. Ҳамиша пулсиз шумшайиб ўтирадиган эр билан ҳисоблашмаган жойлари кўп бўлгандир. Аммо у эри айтганидек ҳамма нарсадан пулни устун кўювчи молпараст, такаббур, бемеҳр аёл эмас. Агар эрининг шундай, унинг тўшагида, яқин дугонасини ундан афзал билиб, унга хиёнат қилганини билса!..

“Йўқ, у буни кўтара олмайди” ўйлади бир олам андуҳ билан Зулфизар.

Азим шаҳарда, тўрт хонали уйда икки бола-си билан ёлғиз, сўппайиб қолишни тасаввур қилиб, кўнгли ғамга тўлиб кетди. Шундайгина бориб, қизининг сочларини силагиси келди, аммо қанийди ўрнидан туролса, беажаол қўллари унинг бошига етса экан.

– Ўв-в, – ичида бир бўри “ўв” тортиди. Оғзидан бир аланга чиқиб кетгандай бўлди. – Ўв-в!

Унинг омон-омон давронларига йўқлов айтаётган бўри ҳам ўзи каби кекса ва нотавон эди.

Ўзининг оёқлари ҳаммиша узангида бўлди, ҳаммиша қўлида жарақ-жарақ пул эди, ҳеч қачон бекор, ёлғиз қолгани йўқ. Ярим тунда ишдан келиб, ҳали вужудда симиллаб турган чарчоқлар тарқамасдан ишга югурарди. Аммо оёқлари узангида, ўзи шунчалар банд бўлса ҳам юрагидаги хувуллаган бўшлиқ ҳаммиша ўзини билдириб турарди. Айниқса Ботир гиёҳванд бўлиб қолгач, бу бўшлиқ ҳаммиша ютиб юборай-ютиб юборай, дерди. Ёлғизлик ёлғиз худойимга ярашган деб, бежиз айтишмаган экан.

Шу боланинг дарди-азоби унинг жони-жаҳонини минг бўлакка бўлиб ташлади. Столни бир муштлаган дам минглаб эркак йиғилган мажлис сапчиб турадиган амалдор хоним ўғлининг исмини эшитганда, минг томонда сочилиб ётган жонини бир жойга жам қилиб, зўрға ўрнидан турадиган бўлди. Шундай чиройли уй, машина, мансаб, тавозе-такаллуфларсиз оддийгина пахсадевор уйда, оддийгина қишлоқ муаллимаси бўлиб яшаса, ёнида ўғли соғ-омон бўлса! Атрофида келини, неваралари... Оталари ишдан қайтганда чопқиллаб олдига чиқишса...

Уйда Зулфизарнинг беш-олтита портретидан бошқа ҳеч нарса қолмади. Қўлга илинадиган нарса борки, ўғли ўғирлаб чиқиб, сотди. Хумори тутиб, қалтираб қолган дам Зулфизарнинг ўзи, деворда осиглик гилами, қўлоғидаги сирғасими, боласига ичи ачиганидан ўзи берган кунлари ҳам бўлди.

Шунинг учун ҳам куёвининг қилмишига “э-э!..” дея олмади. Кўз ўнгига қизи, неваралари келди. Елкаларида ўзларидай навқирон ғусса билан... Унинг ўзи юраги тамом бўлган саргардон аёл эди. Энди Соранинг ғамини кўтара олармиди.

\* \* \*

Кечки пайт “Биринчи” қақиртирди. Хонада “Иккинчи”, “Кадр” ўтирган эди. Зулфизарга негадир “Биринчи”нинг кайфияти йўққа ўхшаб кўринди. Ҳамма йиғилгач, бармоқлари билан силлиқ сочларини орқага тараб-тараб, ўрнидан турди:

– Ўртоқлар, юқоридан телефонограмма олдик. Хўш, унда бизнинг эътиборимиздан четда қолиб, социалистик турмуш тарзимизни бузиб келаётган баъзи

диний расм-русумлар, одат ва анъаналарни барҳам топтириш вақти келганлиги айтилган. Ҳақиқатан йўлда кетаверсангиз, йўлнинг икки томони ялов илинган ҳодага тўлиб кетган. “Ҳа?” десангиз, “Шаҳид!” дейишадди. Йўлдами, чўлдами бирон ҳалокат туфайли биров ўлса, ерга томган қонини қириб олиб, йўлнинг четига шу қириндини кўмиб, атрофини ўраб, ялов кўтариб қўйишади. Одам ўлмаган, одамзоднинг қони тўкилмаган ер борми? Ҳар бир шаҳид ўтган одам учун тўрт-беш квадрат жойни ўраб, ялов кўтараверсак, ер юзида яшаш, деҳқончилик қилиш учун эмас, оёқ қўйишга ҳам жой топилмай қолар эди. Зиёратгоҳлар бор: “Сулаймон ота”, “Кокилдор ота”, “Тўқсон ота” ва ҳоказо. Бу “ота”лар ким бўлган? Улар нима каромат кўрсатган, халқ учун нима хизмат қилган? Буни ҳеч ким билмайди, қизиқмайди ҳам. Ҳар чоршанба куни ким товуқ қўлтиқлаб, ким қўй етаклаб, давлатнинг ишини ташлаб, шу зиёратгоҳлар атрофида ин қурган текинхўрларни боқиш учун югуради. Ҳай, биродарлар, масалан, Сулаймон ота қаерда яшаган-у, бу ерда унинг қабри нима қилади, дейдиган бирон ақлли одам йўқ.

Мана шундай тушунмовчиликларга барҳам берадиган вақт келди. Бир томчи қон учун кўтарилган яловлар олиниб, ўрни ижтимоий фойдали ерларга қўшилсин. Кимлиги номаълум “ота”ларнинг зиёратгоҳлари жойлари текислаб ташлансин.

Ҳайит кунлари қабристонларимиз йиғи-сиғи қилган хотин-халажга тўлиб кетади. Бу кунлари қабристонга чиқиш ман қилинсин. Ундан кўра йилда бир кун хотира куни деб эълон қилиниб, юртимизда яшайдиган ҳамма миллат вакиллари қабристонларга бориб, ўтганларни хотирласин, қабр атрофларида ободонлаштириш ишларини олиб борсин.

Диндорлар ин қуриб олган мачитлар ёпилсин.

Зинаида Абдиевна! Бу кеча мана шу фикрлар сингдирилган ажойиб бир маъруза тайёрлайсиз. Эртага вилоят бўйича барча ташкилот раҳбарларини, фаолларни йиғамиз. Бир ярим минг кишилик йиғилиш бўлади. Эрталаб соат еттида маъруза билан танишиб чиқишим керак.

Яна бир гап. Вафот этган биродарларини сўнги йўлга кузатиш, кўмиш маросимлари ҳақида ҳам ўйлаб кўрадиган вақт етди. Биров ўлса, жағ-бошини бойлаб, яланғоч ҳолда ётқизиб қўямиз. То узоқ-яқин қариндошлар йиғилиб, қабр тайёр бўлгунча ўлик шу ҳолда ётаверади. Биров ярим яқини сўнги бор кўриб қолай деб, юзини очса, кўрқанидан юраги ёрилади. Биз ҳам чиройли кийимлар кийгизиб, муносиб тарзда сўнги йўлга кузатсак бўлмайдимиз? Йиғирма метр оқ сурпга ўраб, қабрга ташлаймиз-у, қайтамыз. Уч-тўрт йил ўтмай қор-ёмғир остида нам тортган лаҳад ўйилиб, ичига одам тушиб кетади доим. Нима кўп, ёғоч кўп. Тўртта ёғочдан ажойиб тобут яшаш мумкин. Наҳот, бир умр меҳнат қилган инсондан тўртта ёғоч азиз бўлса?! Жаноза нимага керак, ҳеч ким тушунмайдиган аллақандай арабча сўзларни ўқиб ўтирмасдан, чиройли бир минг ўтказайлик, марҳумнинг фазилатларини эспайлик. Тўғри, бу таклифларни эртанги йиғилишда айтиш шарт эмас, аммо ўз бирларимиз ичида намуна сифатида қўллаб, халқни шунга тайёрлаш, ўргатиш керак.

“Биринчи” гапларини тугатгач, маррага етгунча нафаси бўғзига текилиб қолган спортчидек чуқур нафас олди, сўнг “бўладими?” дегандай, “Иккинчи”га қаради. “Иккинчи” “ихтиёрингиз” дегандай елка қисиб қўйди.

– Тушунарлими? – “Биринчи” нимагадир шошарди. – Ҳеч кимда бошқа таклиф бўлмаса, йиғилиш тамом.

– Шошманг, – мулойимгина оҳангда уни тўхтатди “Кадр”: – Балки эътирозлар бордир?

Ҳеч ким эътироз ҳам билдирмади.

Эртаси куни йиғилиш жуда жанговар руҳда ўтди. Ҳар бир фаолга қатъий топшириқлар берилди. Ўзаро пичир-пичирларни айтмаганда ҳеч ким эътироз билдирмади. Аммо ижро қийин бўлди. Ҳар бир яловнинг ортидан ўнлаб одам бош кўтарди. Зиёратгоҳларни бузиш ундан ҳам қийин бўлди. Биронта ўзбек бульдозерчи бу ишни ўз зиммасига олмади. Одамлар орасида “Фалон зиёратгоҳнинг устига бир ўрис бульдозерини солган экан, қаердан икки илон чиқиб, бўйнига чирмашибди. Бу ишнинг бошида турган парткомнинг бадани ола-чалпоқ пес бўлиб қолибди” каби ваҳимали гаплар тарқалди.

Ҳайитдан бир кун аввал ҳамма қабристонлар фаолларга бўлиб берилди: “Ҳайит куни қабристонга ҳеч ким чиқмасин. Ўтганлар фақат Хотира куни зиёрат қилинади”.

Зулфизарга ўзларига яқинроқ қабристонни беришди. Фаоллар яхши ишлашибди, катта қабристон ваҳимали тарзда ҳувуллаб ётар эди. Фақат қабристоннинг бир бурчагида беш-олти қорайган кўринди. Зулфизар анча берида турган бўлса ҳам уларни дарров таниди. Ҳа, улар қўшни кўчада яшашарди. Онаси ҳамшира эди, ўтган йили “Ўғлим институтни фақат “5” баҳоларга битириб келди, бир дурустроқ иш топиб беринг, ёлғизгина болам, бори-йўғим, бор давлатим шу”, деб Зулфизарнинг олдига келган эди. Зулфизар ҳам ҳафсага қилмади. Аёл бир сафар ўғлини ҳам етаклаб келди. Яқинда автохалокатга учраб!..

Онаизор қабри кучоқлаб, дод-фарёд солар, атрофидагилар уни қабрдан бир амаллаб кўтариб олар, у яна юлқиниб ўзини қабр устига отар эди.

Зулфизар чуқур хўрсинди. Кўнглида зиммасига юкланган топшириққа нисбатан эътироз пайдо бўлди: “Бу шўридага ўғлингни бугун эмас, хотира куни ёдла”, деб қандай айтиш мумкин! “Дўппайган тупроқ уюмлари оралаб, бир-бир босиб изига қайтиб бораркан, худди ортидан биров қувлаётгандай кўнглига ваҳима тушди, қадамлари тобора тезлашиб, охири оқибат қабристондан деярли чошиб чиқди: “Кимни қачон зиёрат қилиш ҳар кимнинг ўз хоҳиши эмасми? Наҳотки шу масалада ҳам партиядан изн сўраш керак бўлса?”

Энг ёмони ўша кунлар онаси омонатини топшириб қўйди. Гарчи онаси билан лоақал ҳафтада бир марта ўтириб, дурустроқ гаплашишга вақт топа олмаган бўлса ҳам онаси ҳаётидаги энг катта суянчи эканлигини кўзлари бутунлай юмилган кун билди. Шошиб қолди. Аввал акасига, сўнг ишхонага кўнғироқ қилди: “Онамдан ажралиб қолдим”.

Акаси, янғаси, жианлари билан олдинма кейин уйига бир қишлоқ одам кириб келди. Кекса холаси изиллаб йиғлаб, “Вой, эгачим-эй, ҳалиям шундай ётибди-ми? Чиқиб туришлар, ечинтириб, маҳрам сувга олиш керак”, деб ҳаммани чиқариб юборди.

Бир пайт уни ҳовлидан сўрашаётганини айтишди. Нимагадир бир нохуш хабарни сезгандай юраги “шув” этиб кетди. Остонада кимдир уни супанинг бир четидан ўтирган “Биринчи”нинг ёнига олиб борди. Кун иссиқ бўлишига қарамай қоп-қора костюм-шим кийиб олган “Биринчи” уни ҳовли четига бошлади:

– Зулфизар, – у ҳамиша “Зинаида Абдиевна” деб мурожаат қиларди, – синглим, бандачилик... Она дунёдаги энг улуғ давлат, энг азиз неъмат, уни бериш осон эмас. Энди бардам бўлинг, Худо сабр берсин.

– Раҳмат.

– Хў-ўш, мени кечиринг, топшириқ десамми, омонат десамми, бир гап бор. Шу... момони янгичасига дафн этсак. Кафан ўрнига чиройли уст-бош, тобут... Жаноза ўрнига митинг... Нима дейсиз?

Зулфизарнинг оёқлари остидаги ер силжиб кетгандай, боши айланиб кетди. У бор кучини йиғиб, мувозанатини ушлаб қолди. Онасининг юраклари уришдан тўхтаган дам энг катта давлатидан ажраб қолганидан қанча эзилса, муқаррар айтиладиган мана бу топшириқни ўйлаб, ундан кўпроқ эзилган эди. Онаси азиз меҳмон, у қачон бўлмасин, кузатишини билар эди. Аммо бу хилда кузатишни истамас эди. У ёшга тўлган кўзларини илтижо билан “Биринчи”га тикди:

– Мен шу лавозимни деб энамни жуда кўп хафа қилдим. Жухудга тегдим, вақт-бевақт ёнларида бўла олмадим, ҳамдардлик қила олмадим. Энди сўнги йўлга ҳам уларнинг иродасига қарши ҳолда, элга ҳангома қилиб кузатайми?

– Синглим, бу раҳбарларнинг топшириғи... Мен бир ижрочиман, холос.

– Ака, – деди эмраниб. Расмий қилиб “Саидмурод Камолович” деб ўтиришга ҳоли йўқ эди. Юраклари иложсизликдан ўртаниб кетди, – ахир бу вилоятда сиздан катта ким бор? Ўзингиз мусулмон бўла туриб, нега менинг энамнинг мусулмончилигига қарши борасиз?

– Мени кечиринг, аммо сиз бунга мажбурсиз.

– Менга қаранг, мен ўлсам, иш либосида, ёғоч тобутга истасангиз, темир тобутга солиб, жаноза ўқитмай, митинг ўтказиб, кўминг. Лекин илтимос, энамга тегманг. Энамнинг партияга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

– У сизнинг, партия етакчисининг онаси... Агар топшириқ бажарилмаса, сизни ҳам, мени ҳам қўйишмайди.

– Ижозат беринг, жон ака, энамнинг ҳурматини ўрнига қўяйин.

“Биринчи” бош чайқади:

– Иложи йўқ. Айтинг, момонинг энг чиройли либосларини кийдиришинг. Тобутга буюртма берилган. Энди бораверинг, – котиб “гап тамом” дегандай изига бурилиб, нари кетди.

Зулфизар худди ёш болага ўхшаб турган жойида ўтириб олиб, ер тепиб, бақириб-бақириб йиғлагиси келди. Бу қандайин хўрлик ахир, на онасини муносиб тарзда кузата олади, на йиғлаб алампдан чиқа олади? Шуми унга партия берган имтиёзлар! Она бўлиб, тўрт оғиз гурунгига муяссар бўлиши қийин бўлса-да, қизининг юриш-туришидан, мартабасидан суюниб юргани учун унга аталган мукофот шуми? Ўшанда биринчи бор ўнг елкасида пичоқ санчилгандай оғриқ туйди, оғриққа чидай олмай инграб юборди. Оғриқнинг зўриданми, бўғзига тикилган аламданми, кўзларидан дувиллаб ёш тўкилди. Турган жойида унсиз йиғлаб-йиғлаб, сўнг бирдан ўкириб юборди:

– Эна-ам, вой энам, энам-ам! Эна-ажоним!

Юрагининг туб-тубидан яна бир ўкирик чиқди:-

– Вой, шўр бошим... Нотовон жоним...

Энди у ўзига йўқлов айтаётган эди.

Кимдир келиб, қўлтиғидан кирди. Суяб, онасининг бошига олиб келишди. У хонага кириши билан хонанинг шиплари йиғидан кўтарилиб кетгандай бўлди.

– Вой, энам-ей...

– Вой, холажоним!

У хона ўртасида бир муддат серрайиб турди-да, сўнг онасининг кийимлари турадиган шкафга юзланди. Шкафни очиб, бир текис илиниб турган кийимлар орасидан онаси яхши кўрадиган чинор баргли помбархит кўйлакни, фақат тўйларда ёпиладиган оппоқ рўмолини олди. Кейин марҳумани ўраб ўтирган хотин-халажга қараб: “Энди, эгачилар, ярим соатга чиқиб турсангизлар, онамни сўнги йўлга тайёрлайлик”, деди мардона.

– Уйи тайёр бўптими? – холаси “ялт” этиб унга қаради.

– Ҳа, – гапни қисқа қилди у.

Хонада ўн чоғли аёл қолди. Хола улардан учовини танлаб олди:

– Энди, хафа бўлманглар, сингилларим, эти, суяги деган гап шу ерда керак. Маййитни ўзининг суяги ювиши керак.

– Мен бегонамни? Менинг аммам бўладилар, – изиллади чиқариб юборилаётган янгаси. Унинг отаси марҳумага амаки эди.

– Ҳа, сен ҳам сингил эдинг, – деди хола унинг гапини бўлиб. – Лекин ҳозир сен келинсан. Сендан тортинадди. Чиқ. Ювмасанг ҳам, шунча йил бирга яшадинг, хизматини қилдинг. Нима олган бўлсанг, шу хизматлардан олгансан. Энди, ташқарига чиқ.

Кийинтирар палла яна хола жанжал қилди:

– Иби, бу нима кўргилик? У дунёда бунга помбархит кўйлак нимага керак?

– Шундай қилиш керак, – деди Зулфизар имкон даражасида хотиржам, буйруқ оҳангида. – Бутун вилоят бўйича раҳбарлар ўтирибди. Тошкентдан ҳам одамлар келишади.

– Келишса келишаверсин, опамнинг нима кийиши билан уларнинг қандай ишлари бор?

– Четга ўтинг, хола! – қўлига ёпишаётган холасини бир силтаб нари суриб қўйди-да, онасини кийинтира бошлади. – У менинг энам, увол-савоб ҳам меники.

Онаси жуда сўлим аёл эди, кийинтиришгач, юзларига қизил югургандай янада сулув аёлга айланди. Қип-қизил духоба кўрпа устига ётқизилгач, эндигина уйкуга кетган маликага ўхшаб қолди.

Зулфизар унинг устидаги ёпинчиқни кўксига тортиб, юзларини очиб қўйган эди, бир четда тўрсайиб турган хола “дод” деб юборди.

– Ювилгандан кейин юзини номаҳрамлар кўриши мумкин эмас, ҳай кофир!

– Хола, илтимос, мениям, ўзингизниям чарчатманг. Мен бир нарсая деяманми, демак, шуни билиб айтаётган бўламан ва айтганимни қиламан.

– Билганингни қил. Лекин одам эмас экансан. Тупурдим сенинг мансабингга, – хола йиғлаб ташқарига чиқиб кетди.

Бирпасдан кейин унияна ташқарига чақиртиришди. Остонада қоп-қора тўн кийиб, белини боғлаб олган акаси кутиб турарди. Кўзлари қизариб кетган ака қовоқларини уюб, ичи бураб оғриётган одамдай энгашибгина турарди:

– Энамни Сулаймон отага қўямиз. Ҳамма суягимиз ўша ерда. Бу энамнинг сўнги васияти.

– Шу ердан қабр тайёрлашаётган эканлар-ку.

– Йўқ. Энамнинг сўнги тилагини бажармасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мен энамни қишлоққа олиб ке-





таман. Эна меники, обкоминг менинг ишимга аралаш-масин.

Бошқа гапнинг ҳожати йўқ эди.

– Ўзингиз биласиз, ака. Каттага бир оғиз айтиб қўйинг.

– Ҳе-е, сенинг каттангни ҳам, каттачилигингни ҳам!.. Кун қизимасдан йўлга тушиш керак. Умидворлар хўшлашиб олсин.

...Қип-қизил духоба ёпилган ёғоч тобут машинага ортилганда Зулфизар ўзида йўқ эди. Жанозасиз йўлга чиққан марҳумани кузатгани келганлар ёқа ушлаб, эшикка беҳол суяниб қолган Зулфизарга нима деб тасалли беришни билмасди.

Чиройли машиналарда қабристон томон йўл олган катталар юк машинасининг оёғига қараб ўтиришни лозим топмасдан олдинга ўтиб кетишди.

Қабристонда анча кутиб қолишга тўғри келди. Ҳаво жуда иссиқ, қабрлар устида қовжираб турган ўт-ўланлар азалий дунёнинг маҳзун қўшиғини айтиб ётарди. Тирклик чоғларида уй-жой, бола-чақа, отулов, мол-ҳоли билан дунё-дунё майдонларга сифмай, ўрни келганда бир парча ер учун талашиб-тортишиб, ёқа йиртишиб яшаган одамларнинг ҳар бири бу ерда нари борса, икки қулочгина ерга қаноат қилиб, жимгина сукут сақлаб, ёнма-ён ётишар эди.

Митингга йиғилганлар бетоқат бўла бошлади. Қўшнининг қўшнига сояси тушмайдиган бу даргоҳда шоҳу гадо баробар, минг лавозимдор киши келса ҳам ҳеч ким ўрнидан туриб кутиб олмайди, бу салтанатда ёлғон хушомад, тавозелар йўқ. Тунд сукунат, дим ҳаво йиғилганларнинг юрагини сиқиб юборди. Ниҳоят кўча муюлишида юк машинаси кўринди. Машинанинг изидан бир тўп қишлоқдошлар етиб келишди. Қабристон дарвозаси олдида машинадан ҳашаматли ёғоч тобут ўрнига устига духоба ёпилган ихчамгина тол тобут туширилди. Қора костюм-шимларда терлаб кетган “катталар” нима гаплагини англаб етгунча, тобут одамлар елкасида нам тупроқ уюлиб турган қабр бошига етди. Мамараим маййитнинг устига ёпилган духобани кўтарди, тол тобутнинг устида ғожари гиламга ўралган марҳума бир тутам қизғалдоқдек бўлиб ётарди.

Ҳаммаси тушунарли, ўғил онасини ўз уйига олиб кириб, қадимий урф-одатлар бўйича ювиб-тараб, кафанлаб, жаноза ўқитиб чиққан.

– Марҳуманинг тоғаси борми? – сўради қишлоқнинг оқсоқоли.

– Мен тоғасининг ўғлиман, – полвон келбат бир йигит тобутнинг ёнига келди.

– Менинг отам ҳам тоға эди у кишига, – яна бир йигит унинг ёнидан турди.

– Маййитни уйига қўйиш сизларнинг хасмингиз, – оқсоқол уларга изн берди.

Ғожари гилам ичидан оппоқ ғумбак чиқди. Тоғаларнинг бири қабр ичига кирди, иккинчиси ичкарига узатди. Шу топда оломон гўё иккига бўлингандек эди. Бири айтгани бўлмаганидан қаҳрланган, иккинчиси қавмини муносиб тарзда кузата олганидан мамнун. Аммо бу ерда яна бир учинчи тоифа ҳам бор эдики, улар бир томондан бир бегуноҳ муштипарнинг бекафан, бежаноза кетмаганлигидан енгил тортса, иккинчи томондан эртага бўладиган муқаррар гап-сўзларни ўйлаб, саросимага тушиб туришар эди. Булар бир четда гоҳ қизариб, гоҳ бўзариб турган “Биринчи” ва унинг ёнидаги маҳаллий раҳбарлар эди.

“Иккинчи” захрини ютиб тура олмади:

– Бу сизнинг “ғоя”нгизми? Бу ўлкага маданият олиб кириш ниҳоятда қийин эканлиги яна бир бор исботланди.

– Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ, – шоша-пиша ўзини оқлади “Биринчи”.

Митинг ҳам совуққина ўтди. Ҳамқишлоқлар митинг ёпиқ деб эълон қилингандан кейин қабр бошида қолишди. Қишлоқ оқсоқоли биринчи фотиҳани ўқигандан кейингина одамлар тарқалди. Қабр бошидан кетишар экан:

– Одамлар, марҳума қандай инсон эди? – деб сўралди.

– Солиҳа аёл эди.

– Яхши инсон эди, – ҳар жойдан шундай жавоблар эшитилди.

– Одамлар, Ойсултон хола қандай инсон эди? – яна сўралди.

– Мўмин аёл эди.

– Меҳрибон аёл эди...

Бу савол-жавоб Ойсултон хола қолаётган янги дунё учун айтилаётгандай кайфият уйғотарди кишида.

– Мўмин аёл эди, меҳрибон аёл эди.

Бу сўзларнинг акс-садоси бошлари оппоқ Кўхитанг тоғлари тўшига урилиб, Мамараимнинг қулоқлари остида жарангларди.

“Ҳа, энагинам мўмин, меҳрибон аёл эди”.

Улар Зулфизарнинг уйига қайтиб бормади.

Ака-сингил бир онага икки уйда маърака ўтказди.

Маъракалар ўтиб бўлгач, Зулфизар онаси билан бирга энг яқин қариндошларидан ҳам ажралиб қолганини тушунди. Ўликнинг дастурхони узун деганлари рост экан, унинг уйига кимлар келиб, кимлар кетмади. Аммо энг яқин қариндошлари бир келиб, далда бўлишмади.

Акасининг қилганларини эшитиб, қанча гапга қолган бўлса-да, сира хафа бўлгани йўқ. Хаёлига келмаган чорани топгани учун акасидан хурсанд бўлди, акс ҳолда, бир умр виждон азобида яшашга тўғри келарди.

Қариндошлар эса “Зулфизар мусулмончиликдан батамом чиқибди. Олдин бинойидай эрини қўйиб, ўрисга теккан эди, энди онасини бежаноза, бекафан, ёғоч қутига солиб кўймоқчи бўлди”, деб ундан буткул юз ўгиришди.

Ўзи ҳам кўп вақтлар қишлоққа бора олмай юрди, журъат топмади.

\* \* \*

Ухлатувчи дорилар толиқтирганиданми, унинг ҳеч кўз очгиси келмасди. Ўзи уйғоқ бўлса ҳам, кўзларини юмиб ётарди. Сора секин бошига келиб, елкасига оҳистагина туртди:

– Онажон!

– Ҳа, – у зилдек қовоқларини базўр кўтарди.

Сора нимадандир тараддудланаётганини сезди. У бир зум онасига қараб турди-да, сўнг узр сўрагандай гапини айтди:

– Сиз сўраган одам келибди.

– Ким?

– Акамнинг отаси...

– Ҳа-а, кирсин бўлмаса. Йўқ, аввал бир сидра юзқўлларимни артиб ол. Кейин...

Сора оппоқ докани намлаб, онасининг юз-кўларини артди. Оғзини чайдирди, сочларини тўғрилаб кўйди.

У ташқарига чиқиб кетгач, Зулфизар ёстиғининг тагидан кичкинагина ойнасини чиқариб, яна ўзига бир назар солди: яқиндагина бўялган сочлар, пайваста қошлар, бодомқовоқ кўзлар атрофида саф тортган куюқ киприклар ҳам вужудини ларзага солган оғриқнинг заъфарон изларини беркита олмасди. Бирдан йиғлагиси келди. Касаллик кўнглини юмшатиб ташладими, кейинги пайтларда сал нарсага хўлқаси тўлиб, кўзлари ёшланаверарди. Аммо ҳозир йиғлаши мумкин эмас! У бир амаллаб кўз ёшларини ичига ютди.

Ёшиқдан кирган одамни зўра таниди. Унинг нигоҳлари шу қадар сокин ва бегона эдики, беихтиёр Зулфизар ўзининг афтода аҳволдан хижолат тортди.

– Тузукмисиз? Сизга нима бўлди?

– Юрагим сағал...

– Худо шифо берсин.

Унинг на овозида, на нигоҳларида заррача ҳамдардлик сезилмаганидан Зулфизар яна хижолат бўлди: “Ўғлини ҳам аллақачон унутиб юборгандир. Балки мен ҳам бу ҳақда умуман сўз очмаганим маъқулдир”.

– Ботир яхшими? – анча пайтдан кейин сўради у.

– Ҳа.

– Мен яна уч ўғил кўрдим. Улар Ботирга жуда ўхшашади. Кўп марта уни олиб кетиб, таништирмоқчи ҳам бўлдим, лекин сиз рухсат бермайсиз, деб индамадим.

– Ботирнинг мазаси йўқ...

– Нега? Нима бўлди унга?

Унинг овозидаги хавотир Зулфизарнинг кўнглини бироз ёриштирди:

– У... гиёҳванд бўлиб қолди.

Нодир ўрнидан туриб кетди. Дераза ёнига бориб, унга елка ўгириб ташқарига қараганча анча туриб қолди. Гарчи улар айни дамда юзма-юзма туришмаган бўлса-да, Зулфизар унинг кўзларидаги ғазаб ёлқинини аниқ-тиниқ кўргандай бўлди.

– Ҳа, мен айбдорман. Иш деб, болани кекса онамга ташлаб, бутунлай назоратсиз қолдирдим. Онам шўрлик ниманиям тушунарди. Ҳар хил баҳоналар билан уйдан чиқиб кетаверган. Онам унга ишониб ўтираверган. Гиёҳванд болалар онасининг пули кўп деб буни йўлдан уришган. Хабар топганимда ўрганиб қолган экан. Даволатдим, ялиниб-ёлвордим! Аммо ҳеч тўғри йўлга сола олмадим. Мен нажот истаб, шифохонага юборсам, у ерда бирови даволаса, иккинчиси яширинча наркотик сотар экан.

У ортига бурилиб, Зулфизарга ғазаб билан тикилди:

– Керак бўлса, ўша шифохонада бола билан бирга ётиш керак эди. Нега шундай қилмадингиз? Ахир у касал эди-ку. Мана, сиз касалсиз, ёнингизда қизингиз ётибди-ку, нега уни...

– Ҳа, ётмадим. Ётиш хаёлимга ҳам келмабди. Фақат ўзини уришдим, ялиндим. Мен айбдорман. Ҳамма айб менда. Қилган хатоларимни энг азиз нарсаларим билан-болам билан, унинг тортган азоблари билан, сувга оққан умрим билан тўладим. Энди кўлимдан ҳеч нарса келмайди. Тўловга арзийдиган ҳеч вақом ҳам қолмади.

– Э-э!...

– Бу учинчи инфаркт эди. Мени уришманг, бунинг фойдаси йўқ. Умримнинг санокли кунлари қол-

ганини билиб турибман, агар иложини топсангиз, биламан, буни сиздан сўрашга сира ҳаққим йўқ, аммо уни сиздан бошқа кимга ҳам топширар эдим? Уни олиб келиб, ўзингиз қаратсангиз.

– Ҳа, ҳа! Албатта шундай бўлади, сиз буткул хотиржам бўлинг. Уни даволатиб, укаларига бош қиламан.

– Раҳмат сизга. Кейин илтимос, уни ҳеч қачон у ёқларга қайтарманг. У тузалиб кетса ҳам ўша чекишни ўргатган болалар яна йўлдан ураверади.

– Хўп, майли сиз айтганча бўла қолсин.

Нодир кетгач, яна юраги санчди. Яна укол қилишди. Уйқу аралаш вужудида симиллаб турган оғриқни ҳис этиб турса ҳам кўнгли хотиржам эди: “Худога шукур”.

\* \* \*

Онасининг маъракалари ўтгач, эри уйга ёшгина бир қизни етаклаб келди:

– Менда ишлайди, ҳамшира. Қандайдир тоғ қишлоғидан келган. Кўнгил кўйган одами ташлаб кетибди. Ҳомиладор экан, ижарадан ҳам ҳайдашибди. Бош ҳамширанинг олдида “Энди қаёққа бораман?” деб йиғлаб ўтирган экан, олиб келавардим. Уйнинг ишларига қарашади. Ўзинг айтасан-ку, одамнинг чиқити йўқ, деб. Бир хатога йўл кўйган одамни чиқитга чиқариб юбораверсак, у яна ҳам каттароқ хатоларга йўл қўяди.

Зулфизар кенг кўйлак остидан ҳам билиниб турган ҳомиласидан тортиниб, букчайибгина турган қизга қаради. Ҳуркак тоғ кийикларига ўхшаш бу қиз жуда гўзал ва болалардек маъсум эди.

– Ўқишни битиргач, қишлоғингга кетсанг бўлар эди-ку. Шаҳардан кўра қишлоққа ҳамшира кўпроқ керак. Олий маълумотли врачлардек эъзозда бўлар эдинг. – Бир ғижиниб, рус тилида эрига мурожаат қилди. – Ёшларга ҳайронман, ҳаммаси шаҳарга чопади. Шаҳарга келгандан кейин бу аҳвол!

Қизнинг ўрнига Анатолий Абрамович жавоб берди:

– Амалиётни бизда ўтаган эди. Қўл-оёғи чаққонгина экан. Қоламан десанг, қолавер, дегандим. Қўй, уни кўп қийнама.

Қиз жуда чаққон ва зийраккина эди. Ҳомиласи бўғзига тикилаётгандай пишиллаб юрса ҳам, ҳамма ишга улгурар, ҳовли-жойни ёғ тушса ялагудек қилиб қўяр, тинмай турли хил пишириқлар, бир-бирдан тансиқ овқатлар тайёрлар эди. Туққандан кейин ҳам 10-15 кунда ҳеч нарса кўрмагандай рўзгор ишларига шўнғиб кетди. Онаси бечора ҳам қўлидан келганича ғимир-ғимир қилиб бўлса-да, рўзгори фаиз киритиб юрарди. Бу қиз онаси каби бедор ўтириб, ярим тунгача уни кутмаса-да, ҳамма жой озода, рўзгори бадастир эди. Зулфизар ўзининг болаларига нарса олганда, албатта, Насиба ва унинг болачасига ҳам нимадир олар, унга ўз синглисидек меҳр қўя бошлаган эди. Лекин негадир ўғли билан қизи уларни ёқтирмай қолди. Айниқса Ботир “Шу жодугарни йўқ қилинг” деб қисталанг қилаверарди доим. Бешинчи синфда ўқийдиган Сора ҳам Насибани кўрса, тўрсайиб олар, болачаси ёпишаверса, индамай туриб кетар эди. Зулфизар буни димоғдорликка йўйиб, баъзан Насибадан узр сўрар, болачани бағрига босиб, ўзи эркалаб қўярди:

– Ота-онанинг пули ва мансабига шунча такаббуриликми? Э-э, Худойим-ей, бу болалар эрта бир кун бир мартабага эришиб, ўзлари беш-олти сўм пул топса, умуман ҳеч ким билан гаплашмаса керак.

Насиба эса одатдагидек ҳеч нарса демас эди.

Бир кун “сингил”нинг яна қорни дўппайиб турганини сезиб қолди.

– Бу нимаси? Буни қаердан орттирдинг?

Қиз индамади.

Унинг шу индамай туриши ҳам Зулфизарнинг асабини бузди. Иркит нарсага кўзи тушгандай жирканди:

– Бир оғиз тили-забон йўқ, аммо бу ишни қандай уддалаб келаяпсан? Наҳотки ҳеч кимга гапирмайдиган, қарамайдиган қизни ҳам кўчада тутиб олиб, шу аҳволга солиб кетаверишса? Ким у? Кимлигини айтасан менга?! Келиб, болаларига эгалик қилсин! Бўлмаса, лаш-лушингни йиғиштир-да, уйимдан йўқол!

Кечки пайт эрига захрини сочди:

– Анавингиз яна бола орттириб олибди.

– Йўғ-е, – кўзлари ола-кула бўлиб кетди эрининг.

– Ҳа! Илтимос, шуни уйдан йўқотинг.

– Шўрлик жуда бўш-да. Қизлар “Йигити келиб юрибди” дейишаётган эди. Яна “чув” тушибди-да. Шошмай тур, шу йигитни топтириб, ўзим бир гаплашай. Жой-пой қилиб, олиб чиқиб кетар, бўлмаса, хизматингни қилиб юрибди-да...

– Эсингиз жойидами? Мен ҳаром-ҳариш аралашган ишни ёмон кўраман, – эрининг гапини бўлди Зулфизар.

– Қанақа ҳаром, нима ҳаром?!

– Анатолий Абрамович, рус тилида тоза ва нотоза деган сўз бор. Бу сўзлар тоза ва нотоза деган тушунчадан келиб чиққан. Бизда эса тоза ва нотоза деган тушунчалардан ташқари ҳалол ва ҳаром деган тушунчалар ҳам бор. Бу сўзларнинг сизларнинг тилингизда таржимаси йўқ. Маълумот учун, кўчадан орттирилган беникоҳ бола ҳам ҳароми ҳисобланади. Бундай ишлар қилиб юрган аёллардан жирканамаман!

Эри Зулфизар билан ошиқча тортишувнинг фойдаси йўқлигини билибми, индамай қўя қолди.

Орадан бир ҳафталар ўтгач, янги гап топиб келди:

– Беш болали одам экан. Қаматиб юборишимиз мумкин, аммо у Насибани ололмайди. Насиба дугоналарига “Ўзимни ўлдирмоқчиман, боламини кимга қолдирсам экан?” деб юрган эмиш. Энди нима қиламиз?

– Ўзини ўлдирса, ўлдираверсин. Садқаисар! Мендан нари!

– Ҳар бир суиқасд учун Москвага жавоб берасан. Уйингда яшаган аёл жонига суиқасд қилса, гап-сўз кўпайиб кетмайдими? Қўй шуни, Зиночка. Юраверсин. Уйингга, болаларингга қараб ўтирибди. Агар истасанг, ишдан бўшатиб юбораман. Уйдан чиқмай ўтиради. Ортиқча гап-сўзнинг нима кераги бор? – эри жонини жабборга бериб, уни муросага чақирарди.

“Рост. Бир бола қўлида, бир бола қорнида, уй-жойсиз, кўчада қолса, бу ифлос, албатта, жонига қасд қилади. Уйида яшаган аёлнинг исёни унинг бошига қандай бало бўлиб ёғилишини тасаввур қилиш ҳеч қийин эмас”.

– Ҳаммасига сиз айбдорсиз. Қайси гўрдан шу ҳаромини етаклаб келдингиз? Нима иш қилсангиз, изида бир ишкали бўлади доим.

Бу унинг ён бериши эди.

Анатолий Абрамович уни эркалаган киши бўлиб, оҳистагина елкаларидан кучди:

– Қаердан ҳам билибман? Мен бир содда одам бўлсам, сенга яхши бўлсин, дегандим-да. Сорамиз ҳали кичкина, уй ишларига қарайдиган бир одам керак-

ку, барибир. Бу қиз ҳам ҳали ёш, гўр. Нима хато қилса, шу гўрлиги туфайли қилган. Бутун вилоят аёллари тақдири сенинг қўлингда. Шу бечорадан ҳам мурувватингни аямай, яхши қилдинг.

– Майли, – у бир силтаниб, эрининг қўлини елкасидан тушириб ташлади, – фақат мен уйда бўлганда, кўзимга кўринмасин. Қорнини ҳам, ўзини ҳам кўрмайин.

– Хафа бўлмасанг, бир гап айтаман, Зиночка. Кўп руслар ҳам ўз она тилларида сен каби тоза гап-ра олмайди. Москвада таълим олиб келгансан. Бир қарашда жуда замонавий аёлсан, кийинишинг, ўзингни тутишинг... Аммо қарашларинг ҳамон эскича экан. Ривожланган мамлакатларда никоҳ, фарзанд кўриш ҳар кимнинг ўз эрки. Кимдан хоҳласа, шундан фарзанд кўраверади. Сиз ўзбеклар эса “никоҳли, никоҳсиз” деб фожиа ясайсизлар. Бошқа мамлакатларда эркин никоҳ деган тушунчалар бор.

– Э-э, кўп бошимни оғритманг.

...Эртаси кун қайтиши керак эди. Ҳамма иши битгач, тургиси келмай қолди. Кетаётганда қизи йўталиб турган эди, хавотирланди. Кечки 9 да учадиган самолётда ортига қайтди. Қўлида бир дунё қоғоз, топшириқлар бор эди. Бирров ишхонасига кириб, кейин уйга қайтмоқчи бўлди, аммо у ердан чиқа олмай қолди.

Уйга қайтганда, вақт ярим тундан ошган эди. Болаларини безовта қилмаслик учун эшикларни оҳистагина очиб, уйга кирди. Одатдагидек болаларига бир-бир назар ташлаб, сўнг ётоқхонасига ўтди. У ерда ҳеч ким йўқ эди: “Менинг уйда йўқлигимни била туриб, бу пайтгача қаерда юрган экан”, дея хаёлидан ўтказди.

Кийимларини алмаштириб, бир ювиниб олди. Ҳовли адоғида Насиба яшайдиган уйчаларга йўл олди: “Қаердалигини балки у билар?”, унинг эшигини қоқиб ўтирмай, деразадан борди: “ухлаб ётган бўлса, индамайман”.

Сутдек ойдин кеча, канизлари билан сайрга чиққан тўлин ой Зулфизар билан бирга деразадан ичкарига боқди. Ва!.. Кўзлари тушган манзарадан ой хижолат бўлиб булутлар ортига кириб кетди. Зулфизарнинг ойга ҳаваси келди, қани унинг ҳам кўзларини шу булутлар тўсса-ю, хиёнаткор эрини кўрмаса! Аф-сус! Сўнг ўша осмон бор ялтир-юлтир тошлари билан унинг бошига тўкилди.

Ойнинг оппоқ нурларига чўмилиб ётган осуда ҳовлини бир зумда қиёмат кўпди.

...– Ҳозироқ уйимдан йўқол!

Аввалига ранги қумдек оқариб, довдираб қолган аёл устига маломат тошлари отилавергач, кутилмаганда қўлларини белига қўйиб, хужумга ўтди:

– Ҳеч қаерга бормайман! У менинг ҳам эрим, болаларимнинг отаси. Демак, бу уйда менинг ҳам ҳаққим бор!

Бу гапни йиллар давомида бирон марта ердан бошини кўтариб, кўзига тик қарамаган тилсиз-забонсиз “қизалоқ” айтаётган эди.

Бу гап Зулфизар учун кўриб турганларидан ҳам оғирроқ зарба бўлди.

– Шу сенинг эрингми, – лаблари пирпираб кетди Зулфизарнинг. – Бўлмаса, эрингни ҳам ол-да, йўқол. Бу уй менинг уйим.

– Бу уй давлатники! – Насиба ялпайиб диванга ўтириб олди.

– Йўқол, ҳозир иккалангни ҳам ўлдираман, – Зулфизар шкафни очиб, қўлига илинган нарсани уларга қаратиб, улоқтира бошлади.

Очиқ қолган эшиқдан кўрқиб кетган ўғли билан қизи кириб келмаганда Зулфизар ҳали-бери бақиришдан тўхтамасди. Унинг ёнида “ҳай-ҳай”лаб турган эри болаларга кўзи тушгач, хотинларнинг можаросига қўл силтаб, кўрқувдан кўзлари катта-катта бўлиб кетган Сорани даст кўтариб, олиб, бағрига босди. У Сорани алоҳида меҳр билан яхши кўрар, туғилганда ўнг кошнинг устидаги холни кўриб, “Онамнинг ҳам шу ерида холи бор эди”, деб унга онасининг исмини қўйган эди. Қизалоқ улғайган сари отага яхудий момосини тобора кўпроқ эслатадиган бўлиб борарди. Беш-олти ёшларга киргач, ўзи танимайдиган момосининг кичкина нусхасига айланиб қолди. Отаси ишдан қайтгач, уни тиззасидан туширмас, уни исми билан эмас, ўз тилида “мам” (она) деб эркалар эди. У Сора учун ҳаммиша ҳамма нарсадан воз кечишга тайёр эди:

– Бўлди, Насиба, йиғиштир лаш-лушларингни!

Насиба гап қайтармоқчи бўлиб хезланган эди.

– Бўл, деяпман сенга, – деди.

У бу гапни шунчалар қаҳрли оҳангда айтдики, шангиллаб ётган Насиба индамай юklarини йиғиштиришга тушди.

Сўнг Анатолий Абрамович Зулфизарнинг ёнига ўтди:

– Ҳозир олиб бориб ташлайман. Кейин бафуржа гаплашиб оламиз, ўзим сенга ҳаммасини тушунтираман. Ўзингни қўлга ол, болаларни кўрқитаяпсан, – деди ялинчоқ оҳангда.

Дир-дир қалтираб турган Зулфизар қўлидаги буюмни ерга улоқтириб, Сорани эрининг кучоғидан юлқилаб тортиб олди:

– Ўзингиз ҳам бирга йўқолинг, сиз билан гаплашадиган гапимиз қолмади.

Сўнг остонада турган ўғлини етаклаб уйига кириб кетди. Улар жуда узоқ йиғиштиринди, уларнинг шу ҳовлида ғимир-ғимир қилиб юришлари Зулфизарнинг сабр косасини тўлдириб, тобора ҳолдан тойдириб, силласини қуритиб бораётган эди. Ниҳоят дарвоза очилиб, машина ҳовлидан чиқиб кетди. Зулфизар ташқарига чиқиб, дарвозани ичкаридан маҳкамлаб қайтди.

Орадан бир соатлар ўтгач, дарвоза ортига машина келиб тўхтади. Бу вақтда аллақачон тонг ёришиб қолган эди. Келувчи дарвоза олдида анча ғимирлаб, эшикни очолмагач, улар ётган хонанинг деразасини чертди:

– Зина, дарвозани оч!

– Дадам! – ухлаёлмай ётган Сора жойидан сапчиб турди.

– Жойинга ёт, қизим. Энди у сенинг даданг эмас.

– Нега?

– Зина!.. – дераза бетоқатлик билан тақиллади. – Зина, ҳеч бўлмаса, дераза ёнига кел.

Зулфизар ўрнидан турмади.

– Мам! Дарвозангни оч.

Сора деразанинг ёнига борди:

– Дада, онам йиғляпти, дарвозани очмайсан, деяпти.

Қўшни келинлар чиқиб, кўчага сув сепи бошлашгач, машина изига қайтиб кетди. Олам бир пас сукунат қўйнига чўмди, аммо кўп ўтмай дераза ордидан ўтган-

қайтган одамларнинг овозлари эшитила бошлади. Янги кун бошланган эди. Ҳа, шунчалик шармандачиликларга гувоҳ бўлган тун ўтди, лекин ҳайратланарлиси, ҳаёт тўхтаб қолмади, яна тонг отди, янги кун бошланди, ҳаёт давом этаверди.

Зулфизар минг йиллик хасталиқдан эзилган бемордек зўр-базўр ўрнидан туриб, нонушта ҳозирлади. Болаларни турғизиб, овқатлантирди. Ўзи ҳам наридани бери овқатланган бўлиб, ишга отланди.

Шу уйга кўчиб келишганидан буён биринчи марта дарвозалари қулфлоғлик қолди. Авваллари онаси уйда қоларди, сўнг қанча пайт Насиба бўлди, хуллас, ҳовлини қулфлаб кетишга ҳеч зарурат бўлмади. Энди эса...

Зулфизар калитларнинг бирини ўғлига, бирини қизига берди. Мактабдан қайтгач, уйдан чиқмай ўтиришни қайта-қайта тайинлади, лекин ишга кўзи орқасида кетди...

Ихтиёри ўзида бўлса, бугун умуман жойидан тургудек холи ҳам, хоҳиши ҳам йўқ эди. Аммо бугун бюро бор. Кеча “Кадр” кимнидир партиядан ўчириш ҳақидаги масала тайёрланаётганини айтган эди. Бор-маса, бўлмайди.

Бюро ниҳоятда кескин руҳда ўтди. Ҳамиша ҳамма жойда ибрат қилиб келинган юлдузли хўжалик раҳбарини партиядан ўчириб, ишдан олиш ва қамаш масаласи кўрилди. Бу инсон ҳосилдорликни ошириш ҳисобига хўжалик аъзоларига уй-жой, ҳаммом, маданият саройи, спорт комплекси, ҳатто Бахт уйи ҳам қурган. Обрўйи райком котибиникидан кам эмас эди.

Бюрода уни порахўрликда, мавжуд гектарларни яширганликда айблашди.

– 200 гектар ерни 100 гектар деб ёзиб, ҳосилдорликни 70 центнерга етказдим деб, олтин юлдуз таққан қаҳрамонни кўринг! Биз бу ёқда бошқа хўжаликларни нега ҳосилдорликни 35 центнердан ошира олмайсизлар, деб қийин-қистовга соламиз, урушамиз, дўппослаймиз. Тажриба ўрганнинг деб бу кишининг хўжалигида семинарлар ўтказамиз. Борганлар ҳайрон, ўзлариникидай дала, ўзлариникидай ғўза. Ҳисобот эса икки баравар кўп. Бу ёқда ҳаммом, спорт комплекси, Бахт уйи, Маданият саройи. Халқ учун шунча нарса қурди, деб юрганмиз. Ҳа, майли, Марказдагилар олдида ҳурмат қозониб, хўжаликка шунча маблағ киритиб, фалон-фалон ишларни уддалади, деб юрсак, хурматли Аҳмад Парпиев бу ҳаракатларнинг ҳаммасини ўз манфаати учун, яъни хўжаликдаги қариндошларини ишли, мансабли қилиш учун амалга оширган. Бир оғиз сўзи, ҳар имзоси учун катта-катта поралар олган. Одамлар бу кишининг исми-шарифини унутиб, “ота” дейдиган бўлиб қолган. Буларнинг ҳаммаси меҳнаткаш халқ назарида социалистик тузумнинг, коммунистик партиянинг обрўсини туширган. Парпиевнинг бу хил хатти-ҳаракати партиёга, халққа хиёнатдан бошқа нарса эмас. Уни партиё сафларидан ўчириб, ишини қонун ҳимоячиларига топшириш керак. Токи халқ хиёнаткорлар жазосиз қолмаслигини кўрсин.

Хона анча салқин бўлишига қарамай нотик терга тушиб кетган эди. Гапини тугатар экан, гўштор бармоқлари билан пешонасидаги терни сидириб, биринчи котибга қаради.

“Биринчи” унга “ўтиринг” дегандай ишора қилдида, бюро аъзоларига юзланди:

– Қани, ўртоқлар, яна кимда қандай фикр бор?

– Мол-дунёга ўчлик Парпиевнинг қонида бор. Унинг отаси ўз вақтида бу ерларга қулоқ қилиб юборилган. Партия бағрикенглик қилиб, қулоқнинг боласини кечирди, ўз сафларига олди, мансаб-лавозим берди, халқнинг тақдирини, давлат мулкани ишониб топширди. У эса бу улуғ ишончни суистеъмом қилди. Бундай муттаҳамларга орамизда ўрин йўқ, – бу одам Парпиевни энг кўп “излайдиган” обком ходими эди.

– Халқнинг хизматини қилсин деб, қизимни ҳуқуқшуносликка ўқитган эдим. Янги Бахт уйи қурилгач, менинг қизимга ўхшаган мутахассислар учун қурилди, деб суюндим. Бу киши эса туман Бахт уйида ишлаб юрган қизини олиб келиб, мудира қилди.

...Бюрога тўпланган эллик-олтмиш одамнинг ҳар бири қўйнидаги тошни отиб қолишга ҳаракат қиларди.

“Нега? Нима учун? Кечагина шуларнинг ҳаммаси Парпиев билан бир бор саломлашишни мукофот деб билишар эди-ку. Шунча нарса қурган бўлса, сочлари оқариб кетган бу чол ўша иморатларни гўрига орқалаб кетмайди-ку!”, Зулфизар бўғизига тиқилган саволларни зўрға ичига ютиб, гоҳ сўзга чиққанларга, гоҳ узун столнинг энг охиридаги ўриндиқда ерга қараб ўтирган Парпиевга жавдираб қарарди. Ёшига хос бўлмаган чаққонлик билан ҳамиша шошиб юрадиган раиснинг юзида илгариги ўқтамликдан асар ҳам қолмаган эди.

Бюро тугагач, Парпиев негадир Зулфизарнинг олдига кирди. Зулфизар боя тақдири ҳал қилинаётган дам кўрқоқлик қилиб, бир оғиз ҳам ҳимоя қила олмаганидан хижолат бўлиб, ўзини йўқотиб қўйди.

Парпиев ҳам негадир хижолат эди.

– Мени кечиринг, Зинаида Абдиевна!

– Нега?

– Ўзимни ҳимоя қила олмай, юзларингизни ерга қаратдим. Лекин, – у кафтларини ёзиб, Зулфизарга кўрсатди. – Лекин қаранг, қўлларим топ-тоза, виждоним ҳам тоза.

– Биламан, – баттар хижолат бўлди Зулфизар.

– Раҳмат сизга!

Оқсоқол бошқа бир сўз демай хонадан чиқиб кетди.

Кечки пайт “Кадр” кўнғироқ қилди:

– Зинаида Абдиевна, Парпиевга адвокат бўлиб ёлланибсиз, деб эшитдим.

– Бу гап қаердан чиқди? Хайрлашиш учун кирган экан, холос, – шошиб ўзини оқлади Зулфизар.

– Ҳайронман, нега тақдири ҳал этиладиган бўлимларга эмас, сизнинг олдингизга киради?

– Билмадим, Николай Владимирович, аммо рост гап, унга жуда раҳмим келди, ахир халқ учун қанча хизмат қилган одам...

– Нималар деяпсиз, Зинаида Абдиевна? Ҳали сиз бюронинг қарорига қарши чиқаяпсизми? Бутун бюро аҳмоқ, фақат сиз ақлимисиз?

– Йўқ, мен ундай демоқчи эмасман...

– Сиз айнан шундай дедингиз ва бу нуқтаи назарингиз учун жавоб берасиз. Ўрни келганда яна бир нарсани айтай, кейинги пайтларда ҳулқ-атворингиз бизга ёқмаяпти. Уйингизда сақлаган хизматкорингиз сирка ичиб қўйганини эшитдингизми? Инсон бир буюм эмаски, истаган пайти жавонга қўйиб, керак бўлмай қолганда ахлатга улоқтириб юборилса!

Зулфизарнинг юраги қинидан чиқиб кетай деди:

– Унга нима бўпти? Наҳотки?.. – “ўлибдими?” деб сўрашга журъати етмади.

– Уни сақлаб қолишган, аммо “ички ишлар” жонига қасд қилган аёл сифатида рўйхатга олган. Ярим тунда аёл кишини икки бола билан кўчага ҳайдашга қандай журъат этдингиз? Яна вилоятдаги барча хотин-қизлар тақдирига масъул одам бўлсангиз?

– Николай Владимирович! Уни нега ва ким билан ҳайдаганимни биласизми?

– Билмайман, билишни ҳам истамайман.

– Эрчасининг тўрт хонали уйи бор, у ҳеч қачон кўчада қолмайди. Яна... унинг ўз жонига қасд қилганига сира ишонгим келмайди. Ахир у мени алдаб, эримни уйимдан олиб чиқиб кетди. Бошида пулдор эри, уйи, машинаси бўлса, жонига қасд қилишга қандай асос бор?

– Сизни ҳам ярим тунда яшаб турган уйингиздан ҳайдаб юборишса, ўша аёлнинг аҳволини ҳис этган бўлардингиз.

– Николай Владимирович, менга нисбатан ноҳақлик қилаяпсиз, – гўшакнинг нариги томонидан алоқа узилганлигини англатувчи “бип-бип” деган овоз эшитилди.

Зулфизар кейинги кунга ўзи туғилиб ўсган хўжалиқда ўтказиладиган партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишига вакил қилиб белгиланган эди. Бундай топшириқлар умумий тартибда анча олдиндан белгилаб қўйилса-да, одат бўйига кетишдан аввал бирров “Кадр”нинг олдидан ўтилиб, қўшимча топшириқлар бор-йўқлиги сўралар эди. Зулфизар эрта билан туриб индамай қишлоққа жўнаб юборди. “Нима десин? Ўша жухудни кўярда қўймай унинг ҳаётига тиқиштирган эди. Энди алаמידан ҳар хил баҳона топиб, эзишга ҳаракат қиляпти. Виждонсиз. Олса, ишини олсин!”

Хўжалик раҳбари-қирқ йиллардан бери хўжаликни бошқариб келаётган Омонкул раис Зулфизарни ўзгача бир меҳр билан яхши кўрар, у билан фахрланар, буни сира яширмас эди.

– Сизнинг ташрифингиз биз учун байрам, хуш келибсиз, – уни кўриб, хурсанд бўлиб кетди Омонкул раис. – Йиғилиш соат 2 га белгиланган. Унгача мактабга ўтиб келмаймизми? Баҳорга бағишланган бир тадбирлари бор экан. Кеча директор таклиф қилиб келган экан. Эртага Опа ҳам келадилар, агар хўп десалар, у кишини ҳам олиб ўтаман, деб ваъда қилгандим. Бугун Наврўз – Йилбоши. Шундай кунда эски кадрдонларни излаб, уларнинг кўнглини олиш савоб.

Зулфизар сиқилиб турган эди. Рози бўлди. Кадрдон мактабни кўриб, балки бироз кўнгли ёзилар...

Мактаб тадбирга жуда яхши тайёргарлик кўрган эди. Наврўзой тимсолида чиққан қизни ўзига ўхшатди: келишган, ўқтам...

Болаларнинг Наврўз тарихидан шунча маълумотни қандай тўплаганига қойил қолди. “Ҳақиқатан ҳам жуда гўзал байрам экан бу. Нега бу кунни ҳеч байрам қилмаймиз?” хаёлидан ўтказди у.

Эртаси куни уни иккинчи котиб чақирди.

– Сиз нима қилиб юрибсиз? Сизни партия ташкилотининг ҳисобот сайлов йиғилишини ўтказишга юборсак, сиз диний байрамлар ўтказишга бош-қош бўлиб юрибсизми?

– Қандай диний байрам? У баҳорнинг келишига бағишланган қадимий байрам эди, холос.

– Баҳор биринчи мартдан бошланади. Сиз бутун иттифоқ учун белгиланган тақвимни билмайсизми? Кеча 21 март эди, қандай қилиб 21 март куни баҳор,

Янги йил бошланади. Янги йил 1 январда нишонланади. Баҳор 1 март куни бошланади. Сиз ўзингизга билдирилган ишонччи суистеъмол қилдингиз. Мавқеингиздан фойдаланиб, совет турмуш тарзига қаланғи-қасанғи одатларни тиқиштирмоқчи бўляпсиз. Бунга йўл қўйиб бўлмайдди. Бунинг устига қўл остингиздаги раҳбар ходимлардан тилла тақинчоқлар таллаб қилишингиз ҳақида маълумотлар бор. Одамлар орасида Парпиевга нисбатан адолатсизлик қилинди, деб гап тарқатиб юрган эмишсиз. Парпиев қамоқда ўтирибди. Айби бўлмаса, қамоққа олишармиди? Қадамнингизни билиб босинг, яна Парпиевнинг ёнига бориб қолманг! Шошилишч бюро чақиртираман. Бюрога қилмишларингиз ҳақида ўзим ахборот бераман.

Ҳаммаси кутилмаганда, жуда тез содир бўлди. Бир соатнинг ичида Зулфизар бутун фаолиятига ҳам, номига ҳам қора чизиқ тортилди. Ишдан бўшатилади, партиядан ўчирилди.

– Сиёсий жиноятчи ва порахўр сифатида уни қамоққа олишимиз шарт ва зарур эди, аммо балоғатга етмаган икки нафар фарзанди борлигини инобатга олиб...

У бирданига ҳеч ким ва ҳеч нарсасиз қолган эди. Унинг ёмон одати бор эди. Эрта бир кун керак бўлиб қолар деб, сандиққа 4-5 сўм олиб қўйишни билмас эди. Бюрода айтилганидек порахўр бўлганида...

Эссиз...

– Ҳар йили туғилган кунида тилла тақинчоқ олиб бермасам, кун йўқ эди. Ҳар хил баҳоналар топиб, сиқувга оларди.

– Неча марта шундай қимматбаҳо совға беришга мажбур бўлгансиз?

– Беш марта...

Бу айбловни маданият бошқармаси бошлиғи айтди. Зулфизар унинг кўзларига, ҳеч бўлмаса, бир мартагина қарамоқчи бўлди, аммо у сира ҳам Зулфизар томонга қарамади. Худди Зулфизар эмас, ўзи пора олгандай бошини ердан кўтармасди.

“Бечора. Мажбур қилишган”. Шу топда негидир ўзига эмас, унга раҳми келди.

Аслида Зулфизарнинг қўли пул кўриб, тўртовора давраларга кирганидан буён олган жами тилло тақинчоқлари бештагина эди: иккита зирак, учта узук. Шундан бир зирак билан узукни Анатолий Абрамович никоҳ куни совға қилган...

Бюродан кейин уч кун ўтгач, Хадича кириб келди. Дугонасининг ранги-рўйини кўриб, роса хижолат бўлди:

– Мени кечир, ҳаммиша ўз ташвишларим билан югуриб юриб, ҳамма гапни энг охири бўлиб эшитаман. Бугун ишхонамиздан бир муаллима айтди...

– Ҳеч қиси йўқ, ҳаммаси жойида, – маъюсгина кулди Зулфизар.

– Ифлослар, сенинг умрингни, истеъдодингни куйдиришди. Шуларнинг йўриғига юрмай, илмий иш қилганинда, энг зўр олима бўлар эдинг. Ҳа, уларга ҳам сенинг ақллигинг ёқмаган аслида.

Зулфизар қўл силтади:

– Қўй, бу гапларни!..

Токчадан тилла тақинчоқларини олиб, Хадичанинг олдига қўйди:

– Манавиларни сотиб бер. Ишга жойлашиб, маош олгунча рўзғор қилиб туриш керак.

Хадича хайрон бўлиб, бир тақинчоқларга, бир Зулфизарга қаради. Сўнг тақинчоқларни эгаси томонга суриб қўйди:

– Буларни олиб қўй, – сумкасини ковлаб, бор пулини Зулфизарнинг олдига қўйди. – Маош олгунингча ўзим қарашиб тураман. Бизнинг мактабга юр. Олдингидай бирга ишлаймиз.

Зулфизар пастки лабларини тишлаб бош ирғади: “Хўп”.

Учкундан бери уйи ичида шарпадек судралиб юриб, кўзларидан бир томчи ёш чиқмаган эди. Кўзларини юмди, аммо қовоқлари дувуллаб тўкилаётган шўртаём ёшларни тўхтатиб қола олмади. Хадича унинг бошини кучоғига олди:

– Зулфизар, ҳали ҳаммаси олдинда.

– Йўқ, ҳаммаси тугади!

\* \* \*

Сора бу сафар отаси келганини айтиб уйғотди:

– Онажон, дадам кирмоқчи. У ҳар кун келади, аҳволингиз яхши бўлмагани учун киргизмаётган эдим. Хўп денг, бир мартагина кирсин, жуда ўтиниб илтимос қилаяпти.

Зулфизар бош чайқади: “Керак эмас”.

– Онажон, ҳеч бўлмаса, мен учун рози бўлинг. У менинг отам, фақат шу одамнинг ёрдами билан бу азим шаҳарда қироличалардай яшаб юрибман. У ҳаммиша сизнинг олдингизда ўзини айбдор, деб билади. Қилган ишларидан минг пушаймон. Ўша ёввойи ҳамшира сиз бўла олармиди?

Зулфизар яна бош чайқади: “Барибир, керак эмас”. Сўнг ўзини девор томонга ўгириб олди.

Сора унинг бошида туриб-туриб, палатадан чиқиб кетди. Зулфизарнинг юраги сиқилди. Қайсар қизининг айтганларини қилмай, отасини бошлаб келишидан хавотирланди. Юрак ютиб, ота ва қизнинг олдинма кейин кириб келишини кутди. Астойдил Худога илтижо қилди: “Ё, мурувватли Оллоҳ, шу нобакорнинг юзи юзимга тушишидан ўзинг асра!” Илтижо қила туриб ўша “нобакор”ни жуда ҳам кўргиси келаётганини, бошини кўксига қўйиб ўкириб-ўкириб йиғлагиси келаётганини ҳис этди. Лекин... йўқ, керак эмас!

Анчадан сўнг палатанинг эшиги очилиб, Соранинг ўзи кирди. У айтганини қилдира олмаганидан, отасининг кўнглини топа олмаганидан хафа эди. Индамай каравоти томон ўтиб, жойига чўзилиб олди: “Бунчалар эркатой бу қиз! Нега? Гўдак ҳолида отанинг хиёнатини, аканинг саргардонликларини, онанинг таназзулини кўрди, шу кўргуликлар ичида яшади. Аммо қаердан шунчалар ўзбилармон, эрка бўлиб ўсди? Билими-ям зўр-да, шу ёшида ким фан доктори бўла олади? Ўзи гўзал. Буёғи отаси унга маъбудага сиғингандай сиғинади. Шундан ҳамма айтганим бўлиши керак, деган кайфиятда юришга ўрганиб қолган”.

Хаёлан ўрнидан туриб, қизи тумтайганча чўзилиб ётган каравот ёнига борди, охирагина сочларини силади: “Мени қўй, жоним. Ўзингни, ўзингнинг турмушингни ўйла”.

Зулфизар неча кундан бери шу гапларни айтишга оғиз жуфтлар эди-ю, аммо ҳеч журъат топа олмасди. Лекин, билади, айтиши керак, токи эрта бир кун қизи ҳам ўзи каби умр поёнида ёлғизлик азобида қийналмасин. Неваралари ҳам отали-онали тўқиб бўлиб улғайсинлар.



– Сора!  
– Ҳа, она? – қизи сапчиб ўрнидан турди.  
– Бу ёққа кел, анави курсини ёнимга кўйиб ўтиргин.

Сора ҳайрон бўлиб, онасининг ёнига ўтирди. Зулфизар унинг қўлларидан тутди:

– Қизгинам, сен жуда ақлли қизсан. Сен фақат ўзинг йўл қўйган хатолардан эмас, ўзгаларнинг, масалан, менинг хатоларимдан ҳам хулоса чиқара олишинг керак. Кечаги одамни кўрдинг, қандай камтар, ақлли инсон. Лекин жудаям бўшанг одам эди. Бировларнинг сўзи билан қўйда бўлиб уйимга кириб келди, қўйда бўлиб яшади. Унинг шу мўминлиги ғашимни келтирар эди. Шу қўй бир кун келиб менга қўл кўтарди. Бунга ҳам чидай олмадим. Атрофимдагиларнинг тавозелари кўзимни кўр қилиб қўйган эди. “Э, бор-е” дедим. Мен уни мансабга алмаштирдим. Такаббурлигим оқибатида ўғлимни етим қилдим. Мансабимдан ажралмай деб, кечаларимни ҳам, кундузларимни ҳам ишга бердим, ёлғиз ўғлимнинг гиёҳванд бўлишига сабабчи бўлдим. Агар отасидан ажралмаганимда, ахир оналаримиз эрлари “қўй” бўлса ҳам, “зўр” бўлса ҳам индамай яшайверишган-ку, мансабга шу қадар ёпишмаганимда, болам шунчалар овора бўлмас эди. Қандайдир сохта ғоялар қурбони бўлдим. Иккинчи марта эрим ташлаб кетганда ҳам партиядан ўчириб, ишдан ҳайдашганларидегидек эзилмаган эдим. Ҳолбуки, ўша аҳмоқ отангни жуда яхши кўрганман, ҳозир ҳам яхши кўраман.

– Онажон, бу гапларнинг нима кераги бор? Ўтган нарсалар учун ўзингизни қийнаманг. Ўзи зўрға қайтариб олди.

– Мен яхшиман, сен хавотирланма. Менга қара, қизим, мен бир нарсани кўриб турибман, сен эрингни умуман назар-писанд қилмай қўйгансан. У эркак, унга эътибор-меҳр керак.

– Онажон, бу нима деганингиз? – Қошлари чимирлиб кетди Соранинг. – Мен аёлман, менга ҳам эътибор, меҳр керак. Рўзгорнинг ҳамма харажатлари менинг бўйнимда. Яна димоқ-финоқларини кўтаришим керак. Ўз-ўзидан ҳафталаб гаплашмай юрадими-ей, телевизор кўрган жойида ётиб қоладими-ей. Қилиқлари кўнглимни айнилади. Баъзан “кўзимдан йўқол” деб кўчага ҳайдаб солгим келади. Яна неча йиллаб дадани соғиниб яшаганларимни эслаб, ўзимни босаман. Эртага ўғил уйлантиришим керак, қизимга совчи келади, шунда бошимда эркак бўлсин, дейман. Аммо унга нисбатан кўнглимда заррача илиқлик қолгани йўқ.

Зулфизар кўрқиб кетди. Икки қўллаб қизининг қўлларидан ушлаб олди:

– Йўқ, қизим, истасанг бу гапларимни васият ўрнида қабул эт, аммо эринга бўлган муносабатингни ўзгартир. “Ғуноҳи қабира” деган бир китобдан ўқигандим, оқшом пайти эркак кишининг айби билан эру хотин хафалашиб қолса-ю, эркак тонг отгунча тескари қараб ётса, аёл унинг кўнглини олиб, ўзи томонга қаратмаса, аёл ғуноҳкор ҳисобланар экан. Ҳа, айбдор эркак киши бўлса ҳам! Шундай, қизим, бизнинг давримизда Исломни бидъат, аёлларнинг ҳуқуқини камситган, деб таълим беришган. Аслида эса Исломда оилани асраб қолишда масъулият аёлнинг зиммасига юкланган, шу масъулиятни кўтаргани учун ҳам унинг оёқлари остидаги ерни жаннат деб атаган. Бир олим пастга туш, оиланг, болаларинг, ўзинг учун

унинг ҳурматини ўрнига қўй, Эр-ярим пир, дейишган. Сен ҳам шундай деб ҳисобла. Агар шу эркакдан ажрашсанг, билиб қўй, гўримда тик тураман. Сенга ҳеч нарсга қолдира олмайман, аммо иштаманки, бебахт тақдирим ҳам мерос бўлмасин.

Сора ҳайрон бўлди:

– Бу нима деганингиз, онажон? Хўп, сизга ким ажрашаман, деяпти. Нега бундай гапларни айтаяпсиз?

– Муносабатингни ўзгартир. У, борди-ю, ажрашаман, деса ҳам, ажрашмайман, дейсан.

– Хўп. Вой-ей, қандайлар куёвингиз бор эди?

– Ана шу гапнинг кераги йўқ. Энди эринга кўнғироқ қил, мен уни кўришим керак.

– Нега?

– Гапим бор.

– Эртага чақирарман. Бугун чарчадингиз, кеч бўлиб қолди.

– Йўқ, уни бугун кўришим керак.

Орадан кўп ўтмай куёв келди. У бировларнинг ғуноҳини ҳам ўз бўйига олиб, шу мардлиги учун катта жазога маҳкум бўлган одамдай анча тушкун кайфиятда эди. Зулфизар Сорани палатадан чиқариб юборди.

– Ғанишер, ўғлим! Менинг вақти-соатим етиб борапти. Сиздан биттагина илтимосим бор, мендан кейин қизимни, невараларимни ёлғиз қолдирманг.

Куёв бўлмишининг кўзлари катта-катта бўлиб очилиб кетди. У қайнонасиндан бундай гапни сира кутмаган эди. Унинг ҳисоб-китоби бўйига бу амалдор кампир эрта-индин оёққа турса, уйда эмас, масъулиятсиз ота, хиёнаткор эр сифатида ишхонасида ҳам муҳокама бўлиши аниқ эди. Қачонки, қизининг тўшагида дуч келган манзара туфайли ҳаёт билан видолашмоқда.

– Нималар деяпсиз?

– Биламан, қизим бироз эрқароқ. Балки у узоқни кўра олмайгандир, балки бироз эътиборсизлик қилаётгандир. Лекин сиз эркаксиз, мард бўлинг. Аёлингизни, болаларингизни ташлаб кетманг.

– ...

– Менга ваъда беринг.

Ғанишер анча вақт жим қолди. Сўнг чуқур “уф” тортди.

– Мен Сорани яхши кўраман. Болаларимни ҳам. Уларни ҳеч қачон хор-зор қилиб қўймайман.

– Демак, кетмайсиз.

– Ҳа...

– Яна бир илтимос, рўзгорингизга бошқа ҳаром-ҳариш нарсаларни аралаштирманг. Исминини русчага ўғирдим. Икки эр қилдим. Лекин ҳеч қачон ҳаром ишга қўл урмадим.

– Биламан.

– Мендан рози бўлинг, ўғлим. Сора сизга омонат. Сизга бироз ташвиш бўладиган бўлдим. Мени онамининг ёнига қўйишларингни хоҳлайман. У жойлар баҳорда жуда ғўзал бўлиб кетади. Беоён адирликка жойлашган қабристон ям-яшил ўт-ўланлар, қизғалдоқларга кўмилиб кетади. Адирнинг устида ётсангиз, бутун қишлоқ кафтдек кўришиб туради. Ўша қабристоннинг этагидан ўтган анҳорда чўмилиб катта бўлганмиз.

– Сиз хавотирланманг, -унинг овози титраб кетди. - Ҳаммаси айтганингиздай бўлади. Фақат илтимос, мени кечиринг. Мен туфайли...

– Ундай деманг. Бу тақдири азал.



\* \* \*

Унинг ҳамма маъракалари қишлоқда ўтди. Жанозада одам кўп бўлди. Мамараимнинг ёру дўстлари, ҳамқишлоқлар, Соранинг, куёвнинг таниш-билишлари, қариндош-уруғлар... Зулфизар билан бирга ишлаган деярли ҳеч ким йўқ эди.

Еттидан кейин Сора ёлғиз ўзи қабристонга бориб, онаси билан хўшлашиб қайтмоқчи бўлди. Унга Хадича ҳамроҳ бўлди: “Сени ёлғиз юбормайман”.

Саратон кўксини кўйдирган бепоён адирлик хувиллаб ётарди. Сора Хадичанинг елкасига бошини қўйиб, узоқ йиғлади. Хадича юрагини бўшатиб олсин деб, атай уни юпатмади. Йиғлаб-йиғлаб, сўнг гуруннга берилди.

– Хола, онам сизни жуда яхши кўрарди. Эрим онанг қишлоққа олиб боришимизни тайинлади, деганда, хафа бўлгандим. Бир марта олиб келиш ташвиши ҳеч нарса эмас, аммо ёнимизда бўлса, соғинган пайтларим шундайгина уйимдан чиқиб зиёрат қилиб қайтаверардим, дегандим. Энди қараб турсам, мени қишлоқ билан, қариндошлар билан боғлашни истаган экан. Зиёрат баҳона уларни ҳам излайди, деган. Яна... Сиқилган пайтлари ҳадеб бошимга келиб, йиғлайвермасин, ўзини қўлга олсин, қаттиқроқ бўлсин, деган. Бу жойларга илгари ҳам кўп келганман. Баҳор пайтлари жуда гўзал бўлиб кетади.

– Ҳа, онанг жуда ақлли аёл эди, – унинг сочларини силади Хадича. – У ўз даврининг қурбони бўлди. Юрт мустақилликка эришган бугунги кунларнинг одами

бўлганида, бу саргардон кўчалардан умуман ўтмаган бўларди.

– Холажон, нега бизда маййитлар бошқа халқларникидай, чиройли кийинтириб, мустаҳкам тобутларга солиб кўмилмайди? Оддийгина қилиб, кафанлаб кўмишади?

– Билмадим, болам. Одамзод асли тупроқдан бино бўлган ва яна тупроққа айланади, дейишади. Бу жараён ёғоч тобутга нисбатан, кафанда тезроқ, осонроқ кечади. Ернинг остини ёғоч қутига тўлдиришнинг нима кераги бор? Ер муқаддас, у бизни елкасида опичлаб, кафтида ризқ тутиб катта қилади, фоний дунёдан ўтганимиздан кейин ҳам ўз бағрига олади. Ҳеч ким-на она, на фарзанд мурдани уйида уч кундан ортиқ сақлай олмайди. Ер эса индамай, беминнат, бетаъма, ҳеч қандай эътирозларсиз яхшига ҳам, ёмонга ҳам кўксидан жой бераверади. Шунинг учун ҳам одамзод ерни яхши кўради, онасига талпингандай унга талпинади, уни Она ер дейди, Она дейди.

Сора атрофга қаради. Аллақачон куйиб, қовжираб қолган бўлса ҳам ажабтовур дала гулларининг ҳидлари уфуриб турган бепоён олам кўнглига таскин берди. Улар ўтирган жойдан онаси туғилиб ўсган уй ҳовлиси кафтдек кўриниб турарди. Ана, тоғаси кекса гужум тагидаги супада қишлоқдошлар билан ўтирибди, дарвозадан яна беш-олти аёл келди, уларни жиянлари ичкарига бошлади...

Ҳатто қулоғига Қуръон тиловати ҳам эшитилгандай бўлди. Кўнгли янада хотиржам тортди.







Гўзал ЖУМАНИЁЗОВА

## Сенга юрагимда айтар сўзим бор

### СЕНИНГМАН, ВАТАН

Дилдаги минг орзу-ниятим бўлдинг,  
Ўзинг она юртим – осмоним Ватан.  
Сенсан саждагоҳим, меҳрим поёндоз,  
Жоним аро топган жаҳоним Ватан.

Юрак уриб турар, токи тирикман,  
Сенинг меҳринг билан ёниб яшайман.  
Дилимни тўлдирдинг шаън-ифтихорга,  
Сенинг хизматингга ҳамиша шайман.

Не-не улуғ зотлар – юлдузларинг бор,  
Мен ҳам осмонингдан жой олсам дейман.  
Сенга юрагимда айтар сўзим бор:  
Тоабад бағрингда мен қолсам дейман!

### ЮРТНИНГ БОЛАСИ

Кўнглида барқ уриб умид гунчаси,  
Сафарга отландик зўр сарбон билан.  
Очилар манзилнинг буюк дарчаси  
Халқим улуглаган ҳур карвон билан.

Бугун бу авлоднинг юрак зарбида,  
Биз учун ифтихор, буюк сиймо бор.  
Истиқбол қуёши порлар самода,  
Бунда ҳар кимсага толе эрур ёр.

Бағрингда баркамол ўсар авлодлар,  
Бу юртнинг хазонсиз гулу-лоласи.



Бу ажиб диёрда, ажиб маконда,  
Келажаги буюк юртнинг боласи.

\* \* \*

Ҳар япроқ – таниши чеҳрадек,  
Менга сокин ҳаёт бағишлар.  
Ёмғир саси эски хотира,  
Яна ўша дамни олқишлар.

Кўнглимдаги хазонрезги куз –  
Изтироблар чўккан кўзимсан.  
Сен мenden ҳеч ўғирмагил юз,  
Ҳали айтилмаган менинг сўзимсан.

Нафасимни сезасан дилдан,  
Кўнглимдаги айтар изҳорим.  
Шивирлама ишқнинг сиридан,  
Қайтиб келмас кўклам, баҳорим.

Ҳар япроқ – таниши чеҳрадек...

### СЕВГИ

Мунгли хотирларга кўмилиб яна,  
Сенинг ишқинг билан яшайман ёлғиз.  
Мендан ёруғ кунлар бўлишар пана,  
Бардошим қолмади, юрак ҳам оғсиз.

Муҳаббат қалбимда тирикдир ҳамон,  
Унинг дарди билан шириндир ҳаёт.  
Мен ҳамон сенга бахт сўрайман ишон,  
Гарчи бахтсиздирман ҳажрингда, ҳайҳот.



Роберт ШЕКЛИ

# ШАКЛ



## Фантастик ҳикоя

Учувчи Пид тезликни қарийб нолга туширди. У ҳаяжон ила мовий сайёрага тикиларди. Ускуналар кўрсаткичларисиз ҳам бунга шубҳа қолмаганди. Қуёш тизимида учинчиси ҳисобланган бу сайёра яшаш учун ягона яроқлиси эди. Сайёрани тинчгина сузаётган булутлар ўраб олган.

Сайёра жуда беозордек туюларди. Аммо унда Глом сайёрасидан юборилган барча экспедиция аъзолари умрига зомин бўлган нимадир бордек эди гўё. Пид узил-кесил пастга шўнғишдан олдин қандайдир лаҳзаларга тараддулланиб қолди. Ўзи ва яна икки шериги ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ бу ишга тайёр эди. Ҳар бирининг танасидаги чўнтақда ҳозирча ҳаракатсиз, аммо ишлатишга шай, ихчамгина Кўчиргич солинган.

Пид экипажга нимадир демоқчи бўларди-ю, бироқ гапни нимадан бошлашни билмай турарди. Экипаж кутмоқда. Алоқачи Ильг Глом сайёрасига сўнги хабарни жўнатиб бўлган. Индикатор Жер эса бир йўла ўн олти ускунанинг кўрсаткичларидан кўз узмай турибди. «Душманлик руҳи аломатлари мавжуд эмас», дея маълумот берди у бепарво тарзда.

Пид ушбу хотиржамликни ичида қайд қилиб қўйди. Энди нима ҳақида гапиришни билади. Экспедиция Глом сайёрасини тарк этгандан буён Шакл Интизомига риоя қилиш салбий томонга ўзгарган. Хужум Кўмондони уни огоҳлантирганди-я. Лекин нимадир қилиш ҳам керак. Бу Учувчининг бурчи, негаки, Алоқачи ва Индикаторлар чиққан қуйи табақалар Шаклсизликка интилувчилар сифатида ёмонотликка чиқиб бўлишган.

– Экспедициямизга жуда катта умид боғланган, – секин гап бошлади Пид. – Биз энди ватандан йироқдамиз.

Индикатор Жер бош ирғади. Алоқачи Ильг эса унга буюрилган Шаклдан оқиб чиқиб, қулай тарзда ялпайиб олди.

– Бироқ, – деди қаттиққўллик билан Пид, – масофа беахлоқ Шаклсизликни оқлаш учун хизмат қилмайди.

Ильг дарров Алоқачига мос бўлган Шаклга айланди.

– Бизга, сўзсиз, Экзотик Шаклларга мурожаат қилишга тўғри келади, – давом этди Пид. – Бундай ҳолатлар учун алоҳида рухсатнома бор. Аммо нутманг: хизмат заруратсиз қабул қилинган ҳар қандай шакл айнан Шаклсизликнинг найрангидир.



Жер дарҳол танаси юзасидаги оқма ўйинларини тўхтатди.

– Гапим тамом, – дея хотима ясади Пид ва яна диққатини бошқарув пультага қаратди.

Кема жуда оқхисталик билан пастлаб борар, экипаж эса шунчалик бир-бирига уйғун ҳаракат қилардики, бундан Пид беихтиёр ғурурланиш ҳиссини туйди.

«Яхши ишчилар, – ўйлади у. – Охир-оқибат улардаги Шаклнинг ўз ўрнини билиш ҳисси олий табақадан бўлган Учувчиники каби ривожланишига ишонса бўлади». Хужум Қўмондони ҳам худди шу сўзларни айтганди.

– Пид, – деганди Хужум Қўмондони сўнги суҳбат чоғи, – бу сайёра бизга жудаям керак.

– Ҳа, жаноб, – дея жавоб берганди Пид қаддини ғоз тутганча, арзимас ҳаракат билан ҳам ўзидаги Учувчининг Байрамона Шаклини бузмасликка интилиб.

– Орангиздан биттангиз у ерга кириб, атом қуввати манбаи яқинига Кўчиргични ўрнатиши керак. Биз томонда эса қўшин сакрашга шай туради.

– Буни уддалаймиз, жаноб.

– Экспедиция мақсадга эришиши лозим, – деди Қўмондон. Кучли чарчоқ сабаблари унинг чеҳраси бир зумгагина қийшайиб кетди. – Гап фақат иккимизнинг ўртамазда қолсин: Глом ҳозир жуда нотинч. Кончилар иш ташлаган. Улар ер ишлари учун янги шаклларни таллаб қилишмоқда. Айтишларича, эскиси ноқулай эмиш!

Пид керакли бўлган қаҳр-ғазабни ифода қилди. Кончилар шакли, худди бошқа асосий шакллар каби жуда қадимда ўрнатилган. Энди эса бу каллаварамлар уни ўзгартиришмоқчимиз?!

– Бу ҳали ҳаммаси эмас, – давом этди Қўмондон. – Биз Шаклсизликнинг яна бир кўринишига тўқнаш келдик. Унинг таъсирини тушиб қолган гломлардан саккиз мингтачасини қўлга олдик ҳам, аммо ҳали яна қанчаси озодликда юргани номаълум.

Пид гап Глом аҳолиси тасаввурига ҳам сиғдира олмайдиган жуда хавфли иблис, Буюк Шаклсизлик васваси ҳақида кетаётганини англади. Аммо гломларнинг қандай қилиб бу васваса кутқусига тушиб қолаётганига ўзиям ҳайрон эди.

Қўмондон Пиднинг кўнглига қандай гап келганини ва уни тилига чиқара олмай турганини дарров тушунди.

– Пид, – деди у, – сен, афтидан, тушунмаётган бўлсанг керак. Айт-чи, сенга Учувчи бўлиш ёқадими?

– Ҳа, жаноб, – оддийгина жавоб берди Пид. – Парвоз қилиш ёқадими, дейсиз. Ахир бу ҳаётим мазмунку?! Мен кемасиз – ҳеч кимман.

– Аммо ҳамма гломлар ҳам шундай, деб айта олмайди. Менинг ўзимга бу тушунарсиз. Вақтнинг бошланишидан бери барча аждодларим Хужумлар Қўмондонлари бўлишган. Шу боис ўз-ўзидан тушунарлики, мен ҳам Хужумлар Қўмондони бўлишни истайман. Бу нафақат табиий, балки қонуний ҳам. Бироқ қуйи табақалар бутунлай бошқа ҳиссиётларни туядилар, – Қўмондон ғамнок аллозда танасини қимирлатиб қўйди. – Сенга бу ҳақда бекорга гапирганим йўқ. Биз гломларга катта маконлар керак. Сайёрадаги низолар, тартибсизликлар аҳолининг кўпайиб кетгани билан изоҳланади. Психологлар шундай дейишмоқда. Агар бошқа сайёрада ривожланиш имкониятини қўлга киритсак – барча яралар тузалиб кетган бўларди. Шу боис сенга умид боғлаямиз.

– Ҳа, жаноб, – фахрлангандай жавоб берди Пид.

Суҳбат тугаганига ишора қилгандек, Қўмондон жойидан турмоқчи бўлди-ю, кутилмаганда яна қайтиб ўтирди.

– Экипажга кўз-қулоқ бўлиб туриш керак. Содик йигитлар, бунга гап бўлиши мумкин эмас. Аммо улар барибир қуйи табақадан. Қуйи табақанинг қанақалигини эса ўзинг яхши биласан.

Ҳа, Пид буни биларди.

– Экипаждаги Индикатор Жернинг Ислоҳотчиликка яширинча мойиллиги бор, дейишади. Бир сафар уни ноқонуний тарзда Овчи шаклига киргани учун жаримага ҳам тортишган. Ильяга қарши бирор аниқ айблов йўқ. Бироқ менга маълумот беришларича, у шубҳали тарзда узоқ вақт ҳаракатсиз ҳолатда қолар экан. Ўзини Мутафаккир деб ўйлаётган бўлиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

– Бироқ, жаноб, – журъат этиб Қўмондоннинг гапини бўлди Пид, – агар уларнинг номига Ислоҳотчилик ёки Шаклсизлик борасида озгина доғ тушган бўлса ҳам бундай экспедицияга жўнатиш тўғри бўлармикан?

Бироз тараддудлангандан сўнг Қўмондон хўрсиниб қўйди:

– Мен ишонсам бўладиган гломлар бирталай. Бироқ бу икковида тасаввур ва топағонлик кучлироқ, яъни улар мазкур экспедиция чоғи асқотадиган алоҳида сифатларга эга. Уларга кўз-қулоқ бўлиб туриш керак.

– Ҳа, жаноб, – деди Пид ва суҳбат тугаганини англаб, салют берди.

Пид танасининг ички чўнтагида айни дамда мудроқ ҳолдаги, лекин зарур пайтда душманнинг атом энергиясини Гломнинг енгилмас қўшинини олиб ўтадиган самовий кўприкка айлангириб бера оладиган Кўчиргичнинг оғирлигини ҳис қилди.

– Омадингизни берсин, – деди Қўмондон. – Унинг сизга керак бўлишига ишончим комил.

Кема бирор товуш чиқармай, душман сайёраси томон пастлаб бормоқда. Индикатор Жер пастда сузиб юрган булутларни тадқиқ этди ва олинган маълумотларни Ниқобловчи блокка киритди. У эса дарҳол ишга киришди ва тез орада кема патсимон булут шаклини олди.

Пид кеманинг сирли сайёра узра оқиста парвоз қилишига қўйиб берди. Энди у Учувчининг Байрам Шаклида, яъни Учувчилар табақаси учун мўлжалланган тўрт шаклнинг энг самарали ва энг қулайи эди. Ҳозир у гунг, кўр ва соқовга, янаям тўғрироғи, бошқарув пультаининг ажралмас қисмига айланган. Бутун диққат-этибори қат-қат булутлардан ўзиб кетмасликка ва улар билан уйғунлашиб кетишга қаратилган эди.

Жер эса Индикаторлар учун рухсат этилган шакллардан бирига кириб олган ва зўр бериб уни сақлаб қолишга интиларди. У маълумотларни Ниқобловчи блокка киритгач, пастлаётган кема тўп-тўп булутлардан бирига ўхшаб қолди. Душман сайёрасида эса ҳеч қандай ҳаёт аломатлари зоҳир бўлмасди.

Ильг атом қуввати манбаи жойини аниқлади ва бу ҳақда Пидга хабар берди. Учувчи йўналишни ўзгартирди. У энг пастдаги булутларгача тушиб борди. Сайёрагача бир мил масофа қолганди. Бироқ хавф сигналидан дарак йўқ. Ўзларидан олдин жўнатишган йигирмата экспедициянинг қисмати нима бўлгани ҳам жумбоқлигиича қолмоқда эди.

Пид атом электр станцияси узра парвоз қилаётганида сайёра юзини ғира-ширалик қоплай бошлади. Атрофдаги бинолардан узоқроқ бўлишга интилган кема энди ўрмон узра парвоз қилишга ўтди. Чор-атрофда қоронғилик борган сари қуюқлашиб бормоқда. Мовий сайёранинг ягона Ойи қалин булутлар пардаси ортига бекинди. Булутлардан бири тобора пастлаб, пастлаб... охири ерга қўнди.

– Тезде кемани тарк этинг! – кичқирди Пид бош-қарув пультадан ажралаётиб.

У энди югуриш учун энг қулай бўлган шаклга ўтиб олиб, отилиб люкдан чиқди. Жер ва Ильглар ҳам унинг кетидан ошиқдилар. Кемадан эллик метрлар нарига югуриб боришгач, таққа тўхтаб, кута бошлашди.

Кема ичидаги қайсидир занжирда қисқа туташув юз берди. Кема овозсиз бир титраб олди-да, уларнинг кўз ўнгида эрий бошлади. Пластмасса ҳавога сингиб, металл асослар буришиб, кичрая бошлади. Кўп ўтмай, кема бир уюм лаш-лушга айланди, бироқ жараён ҳали давом этмоқда эди. Йирик металл бўлақлари кичкиналарига айланар, майда синиқлар яна ва яна бўлинарди. Кеманинг ўз-ўзини йўқ қилишини кузатиб турган Пидни кутилмаганда чорасизлик ҳисси чулғаб олди. У Учувчилар табақасидан чиққан эди. Унинг отаси, отасининг отаси, хуллас, ўша туманли даврлардан, Гломда илк самовий кемалар пайдо бўлган пайтлардан бошлаб барча аждодлари Учувчилар бўлишган. Унинг бутун болалиги кемалар орасида ўтди, вояга етгач, ўзи ҳам Учувчига айланди. Айни дамда эса бегона оламда кемасидан ажралгач, чорасиз ва иложсиздек сезарди ўзини.

Бир неча дақиқадан сўнг кема кўнган жойда бир уюм чанггина қолди. Тунги эсган шамол эса бу чангни бутун ўрмонга сочиб, тарқатиб юборди.

Улар кутишарди. Бироқ ҳеч нима содир бўлмади. Шамол ғувиллар, дарахтлар қисирларди. Олмаҳонлар инларида қасир-қусур қилишар, қушлар эса дарахт шохларида ўтириб олиб, вақти-вақти билан қанотларини потирлатиб-потирлатиб қоқиб кўйишарди. Чўчкаёнғоқ қисқагина бўғиқ қарсиллаган товуш чиқариб, ерга тушди. Шундай қилиб, Гломнинг йигирма биринчи экспедицияси Ерга омадли кўнганди.

Эрталабгача ҳеч бир ишни қилиб бўлмасди, шу боис Пид режа туза бошлади. Улар атом электр станциясининг жуда яқинига кўнишган. Шунчалик яқинки, бу ўзига хос жасурлик ҳам эди. Энди эса янаям яқинроқ боришлари керак. Улардан бири атом реактори биносигача етиб бориши ва Кўчиргични ишга тушириши лозим. Бу қийин. Аммо Пид бунга эришишига шубҳа қилмасди. Ахир топқирликда Глом аҳолисининг олдига тушадигани йўқ.

«Топқирликка жуда топқирларку-я, – аччиқ ўйга толди у, – аммо уларга радиоактив унсурлар даҳшатли тарзда етишмайди-да!» Бу мазкур экспедициянинг ўта муҳим ҳисобланишига сабаблардан яна бири. Гломликлар ўзларига буйсиндирган сайёраларда радиоактив ёқилғи деярли қолмаган.

Янги тарих бошланишидаёқ қўшни оламларни ўзлаштириш, яшашга яроқлиларига кўчиб ўтиш учун ўзининг барча радиоактив моддалар захирасини сарфлаб бўлган Гломга ҳамиша янги-янги оламлар зарур эди.

Яқинда разведка экспедицияларидан бири томонидан топилган бу сайёра ҳам гломликларга керак. У гломликларнинг барча талабларига жавоб берарди, аммо анча олис масофада жойлашган. Ҳарбий-фазовий флотни жўнатишга эса ёқилғи етишмасди. Аммо гломликларнинг бахтларига мақсадга етишишнинг бошқа, ундан-да қулайроқ йўли топилди.

Қачонлардир жуда қадимда Глом олимлари Кўчиргични яратилган. Бу ўша даврларда Айниятлар Техникасида чинакам ғалаба бўлганди. У маълум йўл билан ўзаро боғланган икки нуқта ўртасидаги массани лаҳзалар ичида бир нуқтадан иккинчисига кўчиради. Биттаси кучмас ҳисобланиб, учи Гломдаги ягона атом

энергостанциясида жойлашган. Иккинчи учини эса ис-талган ядровий қувват манбаи ёнига жойлаштириб, ҳаракатга келтириш керак бўларди. Ажратилган қувват икки нуқта орасида ҳаракатланиб, икки бор ўз шаклини ўзгартиради. Айниятлар Техникаси мўъжизаси туфайли гломликлар сайёрадан сайёрага сакрашлари, уларга қуюндай ёпирилишлари мумкин эди.

Бу жуда содда усулда амалга ошириларди. Бироқ шунга қарамай, йигирмата экспедициядан бирортаси Ергада нуқтага Кўчиргични ўрната олмаган. Уларга нима халақит берганини эса ҳеч ким билмайди. Бу ҳақда сўзлаб бериши мумкин бўлган бирортаям кема аъзоси Гломга қайтмаган.

Тонг пайтида экспедиция аъзолари маҳаллий ўт-ўланлар тусига кириб олишиб, ўрмон оралаб кетиб боришарди. Кўчиргичлар яқин ўртада ядровий қувват борлигини сезгандек кучсиз титрай бошлади.

Уларнинг ёнидан миттигина тўртоёқли жонивор югуриб ўтиб кетди. Худди шу пайт Жерда ҳам тўрт оёқ пайдо бўлиб, ҳалиги жониворнинг кетидан қувлаб қолди.

– Жер! Тезде ортингга қайт! – кичқириб юборди Пид эҳтиёткорликни унутиб.

Жер эса бу орада жониворга етиб олиб, ерга босди. У ўлжасини емоқчи эди, бироқ тишларни пайдо қилиш эсидан чиққанди. Бундан фойдаланган жонивор унинг чангалидан чиқди-да, ўрмонда кўздан йўқолди. Жер тишларни пайдо қилди ва сакраш учун мушакларини таранглаштира бошлади.

– Жер!

Индикатор истамай ўгирилди. Товуш чиқармасдан сакраб-сакраб Пиднинг олдига келди.

– Қорним очганди, – деди у.

– Йўқ, очмаганди, – деди қатъийлик билан Пид.

– Очганди, – тўнғиллади Жер хижолатдан ўнғай-сизланиб.

Пид Қўмондоннинг гапларини эслади. Жерда, сўзсиз, Овчи бўлишга нисбатан кучли мойиллик яширинган. Унга кўз-қулоқ бўлиш керак.

– Бунга ўхшаш нарсалар бошқа такорланмасин, – деди Пид. – Унутма, Экзотик шаклларга киришга ҳали рухсат берилмаган. Ҳозирча ўзинг туғилган шакл билан қаноатланиб тур.

Жер бош ирғади ва яна ўрмондаги буталар билан уйғунлашиб кетди. Йўлни давом эттирдилар.

Ўрмон четидан атом электр станцияси жуда яхши кўринади. Пид бутага монанд никобланди, Жер эса эски ёўлага айланди. Ильг эса биров ўйланиб тургач, ёш эман кўринишига кирди. Станция унча баланд бўлмаган металл тўсиқлар билан ўралган узун бинодан иборат экан. Тўсиқдаги дарвоза ёнида соқчилар туришарди.

«Биринчи галдаги вазифа, – ўйлади Пид, – йўлини топиб, дарвозадан ўтиб олиш». У бунинг усуллари ва йўллари ҳақида ўйлай бошлади.

Разведка экспедицияларининг ҳисоботларидан олинган узук-юлуқ маълумотлар бўйича, баъзи муносабатлар борасида одамлар ирқи гломликларникига ўхшаб кетишини Пид биларди. Уларнинг ҳам худди гломликларникидек уйлари, хонакилаштирилган жониворлари, маданияти бор. Механика борасида ерликлар ҳам худди гломликлар каби жуда моҳир.

Бироқ бу икки ирқ ўртасида ақл бовар қилмас фарқлар ҳам мавжуд. Одамларга худди тошлар ва дарахтлар каби доимий, ўзгармас шакл берилган. Бу бир хиллик ўрнини тўлдириш учун уларнинг сайёраси турли-

туман насл, нав ва зотларга фавкуллода тўлиб-тошиб кетган. Ҳайвонот олами бор-йўғи саккизтагина шаклдан иборат Гломга сира ўхшамайди, албатта.

«Чақирилмаган меҳмонларни тутишда ерликларнинг малакаси анча ошгани ҳам аниқ», ўйлади Пид. Афсуски, олдинги экспедицияларнинг муваффақиятсизлики учраши сабабини билмайди-да. Бу ишни анча осонлаштирган бўларди.

– Топдим, – деди Жер ғалати жонивор кўздан йўқолиши билан. – Мен Одамга айланаман-да, дарвозадан ичкарига, реактор биносига кириб, Кўчиргични ҳаракатга келтираман.

– Сен уларнинг тилида гаплашишни билмайсан-ку?! – эслатди Пид.

– Бирон оғиз ҳам гапириб ўтирмайман. Уларга ҳатто, эътибор ҳам қаратмайман. Мана бундай, – деди-да, Жер инсон қиёфасига кириб олди.

– Чақки эмас, – қувватлади Пид.

Жер бир неча марта Одам каби қадам ташлаб кўрди.

– Бироқ кўрқаманки, бундан бирон иш чиқмайди, – давом этди Пид.

– Ахир, бу мантиққаям мос келяпти-ку?! – эътироз билдирди Жер.

– Биладан. Олдинги экспедициялар ҳам худди шу усулни қўллаб кўришган бўлишлари керак. Оқибатда уларнинг биронтасиям қайтмади.

Бу борада баҳс юритиш қийин эди. Жер яна тўнкага айланди.

– Унда нима қиламиз? – сўради у.

– Мен бир ўйлаб олай, – жавоб берди Пид.

Улар олдида икки оёқли эмас, балки тўрт оёқдаги жонивор ивирсиб юра бошлади. Пид уни дарров таниди. Ит – Одамнинг дўсти. Пид диққат билан уни кузата бошлади.

Ит ер искаганча дарвоза томон юрди. Уни ҳеч ким тўхтатмадию Ит дарвозадан ўтиб, майсалар устига ётиб олди.

– Ихм, – деди Пид.

Улар итдан кўзларини узмай кузатишарди. Одамлардан бири унинг ёнидан ўтаётди, бошига тегиниб қўйди. Ит эса тилини чиқариб, оёқларини осмонга қилиб олди.

– Мен ҳам шундай қила оламан, – деди ҳаяжонланиб Жер. У Итнинг шаклига кириб бўлганди аллақачон.

– Йўқ, шошма, – деди Пид. – Куннинг қолган қисмини яхшилаб ўйлаб олишга сарфлаймиз. Ишимиз жуда муҳим, бунда кўр-кўрона иш тутиш ярамайди.

Жер хўмрайганча унга бўйсинди.

– Кетдик, қайтадиган вақт бўлди, – деди Пид.

Жер билан яна ўрмоннинг қуюқ жойига қайтмоқчи бўлиб туришганида, кутилмаганда Пиднинг эсига Ильг тушиб қолди.

– Ильг! – секин чақирди у.

Ҳеч қандай жавоб бўлмади.

– Ильг!

– Нима? Ҳа, айтганча, – деди ёш эман ва бутага айланди. – Узр, бирон нима дедингизми?

– Биз қайтаямиз, – такрорлади Пид. – Сен тасодифан Мутафаккирга ўхшаб чуқур мушоҳада қилмаётганмидинг?

– Йўғ-э, – ишонтирди Ильг. – Шунчаки, дам олаётгандим.

Пиднинг бу изоҳга рози бўлишдан ўзга чораси қолмади. Ташвишлари шусиз ҳам керагидан ортиқча.

Улар куннинг қолган қисмини ўрмоннинг зич ерида бу масалани муҳокама қилиб ўтказдилар. Афтидан, уларда иккита имконият бордай туюлди – Одам ёки Ит шаклига кириш. Бир жойда томир отиб ўсадиган дарахтнинг дарвоза томон ҳаракатланиб бориши сира-сира ўтиришмасди. Бунинг устига ҳеч ким шу тахлит сездирмасдан ўтиб кетолмайди.

Одам шаклида ўтишга уриниб кўриш ҳам жуда таваккал қилишдек гап эди. Хуллас, эрталаб Жернинг Ит шаклида бу ишни амалга оширишга уриниб кўришига келишиб олдилар.

– Энди ухлаб олинглар, – деди Пид.

Экипажнинг иккала аъзоси ҳам унга бўйсиниб, ўша лаҳзанинг ўзидаёқ шаклсиз кўринишга келиб, ялпайиб олишди. Ҳаммаси оддийдек кўринарди гўё. Нега атом электр станцияси бунчалик ёмон кўриқланмоқда? Олдин қўлга олишган экспедициялардан Одамлар бирон нимани билиб олишлари керак эди-ку?! Наҳотки, улар умуман савол ҳам бериб ўтирмай, ўлдириб юбораверишган бўлишса?

Ўзга оламлик махлуқотнинг нима қилмоқчилигини олдиндан ҳеч қачон билиб бўлмайди.

Балки очиқ дарвозалар тузоқдир?

Пид ҳорғин ҳолда юмшаб, дўнгчали ерга қулайроқ жойлашиб олди. Бироқ шу заҳотиёқ ўзини тартибга келтирди.

Шаклсизлик ҳолатигача тушибди-я?!

«Қулайликнинг бурчга ҳеч қанақа алоқадорлиги йўқ», дея ўзига эслатди ва дарров яна Учувчи шаклига кириб олди.

Бироқ Учувчи шакли намчил, нотекис тупроқда ухлаш учун мўлжалланмаганди. Пид тунни нотинч ўтказди.

Эрталаб Пид чарчаган ва кайфиятсиз ҳолда уйғонди. Жерни туртди.

– Ишга киришиш керак, – деди у.

Жер қувноқлик билан тик шаклга кириб олди.

– Ильг, сен ҳам уйғон! – деди Пид атрофга аланглаб. – Уйғон деяпман!

Жавоб бўлмади.

– Ильг! – чақирди у.

Яна жавоб йўқ.

– Уни топишга ёрдамлашиб юбор, – деди Пид Жерга. – У шу яқин атрофда бўлиши керак.

Икковлашиб ҳар бир бута, дарахт ва тўнкаларни текшириб чиқишди. Аммо уларнинг бирортаси Ильг эмасди.

Пид танасини совуқ кўрқув эгаллаганини ҳис этди. Алоқачига нима бўлдийкин?

– Балки таваккал қилиб, дарвозадан ўтишга қарор қилгандир? – деди Жер.

Пид бу фаразни ўйлаб кўрди, аммо бундай бўлиши мумкин эмасди. Ильг ҳеч қачон ташаббус кўрсатмаган. Ҳамиша бировларнинг буйруқларини бажариш билан қаноатланарди.

Уни кута бошладилар. Кун ярим бўлди ҳамки, ундан дарак йўқ.

– Бошқа кута олмаймиз, – эълон қилди Пид ва иккови ўрмон бўйлаб ҳаракатлана бошладилар. Пид кетаётди, Ильгнинг ростдан ҳам дарвозадан таваккал қилиб ўтишга уриниб кўрганмикан, деган савол устида бош қотириб борарди. Бундай индамасларда кўпинча ақлга тўғри келмас жасорат яширинган бўлади.

Бироқ ҳеч нима Ильгнинг уриниши амалга ошганига шаъма қилмасди. Бундай вазиятда Алоқачи ҳалок



бўлган ёки Одамлар уни асир олишган, деб ўйлашга тўғри келарди.

Демак, энди Кўчиргични иккови ишга тушириши лозим.

Пид ҳалиям олдинги экспедицияларга нима бўлганини билмасди.

Ўрмон четида Жер Ит шаклига кирди. Пид уни синчиклаб текширди.

– Думни сал калтароқ қил, – деди у.

Жер думини калталаштирди.

– Қулоқларни катталаштир.

Жер қулоқларини катталаштирди.

– Энди ўлчамларни бир-бирига тўғрила, – деди Пид ва нима ҳосил бўлганини яна бир бор текшириб кўрди. Жер ҳақиқатан ҳам, думи учидан то қоп-қора ҳўл тумшугига Ит шаклига кирганди. – Омадингни берсин!

– Миннатдорман, – деди ўрмондан эҳтиёткорлик билан чиқа бошлаган Жер.

Жер Итнинг қадам олишини ўхшатиб кета бошлады. Дарвоза олдида соқчи уни чақирди. Пиднинг дами ичига тушиб кетди. Жер Одамнинг чақиришига эътибор ҳам бермай, ёнидан ўтиб кетди. Одам Жер томон юра бошлаганди, у қочишга тушди.

Бу орада Пид иккита оёқни тайёрлаб турарди. Бу агар Жерни қўлга олишса, ёрдам беришга югуриш учун. Аммо соқчи яна дарвоза ёнига қайтди. Жер ҳам қочишдан тўхтади ва хотиржам асосий кириш эшиги томон кета бошлады.

Енгил нафас олган Пид ҳалиги икки оёқни йўқотди.

Бироқ асосий кириш эшиги ёпиқ эди! Пид Индикаторнинг уни очишга ҳаракат қилиб кўрмаслигига ишонарди. Ахир бу Итларга хос эмас.

Жернинг ёнига бошқа Ит югуриб келди-да, унга қараб қолди. Кейин яқин келиб Жерни ҳидлаб кўрди. Жер ҳам шундай йўл тутди.

Кейин иккала ит ҳам бино бурчаги томон югургилаб кетишди.

«Ақлли иш, – ўйлади Пид. – Орқа тарафда эшик бўлиши керак».

У ботаётган қуёшга тикилди. Кўчиргич ишлатилса, бу ерга Гломнинг улкан қўшини етиб келади. Одамлар нима бўлганини тушуниб етгунларича, уларнинг сони миллионга яқинлашиб қолади. Бу ҳали бошланиши.

Кун жуда секинлик билан поёнига етиб бормоқда. Аммо ҳеч нима содир бўлмади.

Пид бино гумбазидан кўзларини олмасди. У асабийлашарди. Негаки, агар Жер вазифани муваффақиятли амалга оширган бўлса, иш бунчалик чўзилиб кетмаслиги керак эди.

Пид ярим тунгача кутди. Одамлар бинога киришар ва ундан чиқишарди. Дарвоза олдидаги итлар ҳура бошладилар. Аммо Жердан дарак йўқ.

Жер қўлга тушди, Ильг ғойиб бўлди, Пиднинг битта ўзи қолди.

У ҳалиям нима содир бўлганини билмасди.

Эрталабга яқин Пидни чорасизлик, иложсизлик чулғаб олди. Гломнинг йигирма биринчи экспедицияси муваффақиятсизликка учраш арафасида турганини тушунди. Энди ҳаммаси битта унинг ўзига боғлиқ.

Сал кўполроқ режа бўлсаям, Пид Одам шаклига кириб дарвозадан ўтишга қарор қилди. Бошқа йўли ҳам қолмаганди.

У ишчиларнинг дарвозадан тўп-тўп бўлиб кираётганини кўрди. Пид ўйларди: оломон билан араллашиб кетсинми ёки ҳаммаси тинчигандан сўнг ишга киришгани

дурустми. У тикилинчдан фойдаланишга қарор қилди ва Одам шаклига кира бошлады.

Ўрмондан, у яширинган жой ёнидан Ит ўтиб кетаётганди.

– Салом, – деди Ит.

Бу Жер эди.

– Нима бўлди? – сўради енгил тортган Пид. – Нега бунча қолиб кетдинг? Кириш шунчалик қийинми?

– Билмадим, – деди Жер думини ликиллатиб, – бунга уриниб кўрганим йўқ.

Пид қотиб қолди.

– Мен ов қилдим, – мамнун тушунтирди Жер. – Биласизми, бу шакл Ов учун жуда қулай экан. Мен бошқа Ит билан бинонинг орқа тарафидаги эшигидан чиқиб кетдим.

– Бироқ экспедиция... бурч...

– Фикримдан қайтдим, – деди Жер. – Биласизми, Учувчи, мен ҳеч қачон Индикатор бўлишни истамаганман.

– Аммо сен Индикатор бўлиб туғилгансан!

– Бу тўғри, – деди Жер, – аммо бундан менга енгил бўлиб қолмайди. Мен ҳаммиша Овчи бўлишни истаганман.

Пид ғазабдан титраб кетди.

– Мумкин эмас, – худди глом-болакайга тушунтираётгандек дона-дона қилиб гапирди, – Овчи шакли сен учун таъқиқланган.

– Бу ерда эмас, бу ерда таъқиқланмаган, – эътироз билдирди Жер ҳамон думини ликиллатиб.

– Буни бошқа эшитишни истамайман, – ўшқирди Пид. – Электр станциясига бор-да, Кўчиргични ишга тушир. Мен эса сен айтган гапларнинг барини унутишга тайёрман.

– Бормайман, – деди Жер. – Бу ерда менга гломларнинг кераги йўқ. Улар ҳамма нарсани ҳалок қиладилар.

– У ҳақ, – деди бақувват эман.

– Ильг! – инграб юборди Пид. – Қаердасан?

Шохлар қимирлади.

– Шу ердаман, – деди Ильг. – Хаёл суряпман.

– Аммо сен... табақанг...

– Учувчи, – ғамгин оҳангда деди Жер. – Уйғонсангизчи! Гломда аксарият аҳоли бахтсиз. Фақат удумларгина бизни аждодларимиз табақаларига мос шаклга киришга мажбур қилади.

– Учувчи, – деди Ильг, – барча гломлар шаклсиз туғилади.

– Гломлар шаклсиз туғилганлари сабали ҳам Эркин Шаклга эга бўлишлари керак, – илиб кетди Жер.

– Тўппа-тўғри, – деди Ильг. – Аммо буни у тушуна олмайди. Энди эса маъзур тутасиз, камина чуқур мушоҳадага берилмоқчиман.

Эман жим бўлиб қолди.

Пид ғазабнок қулди.

– Одамлар сизни ўлдиришади, – деди у. – Худди бошқа экспедицияларни ҳалок қилишганларидек.

– Гломлардан ҳеч ким ўлдирилмаган, – маълумот берди Жер. – Барча экспедициямиз шу ерда.

– Улар тирикми?

– Бўлмасам-чи. Одамлар ҳатто бизнинг мавжудлигимизни билишмайди ҳам. Мен билан бирга ов қилган Ит ўн тўққизинчи экспедициядан экан. Учувчи, бу ерда биз юзтача бормиз ва бу ер бизга ёқиб қолди.

Пид бунинг барини ҳам қилишга уринарди. Қуйи табақаларга шаклга оид ўз-ўзини англаш етишмаслигини ҳаммиша биларди. Аммо бу... бунинг бари бемаъни-



лик, ахир. Мана, бу сайёранинг хавфлиги сири нимада экан. Бу Эркинлик экан-да?!

– Учувчи, бизга кўшилинг, – таклиф қилди Жер. – Бу ер чинакам жаннатнинг ўзи. Биласизми, бу сайёрада ҳар хил нарсалар қанчалик кўп? Санаб адоғига етолмайси. Бу ерда ҳаётнинг барча турига мос келадиган шакллар ҳам бор.

Пид бош чайқади. Унинг ҳаёт турига мос шакл йўқ. У – Учувчи.

Аммо Одамлар гломларнинг борлигини билишмайди ҳатто. Реакторга етиб бориш кулгили даражада осон.

– Ҳаммангиз билан Глом Олий Суди шуғулланади, – ўқирди у ва Итга айланди. – Менинг ўзим Кўчиргични ишга тушираман.

Пид бир муддат ўзини ўрганиб кўрди. Кейин Жерга бир қараб қўйди-да, диконгланганча дарвоза томон йўл олди.

Дарвоза олдида турганлар унга қараб ҳам қўймадилар. Пид бир Одамнинг ортидан асосий эшикдан ичкарига кириб олди ва йўлак бўйлаб югуриб кетди. Танаси чўнтагидаги титрай бошлаган Кўчиргич Пидни реактор зали томон боришга ундагандек бўлди.

У ҳовлиқчанича қандайдир зинадан кўтарилиб, бошқа йўлак бўйлаб югуриб кетди. Бурилишдан қадам товущлари эшитилди. Унга сезгиси бино ичига итларнинг киришига йўл қўйилмаслигини билдириб турарди. Иложсизликдан яшириниш учун жой қидириб, атрофга аланглади. Бироқ йўлак силлик ва бўм-бўш эди. Фақат шифтда ёритгичлар осилиб турарди.

Пид бир сакраб, шифтга қапишиб олди ва ёритгич шаклига кирди. У Одамнинг нега унинг ёнмай турганига эътибор қаратмаслигига ишонарди.

Одамлар югуриб ўтиб кетишди.

Пид тагин Одам шаклига кириб, мақсад сари ошиқди.

Унга янада яқинроқ бориши керак эди.

Йўлакда яна бир Одам пайдо бўлди. У Пидга синчиклаб қараб турди-да, нимадир деб ғудранди. Кейин кутилмаганда кескин ортига бурилди-да, жуфтакни ростлади. Одамни нима бунча сергаклантирганига Пид тушунмади, албатта. Танасидаги Кўчиргич керакли масофага яқинлашиб қолинганини билдириб, сезиларли титрай бошлади.

Кутилмаганда Пиднинг миясида иккиланиш пайдо бўлди. Барча экспедиция аъзолари қочган! Ҳаммаси!

У югуришдан секинлашди.

Эркин Шакл... қандай ғалати тушунча. Ваҳимага солувчи тушунча.

«Бу, сўзсиз Шаклсизликнинг найранглари», деди ўзига-ўзи ва яна олдинга интилди.

Йўлак охири улкан ёпиқ эшикка бориб тақаларкан. Пид унга тикилиб қолди.

Йўлакнинг нариги бошида эса Одамларнинг ғовури, бақир-чақири эшитила бошлади.

Қаерда хатога йўл қўйди? Уни қандай сезиб қолишди? Ўзини бир қараб чиқди. Қўллари билан юзини силади. О, чеҳраси шаклини ўзгартиришни унутган экан...

Жон ҳолатда эшикни тортиди. Кейин чўнтагидан Кўчиргични чиқарди. Титраш етарлича эмасди. Уни ишлатиш учун реакторга янаям яқинроқ бориш керак.

Пид эшикка разм солди. Унинг пастки қисми билан пол орасида тирқиш бор экан. Дарҳол шаклсиз ҳолга келиб эшик тагидан сизиб ўта бошлади. Кўчиргични ҳам бир амаллаб ўтказиб олди.

Ичкари тарафда эшикнинг илгаги бор экан. Пид уни илдириб, кетидан тираб қўйиш учун бирон нима қидириб, атрофга аланглади. Чоғроққина хона. Бир томонда реакторга олиб борувчи залворли кўрғошин эшик, иккинчи томонда дераза бор. Бор-йўғи шу.

Пид Кўчиргичга қаради. Титраш етарлича. Ниҳоят, у мақсадига етишди. Бу ерда Кўчиргич реактордан қувват тортиб олиб бемалол ишлайди. Фақат уни ишга тушириш керак.

Бироқ нега уларнинг бари қочоққа айланишган? Пид иккиланарди. Барча гломлар шаклсиз туғилади, бу ҳақиқат. То улғайгунча ва турли табақаларга тегишли ажодлари шакли берилмагунча гломларнинг болалари аморф ҳолатида бўлади. Бироқ Эркин Шакл...

Пид имкониятларини чамалаб кўраётганди. Ҳеч бир тўсиқсиз истаган шаклга кириши мумкин. Бу жаннатмонанд сайёрада у барча ниятлари ва орзусини амалга ошира олади. Кимга айлангиси келса – айланади, ниманинг шаклига киришни истаса – киради. Бу ерда ёлғиз ҳам қолиб кетмайди. Бу ерда бошқа гломлар ҳам Эркин Шаклдан лаззат олишмоқда.

Одамлар эшикни буза бошладилар. Пид ҳалиям танлай олмай иккиланарди. Нима қилсин? Эркинлик...

Пид эркинлик ўзи учун эмаслигини алам билан ўйларди. Овчи ёки Мутафаккир бўлиш осон. У эса – Учувчи. Парвозлар – унинг ҳаёти, унинг шавқи. Парвоз билан бу ерда қандай шуғуллана олади?

Албатта, Одамларда ҳам кемалар бор. Одамга айланиб, бирорта кемани излаб кўриш мумкин...

Йўқ, ҳеч қачон. Дарахт ёки Итга айланиш осонроқ. Ҳеч қачон ўзини Одамдек кўрсатмайди.

Гумбурлатиб уришлардан эшик зирилларди.

Пид Кўчиргични ишга тушириш олдидан сўнгги бор сайёрага назар солиш учун дераза олдига келди ва деразадан ташқарига қаради-ю, ҳушдан кетиб йиқилишига бир баҳя қолди.

Бу ростдан ҳам ҳақиқатми? У Жернинг бу сайёрада истаган ниятни қондириш учун етарлича шакл, ҳаёт кўринишлари бор, дея тўлқинланиб гапирганида нимани назарда тутганини даставвал тушунмаган экан. Ҳатто унинг, Пиднинг ҳам орзусини амалга ошириш мумкин экан! Учувчилар табақасининг парвоз қилишга бўлган кучли истагини ҳам.

Пид ташқарига яна бир бор назар солди-да, Кўчиргични полга улоқтирди. Асбоб чил-чил синиб, ҳар ёққа тарикдек сочилиб кетди.

Эшик очилаётган пайтда эса у деразадан учиб чиқаётганди.

Одамлар дераза томон отилдилар. Дераза ортидан каттагина, оппоқ қуш ҳавога кўтарилди. У қанотларини сал беўхшовроқ қоқарди. Аммо қушнинг ҳаракатлари тобора аниқроқ бўла борди ва у узоқлашиб бораётган қушлар галасига етиб олишга ҳаракат қила бошлади.

**Рус тилидан Нурпўлат НУРҚУЛОВ таржимаси**





**Баҳром РЎЗИМУҲАММАД**

## КЕРАКАМ БЎЛАММ САОДАММ

Ўзбек шеъриятининг замонавий дунёдаги олтин даври XX асрнинг 80-90 йилларига тўғри келади. Бу ўн йилликда эстетик заминимиз хаёл қилиб кўрганамиз – нотаниш ранглар эвазига бойигандан-бойиди. Жумладан, Шарқ мумтоз шеърияти анъаналари, XIX аср рус назм топилдиқлари, европача экспериментлар кетма-кетликда, узвийликда пайдо бўлиб, миллий адабиётимизда томир ёзди. Ана ўша жараёнда ҳаваскорлар шеърияти кўзга аниқ-тиниқ кўринмасди. Бугун аҳвол бир қадар ўзгарди. Шоир Усмон Азим таъкидлаганидек, бугун профессионал шеърият пайсаиб, ҳаваскорлар шеърияти гуллаб-яшнамоқда. Эҳтимол бу танаффуслар оралиғидаги бўшлиқнинг ўз ҳолича тўла бошлашини белгилар? Инчунин, ўша тўқсонинчи йилларнинг суронли шеърияти инерцияси аҳён-аҳёнда ялт этиб кўриниб тургани ҳам бор гап.

Жорий йилда «Шарқ» нашриёт матбаа акция-дорлик компанияси Сирожиддин Рауфнинг «Сиз менга кераксиз» номли салмоқли бир шеърий китобини босмадан чиқарди. Айтиш жоизки, бу китоб тасвир кўлами жиҳатидан биз урғулаётган давр манзараларини эсга туширади. Ҳақиқатан, Сирожиддин ўша давр тошларида қаламини обдон чархлаган: туркум шеърлари «XX аср ўзбек шеърияти антологияси»га киритилгани ҳам бежиз эмас. Аммо, у нуфузли антологиянинг бошқа муаллифларидан каммаҳсуллиги, камсуқумлиги билан алоҳида ажралиб туради. Иккита тўплами чоп этилган экан – бу китобларини ўқиган эмасмиз. Бинобарин, уч минг нусхада ёруғлик юзини кўрган «Сиз менга кераксиз» тўплами назмнинг асл мухлислари – шеърни соғиниб ўқийдиган шинавандаларга зўр қизиқиш пайдо қилиши табиий ҳол.

Китоб анъанавий мавзуларда битилган иккита шеър билан ибтидо топган. Буларнинг бири – «Ватан», иккинчиси – «Шаҳрисабз қўшиғи». Шеъриятимизда вазият тақозоси боис қўб ва хўб ишланган бу мавзуларда ҳам шоир бошқалар қўлламаган усулларга мурожаат этади:

*Ўтмишнинг турфаранг қабатларига  
Ўйларим бош уриб, қақшайди ёдим:  
Ер шарин мана шу сарҳадларига  
Илк бор туғ қадаган қайси аждодим?*

Шеър муаллифи ҳаммага таниш иборалар воқеасида Ватанни мадҳ этмасдан, шу муқаддас тушунчанинг мозийдаги илдизларига нигоҳ қаратади. Тарихий шахсларга таъриф бермасдан, уларни ҳаракатда тасвирга кўчиради. Бу хусусият анчайин одатланиб қолганимиз – ватанпарварлик мавзуси уфқларини кенгайтиради:

*Қонлар силқиб оқди, бағринг доғлади,  
Мазлумлар охи-ю қилч жарангги.  
Улуғ савашларга чорлаб боғлади,  
Соҳибқирон Амир Темур ярангни.*

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, муаллиф олдиндан тахмин қилиш мумкин бўлган осон қофияларни қўлламайди. У ишлатган қофиялар кутилмаганлик фазилати боис шеър сеҳрини, жозибадорлигини оширади:

*Жоҳиллар фош этди йўғу борингни –  
Энг ёвуз ғанимдир ғофиллик асти.  
Тупроғингни топтаб, талаб зарингни  
Бостириб келди-ку қизил алвасти.*

«Асти»га «Алвасти»ни қофиялаш шеъриятимизда кузатилмаган. Муаллиф чайналган «Шўро» сўзи ўрнига «Қизил алвасти» образини танлабдики, бу танлов шеър залворини янада кучайтирибди.

«Шаҳрисабз қўшиғи»да асосан фикр салмоғига эмас, балки оҳангга диққат-эътибор қаратилган. «Темур қурган Оқсаройсан, шаҳри Кеш, Гўзалликда тоқ саройсан, шаҳри Кеш» сингари оҳангги ёқимли мисралар шеърни шунчаки ўқилишига йўл қўймайди. Айнан шу мавзуда битилган «Кўк гумбаз» шеъри матндаги руҳ боис ўзгачалик касб этибди. Яъни шоир бу шеърни ўй шаклида қоғозга муҳрлаган:



*Шарафга гувоҳсан, хўрликка гувоҳ,  
Барчасин ўйласам, шошади ақлим.  
Мўминлар тилидан тушганда Оллоҳ,  
Илк бор кўчиб тушган гиштларинг балким.*

Астойдил ўқиган шеърхон бу битиклар обидага қараб туриб ёзилганини тез пайқайди. Ва ўша обиданинг безаклари борасида ҳам муайян тасаввурга эга бўлади. Охирги икки мисрада «тушмоқ» феъли икки хил маънода қўлланилган. Биринчиси – сўзни тилга олмаслик, унутиш. Иккинчиси эса обиданинг ўпирилиши: гиштнинг қулаши. Бу икки ҳолатни умумлаштираркан, муаллиф эътиқоднинг сустиги жа-воҳирга тенг обидалар нурашига ҳам сабабчи бўлади, деган хулосага келади. Бинобарин, битта мавзуда учта шеър ранг ва руҳ айрочалиги туфайли мотивни такрор этмайди. Айнан шу хусусият поэтик – тил янгилиги эски мавзуларни жонлантиради.

Сирождидин Рауф – табиатан лирик шоир. Ишқ-муҳаббат, табиат мавзуларида қалам сураркан, ўзининг захирадаги маҳоратини кўрсатади. Очилади. Ватан мавзуидаги жиддийлик латиф, ўйноқи оҳанглар билан алмаши-нади. Зотан, унинг назмида мусиқа ва бўёқ бир маромда уйғунлашади. Худди ўша жиҳатлар боис баъзи битиклар устоз Рауф Парфи қаламини эслатади. Лекин бу орада тақлидни кўрмаймиз. Сирождидин ўзини ўзи ва бошқа салафларини такрорлаб қўйишдан чўчибми, шаклни тез ўзгартиради. Балки, болаларбоп шеърлар битгани ҳам шу хусусият билан изоҳланар?

Бу авлод орасида поэтик тилни биллурдек силлиқ қилиб ишлайдиган шоирлар оз. Сирождидин ҳар битта сўзнинг мусикийлигидан ташқари шаклига ҳам эътибор қаратади. Айниқса, сонетларида:

*Офтоб ғамзасида мужда кўринур –  
Рўёни чилпарчин қилган ҳақиқат.  
Сен – кўнглим кўшида кўхлик кўҳинур,  
Ўнгимми-тушимми, тарк этма фақат?*

Муаллиф сонет матнидан келиб чиқадиган маънони сақлаган ҳолда шакллар ўйинига тартиб берган. «Кўринур» – «Кўҳинур» қофиясига эътибор қаратайлик. Учунчи мисрадаги «Сен»дан ташқари тўртта сўз «К» ҳарфи билан бошланади: «Ғамза», «Чилпарчин», «Тарк» каби қаттиқ эшитиладиган сўзларнинг бир бурчагида юмшоқ эшитиладиган: «Ўнгимми-тушимми» жумласи турибди. Бундай шаклий ўйинларни шоир кўп битикларида муваффақиятли қўллайди. Чунончи, бу парча олинган сонетдаги: «Хаёлинг ҳабибим то тонгга довр», «Ундан юз ўгирмак хурофот, бидъат», «Ошиққа ҳамиша тахайюл раво», «Ишқсиз умр ғариб, диллар бенаво», «Мудом ўйимдасан, илоҳий талъат?» мисралари якка ҳолда ҳам тушунарли ва

нафис. Бу янги изланишлар шоирда ифодани имкон қадар нозиклаштириш салоҳияти мавжудлигини тасдиқлайди. Бундай нозиклик ўқувчи идрокига хуш ёқади. Умуман, унинг ҳеч бир битикларида ғадир-будурликни кўрмайсиз. Ўша нафисликни бир хилда такрорламайди. Шу баробарида мотив хилма-хиллигига эришади ҳам:

*Илдизман, шохлари гарчи ям-яшил,  
Ўзи эса ҳануз сувга етмаган.  
Мен ўша, алҳазар, парча кўргошин,  
Ўқ бўлиб кўкракка, шукр, ботмаган.*



Ушбу тўртлик уч бўлақдан иборат «Кўнгил манзаралари» сарлавҳали шеърдан олинган. Шеърдаги кўнгил туйғулари очиқ ҳолатда ифодаланмаган. Рамаз – тимсоллари воситасида умр ҳикмати талқин этилади. Шунингдек, образлари ҳам «ярқ» этиб кўзга ташланмайди: ғира-ши-раликдаги манзаралар ненидир сўзлаётгандай туюлади. «Камал-лак нурлари инган шаршара, Чўқ-қилардан учиб «бир гўзал синди», – деб ёзади шоир. «Оҳиста-оҳиста синади оғоч: Сим-сиёҳ тун ичра сингади унлар» деб ёзади. Бир кам дунё армони – кўнгилнинг бот-бот синиб туриши шу зайл кўркем бўёқларда, таскин берувчи оҳангларда ўз аксини топган. Пировардида, муаллиф умр ҳикматидан улкан маъно ахтармайди, шунчаки, курашлардан ҳайиқмаслигини ранг орқали ҳикоя қилиб ўтади:

*О, яшил туйғулар, бор бўлинг ҳар дам,  
Ал-омон, ал-омон, минг бор ал-омон!  
Теграмда хазонрез қаҳ-қаҳ урса ҳам,  
Барибир мен тинсиз яшилланаман...*

Шеърда фалсафа бўртиб кўринмайди, тасвирлар ўзаро туташиб, ўқувчи онгига неларнидир уқтиради. Бунақа усул Шарқда очиқ фалсафий фикр айтиш тури сифатида воқеликка кўчган тўртликларида ҳам учрайди:

*Кўкламни ҳис этиб, майса ниш бўлди,  
Ёз ўтди, куз ўтди, тағин қиш бўлди.  
Хаётинг тонгида шомингни ўйла,  
Дунёга келдингми, бўлар иш бўлди.*

Дафъатан гап нима ҳақида бораётганлигини англай олмайсиз. Фикр этиб тушунасизки, инсон таваллуди – «бўлар ишнинг бўлиши». Яъни, таваллуд – банда ихтиёридан ташқаридаги амал. Шу боис турмуш ўйинларига у қадар эътибор қаратмаслик жоиз. Тонгда шомни ўйламоқ – ўткинчи умр ҳақида ўй сурмоқ. Яна бир сатрларида муаллиф ўша мулоҳазаларини давом эттиради: «Бу бедод фалакнинг иши кўп жумбоқ: Манзиллим ноаён, отни қичарман».

Ҳаёт – абсурд, аммо, Оллоҳ бино этган гўзалликлардан шодланмоқ лозим, қабилдаги эски фалсафа кўп тўртликларда янгича шаклда ифода этилади. Умуман, шоирнинг фалсафага мойиллиги ҳар битта тўртликда намоён бўлиб турибди. Лекин, бизнингча, «Шуурдаги чақинлар» дея номланган кундалиқдаги қайдларга ўхшаш туркумни китобга киритиш шарт эмас эди. Туркумда: «Қанча кам ухласанг, шунча кўп яшайсан», «Қонунни дўст тутган ҳар инсон: Ҳаётда қоқилмас ҳеч қачон» сингари жўн сатрлар бошқа шеърларга хос сирлиликка кўланка ташлаётгандек бизнинг наздимизда. Аммо, китоб охиридан ўрин олган «Болажонлар саҳифаси» идрокка дам беради: шоир иқтидорининг бошқа қирраларини очади. Бу бўлим ўн уч шеърдан иборат ва ундаги шеърларни болалар ҳам, катталар ҳам завқланиб ўқишлари мумкин. Айниқса, «Ғалати мусобақа», «Маймуннинг ҳикояси», «Тулкининг ҳикояси», «Ҳимоя», «Ялқов мушук» сингари шеърлар бетакрор усуллар қўлланилгани боис ўқувчини қизиқтиради.

Китобдаги энг чиройли шеърлардан бири – «Сиз менга кераксиз» шеъри. Бу шеър сарбаст вазнида битилган. Шакл ҳам бошқача: қисқа-қисқа мисралар ҳар бандда тутшиб, яхлитлик касб этган:

*Кимлигимни*

*ўзим биламан,*

*қўймади*

*Сизни-да яхшироқ билмоқ истаги*

*кўнглингизга юришлар қилдим.*

Оҳистагина воқеликка кўчаётган нутқ каби янгарайдиган сатрларнинг ҳар бандда туташуви, умуман, ҳар битта банднинг пировардида тутшиб яхлитлик касб этиши шеърдаги эҳтиросли руҳни янада кучайтиради. Бу шеърни ўқувчи чуқур ҳис этсагина кўнгил мулкига айлантириши мумкин. Умуман олганда, «Сиз менга кераксиз» илк сатрининг китобга ном сифатида танланиши ҳам бежиз эмас. Шоир севиклисига, ўқувчиларига керакли бўлишни хоҳлайди. Ўзи эътибор қиларкан, бошқалардан-да эътибор кутади. Зотан, шоирнинг жамиятга кераксиз бўлиши – фожеа. Керакли бўлиш саодати эса унга руҳ бахш этади, қаламини ичдан нурлантириб туради.

Демак, кўлимизда яхшигина китоб турибди. Кирилл ва лотин алифболарида босмадан чиқарилган. Қалин муқовалик. Аммо, китоб дизайни ичкаридаги мазмунга у қадар мос эмас. Муқовадаги тасвир ниҳоятда анъанавий. Ўқувчи эътиборини тортмайди. Ҳарфлар ҳам шунга яраша. Муқова ортида муаллиф суврати. Қачонгача биз бу қадар сунъийликка амал қилиб яшаймиз? Европа нашриётларида босилган китобларга бир қур назар ташланг. Муқовадаги тасвирга, дизайнига, умуман, ҳар битта белгига инсоннинг ҳаваси келади. Албатта, юқоридаги камчиликлар муаллифга тегишли эмас. Аммо, унинг ҳам бу жараёнда қатнашишга ҳаққи бор эди. Эндиги китобларини тайёрлашда Сироҷиддин шу жиҳатларга ҳам эътибор қаратса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Барибир, уни ажойиб бир китоб билан қутлаймиз.





Наргиза АБДУЛЛАЕВА



## КИЧИК ҲИКОЯЛАР

### ЧҰҚҚИДАГИ НИГОҲ

Сен ҳеч қишлоғимизга келганмисан? Келмаган бўлсанг керак-а? Ана бизнинг қишлоқ — тоғлар, дарёлар билан ўралган, қутидек-қутидек уйлар билан тўлиб-тошган. Мен ҳозир қишлоқ теграсидаги энг баланд чўққида туриб, ҳамқишлоқларим ҳаётини кузатаяпман: анави сочлари узун, кўзлари қисик қиз — Чаманой, доимгидек аср маҳали ҳовлисини чиннидай қилиб супуришни бошлади. Бир сурув кўйларни ҳайдаб келаётган, соқоллари оппоқ озғин чол — унинг бобоси. Жуда инжиқ чол, ҳамма ундан ҳайиқиб туради. Анави деворлари оқланган бино бизнинг мактаб, яқинда таъмирланди, ҳатто ҳали бўёқ ҳиди ҳам кетмаган. Мактаб ҳовлисини тўлдириб қийқириб юрган болалар — менинг дўстларим. Улар болаликнинг энг бахтли палласида...

Паҳса деворли уйлардан бири бизники. Ҳовлидаги чорпояда онам кўрпа қавиш билан овора. Ёнларида укам бешиқда ётибди, дам-бадам тамшаниб кўяди. Шунда онам бешиқ тутқичидан аста тутадилар-да, “Аллаё, алла”, дейдилар. Гўдакнинг юзига боқиб, онамнинг кўзларида сўниб қолаёзган умид қайта жонланади. Лабларига табассум югуради.

Катта қора говмишни авайлаб соғаётган, чеҳрасини олтмиш йиллик ҳаёт чизиқлари қоплаган кампир — бувим. Уларнинг орқасида думини ликиллатганча Олапар турибди. Уни кўшнимиз Соқи амаки берганлар. Ўшанда Олапар муштдайгина кучук эди...

Сувоқлари кўчган, эски намаат тўшалган, кўрпа-тўшаклари хонтахта кўйилиб, янаям катакакдек бўлиб қолган хонада совуққойни босиб-босиб ичаётган киши — дадам.

Уйимиздаги бундай рангсиз ҳаётнинг сабаби — менинг йўқлигим.

Ўшанда ёмғирли тун эди. Ҳар кунгидек отам маст ҳолда гандираклар кириб келдилар. Доимгидек жанжал-тўполон бошланди: онам аёвсиз калтак остида, укам чириллаб йиғлайди, бувижоним “ҳай-

ҳай”лайди... Мен эса бир четда биқиниб ўтирибман. Уқиндим, бола қалбим ғам денгизига чўкиб кетди. Юрагимни алам ўртади: “Нега бизнинг оилада шундай?”. Кейин кўримсиз, файзсиз ҳовлимиздан узоқлашдим. Чопдим, жон-жаҳдим билан югурдим. Тўхтасам гўё юрагим ёрилиб кетадигандек тинимсиз чопдим. Ва мана шу чўққида чиқдим. Ёмғир ҳамон куяр, оёғимга ёпишган палахса-палахса лой мени куч билан пастга тартаётгандек эди. Зимистон қаърида опис-опислардаги яккам-дуккам чироқларнинг хира шуъласи кўзга ташланади, холос.

Аламданми, кўрқувданми, ўкириб йиғладим. Шаррос ёмғир овозимни босиб кетди. Юрагимни бўшатиб, ортага қайтмоқчи бўлиб қадам босгандим, оёғим тойиб жарликка қуладим. Бошим нимагадир қаттиқ урилди... Оғриқда алаҳсиб узоқ ётдим. Кейин бирдан оғриқ тўхтаб, енгил бўлиб қолдим, ҳатто учиб кетдим.

Ҳозир ҳаммаси яхши. Қишлоғимиз тинч, қалдирғочлар учиб юрибди. Онамнинг юзида табассум, отам ўнганган. Мен эса... Мен эса ҳар куни қуёш чиқиб ботгунга қадар шу қоя лабида уларни кузатаман. Айтдим-ку, онам шод, бувим омон, отам инсофга келган... Фақат мен йўқман.

### ЯШИЛ ШИППАК

Қизалоқ Янги йил тонгида Қорбобонинг келишига қаттиқ ишонарди. Қорбобо келишига умиди сўнганида эса у беш ёшда эди...

Янги йил кириб келишига саноқли кунлар қолди. Уй ям-яшил арча ва турли рангдаги зарлар билан безатилган. Ташқарида қор гупиллаб ёғар, тонг ёришиб кетганди.

— Қизим, турақол, — деди онаси қизининг хонасидаги деразанинг қалин пардаларни очаркан.

— Ойи, боғчага бормаيمان-ку, — кўзларини базўр очиб ғашлик қилди қизалоқ. Онаси қизининг феълени яхши билади: койимагунча ўрнидан турмайди. Лекин эрталабдан дили хира бўлишини истамади.

– Турмайсанми?! Билиб қўй, қорбобо уйқучи болаларга совға олиб келмайди.

Қизчанинг кўзлари ярқ этиб очилди.

– Вақтли уйғонсам келади-а?

– Ҳа-да, сен ухлаб ётаверсанг, “Бе-е, бу қиз уйқучи, дангаса экан”, демайдимми?

Қизалоқ кўрпасидан сирғалиб турди. Бу ёлғон Янги йил келгунча ҳар тонг, ҳар юмушда онасига қўл келди. Ва ниҳоят, Янги йил тонги ҳам отди. Бироқ онаси кечаги ўйин-кулгидан чарчаб, кеч ухлаган қизини уйғотмади.

Қизалоқ кун чошгоҳга яқинлашиб, ташқаридаги қор шитоблаган пайтда уйғонди. Уйғондию пушти гулли шиппагини илиб, онасининг ёнига чопди.

– Ойи, ойижон, Қорбобо келмадимми?! – йиғламоқдан бери бўлиб сўради у.

– Келди, ухлаб ётганинда хафа бўлиб кетиб қолди, – онаси пинагини бузмай жавоб берди.

– Нега уйғотмадингиз?! – қизалоқ энди йиғлай бошлади. Наҳот кетиб қолган бўлса! Ахир шунча кун умид билан кутганди-ку! Ҳатто ҳеч кимга билдирмай қорбобо учун расм чизганди... Унинг умидлари пучга чиқди, ишончи сўнди. Кўз ёши тиндию, аммо юрагида ўкинч қолди.

Келаси йили Янги йил тонгида ухлаб қолмади. Арча безатилган хонага кирди-да, беркиниб олиб Қорбобони кута бошлади. Ниҳоят “шитир-шитир” овоз эшитилди. Хонага яшил шиппакли Қорбобо кириб келди. Қизча унинг фақат оёқларини кўриб турарди холос. Яшил шиппакли “қорбобо” совғаларни қўйиб, чиқиб кетди. Қизалоқ негадир Қорбобони салобатли, қора этикли бўлади деб ўйларди. Бироқ...

Қизча совғани очиб кўрди, аммо бу ҳар кеча осмонга қараб тилаган нарса эмасди. Энг қизиғи эртаси куни бўлди: қизалоқ худди ўша яшил шиппакли онасининг қаравоти остида кўрди...



**Жамила БОНУ**

## Хаёл дарёсида сузаман сокин

### СОҒИНЧ

Қўлларим узатсам етмайди сенга,  
Кетиб бормоқдасан, қаён, қай томон?  
Мен эса пажмурда вақтнинг қўлида,  
Сенинг хаёлинг-ла яшайман ҳамон.

Наҳот энди бу кун барчаси унут,  
Соғинчдан ўртанар сенсиз бу қалбим.  
Соҳир кечаларда тушларим аро,  
Исмингни шивирлаб қўяр аллаким.

Майли, қайда бўлсанг ҳам мудом,  
Сен, тарк этмасин меҳру муҳаббат.  
Энди сендан, севгим, сўнги илинжим,  
Менинг ёнишларим унутма фақат.

### ТУШ

Кўзларимни юмсам бўлар намоён,  
Кўзларимни очсам ҳаммаси рўё.

Хаёл дарёсида сузаман сокин,  
Сен билан ёнма-ён юргандек гўё.

Қани тугамаса бу ширин тушлар,  
Шамолларда етса сенга бу дилроз.  
Балки бу ширин туш ушалгай бир кун,  
Балки ҳаётимда бўларсан ҳамроз.

### ЮПАНЧ

Қалбим истар бир юпанч,  
Меҳр ва ширин калом.  
Бироқ бу инжа туйғу,  
Менга етганда тамом.  
Бироқ менда умид бор,  
Меҳр бор, муҳаббат бор.  
Шунинг учун умримда,  
Маъно бор, моҳият бор.





**Шоира ДОНИЁРОВА,**  
филология фанлари номзоди

## ЭҶИМ МААҚУЛЛАР

Омон Мухтор романлари ўзининг янгича мазмун ва тасвири билан ажралиб турмоқда ва кейинги давр романчилигида турли баҳсларга сабаб бўлмоқда. Унинг «Минг бир қиёфа» романида тасвирланган воқеалар узок ўтмишдан тортиб то қиёмат қойим бўладиган давргача бўлган улкан давр ва жараённи ўз ичига қамраб олган бўлиб, у қахрамон тилидан ҳикоя қилинади. Мана шу ўтган, ҳозирги ва келаси замонларни ўз ичига олган жуда катта давр биргина инсон қисматида бир бутун ҳолда жамланган тарзда бадиий акс эттирилади ва бизнинг замондошимиз бўлган бу кишининг ғоят чигал тақдирдан нусха олинади.

Адибнинг «Минг бир қиёфа» асаридаги биринчи ҳикоя «Тутқун» деб номланган. Асар мазмуни сарлавҳадан ҳам маълум бўлганидек, қахрамоннинг тутқун бўлишини тасвирлаш билан бошланади. Бу ҳикояни ўқиш жараёнида янги талқинни учратамиз. Унда инсонга таниш бўлмаган, оддий воқеадек бўлиб кўринувчи ҳолатлар талқини анчайин ишонарсиз ифодаланган. Асар қахрамони ярим тунда маст ҳолда нотаниш машинага ўтиради. Қараса, машина шофёрсиз бошқарилаяпти. Бунинг устига машина номаълум томонга қараб кетаяпти. Қахрамон анчайин сархуш-бўлишига қарамасдан, шуларни билиб туриб онгли равишда мушоҳада ҳам қилиб боради. Лекин бўлаётган воқеаларга бефарқ қарайди. Нима бўлса бўлар, менга нима, қабилда иш тутиб, ҳатто ўз тақдирига ҳам беътибор бўлади.

Ҳўш ўйлаб кўрайлик, шундай бўлиши мумкинми? Қахрамон, ёзувчи айтганидек, у даражада анди ҳам эмас, у таниқли шоир, кейинги воқеалар давомида биз бунинг гувоҳи ҳам бўламиз.

Адиб тасвирлаган қахрамон Абдулла Ҳаким таниқли ижодкор, у бошқа ҳеч нарса билан эмас, шу машинанинг шофёрсиз бошқарилаётганлиги билан қизиқади. Ёзувчининг топиб айтган янги гапи ҳам ана шунда кўринади. Яъни, одамни ўғирлашнинг, яна ҳам аниқроғи одамнинг ўзлигидан олисларга олиб кетилишининг янги усули ҳақида сўз бораётганга ўхшайди. Бундай олиб қараганда, фан-техника ривожланган даврда ердан туриб ойдаги фазовий кемани бемалол бошқараётган инсон машинани ҳам шофёрсиз бошқариши мумкин-ку! Қолаверса, бу келажақда амалга ошиши мумкин бўлган хаёлий тўқима ҳамдир.

Жамиятда ҳар хил мақсад ва маслак йўлида яшаётган турли тоифага мансуб кишилар борки, улар орасида

бойлик ва мартабага эга бўлиш учун, ўз истакларини амалга ошириш йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиганлар ҳам учраб туради. Бундайлар ўз режаларини амалга оширишда инсон ҳаётига хавф солишдан ҳам қайтмайдилар. Бундай тўдаларнинг ашаддий душмани ҳақиқатпарвар ва ҳалол кишилардир.

Асарда тасвирланган қаримсиқ кўса, қош-киприги рангсиз, сочи устарада қирилган кимса чўтир, ғилай киши образлари ҳаётда келажак учун яхши ном қолдирмай, қинғир-қийшиқ ишлари билан кўпчиликнинг нафратига сабабчи бўлган тўдаларнинг тимсоли сифатида бадиий талқин қилинган. Уларга қарши курашувчиларнинг тимсолий қиёфаси эса Бурхон Шариф ва Абдулла Ҳаким образларида мужассамлаштирилган. Инсон дунёга бир марта келади, ана шу берилган имкониятдан ҳар ким ўзича фойдаланади. Дейлик, бировлар ўзининг эзгу ишлари билан яхши ном қолдириб, инсон деган шарафли номга эга бўлса, баъзилар ёвузликлари билан одамзотга иснод келтиришади. Асарда ана шу муаммога ҳам эътибор берилган. Хусусан, Абдулла Ҳаким ўзга бир шахсга қиёфадош, яъни ўхшаш бўлгани учун унинг ўрнига ваҳшийларча ўлдириб юборилади. Аслида эса унинг ҳеч қандай айби ҳам, заррача гуноҳи ҳам йуқ эди. У ўзининг ана шу қисқа ҳаёти давомида бирор марта ҳам ёлғон гапирмаган, кишининг ҳақиға кўз олайтирмаган, хиёнат кўчасидан юрмаган, ўғирлик нималигини билмаган, беғона аёлларга ҳирс билан қарамаган покиза одам эди. Бундай олиб қараганда, мусича-ю беозор ва беғуноҳ шоир. Ёзувчи уни ҳар қандай иллатлардан холи қилиб тасвирлаган.

У бу дунёда якка-ю ёлғиз, уй-жойсиз, қорни тўйиб овқат емай, усти ҳам юпун ҳолда яшаган. Бунинг устига муҳаббат борасида ҳам омади чопган эмас. У бу ёруғ дунёда роҳатдан кўра азоб-укубатни кўп кўрган.

Ёзувчи бу дунёда кўп такрорланадиган жаннатий одамнинг қиёмат кундаги азоб уқубатларини, аҳволини тасвирлайди. Бировнинг, яъни Бурхон Шарифнинг номи билан ўлдирилган ва дафн этилган Абдулла Ҳаким у дунёда ўзи учун жавоб беради. Яъни бу дунёдан биров учун нариги дунёга рихлат қилган бўлса-да, у дунёда ўзи учун ҳисоб беради. Натижада дўзах азобини кўриб, оғир жазога мубтало этилади. Сўнгра жаннатга, яшил водийга ўтади.

Унинг гуноҳи бу дунёдалик вақтида ароқ ичганлиги ва муҳаббатда омади юришмаганлиги боис тушқун кай-

фиятда тирик мурдадек яшаганлиги, унга берилган имкониятлардан фойдаланмай дунё завқ ва шавқини унутганлиги, ўзига ва атрофидагиларга нисбатан бефарқ бўлганлиги, қалаверса ёлғиз ўзи умргузаронлик қилиб ёлғиз яшаб юрганлиги, ўзлигини англай олмаганлиги учун жазоланади.

Китобхонда ёзувчи бу билан нима демоқчи деган ҳақли савол туғилади. Бизнингча, адиб инсон Оллоҳга шукр қилишни ҳам билиши керак, демоқчи. Оллоҳ синовларига чидаш билан биргаликда инсон ўтган вақти учун эмас, келгусида келади деган дақиқа ташвишида ҳам яшаши керак. Зеро умрнинг ҳар бир дақиқаси ғанимат, шу боис адиб асаридан бу дунёнинг ўзи ғаниматлигини ўқувчига эслатиб қўйишни ўз олдига мақсад қилганга ўхшайди.

Ҳикояда тасвирланишича, сафардан қайтиб келган Бурхон Шариф Абдулла Ҳакимнинг қабрига ёдгорлик ўрнатади. Ўзи учун жон берган бу бегуноҳ кишининг руҳи олдида абадул-абад қарздор эканлигини ўйлаб, унинг номини абадийлаштириш чораларини излайди.

Асардаги иккинчи ҳикоя мана шу ниятнинг амалга ошмай қолганлигини тасвирловчи лавҳа билан бошланади. Ёзувчи бу ҳикоясига «Олисидаги одам» деб сарлавҳа қўйган. Лекин бу ҳикояда тасвирланган воқеалар аввалги ҳикоядаги сюжет тизимининг бевосита давоми эмас, яъни ҳар икки ҳикоя воқеалари бир-бирини тўлдирмайди. Асарда бутунлай янги тасвир ҳукмронлик қилади. Асарнинг ўқ қизиғи ҳам бошқа йўналиш бўйлаб боради. Бунда Садиржон ва унинг севгилиси Гулҳумор тақдири билан замон руҳининг муштарак бир уйғунлигининг бадиий ифодасини кўрамиз. Садиржон шифокор ва ошиқ. Асарнинг бошидан охиригача у шундайлигича қолади. Ўзи ва ўзгалар ҳаёти ҳамда қисмати учун ҳеч нарса қилмайди. Тасвирдаги воқеалар унинг хотираси орқали рўёбга чиқади. Гулҳумор эса шўро сиёсатининг иллатларини аёвсиз фош этувчи образ. У «Тарих маданият» деб номланган бир ташкилотда ишлайди. Шўролар ҳукумати сиёсати даврида миллий кадрятлар, урф-одатлар, миллий анъана ва маънавий бойликлар имкон даражасида йўқ қилинишига маҳкум этилган эди. Бунга асосан маҳитлар, мадрасалар, авлиёлар қабри, зиёратгоҳ жойларнинг бузилиши, ота-боболаримиз сув ичган муқаддас чашмалару, зилол сувли қудуқларнинг йўқ қилиниши учун саводсиз ва манкурт кишилар қандай хизмат қилганлиги, қанчалик «жонбозлик» курсатганлиги Гулҳумор образи орқали ёрқин бадиий бўёқларда тасвирланган. Гарчи бу мавзу янгилик бўлмаса-да, ёзувчи янги бадиий шакл ва янги поэтик талқинда бу мавзунини ўзига хос тарзда ёритади, адиб маҳоратини намойиш этадиган ўринлар кўп учрайди. Асарда бугунги кунда жамиятдан узилиб қолган, узоқ; саҳрода жойлашган тўққиз қаватли мрамор бино фаолиятини давом эттираётганлиги тасвирланган бўлса-да, ўша тўққиз қаватли бино ичидагилар ўзларини бамисоли жамиятнинг фидойилари қилиб кўрсатадилар. Аслида эса уларнинг замони аллақачонлар ўтиб кетганлигини адиб очиқ-ойдин кўрсатиб берган. Чунки бу бино шаҳардан бир кунда йўқ бўлиб қолган. Лекин шаҳар марказидаги шундай маҳобатли бир бинонинг бирдан йўқ бўлиб қолганлиги Садиржондан бошқага билингани йўқ. Чунки бу бинода фаолият кўрсатаётганларнинг бугунги жамият ҳаётида ўрни йўқ эди, Садиржоннинг изтироблари бу бино ва унда фаолият курсатаётган ташкилотнинг ғойиб булганлиги учун эмас, балки севгилиси Гулҳумордан ажралиб қолганлиги учун юрагини кемираётган

айрилиқнинг исёни эди. Орадан анча вақт ўтгач, асарда тасвирланган воқеалар силсиласида яна Бурхон Шариф пайдо бўлади. Гулҳуморнинг қўлига Абдулла Ҳакимнинг шеърлар дафтари тушиб қолган эди. Ана шу дафтардаги шеърларни ёдлаб юрган Садиржонга Бурхон Шариф ёрдам қўлини чўзади. Натижада севгилисининг васлига етишдан умидини узаётган Садиржон у билан дийдорлашади. Аммо Ватан, юрт, миллат, эътиқод, муҳаббат ва садоқат каби инсоний туйғулардан тамомила мосуво бўлган бу қиз йигитнинг дарду аламлари ва изтиробла-

ридан кўра ўзи учун муқаддас деб билгани — ўша тўққиз қаватли бинодаги тор муҳит қобиғини ёриб чиқолмайди. Ёзувчи мана шундай образни тасвирлаш орқали ўз миллати дардидан кўра ўз шахсий манфаатларини устун қўйган манкурт кимсаларни фош этиш билан бирга бугунги кун ўқувчисини ҳам маънавий комилликка ва огохликка чақиради.

Учинчи ҳикоя эса ўз навбатида Бурхон Шариф билан Садиржонларнинг Абдулла Ҳаким қисмати ва ижодини ёдга олишлари тасвири билан бошланади. У чинакам ижодкор, ҳақиқий истеъдод соҳиби эканлиги тан олинади. Энди Бурхон Шариф асардаги биринчи ҳикояда берган ваъдасининг устидан чиқиши учун фурсат келганлигини китобхон сезади. Лекин асар охирида оғир бетоб бўлиб қолган Бурхон Шариф ўзининг айбларини бўйнига олади. Инсоннинг ҳамиша бир елкасида Раҳмон юрса, иккинчи кифтида Шайтон юради деб нақл қилдилар. Бурхон Шариф ҳам Худонинг бир бандаси, бошқа одамларга ўхшаб у ҳам хато қилиши, гуноҳ қилиши турган гап. Унинг қалби ҳам худбинликлардан холи эмас. Шу боис Абдулла Ҳакимнинг севгилиси билан бирга яшаган Бурхон Шариф марҳумдан ўз хотинини қизганиб, ўзи учун жонини ҳам аямаган кишининг қабри устида берган вадасини бажармайди. Яъни номини абадийлаштирмайди. Натижада узоқ йиллар унутилган кишини ўз ўлими олдидан эслаб, қилган ишларининг нотўғрилигини ўйлаб, виждон азобларида қийналиб, ўз хатоларини гарчи кечроқ бўлса-да, англаб етиб, ўзининг афсусланаётганлигини Садиржонга билдиради. Ана шу билан ўзини бир оз бўлса-да, виждони олдида поклаб ҳам олади.

Асарда келтирилган Абдулла Ҳаким дафтаридан кўчирмадек киритилган Афанди латифалари, Насриддин Афанди ҳақидаги шеърлар, ривоятлар романга ёпишмаган. Китобхоннинг тишига тегиб, уни зериктиради. Қалаверса, Абдулла Ҳаким ҳаётда чиндан яшаб ўтган тарихий шахс ҳам эмас. Мабодо у тарихий шахс бўлганида ҳам ўзининг асарда тасвирланган бадиий образининг талқинига кўра ўқувчига эстетик таъсир кўрсатиши керак. Келтирилган Афанди латифалари ҳам халқ оғзаки ижодиётининг дурдоналари сирасига киради. Адиб халқ орасида кенг тарқалган бундай латифаларни айнан олмасдан, балки тасвирланаётган воқеликни талқинини янада кенгайтириш ёки персонажлар образининг тўлақонли мазмун касб этишида ўрни билан истифода этганида яхши бўлар эди. Романнинг учинчи ҳикоят қисми анча сохта ва бўш чиққанлигининг сабабларидан бири ҳам ана шунда деб ўйлаймиз. Қалаверса, бундай тасвир услуби ҳамда халқ оғзаки ижодиётига бўлган бундай муносабат ёзувчини ўз бадиий ниятидан маълум маънода чалғитганга ўхшайди.

Омон Мухтор асарларидаги ўзига хос тасвирий, фалсафий янгиланишлар адибнинг ўзига хос бадиий услубини ойдинлаштиради.



Абдулла АХМАД

## ИСТИНИ БОШҚА КҮЙМОҚЧИ

### Ҳажвия

Жонига тўзим берсин-ғей Овчибекнинг. Не бир азобларга дош бериб, бировлар шивир-шивирига қулоқ тутди. Кимдир пана-пастқамда туриб, бошлиқни ёмонлайди. “Ўлгудай очофат, жамоадаги бор нарсани юлиб-юлкиб битирди. Яқин орада қийшайиб-қинграйиб турган идора чордевориниям ямлаб ютса ажаб эмас” дейди.

Биласиз, қоровулхона гапхонанинг уяси. Овчибек шунақа долзарб янгилик топдими, дарҳол ўша ерга чопади.

“Эшитдиларингми? – дейди кўзларини шокосадай катта очиб, – Ғойиб Соипович бугун тунда идорадаги бор ашқол-дашқолни уйига ортиб кетибди. Энди хизмат машинасини ўзиники қилиш пайида эмиш!”

“Эвоҳ! – дейишади унинг сўзларини эшитганлар. – Ғойиб Соипович кўй оғзидан чўп олмаган юввош, олдидан бир қоп тилла чиқсаям четлаб ўтади дейишарди-ку!” Сўнг бир-бирларига ажабланиб қараб кўйишади: “Ё товба, одам оласи ичида, деб бежиз айтилмаган-да. Биз лақмалар, бошлиғимиз сутдай оппок, художўй, ўта инсофли, кишининг ҳақидан ҳазар қилади, деб ўтирибмиз-а!”

Бу гаплар ҳам ортда қолди. Овчибек одати бўйича кузатишларни давом эттирди. Нима, одамларнинг пичир-пичирига уззукун қулоқ тутиш, куну тун жон ҳовучлаб яшаш, шўрликка зарил дейсизми? О, зарилда! Бу кимса ғийбатсиз яшолмаса не қилсин?! Ҳа-ҳа, бу ҳам бир қисмат, тузалмас касаллик. Ул кимса, дўстими, душманими, ҳаммасининг камоли-ю, заволини зимдан кузатмаса, кўзига уйқу келмайди.

Тунов кунги гап-гаштақда элга таниқли ва обрўли кимсалар Ғойиб Соиповични бир мақташди, бир мақташди, бу мақтовларни эшитган Очилбек ҳайратдан бармоғини тишлади. “Товба, – деди ўз-ўзига. – Бечора Ғойиб Соипович шундай улуғ, сахий, қўли тоза, эй борингки, сигирнинг сутини ичмайдиган – покиза одам эканлар-у, ановилар... ҳа ўшалар... у муҳтарам

зотнинг тупроғини тўзитиб юришибди-я, муттаҳам ғийбатчилар!”

Овчибек уйига келса, уни хотини оғзи қулоғида қарши олди.

– Ҳой дадажониси, намунча кеч қолдингиз?

– Иш-да, хотин, иш...

– Ҳей, шу ишингиз ҳам бор бўлсин-ей.

Аёли ошхонадан бир чойнак чой кўтариб келди-да, қўлига шапалоқдай таклиф қоғозини тутди.

– Бугун чарчаган бўлсангиз, эртага бир яйраб дам оласиз, дадажониси. Таътилда бўлганингиз учун сизни атай уйимизга келиб айтиб кетишди. Таклифномани кимсан Ғойиб Соипович ўз қўллари билан ёзиптилар. Қоғозни олиб келган кенжатойлари айтди.

– Эй менга қара, таклифномани ростданам кенжатойлари бериб кетдими?.. Ҳа-ҳа, сен ҳақсан! Таклифномада Ғойиб Соиповичнинг ўз муборак дастхатлари. Ур-рей!..

– Бу ҳали ҳеч гап эмас, кенжалари ҳозирча ҳеч ким билмасин деб, бир хушхабар айтди.

– Хўш, нима хушхабар? Тезроқ айт!

– Гап бундай. Тўйни ўтказволиб, Ғойиб Соипович вилоятга кетарканлар.

– Вилоятга, нима учун?

– Вой дадажониси-ей, шуни ҳам сўрайсиз-а. Каттакон бошлиқ бўлиб-да!

– Яшавор, хотин! Мени беҳад хурсанд қилдинг. Айрим гапларни демаганда, у киши бизга яқин одам.

– Энди сиз ҳам вилоятга кетсангиз кераг-а?

– Шундай бўлса керак, о, маладес!

Овчибек хотини қўйган чойга ҳам қарамай, шошапиша кўчага отилди. У янгиликларни тезроқ “эгалари”га етказиши зарур. Одамлар Овчибек бошқаларга ўхшаб лаллайган, дунё беҳабар эмаслигини, ҳар нарсдан воқифлигини кўриб қўйишсин. У даставал қоровулхонага югурди. Ундан ошхонага, гузарга, борингки, барча жойга хабар етказди. Таклифномадаги ёзув шахсан

Ғойиб Соиповичнинг дастхат эканлигини қайта-қайта айтишдан чарчамади.

Эртасига тонг саҳардан тўй тараддудига тушди: “Эҳ овсар, галварс!, – деди ўз-ўзига. – Пичир-пичирларга кўшилиб, шундоқ табаррук одам ҳақида ёлғонлар тўқибман-а! Хайрият, ўзи билмайди. Агар билса!... Энди шундай йўл тутайки, у кишининг энг яқин, энг... садоқатли одамлари бўлиб кўриная. Шунда сенинг ҳам ошиғинг олчи, Овчибек! Э, гардкам!”

Овчибек Ғойиб Соиповичнинг тўйига нима тўёна қилсам экан деб роса бош қотирди: “Юз минг берсаммикин? Икки юз мингми? Эй-й-й, эрта-индин бахт юлдузи порлаб, катта амал пиллапоясида турган зот учун буям камлик қилади. Нима бўлса бўлди, кейин... мойлироқ жойга ўрнашса, ўн чандон чиқариб юборади”.

Шуларни хаёлдан кечирган Овчибек тўйга уч йилдан бери боқувда турган новвосини етаклаб борди. Тўй жуда ҳам дабдаба билан ўтди. Овчибек тиним билмай елиб-югуриб, боринги, туз тотмай хизмат қилди. Тинка-мадори қуриб чарчади. Лекин у жуда мамнун эди. Негаки, бошлиқнинг кўнглини олиб, қайта ишончини қозондим, деб ўйлаганди.

Эҳ, аттанг! Дунёнинг бор тоғу тошлари Овчибекнинг бошига ағдарилгандай бўлди. Тўйнинг эртасигаёқ... Ғойиб Соипович ишдан олинди.

Овчибек кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб олди. Ахир шундай бўрдоқи новвос сабил кетади-ю, юрак хуружи тутмайдимми? Бир ойдан сўнг ишга чиқди. Янги бошлиқ бўштовгина, камсуқум киши экан. Қўл бериб кўришди, хайрлаша туриб: “Уэр, ҳол сўрагали ўтолмадик. Неки ёрдам бўлса биздан. Ғайрат қилиб ишлайверинг”, деди.

Овчибек эски одатича иш тутди. Атрофдаги гап-сўзларга қулоқ тутишни қанда қилмади. Пичир-пичир гапларнинг бирини бекор деса, кўпини рост деб билди. Мукофот олган кунлари уч-тўрт улфат хилватда роса отамлашишди. Гап ниҳоят янги бошлиқ устида кетди.

– Эҳ, эшитдиларингми, – деди кўп йиллардан бери шу даргоҳда ишласа-да, нўноқлигидан мартабаси ошмаган шерикларидан бири, – тепада бошлиғимизнинг роса пўстагини қоқишибди. Ишни эпполмадинг, ўринни бўшат дейишибди.

– Бор-ей, топган гапингни қара-ю!

– Келганига энди бир йил бўлди-ку!

– Тепада бунга қарашмайди-да. Эпламадингми, тамом, олиб ташлашади.

Янги бошлиқ Овчибекнинг назарида уни хушламайдигандай кўринарди. Шунинг учун ичида суюниб, гапга кўшилди.

– Э, тезроқ кетса кетсин. Ҳамма ўзи ундан безиб кетди.

Шу суҳбатдан сўнг орадан бир ойлар чамаси ўтганди. Тушлиқда ҳамхоналар дардлашиб қолишди.

– Хабарингиз борми, мулла Овчибек, – деди шерикларидан бири унга сирли жилмайиб: – Каттароқ тўёнани ҳозирлайверинг!

– Нима, қанақа тўй, қанақа тўёна?

– Бошлиғимиз Асрор Сардоревич оталарининг саксон йиллигини нишонлар эканлар.

– Менга деса, – деди Овчибек аччиғининг зўридан овози бўғилиб, – оталари мингга кирмайдимми, мен тўёна бермайман. Менинг берар тўёнам йўқ!

Ҳадемай тўй куни ҳам етиб келди. Жамоа ходимлари ўртада пул йиғиб совға олишди. Бошлиққа яқинроқ кишилар алоҳида тўёна ҳам беришди. Ёлғиз Овчибек уларнинг ҳеч бирига кўшилмади. “Кўр ҳассасини бир марта олдиради, – деган сўзлар ўтди унинг дил тубидан. – Иккинчи марта олдирсам, алдансам, унда... унда отимни бошқа кўяман!”

Алданмасликка аҳд қилган Овчибек тўйга ҳам бормади. Якшанба эмасми, “оқи”дан олиб, кун бўйи уйда ётди. Ўзича “боплаганим қандай!” деб керилиб ҳам қўйди.

Орадан бир ойча вақт ўтди. Эрталаб телефон жиринглади.

“Овчибек Соқибекевич, – деди қандайдир масрур ва ошиқона овозда котиба қиз. – Тез идорага келинг!

– Ҳа... ҳаҳ... нима гап, тинчликми?

– Ҳаммаси жойида. Асрор Самадович жамоа аъзолари билан хайрлашмоқчилар.

– Нега энди... Сабаб?

– Вазирликка ишга ўтибдилар, шунга.

– Нима дедингиз, вазирликка? А, вазирликка!!!

Шу сўзларни айтarkan, ҳолсизланиб деворга суяниб қолди.

